


Тўлқин ҲАЙИТ

Вафо Маликаси

ёхуд

Амир Темур ва
Ўлжай оқа
қисмати



Тўлқин ҲАЙИТ

Вафо маликаси

ёхуд
Амир Темур ва Ўлжай оқа
қисмати

Учинчи нашри



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2018

УЎК 821.512.133-311.6

КБК 84(5Ў)6

Х 19

Асар Соҳибқирон Амир Темур ва унинг оғир кунларида ёнида бўлган рафиқаси Ўлжай Туркон оқа ҳақидадир. Шунингдек, асарда Амир Темурнинг қудратли давлат барпо этишида оқила маликаларнинг баҳоли қудрат қўшган хиссаси каламга олинган.

ISBN 978-9943-28-907-9

© Т. Ҳайит, 1996, 2006, 2018


© «O'zbekiston» НМИУ, 1996, 2006, 2018

АЗИЗ ЎҚУВЧИМ!

Яхши инсонларнинг шарофати ва кўмаклари билан мазкур китоб учинчи марта нашр бўлмокда, бунинг учун саховатпеша, заҳматкаш ноширларга миннатдорлигимни изҳор этаман. Гап шундаки, бу асар 1989–1995 йиллар оралиғида ёзилган бўлиб, у пайтларда бой тарихимиз, хусусан, Амир Темур ҳақида ҳозиргидек беҳисоб манбаларга эга эмасдик, қолаверса, ҳали тарихий асарлар битишга унчалик тажрибам ҳам йўқ эди, лекин ўқувчимга осон бўлсин, дея китобни соддарок тилда ёзишга ҳаракат қилганим ҳам бор гап. Бугун орадан йигирма йиллар ўтиб, уни қайта таҳрир этишга ҳам чоғландим, лекин кўлим бормади ва ўша пайтдаги туйғуларим, ҳис-ҳаяжонларим ва қарашларимнинг жой-жойида қолиши ўзимга ҳам маъқул кўринди, энг асосийси, ниятлар холис, яъни эзгу ишлар ва яхшиликлар инсонга қувват беради, чунончи тарихан қарайдиган бўлсак, улуг аждодлар жангу жадаллар ичидан ҳам адолат гавҳарини излаганлар; биз ҳам ўша улуг мозийнинг фақат тоза томонларидан баҳра олиб, ташна қалбимизни маънан озиқлантирмоқчи бўламизки, бу чин инсонга хос хислатлар бўлиб, одамнинг қалбини гулдай яшнади.

Мен ҳам ўша ёшлик йилларимда яхшиликлар оламига бир яхши зарра қўшмоқни ихтиёр этгандим, орзум амалга ошганидан бахтиёрман. Аммо бу ўринда мени маъзур тутинг, гап шундаки, мен бу китобда Соҳибқирон Амир Темурнинг эндигона сиёсий майдонга кириб келган пайтларини қаламга олганман. Чиндан ҳам, Амир Темур ўша пайтларда, 1360–1366 йилларда юртимизнинг оддий бекларидан бири эди, холос.

Асосий мақсадим шу эдики, халкимиз афсонавий аёл – Бибихоним ҳақида кўпгина ривоят ва ҳикоятлардан хабардор бўлганлари билан бирга, энг оғир кунларида Соҳибқирон Амир Темурнинг ёнида юрган садокатли Ўлжай Туркон оқа ҳақида камроқ маълумотларга эга эдиклар. Қолаверса, юртимизни ғанимлардан озод этишда мисолларимиз ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшганлари ҳақидаги ҳақиқатни юзага чиқариш



пайти ҳам етилган эди. Айникса, бахтимизга мустакилликка эришганимиз, менга кенг йўл очган эдики, энди бу ишни тезда амалга оширмасам, ўша кунларда виждоним олдида қийналиб қоладигандек бир аҳволда эдим. Хуллас, мен сизга бу асарни ўша ёшликдаги туйғуларим, ҳаяжонларим, қарашларимни сақлаб қолган ҳолда ҳавола этаётганимдан мамнунман, зеро бу сафар ҳам ёшликдаги кичик машқимни бир тажриба сифатида қаршилайсиз деган умиддаман.

*Сизни яхши кўрувчи
Тўлқин ХАЙИТ*

БИРИНЧИ БОБ

1

Ботаётган қуёш паркут булутларнинг оппоқ ғадир-будур кўксига зар нурлари билан қизғиш нақш солишига ҳали анча вақт бор.

Кумуш камардек товланган дарё ўртасидаги оролда дунёнинг жамики қишлари йиғилиб келмоқда, аҳли қол ҳали уйқунинг кўрпасида, қуёш ҳам «важд»нинг тавсифида, уйғонган борлиқ васл ҳуморида, ожизаларининг қалби – ворид, жазбага тушганлар ҳам бор; булбул сайраб, қалбингга лангар ташла, ринд бўласанми, тонгга қасам айт, деди, йўқса, ғаризий ҳароратга ҳам етолмайсан, ҳовлингдаги дарахтга ишонма, у қутб бўлолмайди, қутбинг йўқми, ота билан ёлғизсан, мо амкона, халойиқдан қоч, бу майдондан кўра чўлу биёбон яхши дейди; майсаларнинг юзларида дурлар терилган, ҳар бири тор қалбингни олам айлашга шай, ҳар бири унда юлдуз бўлишга ошиқ; қишлар йиғилиб жам бўлгач, Ҳумо қиши бу тонгни саодат билди ва дедик: «Эй қишлар, замин кemasи қалқиб турибди, турмуш, омонлик ҳар биримиз учун бахт эрур, келинларким, ота маконимизга – муқаддас тупроғимизга қадам ранжсида қиламиз, нажот ўша ерда, ўша ерлик жабрдийдаларнинг ёнида бўлмоқлик бугунги вазифамиз эрур, донолар дебдурларким, «яхишларга ёндашган яхшилик топқусидур».

Митти орол бағри лозордек ёниб, сув юзларида алвон тўлқинлар жамалак урди, бир насим шамол эсиб, қишларнинг қанотларига қувват бахш этиб, ўзларига нужабо ҳолатини раво кўриб, осмонга парвоз этишларига йўл очди.

Ҳумо қишининг ортидан барча қишлар қанот ёзиб, кўкка кўтарилди, йўл-йўл байроқ кўтарганлар бир томон, жузсанлар бир томон бўлсалар-да, Мальта оролларида кўтарилган бу ажиб қишлар галасининг ҳаддидан беҳабар эдилар, уларнинг улкан темир қулоқлари, эшитмас йирик қобиқ кўзлари ҳам кўрмас, билмас, тамом беҳабар ҳолда гафлатда эди.

Қушлар бир неча ҳафта тўхтамасдан узоқ учиб, ниҳоят, икки дарё оралигига етиб келишди.

Ҳумо қуши:

– Бизнинг ота макон шу водий! – деди ҳушнуд овозда.

Мунгли куй унинг устига гашилик чодирларини ёнди.

Қушлар бирин-кетин сал пастладилар.

Қўриқчи бургут уларнинг олдини тўсиб:

– Кўп паст учманглар, ажи-бужилар ҳужум қилиб қолишлари мумкин! – деди хавотир билан.

– Тўғри айтаяпти, кўп паст учманглар! – деди Ҳумо қуши ва қанотларини кенг ёзиб, булутлардан юқори кўтарилди.

Кенг осмон равоқларида қўрғошинранг булутлар патила соқоллардек хунук осилиб турар, баланд тоғларнинг кўкси сарғишрангда, касалманд ҳолда бўлиб, икки қумуш камар эгиб ташланган қиличлар каби хира ялтирамоқда эди.

– Нега у шовулламаяпти? – деб сўрашди қушлар ҳайрон бўлганча.

Ҳумо қуши:

– Бу икки дарёнинг овози ўчганига анча йиллар бўлди, – деди ҳорғин ва гамгин овозда.

– У қачон тилга киради? – чуғурлашди қушлар.

– Унгача ҳали анча бор, – дея жавоб қилди Ҳумо қуши.

Тоғлар, кенг далалар, боғлар узра яна узоқ учиб, икки адирлик орасидаги саройга етиб келиб, кенг ҳовли юзидаги ўрик, шафтоли, бодом ва хурмо дарахти шохларига қўндилар.

Кабутар Ҳумо қушининг ёнига қўнаркан:

– Бу ерда бизга нима бор? – деб сўради соддадил овозда.

– Ҳамма гап шунда-да, – деди Ҳумо қуши. – Бу ерда бутун дунёнинг фахрига айланиши кутилаётган Темурбек яшайди. Уни таниб олинглар!

– Оддий бекнинг ўғли-я?!

– Ҳа, ҳамиятли бекнинг ўғлини яхшилаб таниб олинглар! Унинг «каласи катта, оч-қизғиш юзида бирорта ҳам доғи йўқ, кўзлари мисли икки шам, сочи, қошлари қоп-қора, оёқлари ҳўкизнинг оёғидек, беллари бўри белларидек, яғрини киш (силовсин) яғридек, кўкси айиқ кўкрагидек, худди афсонавий

пахлавонларга ўхшайди, лекин улардан фарқи шуки, адолатни ниҳоятда яхши кўради, етим-есирга, муҳтожларга, болаларга, олиму ҳунрамадларга, саййидлару дин вакилларига жуда меҳрибон; бог-роғлар яратишга, қошоналар қуришга иштиёқманд, шу боис ҳам, у Худога яқиндир».

– Эй, Ҳумо қуши, сен бизга Ўғузхондан сўйлаяпсанми? У сен тасвирлагандек алл бўлган, – деди Кабутар ҳайратланиб.

– Бу ҳам шундай! – деди Ҳумо қуши.

– Бир аёли уни жуда қадрлаган экан. Қайси бири у?

Уни Ўлжай оқа Туркон, дер эдилар. Аслида исми Камолой бўлган.

– Биз уни кўрамизми?

– Насиб бўлса, албатта, кўрамиз!

2.

«Йўл азоби – гўр азоби», машойихлар зап билиб айтганда, Темурбек бу яқин орада узок йўлга чиқиб кўрмаган эди, тоғу тош ошиб ўтар экан, сувдан, егуликдан қийналгани йўқ, хароб кишлоқлар, юпун кийинган одамлар, ҳувиллаган, кимсасиз сойликлар, сўқмок ва йўллар; ўғри, қароқчилар чиқиб қолмасмикин, деган доимий кўркув ва ҳаяжон уни тоғдай эзиб, юрагининг зардобини окирди. Пурвиқор тоғлар – сўлгин, водийларнинг бағрини қатқалоқ босган, йўловчи ё савдогар учун ҳатто йигирма чақиримда ҳам бирорта кўналға йўқ, юрт шу даражада кашшоқлашиб, хароб бўлганки, одамнинг эти жимирлаб кетади. Чингизийлар – чўл одамлари, қурувчи эмас, шунча хон ўтди, лекин бирортаси бундайроқ кичик қалъа ҳам курмади, уларга халкни талаш, бойлик орттириш, чорвани кўпайтириш баридан афзал; босқинчининг бу муаззам юртни обод этиш, гулу гулзорга айлантириш билан не ишлари бор. Аммо ота маконни шу аҳволга ташлаб қўйиш ўзига ўхшаган бек ўғлонлар учун иснод, жуда катта иснод. Темурбек ўзидан уялган бўлиб, ён-атрофига қаради, ортидан келаётганларнинг кўзлари жонсарак, юзларида ваҳима: агар ҳозир қароқчи чингизий аскарлар чиқиб қолса борми, бор

буд-шудидан айрилишлари ҳам турган гап, уларнинг ҳар бири Амир Қазағонга тиш қайраб юришибди. Ким ҳам тахтини бировга бергиси келади.

Тепаси қорайган адирнинг ён-атрофларини тупроқранг қор босган. Темурбек чанг ўтирган қорни энди илк бор кўрмоқда, калбини совуқ шамол ялаб ўтаркан, хира қорларга ташвишли оғир замоннинг нуқси урганига имон келтирди. «Эҳ, ота макон, кимларга кунинг қолган сенинг?!»

Бухорои шариф!

У энтиқиб нафас олди, тоғ ҳавоси кўнглини мойлади. «Бухорои шариф! Ҳадемай она шахрига қадам ранжида килади. Отасининг сўзини икки қилмай, Амир Қазағон ҳузурига бормоқда. Юртнинг улуғ Хони уни қандай қабул қиларкин?! Кимсан олий тахт эгаси – Хон ва оддий бек ўғли! Ер билан осмонча фарқ бор ўртада! «Падаринг нега келмади, бурни ер чизиб қолдим, келиб-келиб, мендек улуғ Хон ҳузурига сендек гўдакни юбордим?!» – деса-чи?!»

Бухорои шариф – она шахри, азиз макон уни шундай ғариб қабул қилармикин?

Гув шамол эсиб, майин садо келди:

*Кўзим нури, алла-ё алла,
Суянчиқ тоғим, алла-ё алла,
Юрган йўлинг, оқ бўлсин-о-о,
Али паҳлавон, алла-ё алла!*

Ажабо, меҳрибони, волидаи мухтарамасининг майин, ёкимли алласи! У ширин туйғу таъсирида ўртаниб тебранди. Шу-шу йўл бўйи – ётса ҳам, турса ҳам, ана шу сеҳрли, жозибали, юракка яқин она алласи унга ҳамроҳ бўлиб, шаҳарга етиб келганини ҳам сезмай қолди.

Кенг чўл ўртасида ястанган эртак шаҳар – Бухорои шариф: атрофи кунгурадор баланд деворлар билан ўралган; нилий гумбазлар, улкан пештоқли муаззам бинолар, кўкка олов гул тутиб турган Арслон минораси! Бу ҳақда кўп эшитган. Насиб ётса, уни ҳам бориб кўради. Айтишларича, Амир Арслонхон

бино куришни жон-дилидан севар экан. Хукмдордан нима қолади? Яхши ном, солиҳ фарзандлар ва курган иморатлари! У беихтиёр яна энтикди: у ҳам хукмдор бўлса, одамларга фақат яхшилик килиб, солиҳ фарзандлар тарбиялаб ўстиради, кўпдан-кўп осмонўпар иморатлар куриб, юртини дунёнинг энг обод мамлакатига айлантиради!

Оти пишкириб, ер тепинди. Туёк товушлари деворларга урилиб, садо қайтарди.

– Ассалом, Бухорой шариф! Ассалом, табаррук она шахрим! Ассалом, эй мардлар, фозиллар, илми зиёда алломалар шахри! Ассалом сенга, буюк Имом Бухорий хазрат бобомиз шахри!

Темурбекнинг юраги орзиқди. «Улкан орзулари амалга ошадими? Ёки бари хом хаёлми?!»

– Ноумид шайтон! – ҳомуза тортди у.

Шаҳар остонасига етгач, кўш табакали нақшинкор улкан дарвоза олдида отдан тушиб, кумуш сопли юганни кўлида маҳкам тутди. «Бисмиллоҳ, қадам етди, бало етмасин!» Онасининг хиди димоғига урилиб, алланечук туйғу танасини шоҳи матодек ўраб олди. Етти иқлимга донғи кетган улуг масканга эгилиб, эмгаклаб кириш даркор аслида, аммо буни одамлар уят ҳисоблайдилар, отдан тушиб, пиёда киргани маъқул.

Сут ҳиди димоғига урилиб, у яна сесканди, кулоғи остида яна она алласи эшитилди:

*Шаҳар олгай, болам, алла,
Олтин топгай, болам алла!*

Эҳ-хе, бу ҳам беҳуда эмас.

Она, онагинам, Сиз бунча меҳрибонсиз!

Ота, сиз-чи?!

Отаси Муҳаммад Тарағай: «Энди мен кучдан қолдим, ўғлим, Амир Қазағон чорлаган экан, ўрнимга сиз борақолинг! Бир томони, мухтарама волидангиз улғайган шаҳар иқболингизга мунтазир, бориб тавоф айланг! Амир Кулол

ҳазратлари суҳбатидан ҳам баҳраманд бўлишни унутманг. Примиз у зотни кўп иззатлаб тилга олурлар!» – деди насихат қилган бўлиб.

Шаҳарга кириб чиқаётганларнинг сон-саноғи йўқ: ранг-баранг кийимдаги ёшу қари, қизу жувонлар; кўнғирокчаларини майин жиринглатиб ўтаётган туя қарвонлари, пишкирган оқ, қора, қизғиш, олачипор отлар, эшак-аравалар; лекин бир ерда шовкин-сурон йўқ, кўчада бақир-чақир уят; чор-атрофга сув сепиб юрган мешкобчиларнинг – «Эҳтиёт бўлинг, мусулмон биродарлар», деган майин овози-ю, отларнинг така товушлари, туяларнинг пишкиргани, арава ғилдирақларининг тақирлагани сукунатни бузиб туради.

Темурбек навбати билан назоратчилар олдидан тезгина ўтиб олди, жиккакгина назоратчи йигит унинг алп бўй-бастига, кулранг асл чакмонига, бошидаги учли сувсарранг телпагига илкис назар ташлаб, уни беклардан эканлигини ўзича чамалаб сизди шекилли, «Қизрдан келоптилар, ҳазратим?» деб сўради бухороча шевада ва «Кешдан» деган жавобни эшитиб: «Э-бе, ўзимиздан экансиз-ку!» деди-да, ортиқча тихирлик қилмасдан ўтказиб юборди.

Ҳаммоллар кўлларида жоруп – супурги тутганча гаплашиб турар, бири мешкобчини чакириб, сув сўраётган эди. Игнаки қалпоқ кийган мешкобчи кўлидаги қувачани тутказиб:

– Лаби ҳовузнинг сувидан ичақолинг! – деди.

Серсоқол ҳаммолнинг йирик кўзлари чакчайди:

– Нима, бошқа ҳовузларнинг сувига ит текканми?

– Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ, акамулло, минг бор кечиргайлар! Мен табаррук сув демокчи эдим, – деди бидирлаб.

Ҳаммол тиржайди:

– Шунақа демайсанми, меров!

Мешкобчи сал жаҳлдор экан, қувачасини унинг оғзидан юлиб олди:

– Ўзингиз меров, акамулло, ҳақорат қилманг-да, мешкобчилик ҳам улуғ касб охи!

Уларни кузатиб турган Темурбекнинг аввалига кулгиси келди, сўнг жиддий тортиб, «Элда сув келтирган, сув тутган

азиз, уларни камситиб бўлмайди», деб ўйлади. Бухорои шарифнинг сувлари чиндан ҳам табаррук, шу сувдан татиган илм аҳли бугун мусулмон дунёсига Имом Бухорий ҳазратларини тарбиялаб етказган, холиқу табиб, аллома Абу Али ибн Сино ҳазратлари ҳам шу сувдан баҳра олганлар; хон, ҳукмдор зоти борки, Бухорои шарифнинг сувига доимо эътибор бериб келади: эшитгани борки, барча сопол қувурлар орқали узок-узоклардаги булоқлардан шаҳарга бир текис сув келиб туради ва барча сувлар шаҳар ўртасидан ўтган ариқларга қуйилиб, ташқари чиқиб кетади; сувга тупуриш, ариқ лабларига чиқинди ташлаш, хайвонларни боғлаб қўйиш мумкин эмас, бу ерда сув нондай азиз ва табаррук саналади. Бояги мешкобчи ҳам беҳудага Лаби ховуз сувини табаррук демади.

Шериклари ҳам ичкари киргач, у отини етаклаб йўлга тушди, негадир она шаҳрида отда ғўдайиб юришни ўзига эп билмади. Карвонсаройга боргач, бирма-бир жойлашдилар. Хон ва пир хузурига бундай ҳолатда кириб бормаидилар. Бухорои шариф ҳаммомларининг доврўғини олам билади, ҳатто битта шам ҳарорати билан қизийдиган ҳаммомлари ҳам бор.

Ўтган йили Кешга борган қаршилик савдогар Чингизхон босиб келганда, уларнинг навкарлари ҳаммомни кўриб: «Бу нима бало?» дея ҳайрон қолишган экан. Улардан шунақа сассиқ ҳид таралган эканки, бир кунда бутун Бухорои шарифнинг аҳли ўзларини қўярга жой тополмай қолган эканлар.

— Биродарлар, аввал покланиб олайлик, сўнг зиёрат қиламиз, — деди у шерикларига.

Йўл-йўл тик желакли йигит қопда пахта кўтариб ўтиб қолди. Момик пахта хиди Темурбекнинг димоғини қитиқлади. Кешлик пахта титувчилардан бирининг гапи эсига тушди. Чингизхон босқинчилари билан бирга келган Чин элчиси Кеш атрофидаги даладан пахтани кўриб: «Буларда жунли ўсимлик ҳам бор экан!» дея кулгига қолган экан. Бухорои шариф олачалари, зиндачалари қайдан? Ҳаммаси Аллоҳ инъом этаган «ана шу юмшоқ жунли ўсимлик шарофатидан». У қитиғи келган кишидек беғубор қолди.

Шаҳар Аркидан юз қадамлар берирокдаги ҳаммом тўрт қатта гумбазли ғиштин, баланд, сервиқор бино бўлиб, ай-тишларича, уни амир Арслонхон қурдирган экан. Орадан шунча асрлар ўтса ҳам, ҳали ҳам бир ғишти жойидан кўчган эмас. Темурбек унинг оқ парчинкор куббаларига, нилий қошинларига, қўштабақа эшигига қараб, ичидан энтиқди. Сўнг узокдан кўзга ташланиб турган Арслон минорасига боқаркан, «мёнга ҳам шундай улугвор бинолар қуриш насиб этармикин?!» деб ўйлади, кутилмаганда, қулоқлари остида яна она алласи янгради.

*Бинолар қур, юртни тузатгин,
Жоним болам, алла-ё алла!*

У ёғоч ўриндиқлар устида, ерда, дераза тоқчаларида қатор-қатор турган митти қувачалардан бирини олиб, ўнг четдаги хумлардан бирига тикиб, қатикқа тўлдириб, тўғри бугхонага кирди. Кенг хонанинг бурчак-бурчакларида одамлар битта-иккитадан бўлиб ўзаро гурунглашади, бошларида оқ қалпоқ; бел бўйи ғиштин деворнинг ортидан қуюқ иссиқ буг кўтарилиб, димокқа мушқу анбар ҳиди урилиб, иштаҳани очади.

*Озода бўл, болам, алла,
Тан соғ бўлар, болам, алла!*

Тавба, тавба-ей, авлиё эканми, мухтарама волидаи мухтарамаси ҳам, аллаларининг ҳар бири худди олдиндан билиб тўқилгандай, бу дақиқаларга тўғри келишини қаранг, ажабо, во ажабо!

Волидаи мухтарамаси Тегина бегим кимнинг қизи? Шарият улуғи — садр аш-шариъа, Бухорои шарифнинг кўзга кўринган шайхи, шавкатли бобоси Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Маҳбубий ал-Бухорийнинг фарзанди. Бобоси, улуғ бобоси. У зоти мухтарам «Шарҳи виқоя» асарини ҳам битган, етук ханафия уламоларидан бирлари саналур. Вафот этганларида ўн бир ёшларда эди.

У жикка терга ботиб, нафаси кайта бошлагач, ювиниш хонаси томон юрди. Санжиқ эзувчи ялтироқ бош, барваста йигит унга таниш кўринди. Қаердадир кўрган эди, эслолмади. Йигит ҳам унга бошдан-оёқ тикилиб қолди-да, сўнг:

– Мабода, Кешдан эмасмилар? – деб сўради.

– Кешданмен! – Темурбек унинг овозидан танигандек эди, мадрасада бирга ўқиган йигит эмасми мабодо? – Сиз?...

– Мен Жамолмен!

– Танидим, танидим, унчалик ўзгармабсиз, фақат тўлишибсиз!

Темурбек хаёл кўзгусида ўтмиш воқеалари жонланди: Жамол ўшанда тепакал, ялтироқ калла бола эди, карвонга қўшилиб, Кешга бориб қолганини ўзи айтиб берган эди, уни муллолардан бири ўзига ўғил қилиб олган эди, лекин у нўноқроқ толиб эди, гоҳо Темурбекнинг пинжига кириб: «Сен яхши дўст эурсен, одамларга меҳрибонсен; айт-чи, биродар, шу ҳалиги... ух-ху, ҳалиги, сен қандай қип ҳар сура ва ашъорларни бир ўқишда ёд оласен, бунинг ҳам бирор сири борму?» – деб сўраб-суриштирар, дардчил кўзларида афсус аломатлари наъма киларди. Темурбек унинг олдида хижолат тортиб, нима дейишини билмас, ундан ўзини олиб қочар, «субҳидамда ўқи, ёдингда тез колур», деган гапдан бошқасига ўтмас эди.

Жамол ўша гапларни эслади шекилли, сўрамаса ҳам:

– Ёмон сўфи, калтабин мулло бўлгандан кўра, ҳаммом ишларига ўзимни урдим, киёматда ҳам ҳар жума куни ҳаммомда кўрсатилган хизмат учун бир енгиллик бўлса керак, – деди ўзини оклаган бўлиб. – Қани ётинг, – деди у супа устига бир челақ сув сепиб, қўлидаги оқ латта билан эринмай тозалар экан. Темурбек бир оз хижолат тортган бўлса-да, унинг раъйини қайтаргиси келмади. Бир неча кун йўл юриб, елка, қўл бўғинлари тараша қотган, орка курак остлари санчикқа тўлган эди. Жамол аллақандай хушбўй ёғ суртди ва секин уқалай туриб: – Меҳмонга келдингизми? – деб сўради.

– Отамиз жўнатдилар юмуш билан, – дея жавоб қилди Темурбек ёлғон гапиришга тили бормаи.

– Қалай, Кеш жойидами?

Темурбек гапни ҳазилга олди:

– Йўқ, жойида эмас, сал корин кўйган, семирган!

Кулишдилар.

Ҳаммомдан чиққандан сўнг Темурбек хизматкорлар соҳибига бир олтин танга бериб, Жамолга бериб кўйишни сўради, сўнг бир оз дам олиб, хордик чикарди, бу орада танаси куриб, юрак уриши ҳам маромига келди. Ўрнидан енгил туриб, кийина бошлаган эди ҳамки, белига ок бўз тутган Жамол шитоб билан кириб келди.

– Хайрият, биродар, кетиб қолмабсиз! – деди хансираб ва олтин тангани унга тутқазди. – Мен асли боғбонман, пайшанба, жума кунлари савоб учун бу срга хизматга келиб тураман, аммо бирор кишидан ҳақ олмасмен!

Темурбек ўнғайсиз аҳволда қолди, тангани қайтариб олай деса, уят; оламай деса, уни ҳам билмайди, ёки Жамолнинг бу қилиғи – садақангизга муҳтож эмасмен, деганими?!

– Мен чин дилдан...

– Биродар, дуо қилсангиз бас, бу ортикчадур, биродарлигимиз ҳаққи, мени хафа қилманг!

Темурбек ноқулай аҳволда қолди. Савобталаб йигит олдада ўзини ожиз, нотаъон сизди. Дунёда имон ўлмаган, имон тирик. Насиб этса, ана шу йигитларнинг шарофати билан бу юрт яна гулу гулзорга айланур.

Бухорои шарифга окшом чўкди, узоқдан муаззиннинг бир текис майин овози юрак торларини чертиб ўтди. Майин шамол юзига урилган Темурбек танасидаги хушбўй ҳиддан маст бўлди, ҳаммом ҳиди унинг баданига қаттиқ ўрнашган эди.

Арслон минораси тепа ўчоғидан кўкка отилаётган улкан олов девнинг қип-кизил тилидан нағма қилганча, чоратрофни сутдек ёритиб турар, гиштин майдонда болалар қувлашмачоқ ўйнаб, шовқин-сурон солишиб, оламни бошларига кўтаришмоқда эди. «Боласиз уй – мазор, болали уй – бозор». Чиндан ҳам.

У Арслон минораси яқинига бориб, ён-атроф жойларнинг кундуздек ёришганини кўриб, ҳаваси келди. Кешда ҳам шундай минора қурмоқ лозимдирки, шаҳар аҳли кечаси ҳам

ўйин-кулги қилсинлар, кўлда чирок кўтариб юришга хожат қолмасин!

Эшитгани борки, муаззами соний – Чингизхон оқ тулпор отида минора тагига келиб, маҳлиё бўлиб кузатиб турган экан, тўсатдан оти хуркиб кетиб, бошидаги қалпоғи ерга учиб тушибди. «Бу оддий иншоот эмас, илоҳий минора экан, бошим билан тош ерга ағнаб тушганимда, умрим завол бўларди», деганча бу ердан тезда кетган экан.

Ним коронғи карвонсарой гавжум, кириб-чикадиганлар кўп, хоналарда чироклар липиллайди, ғивир-ғивир овозлар кулоққа чалинади.

Чўққи соқол кешлик ҳамроҳи уни хушнуд каршилади:

– Сизни Хон ҳазратлари чорлабдурлар!

Темурбек чироғ ёруғи тушиб турган мрамр остонада тўхтади:

– Шу дамдаму?!

– Эрталаб келсунлар деган эрмиш!

Темурбек «хайрият-э!» дегандек, енгил нафас олди. Одам дегани темир эмас-ку, у ҳам дам олиши, руҳини ўнглаб олиши, ўзини суҳбатга тайёрлаши керак. Яна ким билан денг? Кимсан мамлакат соҳиби – кўпни кўрган Хон билан!

Хуфтонни ўқигач, Темурбек икки қошик угра – енгил таом билан кифояланиб, Қуръондан бир-икки сура ўқидида, «бисмиллоҳ» дея ўрнига чўзилди. Эртага Хон ҳузурига барвақтроқ бориши керак экан, вақтлнрок ухлагани маъкул. Юмшок тўшак илиққина эди, жонига ҳузур кириб, дарҳол уйку элитди ва сал ўтмай хонадан бир маромдаги нафас эшитила бошлади.

Хўроз қичкирди. Тонг тун сочини окқа бўяй бошлаган чоғда, фаришталар ер юзини айланиб юришади, дейдилар.

Темурбек ана шу паллада туш кўрди: янги кийимда эмиш, оппоқ туман, Абу Райҳон Беруний, у зот ясаган Ер сурати... у яқинлашиб, кўл чўзган эди, Ер сурати бир думалаб, фаришта аёлга айланди. Дум-думалок, мовий. Лекин чехраси сўлгин, кўзларида қайғу. «Нечун бунча ғамгинсан, улуғ бешигим?» – овози момоқалдирокдек гумбурлади, шу менми, овозим

ўзимникими, дея ўйлади. Ер эса зорлана-зорлана: «Илкимда ҳаром қон тўпланиб, бутун танамга азоб бермоқда, уни чиқариб ташламасанг, ҳалок бўламан!» деди касалманд киши сингари ожиз, паст овозда.

Муаззин азон айтди.

У сесканиб кўз очди. Ғалати туш? Жуда ғалати! Рухлари шод бўлгур Абу Райҳон Беруний, – Аллоҳ раҳматига олган бўлсин; мовий Ер суврати, ҳаром қон. «Илкимда ҳаром қон тўпланиб, бутун танамга азоб бермоқда, уни чиқариб ташламасанг, ҳалок бўламан!» Нимага ишора бу?!

Тонг уйқуда ётган оқ юзли гўзалдек қорамтир найза киприкларини чиройли пирпиратиб, кўзини очди, хўрозлар чўзиб-чўзиб кичкирди.

Она алласи! Яна-я!

*Дунё сирли, алла-ё алла,
Унга ёрсен, алла-ё алла!
Катта бўлгин, тойчоғим, алла,
Бахтинг кутар, алла-ё алла!*

3.

Эрталаб уни йўлда Амир Қазағон тайин этган кетмон юз навкар қарши олди. Темурбек аввалига нима гаплигини тушунмади, аслида Хон уни саройда қаршилаши керак эди, нега бундай ҳолат рўй берди, деган ўйга бораркан, ё мендек оддий бекнинг ўғлини менсимадими, деган ташвиш яна ҳадик тўла кўнглини ўтмас пичокдек тирнаб ўтди.

Узун бўйли, яғриндор навкар унинг хомуш тортганини сезиб:

– Хайрон бўлмасинлар, бек, Хон ҳазратларининг бугун сайрга чиқадиган кунлари. Сизни ҳам ўша ерда қабул қиладилар! – деди илтифот билан.

Темурбекнинг кўнгли жойига тушиб, навкар ортидан бамайлихотир йўлга тушди.

Амир Қазағон сув бўйида, яшил тепаликда, бир томони тўқайзор, иккинчи томони дов-дарахтли жойда олачуқ тиккан

бўлиб, бу ернинг хавоси майин, кушларнинг чуғур-чуғури баралла эшитилиб турадиган манзил. Узоқдан Бухорои шарифнинг деворлари, баланд пештоқли мадраса, мачитлари, нилий гумбазлар кўзга ташланади, Арслон минораси эса улар орасидан ажралган ҳолда кўкка бўй чўзган.

Темурбек Хон билан кўришгач, падари бузруквори бериб юборган совға-саломларини унга пешкаш қилди.

– Бандай ожиз бегимизнинг аҳволлари нечук? – деб сўради Амир Қазағон ва «шукр, яхши» деган жавобни эшитгач: – Ул зотнинг қарори бизни мамнун этди, Сизни хуш кўрдик! – дея табассум қилди.

– Миннатдормен, Хон ҳазратлари! – дея таъзим қилди Темурбек.

Кешдан олиб келинган совғаларни бирма-бир очиб, Хонга пешкаш қилдилар: мовий ипак билан зийнатланган Қуръони карим, марварид қадалган бахмал қалпоқ, бағдодий олтин ханжар ва бир шода ёқут, икки тахлам шоҳи мато, майда-чуйдалар; Хон Қуръони каримни авайлаб олиб, уч бора ўпиб, кўзига суртди.


– Ташаккур бундай ноёб совға учун!

Хон қолган совғаларга бир кўз қири ташлади-ю, ортидаги тавочига «йиғиб олинг», дегандек имо қилди.

Тушда кийик гўшти, бедана кабоб тановул қилдилар, сўнг суҳбат бошланди. Хон кўпроқ Темурбекнинг ўзи билан қизикди. Нималарни орзу қилишини, максоди қандайлигини сўраб-суриштирди.

Вакт имиллаб ўтиб борар, лекин Хон билан бек йигит суҳбатининг сира адоғи кўринмасди.

Сўл томондан бир оз изғирин, курук шамол эсиб, ям-яшил барг ёзган сершоҳ дарахтларнинг шовуллаган овозларини узоқларга олиб кетар, баъзан бирдан хуруж қилиб, мил-мил ёнаётган олов ёнида суҳбатлашаётган бу икки дардкашнинг этакларига ёпишар, сўнг улардан нарироқда оловга ўтин ташлаётган оқиш юзли санамнинг ёнрок бўйига, аяқасига тушиб турган тим қора сочларига ҳам чанг солиб, табассум қўнган хушбичим лабларига совуқ нишини санчишга ҳам ул-



гуриб коларди. Қиз лабларига ёпишган соч толаларини оппоқ қўллари билан оҳиста силаб орқага ташларкан, эртақлардаги афсонавий паҳлавонларга ўхшаш алп йигитга, қоматига монанд катта калласига, икки шамдек ёнаётган бургут кўзларига ўқтин-ўқтин назар ташлар, лабларидаги табассум сап-сарик товланаётган оловдан ранг олгандек ёрқинроқ жило таратиб, жонни ўртар эди.

Кимдир узок-узоклардан қўбиз чалгандек, кулоқлар остида сирли, майин, жозибадор куй янграб, қаршисидаги санамнинг оловли қарашларидек, ташна юракнинг нозик томирларини жиз-жиз куйдириб, хаёлни ўғирлайди, истехзоли қаҳ-қаҳ ҳам эшитилади. Ким у кулаётган – шайтонми ё жин?!

Амир Қазағон гуриллаб ёнаётган оловга хаёлчан тикилади: амир Козонхонни бартараф этиб, Мовароуннаҳрда чингизийлар ҳукмронлигига барҳам берганига ҳам етти-саккиз йилдан ошди, пойтахтни Занжирсаройдан Бухорога кўчиргани ҳам раиятга хуш ёкиб, аҳли мусулмон тинчини топди. Ўзи-чи? Ҳар ҳолда шунча йиллик заҳматлари беҳуда кетмади, ўзини анча ўнглаб олди, аммо ғанимлар пайт пойлайдиларки, ана шу таҳлика уни кўпроқ ташвишга солади. Инсон дегани бу эшикдан кириб, унисидан чикиб кетади. Ёши ҳам ўтиб боряпти. Амир Ҳусайн – эртанги умиди, ишқилиб, тарбияласа, одам бўлади, аммо озроқ манманлиги, ҳовлиқмалиги бор, ана шу кусурларини жиловлаб туриш учун ёнида аклли беклар керак. Кешлик Муҳаммад Тарағайнинг ўғли Темурбекнинг таърифини кўп эшитган эди. Худонинг марҳамати билан, шавкатли отасининг кўнглига солган эканми, шу ўғлини ўз ўрнидан қурултойга юборди-ю, унинг оғирини енгил килди. Суҳбатлашиб кўрган эди, чиндан ҳам укувли йигит экан, кўнглига ўтирди.

Айни чоғда ҳам хон уни синов элагида саралашда давом этар, кетма-кет саволлар бериб, унинг кўнглидаги орзу-истакларини англаб олиб, ўзига нисбатан канчалик садоқати борлигига амин бўлишга тиришмокда эди.

– Тўғри айтурсиз, бек ўғлим, ҳар ишда адолатга суянмок олижаноб фазилат саналур, – Амир Қазағоннинг кисик

кўзларида гуриллаб ёнаётган олов шуълалари девнинг тилларидек нағма қилди. — Сиз не дейсиз? Жангда адолат бўлмоғи учун муаммонинг қай жиҳатларига эътибор қаратмоқ лозим?

Ўша куй бир маромда янграб турар, лекин айна дамда хоннинг бир оз ташвишли саволи Темурбекнинг кулоклари остида бир оз баландроқ янгради.

— Мен ожиз банданинг фикримча, раиятга зиён-захмат етказмай қилинган жанг энг адолатли саналур, Хон ҳазратлари! — дея жавоб қайтарди Темурбек ўктам, аммо вазмин оҳангда ва «ажиб куй, юракни сел қилмоқда» дея кўнглидан ўтказаркан.

Амир Қазағоннинг синчков кўзлари жиддий бокди, қаршисидаги ўтқир нигоҳли йигитнинг «Мен ожиз банда» дея ўзини камтар тутиши, боз устига уни «Хон ҳазратлари» деб улуғлаши таъбига хуш ўтирди. Шу билан бирга «Йигит тилидан илинди» дея кўнглидан ўтказаркан, бир кун ундан масъулиятли вазифа учун фойдаланишни ўзича чамалаб кўйди. Чиндан ҳам, кўпдан буён Амир Ҳусайн масаласини бир ёқлик қилишни кўзлайди. Балки, кўлдан кетган Балхни қайтариб олишни Темурбекнинг зиммасига юклаб, бу ишни тезда ҳал этиш зарурдир, албатта, унга ишонса бўлади, бу вазифани уддалай олиши аниқ. Ўзи айтяпти: «Раиятга зиён-захмат етказмай қилинган жанг энг адолатли саналур». Балхни ими-жимида қон тўкмай бизга олиб берса, бебош набирасини ўша ёққа жўнатиб тинчиган бўларди. Набирасини тинчитмас экан, ҳеч қачон ҳаловат кўрмайди. Ҳусайн тахтга ўч, хали ҳаёт чироғи сўнмай туриб, турли нағма-ю ўйинлар кўрсатмоқда. Амир ва нўёнлар иғвосига учса борми, ўзига қарши тиг кўтаришдан ҳам қайтмайди. Тахт деганлари жоду тўла сандик, унда адолат бирла шайтон, иймон бирла ёвузлик бирга яшайди.

Амир Қазағон Темурбекни имтиҳон этишда давом этди:

— Малойиклар Худо яратган инсондан нафратландилар, айтадиларки, инсон золимдур, у ўзи қабиларни алдайдур, ўзининг ифлос нафси йўлида қон тўкишдан қайтмайдур. Билъакс, Сизга шундай десалар, жавобингиз не бўлур?

Куй энди жуда олислардан зўрға қулоққа чалинмоқда эди. «Ярмида узилиб қолмасин, илтимос, илтимос!» Темурбекнинг қалби дик-дик чўрчиди.

– Хон ҳазратлари! – деди у «асов отдек ирғишлама, тинчлан, юрак», дея ўзини тинчлантиришга уриниб. – Аллоҳ икки кутбни яратган: унинг бири яхшилик, иккинчиси ёвузликдур. Малойикларга инсонни яратиш баробарида жинойткорларга жазо берувчи қиличиниям юборганини изҳор этди, ва ок от томон шахдам бораётган сарвқомат кизга беихтиёр назар ташлади. Ерга ой каби тўлишиб тушган санамнинг навкар кийими нозик қоматига ярашиб турар, елкасига ташлаб олган мовий сим тўр совут уни янада кўркам, жозибадор кўрсатмоқда эди. Кутилмаганда, сирли куй ўйноқи шамолнинг бағрида гоҳ ўнгдан, гоҳ чапдан янграб, ташна юрагини янада қаттиқрок китиклашга тушди, аммо бу ёкимли, қандайдир ҳузурбахш эдики, беихтиёр лабларида кулги рақсга тушиб, ҳайрат олами чироғининг пилигига ўт солди.

Амир Қазагон йигитнинг мамнунлигини кўриб, саволлари шундай алпга ёқаётганидан кўнгли тўлиб, энди унга мулозамет қилишга ўтди:

– Баъзи ўжар амирлар ҳам шул ҳақиқатни англаганларида, бехирад бўлмас эдилар.

– Қамчи ва таёқдан кучсиз бўлган ҳоким эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмасдур.

Амир Қазагон Муҳаммад Тарағайнинг ўғли ҳақида кўп хушнуд мактовлар эшитган эди-ю, лекин унинг шунчалик заковати борлигини хаёлига келтирган эмасди. Амир Ҳусайн «Бизнинг таъбимизга тўғри келадурғон бир йигит бордур», дея унга беҳудага таъриф бермаган экан. Подшоҳ ёнида ақлли, хушёр ва фаросатли кишилар кўп бўлсагина, давлати завол топмайди. Невараси ким билан ошна бўлишни билар экан.

Қамолойга кўнгли борлиги ҳақида ҳам кеча Амир Ҳусайндан у-бу гапларни билиб олди. Хўш, нима қипти неварасини унга узатса?! Қиз бола бировнинг хасми, эртаминдинми, барибир, кимгадир узатишади. Лекин оёғинг ости-

дан шундай бинойи куёв чикиб турганда, қош қайириш ҳам гуноҳи азимдир.

Амир Қазағон оқ отини чоптириб кетган Камолойнинг ортидан жилмайиб қараб қоларкан, ҳозир Темурбекнинг унинг тўғрисида гап очишини жуда-жуда истаётган эди. Тезроқ шу масалани ҳам ҳал этса, кўнгли жойига тушиб, яна бир ташвишдан қутулади. Худо кўрсатмасин, хонлардан бири унга оғиз солса борми, икки оёғи бир этикка тикилиб қолади. Бирор хон оғиз солдими, бермай кўр-чи, дарҳол ўртада адоват кўзгайди. Йўқ, йўқ, менга тинчлик керак. Умр ёмон ўтаётган бўлсаки, зору нолалар килса, тўрт мучаси соғ, давлатли, саодатли хондирким, кишни Соли Саройда, ёзни Қорағурнинг баҳаво боғларида, кузни Мункда соғ-саломат, айшу ишрат билан ўтказиб юрибди. Яна нима керак унга?!

– Эртага мен билан шикорга чиқмайсизму?!

Ногоҳон таклифдан Темурбек ҳайрон бўлса-да:

– Ҳамиша Сиздек улуғ Хон ёнида бўлиш мен учун шараф! – дея кўлини кўксига қўйди. Куй шамол кўйнидан чикиб, унинг ташна юрагига кириб, жойлашиб олди: энди у нола килди, бир нола килдики, буни Билқис ҳам эшитмаган. Топди, топди: бу «Ишқ» куйи, куйларнинг ибтидоси, йўқ, йўқ, куйларнинг шоҳи, Одам Ато қалбидан Момо Ҳаввога ўтган илк ноёб куй!

Олов мой сепилгандек, гурр кўтарилиб, кўкни кутлади. Шу пайтгача шамолга бўй бермаётган майсалар гурро-гур бош кўтариб, ариқларнинг шилдираган хонишларини енгил, майин қарсақлар билан олқишлади.

«Худо берган доно йигит!» Амир Қазағон ўрнидан енгил кўзгалди, негадир бели кирс этиб, юрагини тиг тилгандек, оғритиб ўтди. Белдан кувват кетиб бормоқда, кўзи очиклигида амир Ҳусайнбекнинг мавқеини мустаҳкамлаш, Ўлжай оқани – Камолойини узатиб, ўзидан тинчишни истайди. Улуғлар макони бўлмиш Кешнинг аслзода бекларидан бири Муҳаммад Тарағайнинг бу ёш, дуркун алп фарзанди ҳар томонлама кучга тўлибди, илми ҳам жойида, фикрлаши ҳам одамни довдиратиб кўяди, саройнинг кўрки бўлишга лойиқ жувонмардга

ўхшайди. Пойтахт Бухорои шарифнинг шон-шавкатини ошириш учун ана шундай салоҳиятли йигитлар керак. «Ҳамиша Сиздек Хон ёнида бўлиш мен учун шараф!» дедими, демак, уни ёнида олиб қолиши мумкин, айти муддао бу!

Амир Қазагон қандайдир енгил тортиб, кўл-оёқлари кучга тўлди, эртага шикорда кўнгил қурумларини тозалагач, янги-ча тадбирлар тузади, тахт устунларини янада мустаҳкамлаш лозим. Темурбекни ўзига янада яқинлаштириш, амир Ҳусайнбекнинг ўнг қўлига айлантириш керак тезда. Энг мақбул йўл шу, оёғинг остидан шундай хушбахт йигит чиқиб турганда, ишни ортга суриш нодоннинг иши, «темирни ҳам иссиғида босадилар».

Куёш зар нурлари билан Бухорои шарифнинг Арслон минораси нақшинкор кўксини ялаб-юлкаб, сийпалаб эркалатаётганига кўзи тушган Амир Қазагон кўнглида абадий умид ҳиссини туйди. Қадим минора мангу собит турибди, унинг номи ҳам шундай мангу туради, у барра қўй гўшти истеъмол қилгандек, танасида қувват, димоғида зияворлар уфуриб турган кабобнинг ҳидини туйди. Маза! Эртага овда бир кабобхўрлик қилишади-ёв!

У тўқайзорлар, яйловлар ҳидини туйиб, енгилгина сўлиш олди, кеч кириши билан «вақтлроқ ухлаш керак» деб, хобхонасига кириб кетганча қайтиб чиқмади.

Эрталаб нечундир нохуш уйғонди, калбида ҳасрат қуйи ғингшир, руҳи сўлгин ва оғир эди, бугун чап ён билан турдим шекилли, дея ўзига тасалли берди, аммо аъзойи бадани баттар сиркираб оғриб, нечундир оёқларида ҳам титроқ турди; подшоҳ зоти борки, ҳар эрта юртимда тинчлик бўлсин, иғво кўпиб, бир кори-хол рўй бериб, ҳаётимга зиён етмасин, деб ўйлайди. Ишқилиб, тинчлик бўлсин, деди ўзича ва кўкрақларининг қисилаётганини ҳис этиб, оғир тин олди. Балки шикор билан ўзини овутиб, кўнглини ёзар; руҳга озгина тоза шабада тегса ҳам, дарҳол ўзига келиб қолади. Унга кенг тўқайзор, яйлов керак, кенгликларгина унга тасалли бера олади.

Куёш нурлари хира, ариқлардаги сувларнинг юзига ҳам кул сепилгандай, майсалар хомуш, қушларнинг чуғур-чуғурларида ҳам ташвиш бордек кўринади. Нечун?!

Изғирин шамол эсиб, этакларни яна тортқилаб қочди. Узоқдан ноғораларнинг така-тум-тум овозлари эшитилди. Тўқайзорнинг нариги томонидан жониворларни қувиш бошланган эди.

Рухни кўтариш керак, унга тушқунлик, ваҳима бегона; ҳукмдор дегани хотинидан даққи эшитиб, руҳи сўлган кимса эмаски, дийдиё килиб ўтирса!

– Қани, вақт бўлди, – деди Амир Қазағон ҳаммага эшиттириб ва ўрнидан туриб, оғир камонини кўлига олди. – Шикорнинг гашти ўзгачадур! Шикорга чиқсам, йўлбарсми, куёнми, какликми, бир нима отадурмен, дея югура-югура баҳри-дилим очиладур. Шикор навкарни чархлайдур.

Камолой кўринди. Оқ оти ўйноклаб сакради.

Қулоғи остида яна ўша қуй нағма қиларкан, Темурбек уни отдан гурс йиқилмасайди, дея хавотирланди, лекин қиз бунга парво ҳам қилмади, кўзларини чараклатиб жилмаяркан, бир хонга, бир унга ёқимли нигоҳ ташлади-да, жиловни маҳкам тортди. Шу туришда Темурбекнинг кўзига бугун кечагидан ҳам кўхлироқ, гўзалроқ кўринди. У ов кийимида бўлиб, бошида бўркли кизғиш қалпоқ, эғнидаги сувсар ёқали кўйлак ва шу рангда нимча, оёғида учли кулранг этик, елкасида ўқ-ёй, белидаги кумуш сопли ханжар қуёш нурида жилоланиб кўзни қамаштиради: тиниқ юзи ҳам худди шундай нур таратиб, хаёлни ўғирлайди.

Ноғора, бурғуларнинг тантанавор оҳанглари конни жўштириб, билакларга куч берди. «Ишк» қуйи қаёқда колди? Ҳей, қайдасан «Ишк» қуйи?!

Темурбек хиёл уялгандек, қиздан кўзини узди. «Бировнинг фарзандига сук боқиш гуноҳи азим эрур». Қалбида янграган огоҳ садога жавобан қуй янграб: ўзинг уни ихтиёр этмоқдасан, ожиз бандада гуноҳ бўлса, Ўзи кечирсин, аммо ёр танламок йигит кишининг ҳаёт давоми вазифасидур», деган фикрни кўнглидан тўкиб солди.

Амир Қазағон гўзал неварасига боболарча меҳр билан боқиб турган эди.

– Ўлжай оқа, бугун катта ўлжага шайланган кўринурсиз?! – гап қотди у.

– Бобо, бугун Сизни хушнуд этсам кифоя! – дея жавоб килди қиз ёкимли, янғров овозда.

«Ишқ» куйи яна нола килди. «Ўзига ўхшаб, овози ҳам жонни оладур!»

Уларни зимдан кузатаётган Амир Қазағон боягидек мамнун, хушҳол ва завқ билан қониқиб сўлиш оларкан, хаёл кўзгусида ажиб манзара жонланди: Темурбек билан Камолой чимилдикда оппоқ кийимларда ўтиришибди, иккаласининг ҳам кўзлари қувнайди, карнай, ногора, таблларнинг тўйга чорловчи хуш овозлари оламни тутади, невараси Ҳусайнбек эса олтин тахтда қуёш янглиғ нур сочади, у ҳам бахтидан масрур, сўнг ана... жиддий нигоҳли Темурбек амир ул-умаро сифатида ўктам, барваста, бир текис навкарлар олдидан от чоптириб ўтади.

Ўйноқи шабада Амир Қазағоннинг лов-лов ёнаётган юзи ни охишта силаб ўтиб, кўнглига хузур солди. Хон дегани эртасини ўйлаб, бугун пухта режа тузиши даркор. Пухта ўйланган режа дарахтларининг эрта-индин мева бериши аниқ. Лекин бандан ожиз, эртага нима бўлишини билмас, худди шу лаҳзаларда чингизий Туғлуқ Темур илондай вишиллаб, бўридай увуллаб, уни орадан кўтариш режасини тузаётганидан тамоман беҳабар эди. Қуёш Арслон минорасининг нақшинкор ғиштларини беҳуда ялаб-юлқаётган эмасди, узоқдан тошбақадек судралиб келаётган тун ҳам ҳорғин ва маъюс эди.

«Ишқ» куйи қандай келган бўлса, шундай изсиз қочиб кетди, фақат Темурбекнинг юрагида чўғи қолиб, қайноқ лабларини куйдиришда давом этмоқда эди.

Туғлуқ Темурнинг шақолдай увлагани шабаданинг ҳам ёкимли бўйини тортиб олиб, кўксига муз солди.

4.

Хона ичида мунгли куй таралади. Элас-элас.

Қутлуғ Темурнинг тишлари ғичирлади:

– Биз уни итдай бўғизлаймиз! Қўймижоз Амир Қазағон тахтга нолойиқ, жазосини топқусидур!

Ҳасрат куйи Хусрав Баёнкулининг кулоғини қитиклаб, кўнглига истехзо солди: «Нафсинг боло-ку» дея ўйлади у ва юзидаги ҳасратни билдирмаслик учун бошини қуйи эгиб, ерга отган эди, сокқаси гард тушмади. Оббо, ҳеч ўнгидан келмаяпти, шунчалик омадсизми?!

Ташқарида совуқ шамол изиллаб, ичкарига, хона деворларига тушаётган куёш нурларида шайтон нағмали рақсга тушмоқда эди. Деразага кўнган мусича таъвишли кукулаб: «Уни ҳайдаб солмайсанми, инсон боласи!» – дея огоҳ этсада, бу иккиси сокқа ўйини баҳона ўз мақсадларига эришишни кўзлар, орада шаробга ҳам зўр беришар, оч кўзлари ўнгиде тахт ва жарак-жарак олтинга тўла хазина жилваланиб турар, «қачон биз ҳам ўша бахтли кунларга эришамиз», деб ўйлашар, баднафс кишидек тамшаниб қўйишарди. Ана шундай бедаво ҳаёлга берилганлари учун ҳам, сарғиш нақшинкор қўштабака эшик тиркишидан ташқарига ўрмалаб чиқиб кетаётган йирик чаённи илғай олишмади, мусича уни кўриб қолиб, пир этганча кўкка кўтарилди. «Чаён ўрмалаган жойда фалокат кезиб юради, Ҳумо кушига етиб олгани яхши».

Неча кундирки, қушлар безовта, булбулнинг ҳам овози ўчган, лекин қарға ҳар кун эрталаб хунук қағиллайди. Ҳасрат куйининг гумаштаси-да. Ҳовлидаги кўриқчи аскарларнинг гўнғир-гўнғир суҳбатлари, безовта отларнинг дам-бадам пишқириши-ю, қиличларнинг жаранги баралла эшитилиб туради, лекин ҳар ерда – катта-кичик хоналарда, мрамар йўлакларда, кенг ҳовлида кўз илғамас ваҳима кезиб юради.

Хона ичида қўланса ҳид анкийди, олтин гардишли кўзалардаги неча йиллик шароблар ҳам яримлаб қолган, олтин товоқ, нефрит косалар кабутар ва қўй гўшти суяклари қолдиқларига тўла; чувак юз хизматкор ҳар замон-ҳар замонда эшикдан мўралаб қўяди. Ногаҳон қўли тегиб, эшик зулфи тақиллаб қолди.

Қутлуғ Темур бир сергакланди-ю, лекин эътибор бермай гапида давом этди, айна пайтда хунук кескириб, қорнини силар экан, ёнидаги Хусрав Баёнкулига синчков бокди. Унинг

ниятини билиб олиш ҳозир жуда зарур. Қўлидаги муштдек соккани силкита туриб:

– Амир Қазағон айшу ишрат ва шикордан бошқа нарсага ярамайду, уни орадан кўтариш керак! – деди яна тишларини гичирлатиб.

Юрагини адоват чаёнлари кемириб турган Хусрав Баёнкули «ҳамёнимни куритмоқчими, бу сокқабоз, тушини сувга айтсин», деган ўй билан асл дардини ёрди:

– Ул нобакор мендан кўра, амир Мухаммад хўжани ўзига яқин олиб, Андижонни унга берди. Куёвим Абдуллоҳиям назарига илмади.

Ўқи нақ нишонга текканидан беҳад шодланган Қутлуғ Темур гарчи мавриди бўлмаса-да, нефрит косани шаробга тўлдирди. «Дардини ёрдими, уни туташини кутиб ўтирмасдан, мой кўйиб, аланга олдирмоқ лозим!»

– Хоннинг мияси айниб қолган, – деди атайин Амир Қазағонни ёмонлаб, сўнг унга томон эгилиб, хотинчалиш овозда шипшиди: – Бул кунда Тарағай бекнинг ўғли Темурбекка суяниб олган. Ўлжай оқани ҳам унга узатиш пайида, инчунин, қиз бериб, уни домига илинтирмоқчи!

Сокка гард тушди, лекин бир оз ширакайф бўлиб қолган Хусрав Баёнкули бу гал ҳам ютқизган бўлса-да, беписанд ҳолда кўш олтин тангани ракиби олдига жаранглатиб ташлар экан, унинг нимага шама қилаётганини унчалик англамади, ногоҳ ҳикичок тутиб, четга қараб йўталди-да, сўнг аксириб, қўлидаги шоҳи рўмолча билан бурнини артиб олди ва:

– Қамарда ҳам уни ўша бек йигит қутқариб қолган, дейишади. Ростму? – деб сўради.

Ширакайф Қутлуғ Темур суҳбатдошининг фаҳмдан ноқисроқ кимса эканлигини сезиб, «мен боғдан гапирсам, у тоғдан келади-я», дея норози бўлганча:

– Ҳа, рост! Биз Амир Қазағонга ҳужум қилиб, айниган калласини сапчадек узамиз деб турганда, Тарағай бекнинг ўғли пайдо бўлди-ю, унга бас келолмай ортга чекиндик! Ўзиям шердек олишди, бир девнинг кучи бор баҳодурга ўхшайду. Лекин умидингизни узманг, мен кўғирчок хон Донишмандча

Ўғлон бирла сўзлашдим, яқин орада Амир Қазағон тўнғиз кўнгайдур! – деди тунд овозда ва томоғини учли суяк кириб ўтгандек, бўғриқиб йўталди.

Хусрав Баёнкулининг бароқ қошлари чимирилди:

– Аммо тарағайбаччани не қилурмиз?

Қутлуғ Темур энди ёйилиб тиржайди. «Бўйнингдаги ошқовоқ эмас экан бандани ожиз».

– Унинг Кешга кетишини кутамиз, – деди у тамшаниб.

Амир Қазағон орадан кўтарилса, олтину жавахирларга, серсув ерлару беҳисоб дарё ва кўлларга, яйлову адирларга, боғ-роғларга тўла жаннат ўлка уники бўлади. Сутта чайилган ойдек гўзаллари-чи?! Уларнинг мушқу анбар хидлари!.. Ҳа, ҳа, икки дарё оралиғи фаришталарининг ҳар куни уч бора зилол сувларда чўмилишиб, доимо баданларига оро бериб, ҳамиша мушқу анбар сепиб, чор-атрофга ёқимли хидлар таратиб юришларини ҳам яхши билади.

Ит ғингшиб акиллади.

Қутлуғ Темур ачимтир хид урилгандек, бурнини жийирди. Бир гал чўлда, ўзининг фусункор чодирисида ўз тилида сўзловчи канизакни олиб кирганларида ундан шундай чучмал хид анкиб, кўнглини оздирган ва ўқчий туриб: «Даф қилинг бу сассикни!» дея ўшқиргани эсида.

Хусрав Баёнкули унга илондек нигоҳ қадаб турар, пишиллаб ҳар нафас чиқарганида, хонани ёқимсиз хид тутмоқда эди.

Қутлуғ Темур кўли билан оғзини елпиган бўлди-да, кайфиятини кўтариш учун:

– Амирнинг Ўлжай ойим неварачаси чиндан ҳам жуда етилган! – деди «унга таъбингиз қалай» дегандек ва ташлаган сокқаси гард тушганини кўриб, думалоқ қорнини силкитганча беўхшов тиржайди.

Хусрав Баёнкулининг пўстак қоши чаён думидек таранглашди. «Ҳозирча омад мендан юз ўгириб турибди, лекин эртага у меники бўлади», дея ўйларкан:

– Дидингиз ёмон эмас, амирим! – деди пихиллаб кулганча.

Ниҳоят, сабри чидамаган эшик оға «кўриб қолса, имлаб чақирар» деган илинжда хум бошини ичкари суқди.

Хусрав Баёнқули уни боя кўриб қолиб, муҳим гапи борлигини сезган бўлса-да, бу ерда мен эмас, шу найнов хўжайин, гапи бўлса, ўзи уни чақириб қолар, деган ўй билан индамай қўя қолган эди, аммо унинг безовта башарасига кўзи тушгач:

— Эшик оғангизнинг бирор зарур гапи борга ўхшайдур, ҳалитдан бери бечора тозидай эшик тирнайдур! — деди ярим истехзо, ярим самимий оҳангда.

Қутлуғ Темур қарсак чалган эди, эшик оға пилдираб кириб, унинг қулоғига шивирлади.

Хусрав Баёнқули совуқ сувга тушган кимсадек, сергак тортди. «Не яширин гап экан?»

Қулоғини қашийётган Қутлуғ Темур куйган калладек тиржайиб:

— Қазағон тозилари бирла овга чиқибдурларму?! Ҳм-м, Хон овга чиқди, ортидан ғовга чиқди! — деди тиржайиб ва: — Омад қуши бошимизга қўнганга ўхшайди, қиличларимиз ҳам занглаб қолган эди, қани турдик бўлмаса! — деганча қўлидаги соққасини менсимаган ҳолда ерга отди.

Хусрав Баёнқули ортига ўгирилиб, «ўнгми-чап» деган ўй билан соққага кўз кири билан қараркан, гард тушганини кўриб, «Туғлуқнинг омади келиб турибди», дея хўрсиниб қўйди.

Қутлуғ Темур ташқари чиққач:

— Сара навкарларни жамланг, тезда қурооллансинлар! — дея жаҳлдор оҳангда буюрди ва ўзи истамаса ҳам тишлари қаттиқ ғичирлади.

5.

Сардор калхатнинг сарғимтир совуқ кўзлари мағрурона боқади, кенг, мўл уясида ястаниб ётганча ўткир тумишугини ҳар замон, ҳар замонда димоғи чоғлик билан кўтариб-кўтариб қўяди, эмишки, тумишугини сал настга туширса, калхатчалар орасига изво қўпиб, «сардорнинг ҳам тумишуги ер чизиб қолибдимми?» деган миш-мишлар урчиб кетар экан. Кўриб

қўйишсин, ҳали унинг ўтқир тумшуги тоғлардан паст бўлган эмас, паст бўлмайди ҳам.

Уяси атрофини қумуш туман оқ ҳарир рўмоллардек ўраган, гадир-будур, кўкимтир тоғу тош дара ўртасидаги илон изи дарё қумуш тасмадек кўзга таишланади, кенг тиниқ мовий осмонни пага-пага булут босмоқда. Бу ернинг ёмғири ҳам, қор-бўронли кунлари ҳам унга ёқади, овчи зотининг қўли етмайди бу ерларга!

Бир йилдирки, Тахти Қорача довоидаги ана шу кенг, мўл уясини макон тутган; ўндан ортиқ «калхатчалар» – ўзининг таъбири билан айтганда, эртадан-кечгача хизматида шай туради, гўшт сероб, таишвишга ўрин йўқ, қўшни уяларда болалари улгаймоқда, яна нимани ўйлайди.

У қанотларини ёзиб керишиди. Оҳ, маза! Бутун бир серсув, бой замин, тоғу тошлар, кенг водийлар, чўлу биёбонлар қаноти остида. Фақат ўзи, фақат у бу ўлканинг энг бой сардор калхати! Сардор калхат десалар, бу яқин-атрофдаги болаларнинг лабларига ҳам учуқ тошади.

– Қаз-з-з!!! Қаз-з-з-з!!!

У «нима шовқин?» дея тумшугини кўтарди, қоравойни яхши билади, ўлгудек ваҳимачи, ҳар куни ўнта гап топиб келмаса, боши куяди.

– Намунча қазилламасанг?

Йирик, гўштдор қоравой ола кўзларини ўйнатиб, уя лабига қўниб, посангидек тебранди:

– Қаз-з-з!!! Қаз-з-з-з!!! Мухтарам Сардорим, икки жаннат дарёси оралигининг ягона ҳукмдори, пушти паноҳимиз, соябон ва меҳрибонимиз...

Сардор калхат эзмаларни жини сўймайди, қарга дегани дангалини айтса-да, нуқул тилёғмалик қилиш билан овора.

– Муддаога...муддаога ўт! – деди у тумшуги билан имо қилиб.

– Қаз-з-з!!! Қаз-з-з-з!!! Пушти паноҳим, соябоним! – Қаз-з-з!!! Қаз-з-з-з!!! Хумо қуши бир гала ҳамтовоқлари билан бостириб келибди.

Биров Сардор калхатнинг гўштдор қанотларига кирт этиб, нина суқди-ю, кўзининг пахтаси чиққандек, дик этиб оёққа қалқиган эди, кучли шамол таъсирида қарга настга шувилаб қулади.

– Қағ-ғ-ғ!!! Қағ-ғ-ғ-ғ!!! Соябоним, меҳрибоним, айбим нима, айбим! Қағ-ғ-ғ-ғ!!!

– Қачон?

– Анча бўлди!

Сардор калхат кўкка шитоб билан кўтарилди. Йўқ, у бунга тоқат қилолмайди, уларни қувиб юборганига неча ўн йиллар бўлди-ку, ўша томонларда қирилиб кетишган, деб юрарди. Нечун? Қаёқдан ётирилиб келишди?

Ўзини ўнглаб олган Қоровой унинг аламига мой сенди:

– Кабутарлари болалаётган эмиш!

Сардор калхатнинг энди ростманасига аччиги чиқиб, жаҳл ва адоват билан қаттиқроқ, янада шитоб билан қанот қоқиб, янада баландроқ кўтарилди.

– Хей, Қоровой, жами калхатларни чорла, босқинчиларни жой-жойларида бўғизлаймиз!

– Улар Бухорои шарифни макон тутган эмиш.

– Жойларида бўғизлаймиз, қани, учдик!

6.

Амир Хусайн бугун шикорга кўнгилхушлик учун келган эмас: шикор – баҳона, қандай бўлмасин, бобосининг кўнглига йўл топиши керак. Яна синглисининг тақдирини ўйлайди, уни Темурбек билан ёлғиз қолдириш нияти ҳам бор: гаплашиб олишсин, бир-бирларига кўнгиллари борга ўхшайди, илож қанча, Камолой бир ёмоннинг кўлига тушгандан кўра, синовдан ўтган, бунинг устига айнан уларбоп йигит – Темурбекка турмушга чиқкани маъкул. Инн пишган, бобоси ҳам рози. Аммо Темурбекнинг ўзидан садо чиқмаяпти. Ўзидан сўз чиқкани яхши, эртага зўрлаб тикиштирган эдингизлар, дея таъна қилмайди.

Кенг тўқайзор тик қотган, бугун тонгда шамол унинг бағридан ура кочган эди, ҳалигача қорасини кўрсатгани йўқ. Ҳар битта камиш, ҳатто энди кўкариб чиққанлари ҳам ҳали замон нимадир рўй беришини сезгандек, қимир этмайди, гўё қимир этса, муҳим гапдан қуруқ қолади, оқова сувлардаги сувсарлар ҳам уяларидан бош чиқаришга юрақлари дов бермайди, ҳар куни кенг осмонда қанот ёзиб, ўлжа пойлайдиган қалхатлар ҳам бугун негадир кўринмайди.

Отларнинг дупуридан ер титраганда, тўқайзор қаттиқ бир титради-ю, сўнг яна тош қотди, фақат овчиларнинг бақирик-чақириклари, ноғора-ю бурғуларнинг така-тум ва ғад-ғуд овозлари янграб, кулоқларни қоматга келтирди, жамики жониворлар сичқоннинг ини минг танга бўлгандек, ўзларини қай тешикка уришни билмай, дуч келган томонга қалла қўйдилар.

Ана шу лаҳзада Ҳумо бошлиқ қушлар қарвони тўқайзор узра чарх урди. Бегоҳат қабутар: «Хон тилимизни тушунганда, овга келмас эди», дея зорланган бўлса, булбул хониш қилишдан тийилди, она бургут нуқул доира чизиб, айлана бошлади, чумчуқ: «Бу ердан кетайлик!» дея чириллади.

Ҳумо қуши Ўлжай оқанинг боши узра қанот қоқиб, хушнудлик билан:

– Камолой деганлари шу хурлиқо бўлади, таниб олинглар! – дея овоз берди.

Қушлар унинг қанотлари остига бирлашиб, от чоптириб кетаётган Камолойни ортидан қанот қоқишди. Шамол ғувуллаб, ер титрар, тўқайзор зорланиб увуллаётган эди.

Кўқдан, булутлар орасидан ҳасрат қуйи ерга тушиб, тўқайзорнинг қўйнига сингди.

Қушлар алам билан чарх урди, аммо уларнинг қичқирикларини на Амир Қазағон, на Темурбек ва на Ўлжай оқа англай олмадилар.

Ҳумо қуши саман отда тумшайганча овга кирган Амир Ҳусайннинг боши узра айланди. Унинг дев қўллари мушт тугилган эди. Бобосини кўндириши керак, Темурбек лашкарбоши этиб тайинлаган экан, Балхни менга олиб бериш унинг вазифаси. Амири лашкармисан, ишингни бажар. Ба-

жарали, бажармай қаёққа боради! Факат бобоси унга буйрук берса бас! Лекин нега у зот бу тўғрида оғиз очмаяптилар? Нега бу ишни пайсалга соляптилар? Ёки у кишига Балх керак эмасми?

Амир Ҳусайн олдинга қараб юрди. Темурбек катта қарағай панасида туриб, ниманидир мўлжалга олаётган эди.

Она бургут шиддат билан ерга шўнғиди, Ҳумо қуши: «Нима бўлди?» дея сўради, отларнинг пишкириши унинг овозини босиб кетди.

Ўлжай оқанинг титроқли овози янгради:

– Эҳтиёт бўлинг, бек жаноблари!

Ўлжай оқа ўқни қўйиб юборди. Дарахтнинг қарсиллаб сингани, шернинг аянчли ўкириши тўқайзорни ваҳимага тўлдирди.

Амир Ҳусайн отига шитоб билан қамчи урди:

– Чу! Чу, дейман!

Тепаликнинг остида, қуюқ чангалзор ёнида Темурбек ва бошидан ўк еган баҳайбат шер чалқанча чўзилиб ётар, зумда етиб келган Ўлжай оқа Соҳибкиронни срдан кўтармоқда эди:

– Бирор захмат етмадиму, бек жаноблари?

Темурбек ўрнидан тура солиб, эғнига ёпишган хас-хашакларни қоқиб ташлади:

– Ташаккур сизга, бегойим, кийик билан овора бўлиб, кўрмай қолибмен!

Она бургут қанотларини шиддат билан қоқиб, яна юксакка кўтарилиб, Ҳумо қушининг хизматига борди.

– Худо, бу йигитни бир асради!

Кенг осмон бирдан қорайди, қора булутлар шитоб билан бостириб келдими, деганлар кўк тўла қоп-қора қалхатларга кўзлари тушиб, «қаерда ётган экан бунча қалхат?» дея ҳайратда тош қотдилар. Ердан чиқдими бунча қуш, осмондан тушдими?!

Ҳумо қуш қанотларини кенг ёзиб, Сардор қалхатни кўкси билан тўсди-да:

– Чекининглар! Амударёга қараб учинглар! – деди баланд овозда.

Кабутар эрта-индин болалаши керак, юки оғир, шитоб билан қанот қоқишга қодир эмас. Она бургут унга ташланган калхатчани бир уриб ағдарди, қоп-қора патлар ерга қараб сочилиб кетди.

Кенг кўк қушларнинг кичқириғига тўлди.

Темурбек кўлини пешанасига тутганча самога боқаркан:

– Қушлар бир-бирлари билан жанг қилмоқдадурлар, ажабо! – деди ҳайрат билан. Ана у Ҳумо қушими?!

Тўртта калхат кабутарга ташланиб, уни ҳар томондан чўкиб ташлади. Она кабутар чинқирганча ерга қуларкан, узилган қанотлари шамолда учиб тушмоқда эди.

Темурбек садоғидан ўқ олиб, камонга жойлади-да, Сардор калхатни нишонга олиб, ўқ узди, шу лаҳзада қанотлари узилган она кабутар тап этиб, қамиш устига тушди: унинг ғамгин кўзлари мошдек очилиб қолган, митти тумшуғидан қон сизиб чиқмоқда эди, ёрилган қорнидан эса ҳали етилмаган оппок тухумчалари пачақланган ҳолда тупроққа қоришди.

Ўлжай оқа:

– Эсиз-а! – деди-ю, тикилиб қарашга юзи чидамай, ўзини четга олди.

Темурбек унинг оқарган юзига боқиб, йиртқич шерни маҳв этган мардона қиз битта кабутарни деб ранги оқариб кетганига ҳайрон қолган ҳолда, «инсон зотининг танаси билан руҳи ўзга-ўзга дунё-да» деган ўйни хаёлидан ўтказиб, яна кўкка боқди.

Унинг чаққонлик билан узган ўқи Сардор калхатнинг ўнг қанотида осилиб қолган эди. Қуш жон аччиғида кичқирганча чўл томон учиб кетаётган эди, кенг осмонни қоп-қора қилиб қоплаган калхатчалар ҳам унинг ортидан эргашган эди.

Ҳумо қуши пастлаб учганча жон таслим қилган кабутар узра гир-гир айланди-да, сўнг жануб томонга йўл олди.

Воқеадан хабар топган Амир Қазағон аввалига юраги каттиқ уриб, ўзини беҳол сизди, аммо Ўлжай оқанинг шерни маҳв этиб, Темурбекни фалокатдан қутқариб қолганини эшитиб, юрак оғриғи тарқаб, «Худонинг марҳаматини қаранг-а,

тушга кирмаган савдо», дея енгил тортиб, ўрнидан турди ва ёшларни мамнун қаршилаб: «Мардона неварамизнинг бу жасоратидан бошимиз кўкка етмишдур, Темурбек Сизнинг соғлиғингиз биз учун катта аҳамиятга эгадур!» – деди «бўлғуси куёвимизсиз, ахир» деган мазмунда.

Кутилмаган бу воқеадан бир оз ўнғайсиз ҳолатга тушган бўлса-да, Темурбек «шу баҳона Хонга янада яқинлашурмен», дея ўзича маҳзун тортди ва:

– Мухтарама хонимга минг ташаккурлар бўлсин! – дея миннатдорлигини изҳор этди.

Амир Қазағон унинг елкасига қокди ва:

– Буниси ҳисоб эмас, эрта-индин Сизни саройга чорлармен, суҳбатни ўша ерда давом эттирурмиз! – деди ойдай ёғду сочаётган париваш неварасига кўз ташлаб. – Айтгандай, иним Темурбек, кешликларни шатранжда анча уста деб эшитурмен, бунга тобингиз қандай?!

– Шатранж – бутун бир мантиқким, одамнинг фикрини чархлаб турадур.

Амир Қазағон унинг фикрини тўлдирмоқ учун:

– Ҳукмдорларга ҳам зарур малҳамдур ул! – деди кулиб.

Орадан уч кун ўтиб, Хон уни қайта йўқлади. Бундай одамлар ваъдасида турадилар, «айтилган сўз – отилган ўк».

Темурбек кириб келганда, у қаршисидаги шатранж тахтасига тикилганча мук тушган эди. Демак, анча пухта тайёргарлик кўриб ўтирибди, иши пухта, ёмон эмас.

Амир Қазағон худди азиз меҳмон келгандай, ўрнидан чаққон кўзғалди: қарашлари мулойим, кўзлари ёрқин, нафис лабларида ним табассум. Мулойим қарши олаяптими, демак, хавотирга ўрин йўқ; афтидан, ҳозиргина ким биландир шатранж баҳси ниҳоясига етган, мамнунлигидан билса бўладики, демак, у рақибини мот қилган.

Темурбек таъзим қилди:

– Амир Ҳусайнбек бирла сўзимиз бор эди, бир оз ушланиб қолдим, Хон ҳазратлари, узримни қабул қилгайсиз!

Хон боягидай мулойим қараркан, юмшок овозда деди:

– Хабарим бор ҳаммасидан!

Темурбекнинг кенг елкалари енгил кўтарилиб тушди. Хоннинг хабари бор экан-да, амир Хусайнбек унинг олди-дан ўтган кўринади. Бу ишлар енг учиди эмас, рози-ризолик, маслаҳат билан амалга оширилади. Демак, Хон рози. Илик қаршилади, боз устига юмшок муомала қиляпти.

Амир Қазағон унинг фикрларидан вокиф бўлгандек, жилмайди:

— Камолой кўзимнинг оқу қораси! Мен уни авайлаб катта қилдим, илм бердим, бугун бўйи етиб кўзимни қувонтирар даражада оқила қиз бўлди. Тўйини кўрсам, деб орзу қилган эдим. Отангизнинг мактубини ҳам олдим. Нима дейман: бахтли бўлинглар, болаларим. Лекин, Темурбек, оқил ва доно йигит бўлганингиз учунгина суюкли набирамни сизга раво кўрмоқдамен! Бу гапимни унутмассиз! Қиз бола жигардан бўлади-я!

Темурбек Балх масаласи очилса керак, деб ўйлаётган эди. Хоннинг бу гаплари уни беҳад суюнтирди. Ўлжай оқа!.. Ўлжай оқа уники энди. Хон розими, бас, бошқасига ўрин йўк!

— Ташаккур сизга, хон ҳазратлари! Отам каби азизсиз мен учун! Беҳад бисёр яхшиликлар қилмоқдасиз менга. Садоқат бирла хизмат этурмен! Суюкли набирангиз бахти-иқболи учун жон фидо этсам оздур!

— Ишонурмен, Сиз каби аржуманд йигитлар аҳли аёлларига меҳрибон бўлурлар!

— Ишончингизни оқлаймен, хон жаноблари!

Амир Қазағон мамнун ҳолда шатранжга ишора қилди.

— Мен билан баҳслашишга тобингиз қалай?

Темурбек бир неча кундан буён югур-югурлар билан шатранж билан машғул бўлишга вақт тополмай юрган эди, ҳозир худди ниҳоятда хушбўй ҳидли хоразм қовуни хумори тугтандай, қилт ютинди-да:

— Бош устига! — деди баҳор тонгидай очилиб.

Амир Қазағон уни синамоқ оҳангида:

— Чавгон ўйинида ҳам сизни жуда чапдаст, деб эшита-ман! — дея лўқма ташлади ва «кани, бу саволимга қандай ақлли

жавоб топаркин?!» деган ўй билан унинг теран нигоҳига, ялтираб турган кенг пешонасига синчковлик билан назар солди.

Темурбек шатранж доналарини чаққонлик билан жой-жойига терар экан:

– Машойихлар айтганларидек, бир йигитга қирқ хунар оз, Хон ҳазратлари! – деди содда ва ёқимли овозда.

Амир Қазагон енгил тин олди, ўзи кутганидек, саволига муносиб жавоб бўлди. «Муҳаммад Тарағай мол-мулкини беҳуда айнан шу фарзандига ишониб топширмаган, унинг бошқа ўғиллари – Оламшайх, Суюрғатмиш, Жўкилар ҳам бор, лекин ота буни ҳаммасидан афзал билади. Айтишлари-ча, Темурбек ота мулкига соҳиб бўлгач, оилага барака кирган: чорва кўпайиб, боғ-роғлар ҳам мўл ҳосил берган. Бу дунёда пойи қадам, деган гап ҳам бор. Унинг ҳам пойи қадами баракали келиб, тахтини янада мустаҳкамлаб олса, марра уники: умрининг охиригача ҳузур-ҳаловат билан ҳукм суради».

Хоннинг ҳурмати учун рақиб томондаги шатранж доначаларини ҳам тез ва чаққон териб чиққан бўлса-да, Темурбек унинг фикрини бўлмаслик учун сукут сақлаб турди.

7.

Ўлжай ока бу кунларда янада очилган, гўёки ойга чиққан-у унинг заррин ёғдуларига ўраниб қайтгандек, ҳар қараши мулойим табассумлар-у, жонни узиб олгувчи мафтункор нурларга тўла, ялт этиб, юракни узаман, дейди. Кўз корачикларида ҳилол ой нури бот-бот порлайди. Юришлари ҳам ўзгача: гўё оппок қанот чиқариб, оҳиста сузиб кетаётган оҳуни эслатади.

Ҳар қизнинг ўз фасли бўлади. Ана шу фаслга етган бўйдор киз тунларни ҳам, тонгларни ҳам ширин ҳислар, нозик таассуротлар, хуштаъм энтикишлар билан интиқ-интизор қаршилайди. У ҳам ҳозир шундай паллада, шундай фаслда яшаяпти, ҳатто канизакларнинг шивирлашлари, кулишлари-ю ўғринча қараб қўйишлари ҳам унга тотли, лаззатли ва қандайдир латофатли туюлади.

– Қизим, бўлғуси куёв билан гаплашдим, – оқсоч кампир бир оз ҳазилкаш эди, лекин ҳозир жиддий гапирди, – отасидек

жуда вазмин экан. Бўғчани кўтариб келаётсам, «Эна, оғир юк кўтарманг, ёшлар йўкмиди?» деди ва ўзи ёрдамлашиб юборди, юкимни саройгача келтириб берди, — кампир энди ҳазилга ўтди. — Бундай йигитнинг тафтига бир исинган қиз ундан ўла-ўлгунича айрилмайди.

— Уялтирманг, оғочи! — қиз уялганча терс ўгирилиб, тим қора сочини кампирнинг кўлидан аста суғуриб олди.

— Уялма, қизим, — кампир сочни ушлаб яна тарай бошлади, — бунинг уяти йўқ. Ҳали мени айтди дерсан, дунёда юрган эканман устимга темир кийиб, от суриб, дейсан бир куни!

Дилшод оғочи пикиллаб кулди.

Ўлжай оқа унга қараб қовоқ уйди:

— Сизга кулги бўлса! Ўлманг, оғочи!

— Маниям биринчи хўжам пахлавон йигит эди, чимилдиққа шердек хайқириб кўтариб кириб кетган.

Оқсоч кампир Ўлжай оқанинг ўчини ундан олмоқни кўзлаб гап котди:

— Эрингиз нечта бўлганлигини эслолмасангиз керак, айланай!

— Бошингизга битгасининг битгани маъкул экан, кўп эрли бўлдим-у, лекин эр кўрмадим.

Оқсоч кампир унинг ярасига туз сепмаслик учун индамади, ичида «Тавба қилдим», деди ва тилини тишлади.

Ўлжай оқанинг унга раҳми келди. Ҳаловат билмаган кўринади, ҳаловат кўрганида бу ерга келиб хизматкорлик қилармиди? У бир пайтлар Дилшод оғочи номига сазовор бўлган, ҳурмат тошган. Фалакнинг гардишини қарангки, шундай аёл бутун бировларнинг ширин сўзига, эътиборига, илтифотига зор: на бола-чақаси бор, на уйи, на жойи, ҳеч кими йўқ бир мосуво, уни бобоси Амир Қазағон топиб келган эди.

Соли Сарой атрофидаги қишлоқдан экан. Бу ерларга келганига ўн тўрт йиллардан ошди-ёв, ўшандан буён хизматда. Баодоб аёл, ишчан. Пазандалиги ҳам жойида. Ўлжай оқага бир-биридан тансиқ таомлар тайёрлашни сира эринмай, хафсала билан ўргатар экан: «Бегойим, келгусида бировларнинг кўлига қараб қолманг, Сиздек аслзода ойимларнинг

хар нарсадан хабардор бўлганлари яхши», дерди самимий оҳангда.

Ўлжай оқа ташқари чиққанда, Амир Ҳусайн уни остонада кутиб турарди.

– Темурбек Балхга отланадурлар, бориб хайрлашинг, Камолой!

Ўлжай оқанинг хушбичим лаблари титради:

– Нечун жўнайдулар?

– Ўзларидан сўрарсиз, – Амир Ҳусайн сир бой бергиси келмади.

Юраги ишқ ўтида ёнаётган Ўлжай оқа кулоғи овда, шивир этган товуш эшитилса, бутун вужуди кулоққа айланади. Тунов куни бобоси билан Темурбекнинг суҳбатлашаётганини эшитиб, югурганча остонада тик қотди. Бу қилиғи кимсан Хон неварасига хос бўлмаган одобсизлик саналса-да, муҳаббат кўзни кўр қилади, деганларидек, «бу гап менга тааллуқли эмас», дея ўз билганидан қолмай, суҳбатга кулоқ тутди.

Бобоси майин, юмшоқ сўзламоқда эди:

– Иним, Сизнинг «Раиятга зиён-заҳмат етказмай қилинган жанг адолатли саналур», деган сўзингиз, яъниким фикрингиз менга маъкул бўлган эди, – Амир Қазағон сўзимни тўғри қабул қилдими, деган хаёлда Темурбекнинг юзига бокди. – Ва мен ишонаманки, Сиз олижаноб Амири лашкаримиз шаҳриобод Балхни талафотсиз қўлга киритиб қайтгайсиз. Яна Сиздан ўтинчим шулки, шаҳар аҳлига зиён етмасин, авомда ҳеч бир айб йўқ.

– Хотиржам бўлгайсиз, Хон ҳазратлари, менинг мақсадим ҳам шаҳар аҳлига зиён-заҳмат етказмаслик. Ижозат этсангиз, йигитларни яна бир сараласам: озғинлари узок йўлда ярамайдурлар.

– Не десангиз биз розимиз, Темурбек!

– Хон ҳазратлари, бизни Хўжа Укоша¹ зиёратига борадурлар, дея эълон этилиши лозим.

¹ Хўжа Укоша – асли исми Саъд ибн Абу Ваққос. Муҳаммад пайгамбарни бир неча бор оғир вазиятлардан олиб чиққан. Унинг вафотидан сўнг халифаликка номзод бўлганлардан бири.

– Бугун жарчилар хабар бергайлар.

– Яна ниятим шулки, бул катта карвон. Мен уни ўнлик ва юзликларга ажратишни истайдурмен.

– Энг тўғри йўлдир бу, Темурбек! Мен яна бутун вилоят, кентларга, қалъалар кутволларига, шайх ва муллаларга хабар юборгайдурмен, алар сизларни хушнуд кутиб олурлар ва авом кўз ўнгида Хўжа Укоша зиёратгоҳига бораётган Сиз зиёратчиларни хўб ва кўб сийлагайлар! Шундай килсак, ҳеч кимда шубҳа қолмас, ул балхлик муртадлар ҳам бирор шубҳага бормаслар.

– Иншооллоҳ, бизни Тангрининг ўзи қўлласин!

– Сизга оқ йўл тилаймен, – Амир Қазагон суҳбат маромида ўтганидан мамнун эди. Темурбекнинг қўли билан Балхни қон тўкмай олса, бир томондан таъна-маломатларга ортиқча сўз қолмайди, иккинчи томондан, кўпдан бери орзу қилиб юрганидек, Амир Хусайн – невараси масаласидан қутулади.

Айрилиқ куйи Ўлжай оканинг юрагини куйдирди, у худди азиз нарсасини йўқотиб қўядиган киздек, талвасага тушиб, хушини йўқотаёзди. Қайтиб келмасачи? Йўлда бир кори ҳол рўй берса, нима бўлади?! Балхликларни жангари оломон, деб кўп эшитган. Битта-яримтаси унга тиш қайраб, жонига таҳдид қилса, додини кимга айтади?!

Остонада Ўлжай оқа унга тўкнаш келди-ю, кўзлари онаизорникидек, жовдираб боқди. Сезгир ва қув Темурбек кизнинг юзидаги ташвиш кўланкаларини тез англади: Балхга кетаётганлигини эшитган, бўлмаса, бундай ғамгин аҳволда келмасди.

Амир Қазагон неварасини очик чехра билан қарши оларкан:

– Темурбек, Балхга, Хўжа Уқола зиёратига кетадурлар, оқ йўл тиланг, Камолой! – деди негадир ёлғон гашираётганидан ўзи хижолат тортиб.

Темурбек жилмайди. У ҳам кизнинг бу тўғрида билмаслигини истарди. Лекин ҳозир унга бир сўз айтмасдан кетиш номардлик саналади.

– Қайтиб келиб, сизга ўзим ҳаммасини тушунтирамен, – деди у эртага ёлғончи бўлиб қолмай деган ўйда. Тўғри-да, Балхни қўлга киритиб қайтса, вазият шундай эди, айтолмадим, дея ўзини қандай оқлайди. Ўзим тушунтирамен, дея уни огоҳлантиргани яхши бўлди. Ақлли киз, у тушунади, албатта.

Ўлжай оқанинг киприклари намланди. «Эй муҳаббат, сан ўзи нимасан?» Кўнгил торлари бирдан чертилиб, чиннидек жаранглаган эди, ҳузурланиб энтикаркан, бутун танасини ёқимли туйғу эгаллаб олди-ю, ёрини соғинган қизлар каби қўлларини чўзиб керишди. «Оҳ, бунча ёқимли! Тезроқ қайтинг, эсон-омон бориб келинг, паҳлавоним!»

8.

Хусрав Баёнқули Қутлуғ Темурнинг этагини кўзига суртди, аммо бошини кўтарган заҳоти қалбида алам чириллаб, номус куйини чалди. Номусинг сотяпсанми?! Йўқ, йўқ, сотаётгани йўқ, керакли пайтда, беозор мусича, керакли пайтда, тулки ҳам бўлиши керак. Ҳозир у ялтокланишга мажбур, унинг ёрдами билан Амир Қазағонни гумдон қилиб, тахтни куёви Абдуллоҳга олиб берса, пичоғи ёғ устида ўйнайди: у ҳам сал ҳаловат кўрсин, юрагида бир олам орзулари бор; Абдуллоҳ тахтга ўтирса, бу орзуларнинг амалга ошиши ҳеч гап эмас. Жайхун бўйида бир чорбоғ қурдиради, мўлжаллаб қўйган жойи бор, жуда баҳаво манзил. Сўнг у ерда бир қалъа бунёд этади, ишни ана шундай аста-секин бошлайди. Қизи ўғил фарзанд кўрса, уни Турон тахтига олиб чиқишга ҳаракат қилади. Кимсан Хусрав Баёнқули авлоди нечун Туронни бошқаришга лаёқатли бўлмасин!

У Қутлуғ Темурга караб тиржайди:

– Хабарлари борми?

Ҳамтовоғининг кенг пешонаси тиришди:

– Нимадан?

– Темурбек Балхга кетди!

– Айни муддао-ку! Лекин нечун?

– Хўжа Укоша қабрини зиёрат қилгани!

Қутлуғ Темур «Шунга ишонасизми?» дея сўрамокчи эди, аммо тилини тишлади. Бу ғаламисларга ҳар гапни очик айтмаслик керак. Темурбек ҳар жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган Балхга беҳудага кетмаган.

– Бир ўзи кетдиму?

– Катта карвон билан.

Катта карвон билан?! Зиёратга катта карвон билан бори-лар эканми? Шунга ҳам ақлларингиз етмадими? Темурбек деганлари, Тарағай баҳодирнинг ўғли... Ҳарбий хийлалар ўйлаб топишга уста йигит! Туронда бунақа уддабурро ёш амирни учратиш қийин! Топган хийласини қаранг. Балхга силлиққина кириб боради-да, айшу ишратга берилган нобакорларни таппа босади, бировнинг бурнини қонатмай шаҳарни эгаллайди. Уҳ, сенлар-ей! Сенлардан эҳтиёт бўлмоқ шарт!

Хусрав Баёнқули хонни тезлашга шошилди:

– Ҳозир айни пайти... Амир Қазағон эрта-индин шикорга чиқади.

Қутлуғ Темур гапиришга ошикмади. Сухбатдоши кўзига хунук кўринди. Амир Қазағон илонни қуда қилган экан. Қуда бўла туриб, унинг тагига сув қуймоқда. Кунлари битган барисининг. Гўштларини ейишсин, дўзахга жўнатишсин бир-бирларини.

– Ўйлаб кўрурмиз, – гапни қиска қилди Қутлуғ Темур. Ул париваш Ўлжай оқа ҳам ўзиники бўлади. Ҳе-хе, қўша бахт қуши кўлига қўнай деб турибди. Ўлжай оқа, сен оддий бекнинг ўғлига эмас, менга аталгансан. Унинг ҳасад тўлган юраги шайтондек ҳиринглади.

Бу томонда Ўлжай оқа айрилиқ тўлғоғида эди.

Қулоғи остида ғайритабиий ҳиринглашни эшитиб, нечундир этлари жимирлаб, нохуш сесканди.

Тонг отиши бунча қийин, тунлар шунча чўзилиб кетдимикин! Тунлар бунча узоқ бўлмаса! Осмонда юлдузлар чарақлайди, сон-саноксиз юлдузлар! Амир ҳазратлари ҳам мендек юлдузларга тикилиб ётганмикинлар ҳозир? Нималарни хаёл сурмоқдалар? Меними, бошқаними?! Балки, Нурмушқ оқачани ўйлаётгандурлар.

Оғир нафас олаётган кишидек, руҳида ҳорғинлик сезган Ўлжай оқа ўнг ёнига базўр ағдарилди. «Кишт-э, кишт! Ундай эмас, эшитгани борки, падари бузрукворлари Қарши беги Жоку барлос билан оға-ини эканлар, шул боис, куда-анда бўлишган экан!»

Юрак курғур баттар гуриллаб ёнди.

«Уф-ф, айрилиқ деганлари оловдан ҳам иссиқроқ, тафт-лироқдур, одамнинг ич-ичини куйдирадур!»

У юмшоқ тўшакда кирғокқа чиқиб қолган балиқдек тўлғанди. «Айрилиқ бунча ёмонсен-а!»

Беихтиёр кўксини силади.

«Қачон келадилар? Қачон?»

От кишнади. Нимадир тараклаб кетди. Қаергадир ўғри тушдимикин? От ўғрилари кўп ҳозир. Тунов куни бобосининг отларини ўғирлаб кетишибди. Куппа-кундуз куни кенг даладан отларни ўғирлаб кетишса-ю, биров билмаса! Отбоқар: «Ухлаб қолибман, ғафлат босибди», дея баҳона қилган эмиш. Бошқалар: «Бекор айтибди, ўғрилар уни кўркитишган», дейишяпти. Шунақа жодугар ўғрилар ҳам бўлар экан-да!

Эрталаб уни Амир Қазағон йўқлаттирди:

– Шикорга бормаймен, дебсиз, кизим?!

Ўлжай оқанинг ҳафсаласи йўқ эди бирор жойга боришга.

– Тобим бўлмай турибди, – дея баҳона қилди.

– Табибларга кўрининг унда, кизим.

Ўлжай оқа кенг хонасига қайтди, оқ харир кўрпачалар тўшалган юмшоқ ўрнига чўзиларкан, Темурбекнинг кўркам чехраси хаёл кўзгусида жонланиб, беихтиёр энтикди. «Соғсаломат қайтаётганмикинлар? Нечун бунчалик узок қолиб кетдилар?!»

Дилшод оғочи томоқ кирди:

– Уйғокмисиз, бекам?

Ўлжай оқа бошини кўтариб унга қаради. Бирор янгилик бормикин?

Дилшод оғочи ичкари кирди:

– Кўнгиллари нима тусайди, хоним?

Муҳаббат тўла юрак мулойим кулди. «Темурбекни!»
– Бедана шўрва солиб қўяйми?!
Хоним қўл силтади:
– Ҳеч нима керак эмас! – Овози ҳийла баландроқ чиқди.
«Беҳуда каттиқ гапирдим, – ўйлади ўзича, – одатим курсин».
Ҳаял ўтмай хизматкор кампир кириб келди:
– Ҳай, она қизим, ҳалитдан бунақа соғиниб қолсангиз,
кейини нима бўлади?
Ўлжай оқа кип-кизариб ўрнидан турди.
Кампир уни гапиртиришга қўймай яна узиб олди:
– Ошиқ-маъшукликнинг ана шундай куйдиргичлари бор,
она қизим, чидайсиз энди.
Ўлжай оқа тўлғанди. «Чидаймен! Чидамай нима қиламен!»
Унинг илҳақ руҳи Балх томон учди.

9.

Балх шаҳри нафасини ичига ютган.
Оломон ҳайрон, нима бўлаётганини ҳеч ким тушунмайди.
Темурбекнинг жарангдор овози уларни ўзига қаратди:
– Менким, Яратган эгамнинг кули, кешлик Темурбек, бутун
Туронда эътиборли шаҳрингиз Балхнинг буюк амир Қазағон
тобелигига ўтганини маълум қиламен. Бизни қаршиликсиз
кутиб олганингиз шарофати ила ҳар киши бошига солинажак
ўлпоннинг миқдорини камайтирамен!
– Худога шукр-е! – деди кимдир оломон орасидан.
Бошқа бирови гапга қўшилди:
– Амир Тарағай кўзи тўк одам эди, ўғли ҳам ўзига тортиб-
ди.
– Очофат амирлардан худо сақласин, – деди кимдир
гудуллаб.
Оломон аста-секин тарқалди: этикдўз дўконини очди,
кандолатфуруш тўланажак ўлпон ҳақида бош ҳам котирмади,
ўлпон миқдори камайтирилган экан, ташвиш чекиб нима
қилади, топганини гадойга ҳам садақа қилиб юборган
бўларди, насибаси экан олсин, худо йўлига.

Карвонсарой соҳиблари ҳам хотамтой амирнинг қароридан енгил тортдилар. Бугун солиқни унга тўласалар, эртага халқдан қайтариб оладилар. Тўс-тўполон, ур-йикит бўлмаганига шукр. Тинчлик бўлса, мол топилади.

Шайхлар, муллолар оёқларини қўлларига олиб зир югуриб қолдилар. Ўлжанинг бешдан бир қисми Темурбекка тегиши керак, лекин у «Менга ҳеч нарса керак эмас», дебди. Амирки ҳақини олмас экан, Кеш масжидларининг аҳволи не кечади? Улар Темурбекнинг Хўжа Укоша зиёратидан қайтишини сабрсизлик билан кутдилар.

Темурбек Балх саройи олдида турган оқ саллал мўйсафидларни кўриб отдан тушди ва биринчи бўлиб салом берди.

– Хуш кўрдик, отахонлар! – деди у тавозе билан.

Хўжа Укоша масжиди имоми паканароқ мўйсафид:

– Темурбек, ўғлим, бизни арзга келишибди, деб ўйламанг, – деди митти кўзларини жовдиратиб. – Ислом дини қуввати йўлида фидойилигингиз зарурдир, шу боис, андак фикри ожизимизни изҳор этишга изн сўрайдурмиз.

– Ичкари кирайлик, отахонлар! – Темурбек қарияга «бошланг» дегандек имо қилди. Отаси: «Ҳеч бир кимсанинг дилини ноҳақ оғритмагин, шайх, муллолар билан юмшоқ муомалада бўл!» дея кўп тайин қиларди. Ҳозир бажарадиган юмушлари кўп бўлса-да, ўзини қўлга олди: дунё ўтади, бу ташвишлар ҳам ортда қолади, аммо инсоннинг ортидан ёмон ном қолганидан баттарроғи бўлмаса керак. Эй, Темур, сахий бўл: ёмонлик билан одам ҳеч иззат топганму? Ўғри бировларнинг ҳақиға кўз олайтириб, ҳеч бойиганму?

У арзга келганларни катта хонага бошлаб кирди. Имомга ўнг ёнидан жой берди. Хизматкорларга егулик олиб келишларини буюрди. Орада имомни гапга солди:

– Шаҳрингиз фарзанди Жалолиддин Румий ҳазратлари ёзмишлар:

*Эй, давойи нахвату номусимиз,
Эй, сен Афлотуну Жолинусимиз.*

Нечун ул зот ишқу олийни Афлотун ва Жолинусга тенг кўрурлар?

– Бадким, ўғлим, Афлотун ҳақиқатга восил бўлиш йўлини мукошифа деб билди. Жолинус ҳам бу йўлни тўғри, деб эътироф этадур.

Имомнинг мушоҳадасига қўшимча киритишни ўйлаб оғиз жуфтлаган Темурбек Амир Хусайннинг ҳовлиқиб кириб келаётганини кўриб жим қолди:

– Келинг, Хусайнбек! – деди «тинчликми?» деган оҳангда.

Амир Хусайн унинг қаршисидаги супага тап ўтирди:

– Сиз билан бундай келишмаган эдик-ку?! Ҳақингизни рад этганингиз майли, аммо нечун менинг ҳақимни айирмадингиз?

Темурбек унинг ҳақи тўғрисида ўйлаган эмасди, ўлжага кўз олайтирмайди, Балх осонгина кўлга киритилди, шунинг ўзи унга кифоя деган ҳаёлда эди. Энди бу нима қилиқ? Юрагида нина санчилгандек оғриқ турди. Нима десин? Ўтирганлар олдида жеркисинми? Кимсан Амир Хусайнни-я? Бўлажак қайноғасини-я!

– Хусайнбек, ташвиш тортманг, мен ўз ҳақимни сизга берурмен! – У имомга ўтирилди. – Таксир, Жалолиддин Румий айтган эканлар:

*Қуш агар ёлгон садодан завқланар,
Жинси эрмаскан яна нафратланар.*

Имом унинг сўз ўйинига тушунди ва мийиғида кулиб қўя қолди.

– Эртага Бухорои шариф қайдасен, дея йўлга чиқурмиз. Тайёргарлик кўринг! – деди Темурбек ҳаммага эшиттириб.

9.

Бугун унинг Балх шаҳридан қўни-қўнжи тўлиб қайтганига атиги бир неча кунлар бўлди, аммо ана шу уч кунда у вазият тубдан ўзгарганини сизди, сизди-ю, ҳар ёнда ўзига нисбатан адоват кўпчиётганини ич-ичидан англаб, эртасини ҳам,

Ўлжай оқани ҳам ўйлай бошлади. Кўнгли ҳам безовта, ўзини ҳам бу ерларда омонат сезмокдаки, бу бир ташвишига ўн ташвиш кўшмокда.

Тунов куни Амир Кулолни учратиб, ортидан борди ва юзма-юз келиб: «Эй, муқаддас дин бузруквори, яқин аҳлининг хумойи, Сизнинг камарингиздан умидвор бўлган ҳолда сўрайдурменки, менга хизмат буюрсангиз, дарвешлар хотирин хушнуд этмок ниятимдур», – деди умид ва ишонч билан. Аммо нима бўлди, денг! Ҳазрат унга нохушлик билан бокиб: «Дарвешлар сухани махфийдур. Бас, шундай экан, билингиз-ким, менга ўз-ўзимдан бировларга хизмат буюриш берилмаган. Фақат азизлар руҳониятидан ишорат бўлгач, тонширик берилур. Лекин интизор кутинг, йўлингизда улуг равшанлик кўрмокдамсн. Сизга албатта, неклик хабари бордур», – дедида, шитоб билан ўтиб кетди.

Бу ҳам унга зарба бўлиб тушди, бу ерларда санокли кунлари қолгани ростмикин?!

Темурбек девор ортидан эшитилаётган гап-сўзларни эшитиб жойида тўхтади. Нима гап? Яна фитнами?!

– Қачон? – мингиллаб сўради кимдир.

– Фақат шикор пайтида! – Бу Баёнқулининг овози эди.

– Нега шикор пайтида?

– Биров билмаслиги учун.

– Ўрнига Абдуллоҳ ўтирурму?

– Иншооллоҳ!

– Куёви Қутлуг розиму?

– Рози!

Разил кимсаларнинг қабих ниятидан огоҳ бўлмокда, бу ҳам Яратганнинг инояти. Энди шошилиш керак. Ҳар ҳолда Амир Қазағон эл-улусни ўйлаган ҳукмдор. Нон-тузини еб турибди, бир томони... Аъзойи бадани титроққа тушган Темурбек Хоннинг хузурига шошиб кирди. Хон ниманидир ўкиб турган эди, унга кўзи тушиб, қўлидаги шоҳи қоғозни тез ўраб буклади-да:

– Келинг! – деди хомуш ҳолатда.

Темурбек Балхдан қайтгандан буён Хонни бундай хафа, хомуш ҳолатда учратмаган эди.

– Хон ҳазратлари?

– Сўйланг!

– Тўрт-беш бадкорлар Сизга карши фитна тайёрлаган кўринадурлар. Улар хосхонада тил бириктириб турибдурлар.

Хоннинг қалин лаблари кўкариб, тийрак кўзлари аламли бокди.

– Ҳозиргина куёвингиз ёнидаги ўз одамимиздан нома олдик. У ҳам бизни бу мудхиш мажлисдан вокиф этмишдир.

– Хон ҳазратлари, мен аларни фош этурмен, факат Сиз ул бадкорларнинг харом конлари бирла пок кўлингизни ифлос этмангиз!

– Йўк, мен аларга зиён етказмаймен, ўзлари жазо топқусидур!

Туманли кун. Атрофда сокинлик кезади.

Темурбекнинг меҳмонхонасидан шивир-шивирлар, гўн-гир-гўн-гир товушлар эштилади.

Хусрав Баёнқули кенг ҳовли дарвозаси ёнида, худди бойнинг уйига ўғриликка тушаётган кимсадек, безовта ҳолатда муюлиш томон ўқтин-ўқтин ола қараб кўяди. Узун, бўлик бармоклари билинар-билинемас титраб, эчки соқоли илон болаларидек хунук силкилланади, ниҳоят, кутган одамларининг қадам товушлари кулокка чалина бошлагач, югуриб меҳмонхонага кирди-да, бўридай улиган овозда деди:

– Тайёр туринглар, иккисини ҳам кўйдек бўғизлаб ташлаймиз.

Амир Қазағон остонада тўхтади:

– Бировнинг уйида туз еб, тузига тупурмоқчимисизлар? Мен сизларга умр бўйи туз бериб келадурмен. Туз сган жойингга кирқ кун салом берсанг оз, дейдилар машойихлар. Сизлар хайвон бўлганларингда, барчангизни шу ерда бўғизлатур эрдим, лекин мен мардлик ила хузурингизга фақат Темурбек билан келдим.

Хусрав Баёнқули – Амир Қазағоннинг қудаси бўйинини эгди.

Амир Қазағон уни уялтирган бўлиб каттик-каттик деди:

– Ҳамма уялмаса ҳам, Сиз уялингиз, Хусравбек. Ўтиборли амир бўлатуриб, ўз қайнингиз уйига тиг бирла келганингиз

нимаси? Сизлар-чи? – Хон ўтирганларга кўз югуртирди. – Сизларга ҳам уят эмасми? Кийимингиз остидаги тиг нимаси? Қонсираб қолдингларми?!

Темурбек Хоннинг ҳозирги вазоҳатидан таҳликага тушди, азбаройи, жаҳл устида уларнинг барини ёсоққа етказиш ҳақида буйруқ бериши ҳеч гап эмасди.

– Хон ҳазратлари! – дея ўтирганларга ишора қилди у. – Бул зотлар тушунадургон кишилар, аммо баъд, қайсидур жоҳилнинг макрига қул бўлган кўринадурлар. Аларнинг бир қошиқ қонларидан кечинг!

Орадан уч кун ўтди.

Амир Қазағон саройдан эшикка чиқмай қўйди, ҳеч кимни қабул қилмади, ҳеч ким билан суҳбатлашмади.

Эндигина тўйи ўтган Ўлжай оқа ўзи кутган бахт висолдан тўйиб нафас оламан, ўйнаб-куламан деб турган бир пайтда бобосининг саройда қамалиб олиши уни хийла кийнаб қўйди.

– Амирим, – деди у ёстикдошига бир оз эзилган оҳангда, – Балх воқеаси бўйича тафсилотни очик баён этмаганингизни тушунамен, аммо бугун на суюкли бобом, на сиз кўнгил очасиз, мени кийноққа, изтиробга соладурсизлар, не гап? Айтинг, ўтинамен, ёлворамен!

– Ҳеч ҳам кийналманг, бекам, айтарли бирор ташвиш йўқ. Бобонгиз амирларнинг найрангларидан қуйиб ўтирадурлар!

– Қанака найранг?

– Улар бобонгиз жонига қасд қилмишлар.

– Қасд?

– Ҳа, қасд қилмишлар. Мен аларни фош этдим.

– Бобом биладурларму?

– Биладурлар!

– Олдиларига боринг, ҳозирок боринг, ул кишининг қоронғи кўнглига умид чироғини ёқинг!

– Сиз шуни хоҳлар эркансиз, бош устига, бекам!

Оқшом чўқди. Маҳзун оқшом. Катта сарой мунғайиб, чўкиб қолган қояга ўхшайди. Йўлаклардаги сукунат юракка ваҳима солади.

Амир Қазағон кўк муқовали катта китобга кўз тиккан ҳолда аввалгидек хомуш эди. Темурбекнинг ичкари кирганини кўриб, китобни четга сурди.

– Не гаплар, Темурбек?

– Сиздан ҳол сўрай, деб кирдим. Нечун бунча ташвиш торгасиз, Хон ҳазратлари. Мухтарама бекамиз ҳам Сизни деб кайғуга ботмишлар.

– Темурбек, Сиз мен бечорани кўп ўлимдан сақлаб қолдингиз, фарзандимдан кўрмаган яхшиликлар қилдингиз. Кўп ва ҳўб ўйладим: қаридим, мен қариликни бўйинга олайин энди. Келмиш бор, кетмиш бордир. Ўлимдан, Ҳақдан бирор кимса кочиб қутулганму? Ўлимни Чингизхону соний ҳам енголмади. Мен енгаменми?

– Яхши ният қилинг, Хон ҳазратлари!

– Яхши ният шуки, ўғлим, бугун мен бир қарорга келмишмен, – Амир Қазағон ўрнидан турди-да, нақшинкор, қизғиш катта сандиқни очиб, ундан ок ўроғлиқ қоғозни олди. – Бу Сиз учун, Темурбек! Сизга деб тайёрлаттирдим. Олинг ва Яратганга шукроналар айтинг, Сизнинг тақдирингизда шундай улкан масъулият битилғондур. Оллоҳ олдида мен ўз бурчимни... ўз бурчимни кўзим очиклигида бажариб қўйиш... шу ният... фикримни тушунгандурсиз?!

Темурбек қоғозни очиб ўқиди: «Ҳат бердик ва аҳд қилдик: биздан сўнг Турон хиттаси Темурга тааллуқ топқай». Бу яхши, мақсадига эришиб турибди, аммо Хоннинг руҳи чўккан, ўзига ишончи йўқ, ана шуниси ёмон-да.

Амир Қазағон:

– Ўтган сафар овда омадимиз юришмай хижолат тортган эдим, бек, эрталаб тайёрланиб туRING, зўр ов уюштирамиз: барра гўштларни соғиндик! Айникса, тустовук кабоблари! Маза-я!

Темурбек димоғига қон ҳиди урилиб, бурнини жийирди: ўк еб, арра тишлари орасида қон сизаётган шернинг ўлиги кўз олдида гавдаланиб, жойида оғриниб тебранди. «Керакмикин шу ов!»

Хуфтон намозини адо этгач, бир бурда қўй гўшти томоғидан зўрга ўтди. Одамнинг кайфият осмони хира тортса, иштаҳаси

ҳам ғишпа буғилади. Бир ёмонликнинг ҳиди келмоқда, қандай фалокат кутмоқда уни?! Барвактроқ ухламоқни кўзлади, аммо юраги типирчилаб, «ухлама, ухлаш мумкин эмас» дегандек безовта тепди.

Эрталаб совуқ шамол эсиб, чор-атрофни қуюқ туман босди. Тонгда қуюқ туман тушса, бир-икки соатда тарқаб кетиб, кун бўйи офтоб чарақлайди.

Темурбек икки кишилик олачукни ўзи билан бирга олди. Ўлжай оқа ҳам овга бирга боряпти, гўзал аёлнинг номахрамлар олдида очик ястаниб ўтиришини ўзига эп билмайди. Энди у олдинги шунчаки Камолой эмас, Темурбекнинг суюкли завжаси, кўз қорачиғи, суянчиғи, тан махрами; хотинини бегона кўзлардан асраш эрнинг вазифаси. «Рашки йўқ эрдан кўрк», деган мақолни кўп эшитган.

Улар кўчага чиққанда, Амир Қазағон аллақачон шикорга жўнаб кетган эди. «Бобонгиз дала-даштни, чўлу биёбони, кенг тўкайзорларни жуда яхши кўрадилар, саройда сиқилиб кетсалар керак», деди Темурбек кулиб ва отга ирғиб миндида, камчи босди.

Ўлжай Туркон оқа офтоб янглиғ очилиб жилмайди. Ёнидаги канизаклари пикир-пикир кулишаркан, Офтобрўй дегани: «Бек оғангиз ҳамиша ширин сухан қилурлар», деди илтифот билан, лекин Ўлжай оқанинг рашки келиб, «шунакаларми?!» дегандек, унга истехзо билан чимирилди. Бунақаларнинг шохини қайириб турмаса, ўзидан кетади. «Эр бермоқ – жон бермоқ! Уни ҳеч кимга бериб қўймайди!»

Кенг дара. Дарё ваҳимали шиғирлайди, то улар бу ерга етиб келгунча, туман тарқаб, куёш чарақлади ва кун олтинтус товланди, аммо Темурбек улкан қоя соясида қорайган сойга тушиб, танаси совуқдан увушаётганини сиздида, нечундир ваҳима билан атрофни кузатди. Ўлжай окани саройда қолдириш керак эди, замон нотинч, Хон безътибор, бундай пайтларда ғаним дегани қашқир тусга кириб, пайт пойлаб юради. «Эй Яратган, ўзинг бизни ҳар қандай фитналардан, ёмон кўзлардан, беадаб сўзлардан, бевакт ўлимдан асрагин!»

Сой бўйида узун бўйли беш-олти навкар уларни кутиб турган экан.

– Темурбек, Сиз аъло ҳазратни шу ерда кутиб турар экансиз, у киши тезда қайтадилар!

Темурбек Хоннинг мақсадини англаб, «мен учун тустовук отгани кетган», дея енгил сўлиш олди. «Куёвни пайғамбарлар ҳам сийлаган».

Канизаклар бир-бирлари билан ҳазил-ҳузул қилиб, бирма-бир отдан тушдилар.

Темурбек илдам юриб, Ўлжай оқанинг отининг жиловидан тутди:

– Улуғ бобонгизни шу ерда кутиб турар эканмиз!

Ўлжай оқа чакқонлик билан эгардан ерга тушди:

– Тинчликми?

– Бизни тустовук кабоби билан сийламоқчилар!

– Ох-хо, шундайми?! – Ўлжай оқа бу гапни шундай маъин, ёниқ эҳтирос билан айтдики, ёкимли овози бекнинг юрагини хушбўй мумиёдек юмшатиб, китиклаб, танасига ором бахш этди. «Бунча дилбар жуфти ҳалол, ўзингга шукр, эгам!»

Куёш тик кўтарилиб, сой оппоқ ёришди, аммо атроф қандайдир совук, фэйзсиз эди. Ҳадеганда, Амир Қазғондан ҳам дарак бўлавермади.

Ўлжай оқа бир-бирларига сув сепиб, қаҳ-қаҳ кулишиб юрган канизакларга тикилганча сой бўйида ўтирар, Темурбек эса йўлга илҳак кўз тикканча у ёқдан-бу ёққа безовта юриб турарди. «Бунча ҳаяллаб қолишди, тинчликмикин?» – хавотирланди у. Аслида бугун-эрта Кешга жўнаб кетмоқчи эди, бек ўғилнинг бетоб падари бузрукворидан хабар олмаслиги уят!

От туёқлари эшитила бошлаб, у «хайрият, қайтяти», деган ўй билан Ўлжай оқага қаради. Тустовук гўшти – тансиқтаом, юрак қуввати, унга ҳам айни дамда қувват бўладиган таомлар керак.

– Темурбек, болам?

Қорамтир саман отдаги кишини у танимади. Бошида кулоҳ, эғнида очимтир жанда. Қўлида оддий қамчи. Шайх Мансур дарвешми? Бу ерда нима қилиб юрибди?

– Ассалому алайкум, шайхим!

Отини жадал ҳайдаб келган Шайх Мансур саломга алик олишни ҳам унутди: куюқ қора қошлари остига ботган чуқур кўзларида жонсараклик бор эди.

Темурбек пишқираётган отнинг жиловидан тутди:

– Хуш кўрдик!

Дарвеш кўлидаги асони ерга урди:

– Ҳазратим мени шамолдай учирдиларким, «тезда бориб Темурбекка айт, ўтирган бўлса, ўрнидан турсин, турган бўлса, қайтиб ўтирмасин! Покиза машойихлар арвоҳлари ишорат бердиларким, бутун мамлакат бошдан-оёқ Темурбек ва унинг фарзандаларига берилур. Хоразм тасарруфига киргандан сўнг Самарқандга борсунлар», деб айтдилар.

Шайх Мансур хансираб нафасини ростлади ва қандай тез келган бўлса, шундай тезликда кўздан ғойиб бўлдики, то Темурбек ўзига келиб, қандай фалокат бостириб келаётганини англагунча бу яқин орада унинг шарпаси ҳам қолмаган эди.

Бутун дарага шовкин ва айюҳаннос солиб оқаётган дарё янада шағирлаб, «тез бўл, кет бу ердан!» дегандек унинг оёқларидан тортди, гурр эсанг шамол ҳам унинг оч қирмизи камзули этагидан юлқилади. «Демак, азизлар руҳониятидан ишора бўлган. Ишора!»

– Маликам?

Ўлжай оқа Шайх Мансур дарвешнинг яшиндек келиб-кетганидан бир ажабланган бўлса, унинг важоҳат билан товуш беришидан икки қатла ажабланди, шамол юлқиётган кумуш-ранг кўйлаги ёқасини тўғрилаб кўяркан:

– Тинчликми, бегим? – деб сўради.

– Тезда отланинглар, кетамиз!

Ўйинқароқ канизаклар бирдан тош қотгандек, жим қолиб, бир Ўлжай оқага, бир унга ҳайрон-ҳайрон тикилишди.

Ўлжай оқа ҳали нима гаплигини унчалик англаган эмасди.

– Ўзимизча кетсак, улуг бобомиз хафа бўладурлар! – деди «бу яхши эмас» дегандек.

Темурбек унинг гапини чўрт кесди:

– Масала талашадиган вақт эрмас ҳозир, жон омонатдур! Бўлинглар тезрок!

Ўлжай оқа бобоси кетган томонга илҳақ қаради. Ғув этган совуқ шамолдан эти жунжикиб, Шайх Мансурнинг яхши хабар олиб келмаганини тушунди-ю, «наҳотки?» деди ўзича. «Наҳотки, бобосини ҳам... йўқ, йўқ, Худо сакласин, бундай эмас, бундай эмас, балки шунчаки олишув бораётгандир, балки биз ортларидан боришимиз керакдур?»

– Улуғ бобомизни ташлаб кетамизми, бегим?

Унинг бу ноласи Темурбекнинг юрагини ўртаб юборди. Ёрдамга бориши керак, аммо Амир Кулолнинг сўзига кулоқ солмаса, бир умр пушаймонда қолиши ҳам мумкин. Унинг хаёли яшин чакнагандек ёришди: бу ердан панага ўтиб, ҳов тепага чикиб кузатиш керак, қани, нима ҳодиса юз беради. Сўнг ана шунга қараб, иш тутса бўлади!

– Кетдик! Отга қамчи босинглар! – деди у сабрсизлик билан.

Ўлжай оқа олачикқа қаради:

– Йиғиштириб олсак бўлмасму, бегим?

Темурбек гапни калта қилди:

– Жон омон бўлса, мол топилур!

Ўлжай оқа энди чиндан ҳам вазият таранглигини сезди ва бобоси кетган томонга яна илҳақлик билан боқди-да, иргиб отга минди.

Адирлик ортида, қуюқ дарахтзорлар орасида не воқеалар рўй бермоқда, уларга қоронғи.

Темурбек тепаликка қараб от қўйди.

У Амир Қазағоннинг кейинги кунларда кичик гуруҳи билан овга тез-тез чиқаётганини эшитиб, ундан бир оз ранжиган эди. Хон дегани ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам эҳтиёт бўлиши керак. Бир сафар Ўлжай оқага ҳам: «Улуғ бобонгиз шикорни яхши кўрар эканлар, аммо ўзларига эҳтиёт бўлишни унутиб қўймоқдалар», деди қуюнчаклик билан. «Ҳеч бўлмаса огоҳлантириб қўйсин» деган ниятда. Аммо ҳукмдор ўз билганидан қолмади, кейинги пайтларда содир бўлиши мумкин бўлган хавфнинг одини олиш ўрнига, намоёишкорона овга

чиқишни канда қилмади. Майшат, ов бир кун дебдилар, ботрингки икки кун, лекин унга ружу қўйиб, ўз хавфсизлигига рахна солиш яхши ҳолат эмасди.

Тепалик қуюқ дарахтзор: сершоҳ ёнғоқ дарахтлари остлари ҳам майда-катта патталар билан ўралган, олчаларнинг шохлари бир-бири билан тутшиб кетган; хулхуллар неча гектарни эгаллаб олган, чор-атроф қип-қизил шигил мева-ларга тўла; Темурбек ана шу ерда отини панага олиб, сой томонни кузатиб турди. Ўйлаганидек, беш-олти мўғул навқари олачикни чор тарафдан ўраб олди. Ана, суиқасд! Яхшиямки, азизлар руҳониятидан ишорат бўлиб, Амир Кулол ҳазратлари шитоб билан огоҳлантира олдилар, акс ҳолда, ҳозир у ҳам, Ўлжай оқа-ю, канизаклари ҳам ўлим билан юзма-юз турган бўлишарди.

Айнан шу пайтда Қутлуғ Темур ўзининг қашқирлари билан Амир Қазағонни кузатиб бораётган эди. Шамол бир фитнани сезгандек асабий елиб, қамишларнинг чанг рангли соқолларини тўзғитиб юборади. Какликлар, ғозлар патиллаб осмонга кўтарилади.

– Бугун нишонни беҳато олишингиз керак!

– Беҳато олурмен, хавотир олманг!

Отларни дарахтларга боғлайдилар. Гавдали, олакўз, қорача юз киши:

– Сен иккаланг... – дейди қўлини бигиз қилиб, бири озгин, иккинчиси кенг пешонаси тиртиқ йигитга, – шу ерда қоласизлар. Отларга эҳтиёт бўлинглар.

Саккиз киши тепалик ёнидан ўтиб, чакалақзорга ўзини урди. Оёқ ости нам, ям-яшил қалин қамишлар орасидан юриш қийин, ўткир тигга ўхшаш барглари юз-қўлларни тилиб юборади.

Гавдали киши қиличини яланғочлаб, қамишларни шарт-шарт каллаклай бошлади.

– Бошқа томондан ўтиш керак эди, бунақада окшомгача манзилга етолмаймиз!

Оркадан бораётган унга далда берди:

– Бардам бўлинг, ҳадемай ўтиб оламиз, – сўнг орқадагиларга қараркан, қўшимча қилди. – Бошқа томондан борсак, ясовуллар кўп, сезиб қолишади.

– Ишқилиб Тарағайнинг бўриси нима бўлдийкин? Навкарлардан дарак йўқми?

– У хонимчаси билан дон олишиб турганда, бизнинг абжирлар қўлга туширган бўлсалар, ҳадемай пойимизда бўлади хонимчаси!

– Канизаклари ҳам бормикин?

– Бор, бор!

– Аниқ биласанму?

– Аниқ биламен.

Бўри кўзлари қонга тўлган Қутлуғ Темурнинг тишлари ғичирлади:

– Итларга ит ўлими!

Кенг осмонни қора булутлар қоплаб келмоқда, Ҳумо кушининг жон аччиғида қичкириғи кушларнинг зағчалардек чуғур-чуғурларига қўшилиб, чангалзорни ваҳимага тўлдиради, она бургут қанотларини ёйиб учади, пастрок шўнғишга юраги дов бермайди, қўлларида совуқ ялтираётган қилич ва камон тутган кимсаларнинг қора ниятларини у аллақачон англаб, гоҳ-гоҳ: «Амир, эҳтиёт бўлинг!» деб овоз беради, аммо инсон табиат тилини тушунармиди?!

Амир Қазағон овга берилиб кетиб, камишзордан ўтиб, чангалзор ичига кирганини ҳам, одамларидан анча олислаб кетганини ҳам сезмади, йирик гавдали оҳу ўқдек учиб борар, саман от ҳам ундан ортда қолмай шамолдай елиб кетаётган эди. У оҳу билан бўлиб, тустовукни ҳам ёдидан чиқарди ва битта оҳуни отолмай қуруқ қўл билан қайтиб борсам, куёвим ва навкарларим олдида нима деган одам бўламан, деган ўй билан унинг ортидан от солди. Тагида саман оти бор экан, битта оҳуни маҳв этиш нима деган гап! Неча йилдирки, содик, вафодор саман оти неча ўнлаб турли тўқайзору, қалин камишзорлар, баланд дарахтлар билан қопланган ўрмонлар ичида йўл топиб, чакқон ҳаракат қилишга ўрганиб кетган. Бу сафар ҳам уни ғалаба билан олиб чиқишига ишонади.

– Чу, саманим, чу! Ҳозир егамиз, оҳу бизники бўлади, бизники!

Нимадир визиллаб учди. Нима у? Кўксига нимадир карс этиб кирди-ю, олтин қошли эгардан бир тизза бўйи кўтарилиб, «ох» деганча ерга кулади.

* * *

Икки дарё оралигида қон ҳиди анқимоқда. Дарёлар соқов бўлмаганда, тўлқинлари, дунёга бонг урарди. Овоз йўқ-да, овоз: «ёвуз даҳо» бўғиб ташлаган.

Эҳ!.. Ҳумо қушининг олтинранг қовоқлари тупроқрангга кириб, ложсувард кўзлари сўник боқди... Воҳ!

– Она кабутар ҳалок бўлдимми?

Тўтининг тумшуги оқарди. «Қанотлари бутун, кўзи ёвқур эди. Танбаллиги тутдими яна?!»

Она бургут бўзлаб юборди:

– Мардларча ҳалок бўлди!

Чумчуқ Ҳумо қушининг пинжсига кирди:

– Кетайлик бу ердан, бу кеча қолсак, ҳаммамизни қириб ташлашади.

Уларнинг сафига қўшилган нар лочин Амударёга гамгин боқди, Сирдарёнинг кумуш камарида Ҳумо қушининг ташвишли юзи акс этди. Эҳ, ота маконнинг сувига ҳам кун йўқ!

Ҳумо қуши қанотларини қаттиқ-қаттиқ силкитди:

– Бу ҳолда юртни ташлаб кетолмаймиз, ота макон озодлиги учун энди охиригача курашамиз. Қачонгача калхатлар бу ерда хўжайинлик қиладилар. Мен бугун бир мардни кўрмоқдаман. Бу ўша йигит – мен сизларга таништирган Те-мурбекдир. У босқинчилар билан курашга чиққан экан, унинг ёнида бўлиш, керак бўлса, жонимизни қурбон қилиш вазифамиздир. Худди инсонлар каби қушларнинг ҳар бирига ҳам бир муҳим вазифа берилган.

– Бургут?

– Қулогим сизда, ҳукмдорим!

– Сен жангчи хабарчи этиб тайинланасан. Кўзинг ер тагида қимирлаган илонни ҳам кўради, қанотларинг бақувват,

парвозда шамолни ҳам ортда қолдирасан. Биз Темурбек ор-
тидан юрамиз, сен керакли пайтларда муҳим хабарлар ет-
казасан, керакли пайтларда жангга кирасан, англаб олгинки,
Темурбекка тиш қайраганларга шафқат қилма, ана ўшалар
сенинг, менинг ҳам, остимиздаги муқаддас тупроқнинг ҳам,
мовий Сайёрамизнинг ҳам душманларидир. Уқдингми?

— Уқдим!

— Унда шамолдай уч ва биз машваратни тугатгунча Те-
мурбекнинг қаерда, қайси манзилда тўхтаганлигини билиб
кел!

— Хўп бўлади!

Бургут настга шўнгиди.

Хумо қуши лочинга юзланди:

— Сен эса Темурбекка доимо кўз-қулоқ бўласан. Ғанимнинг
қўлида совуқ қурол кўрдингми, худди балиқларни чаққон илиб
олганинг каби, уларнинг қўлларидаги яроқларини суғуриб
қочасан!

Лочин бош эгди:

— Бир нарса сўрасам майлими?

— Сўра!

— Тумшугимни ҳам ишга солсам, яъни ярогини тортиб
олаётганда, ғанимнинг юз-кўзига чанг солсам майлими?!

— Ҳар бир нарсанинг ўз қоида-қонунлари бор: илонни ўз
пайтида бошини чақмасанг, у сени ҳалок этади; инсонлар ора-
сида ҳам илон-чаёнлар, оч бўрилари бор, уларни ўлдирмасанг,
сени улар ўлдиришади. Худонинг амри тинчлик ва адолатдир,
уни бузган ҳар бир жонзот маҳв этилади.

Лочин бошини кўтарди:

— Уқдим, ҳукмдорим, уқдим!

Хумо қуши булбулга юзланди:

— Сен ҳаминша Темурбек учун ёқимли наволар қиласан,
токи у сенинг майин наволарингни эшитиб, қувонсин, кучга
тўлсин!

Булбул эркаланиб унинг елкасига қўнди:

— Жанг пайтларида ҳам, кечалари ҳам сайрашим керакми?

Қушлар кулиб юборишди.

Хумо қуши уни изза қилмасликлари учун:

– Саволинг ўринли, – деди ёнини олиб. – Ҳозирги машваратда бажарадиган ишларимизнинг ипидан-игнасигача билиб олмоғимиз керакки, буларнинг бари галабага эришувимизда жуда қўл келади. Олам қушларининг энг дилбар овоз соҳиби, ҳимматли булбул, сен инсон зотининг кўнглини хушлаш учун яратилгансан. Аллоҳ таоло санъатига минг-минг тасанно айтмасдан илож йўқ. Фақат жанг пайтида кўздан панада тур, сенга зиён-заҳмат етмасин, кечалари эса ҳордиқ чиқариб, эртанги кун учун куч тўпла!

– Мен жангга кирмайманми? – сўради у норози бўлиб.

– Гапни бўлганинг яхши эмас, – унга танбеҳ берди Хумо қуши. – Сенинг бир яхши навои нафақат Темурбекни, балки унинг баҳодир навкарларини ҳам илҳомлантириб, жўштириб юбориши ва галабага мушарраф этиши мумкин. Кўрдингми, Аллоҳ сенга қанчалик қудрат берган! Шунинглаб олишинг лозим!

Булбул шошқалоқлик қилганидан уялиб:

– Узримни қабул қилинг, ҳукмдорим, тушундим, бундан сўнг сўзингизни бўлмайман.

Нар кабутар Хумо қушининг ёнига келиб қўнди.

– Эй муҳтарам ҳукмдор, беадаблигим учун кечирим сўрайман! Мен пойингиздаги бу мамлакатнинг бутун кабутарлари номидан вакил бўлиб келдим. Йўлда бургутлар галасини учратдим, уларнинг бари сизларга ёрдамга ошиқмоқда, кабутарлар жамоаси ҳам шундай қарорга келишди, ганим билан ҳалок бўлган Она кабутаримиз ҳаққи, бизлар ҳам сизлар билан энди босқинчиларга қарши жангга киришга тайёرمىз. Мени олий даргоҳингиз жамоаси сафига қабул қилармисиз, деган умид билан келдим.

Хумо қуши:

– Ҳар қандай шароитда биз билан бирга бўлишга қурбинг етадими? – деб сўради.

– Сўз бераман!

– Ганимларга қарши ҳамиша нафратда бўласанми?

– Бўламан!

– Бизга хиёнат қилмайсанми?

– Хиёнат қиладиган бўлсам, тил тортмай ўлай!

Хумо қуши ёнидагилардан:

– Қабул қиламизми? – деб сўради.

Ҳамма бир оз сукут қилди. Бу катта жамоа бўлиб, унга ҳар қушни ҳам қабул қилмайдилар. Нар кабутарлар саёқ бўлишади, сўзидан қайтиши мумкин.

Чумчуқ чириллаб, орадаги ноқулай сукунатнинг чокини йиртди:

– Садоқат деганда, нимани тушунасан, эй на-р-рр кабутар!

Қариб, ҳаётнинг анча-мунча аччиқ-чучукларини кўриб, тажрибаси ортган нар кабутар чумчуқнинг нега «на-р-рр» деб чирилаганини тушунди.

– Муҳтарам, чумчуқ биродар, – деди сиполик билан, – мен нимага шама қилганингизни англадим: орамизда жуда кўп нар кабутарлар жамоадан-жамоага ўтиб юришади. Шу туфайли бизни кўпчилик «саёқ кабутарлар» деб аташади. Лекин Она кабутарлар нарларсиз ҳаётни давом эттира олишмайди. Ҳақиқий нарлар эса жуда кам. Менга келсак, ёшимни яшаб бўлганман, саёқлик энди менга ярашмас. Шу... ҳалиги... ҳозир ўзим ҳам, Сиз муҳтарам, чумчуқ биродаримдан бу таънали саволни эшитиб, уятда қолдим. Аммо ишонтириб айтманки, сизларга сира хиёнат қилмайман. Сизлар билан бирга бўлиб, бизни дунёга келтирган Она кабутаримизнинг хунини олмоқчиман!

Булбул наво қилди:

– Фақат шуми?

– Йўқ, фақат шу эмас, – деди нар кабутар қатъий оҳангда.

– Икки дарё оралиги – жаннатнинг бир бўлаги, бутун оламга донги кетган алломалар, фозиллар диёри. Унинг озодлиги учун курашиб ҳалок бўлсам, армоним йўқ.

Хумо қуши «яна саволлар борми?» дегандек қаради ва ҳеч кимдан садо чиқмагач, расмий оҳангда деди:

– Муҳтарам жамоа, Сизларнинг рози-ризолигингиз билан яна бир мард қушни, яъниким, кабутарлар жамоаси юксак

ишонч билдирган нар кабутарни сафимизга қабул қилинганини маълум қиламан ва бунинг шарафига булбули замон аъзомиздан «Ғалаба» навосини сайраб бериб, кўнглимизни хушлашини сўрайман!

Барча қушлар қанотларини майин-майин силкитишди, фақат нар кабутар ҳайрон эди.

Хумо қуши унинг ҳолатини сезиб:

– Одам зоти бир яхшилик кўрса, бир-бирларини олқишлайди, бизда эса шу урфимиздир! – деди тушунтирган бўлиб.

Нар кабутар шу заҳоти қанотларини силкитган эди, ундан хушбўй ҳид таралди.

Пастда икки жаннат дарёси, икки кумуш камар – Амурдарё ва Сирдарё кўкка тўлқин урди, қорли тоғларнинг майин ҳавоси уларга ҳам етиб келиб, кўксиларини силади. Булбул навоси кенг водийлар, адоқсиз дала-даштлар, чўлу биёбонлар, қир-адирлар, тоғу тошлар узра шунчалик ёқимли таралдики, чўпон-чўлиқлар, қари-ёш бундай ажиб навони умрларида эшитмаган эди.

Темурбек ажиб туйғу қушовида роҳат олди, Ўлжасай оқа ҳам кўкка қараб, маъсумона жилмайиб турар, янги бир кун уйғонаётганини иккаласи ҳам юрак-юракдан ҳис этмоқда эди.

– Бургут! – деди Ўлжасай оқа ҳаяжонланиб.

Темурбек қўлини пешанасига қўйиб, бургутнинг самода айланаётганини кўриб:

– Бу яхшиликдан нишона! – деди ишонч билан.

Ўлжасай оқа «бегим лафз қилдилар», дея ўйларкан, томоғида ширин таъм сезиб, енгил ютинди.

Бургут етти марта айлангач, тоғ томонга учиб кетди.

Қуёш қора булутлар кўксини ёриб чиқиб, оламга олов табассум ҳадя этди, икки кокиллари зарга ўралиб, заррин мавжланди.

Хумо қуши унинг ҳидини узоқдан сезди.

– Бургут хушхабар билан келяпти шекилли, Темурбекни излаб топган кўринади, – деди.

Булбул навоси поёнига етган эди ҳамки, Она бургутнинг:

– Уларни топдим! – деган қувончли овози эшитилди.

Бугун куёшнинг тафти паст, нурлари кучсиз, она Жайхуннинг кўзлари ҳам хира. Соҳилдан бериюкда, ям-яшил тепаликдаги янги қабрнинг тупроқларида ҳам шу хиралик бор. Ҳаял ўтмай қум барханлари ортидан кўтарилган чанг-тўзон бу ерга ҳам етиб келди ва қабрнинг юзидаги шу хираликка ҳам ҳовучлаб кул сепиб, рангини ўчирди-қўйди.

Ёмон хабар тез тарқалади, дейдилар, Амир Қазағоннинг ов пайтида ўлим топгани ҳақидаги гаплар бутун Мовароуннаҳрга, ундан ўтиб, бошқа ўлкаларга ҳам тарқаб улгурди.

Бургут хабар берган заҳоти Ҳумо қуши барча қушларни ортидан эргаштириб, шу ерга учиб келди. Ҳозир у кенг осмонни айланар экан, унинг ёнига тушиб, ҳамдардлик билдиргиси келар, аммо бу ишнинг уддасидан чиқолмаслигини билиб, алам ва изтироб билан нола қилмоқда эди.

Бевақт кетган ҳукмдор – Амир Қазағон, Аллоҳ раҳмат қилсин, яхши одам эди. Темурбек уни ўз отасидек яхши кўрар, эъзозлар эди, уни иззат-икром билан қабрга қўйиш учун бутун маросим ишларини ўзи бажарди.

Қуёш ўз ётоғига бош қўяётган пайт.

Жанозага келганлар бирин-кетин тарқалдилар.

Қабр ёнида тиз чўккан Ўлжай оқа:

– Улуғ соябоним, нечун мени ташлаб кетдингиз? Ким менга меҳрибонлик кўрсатадур, ким соябоним бўладур энди? – деди йиғламсираган овозда.

Темурбекнинг бўғзига бир дард тикилди. Кўрнамак Қутлуғ Темур туз еган жойига тупурди-я, қасд олмагунча қўймасмен!

Ўлжай оқа ўзини тутолмади:

– Бобожоним, Сиз учун қасос олурмен! Қасос!

Темурбек унинг елкасига қўлини қўйди:

– Оғир бўлинг, бекам, ул ғаддорга Яратганнинг ўз жазоси бор!

– Соябоним! – Ўлжай оқанинг бўлик елкалари дир-дир титради.

Темурбек секин шивирлади:

– Мен бормен, бекам. Сизни сира ғурбатда қолдирмасмен! Қутлуғ Темур нонқўрлик қилмишдур, аларнинг бу иши жазога лойикдур!

Бургут уларнинг боши узра канот қокди.

– Кўрдингизму, маликам, яна ўша бургут! У ҳам кайғумизга шерик кўринадур. Униси-чи? Тўхтанг, тўхтанг, бу Ҳумо қушику! У ҳам бошимиз узра айланадур. Ёнида кабутар ва булбул, униси лочин! Бутун бошли қушлар жамоаси! Маликам, улар ҳам қасос ўтида ёнаётганга ўхшайдурлар, кўнглим сезмоқда. Қалб – Аллоҳ уйи! Ўзи ишорат бермоқдадур!

Орадан кўп ўтмади.

Ўша кун муштдек йирик дўл ёғиб, дов-дарахтларнинг барглари тўкилиб, яланғоч қолди, чорвага қирон келди. Бир муддат Хоразм тарафларда жон сақлаган Темурбек фитначилар раҳнамоси Қутлуғ Темурнинг тўнғиз кўпганини, амирзода Абдуллоҳнинг отаси ўрнига амирлик мансабига ўтирганини эшитиб, кўчадан югуриб келди.

– Маликам, бобонгиз олимлар ва шарафли зотларни улуғлаган одил инсон эди. Амир Кайхусрав бошлиқ амир ва мулозимлар у зотнинг хунини олмишлар!

Ўлжай оқанинг оҳу кўзлари намланиб, киприклари пир-пир қанот қокди:

– Қачон, бегим, қачон?

– Яқинда! Бобонгиз ўрнига амирзода Абдуллоҳ тахтга минибдур. Бошимизга офтоб текканга ўхшайдур! Кеш сари йўл оламиз.

Ўлжай оқанинг боши осмонга етди, энди ёруғ кунлар келиб, яна тинч яшай бошлаймиз, деган ўй билан бир сандикка зўрға жойлашадиган сепларини йиғиштиришга тушди.

Йўл узок, карвон тошбакадек имиллар, боз устига, Темурбек ожизасини ортиқча уринтиришни истамас эди. Қарши томондан келаётган йўловчиларнинг гап-сўзларидан маълум бўлдики, Баёнқули подшоҳ отасини мағлубиятга учратиб, салтанат ва давлат тахтига даъвогарлик қилган. Аммо амирлар унга қарши чиқиб, тахтдан ағдариб, ўрнига Темуршоҳ хонни қўйганлар. Орада низо кўпайиб, жанжал-тўполон ав-

жига чикқач, «бунинг ҳам қадами кутлуғ келмади», деб, уни ҳам тарафдорлари билан ҳар томонга тарқатиб юборишган.

Темурбек лўқиллаб оғриётган бошини ушлади, Ўлжай оқа туядаги кажавада эди, кузатиб келаётган экан: «Бошингиз оғриётирму, бегим!» – дея сўради меҳрибон оҳангда ва: «Менда малҳам бор, берайинму?» – деди яна ўша майин овозда.

Булбул навоси эшитилди. Кўкда Ҳумо куши атрофида яна ўша кушлар қанот қокиб айланишар, фақат бу гал улар орасида миттигина булбул ҳам бор эди.

Ўз жуфти ҳалоли бўлса-да, Темурбек унга бўйин бергиси келмай, «Ташвиш чекмангиз, маликам!» – деди ва булбул навоси юрагига ҳузур бахш этаётганини сезиб, «ўтиб кетади» деб қўйди. Бир томондан, ўзини жабрдийда ҳолда кўрсатишни истмаганлиги бўлса, иккинчи томондан, бегоналар олдида гурурини ерга уришни хоҳламади. Аслида эса бугунги янги хабарлар унинг қалбини остин-устун қилган эди. Баён Сулдуз билан амакиси Ҳожи Барлос мамлакат вилоятларни ўз тасарруфларига олган эмиш. Баён Сулдуз ўз соясидан чўчийдиган бандаи ожиз, гарчи Ҳожи Барлос ўз амакиси бўлса-да, ҳар қачон ўзларининг жонларини ширин биладилар. Улардан салоҳиятли амирлар бўлган уддабурон Кайхусрав, қайсар Муҳаммад Хожа Аперди билан Улжойту амир ва Амир Хизр ҳам ҳеч қачон уларга бўйин эгмайдилар.

– Яна парокандалик бошланиб, Туронда янги мўғуллар давлатининг вужудга келиши кутиладур!

Ўлжай оқа ҳарир пардани очиб:

– Бир нима дедингизму, бегим? – деб сўради.

Темурбек кушларнинг боши узра чарх ураётганини кузатаётган эди, булбул навосини тугатган, негадир ўзи ҳам кўринмасди.

Бир пайтлар Султон ул-орифин, машҳур Шайх Аҳмад Ясавийнинг ашъорларини ёд олган эди. Яхши, жуда яхши ашъорлар. Темурбек Ўлжай оқани чалғитиш учун энди ўзим булбул бўламан, дея хаёлан жилмайди-да, ширали оҳангда нола қилди.

*Сочи соқол хўб оқарди кўнглум қаро,
Рўзи маҳшар раҳм этсанг ҳолим табоҳ.
Сенга аён амалсизман, кўндур гуноҳ,
Жумла малак ёзуқларим билар, дўстлар.*

Шамол чанг-тўзон бошлаб келди, лекин Ўлжай оқа парда-ни ушлаганча қолди, ой юзига урилган қум зарраларига эъти-бор ҳам қилмади.

– Бемормен, денг, хўб яхши, бегим! – дея қочирим қилди зукко Ўлжай оқа.

Булбул яна майин наво қилди.

«Яна ўша ажиб наво». Кўнгли ажиб ҳисларга тўлган Те-мурбек уни синамоқ учун деди:

– Ори, рост сўзладингиз, маликам, бу бечораи девона, дарвешу харобнинг ҳоли йўқ, тили калта, қўллари мажолсиз!

Ажиб-ажиб хониш қилаётган булбул навосига қулоқ со-лаётган Ўлжай оқа ўғринча жилмайди. Ҳар гапга лакка ишо-надиганлардан эмас у ҳам. Султон ул-орифин ашъорларини кўп ўқиган, кўп ёд олган, кези келганда эса, ақл тешаси билан кўп сатрларининг маънисини писта пўчоқдек чаккан толиба; «ҳо-о, хали шунақами», деган эрка қараш билан маъсумона жилмаяркан:

– Бемормен, денг? Имон соғлиғини кўзлаб юрибмен, де-сангиз, чиппа ишонурмен! – деди ёқимли оҳангда.

Бургут чархпалак айланди, Ҳумо қуши безовта қанот қокди, булбул хонишдан тўхтади.

«Нақ жойидан тутдинг, тоғ бердим сенга, Камолой!» Те-мурбек бир нафас ўйланди-ю, сўнг деди:

*Тавба қилиб ҳаққа ёнган ошиқларга
Учмоқ ичра тўрт ариқда шарбати бор!*¹

Булбул яна майин-майин хониш қилди, Ҳумо қуши бир текис қанот қокди, бургут қанотларини кенг ёзиб, шамолнинг

¹ Аҳмад Яссавий ҳикматлари. 99-бет. Ғ.Ғулом нашриёти, Тошкент, 1991 йил.

йўлини тўсишга ошиқди, аммо у чап бериб, оқ ҳарир парда-ни юлқиб отди. Ўлжай оқа оппоқ бўйинини эгиб ўтирган куйи кимири этмади. Темурбек эътибор бермаган экан, унинг юзи қоғоздек оппоқ эди.

Ниҳоят Ўлжай оқа бошини кўтарди: узун, қоп-қора киприклар митти тўсиқлар каби ялт этиб очилиб, кўзлари қўш ойдек шуъла сочди:

*Тавба қилмай ҳақ ёнмаган гофилларга
Тор лаҳадда қаттиг азоб-ҳасрати бор!*

«Чиндан ҳам муносиб жуфту ҳалол», дея яна такрор тасдиқ этди кўнгил одами. Темурбекнинг дилидаги ғубор кўтарилиб, елкасидаги оғир юкдан ҳалос бўлган ҳаммолдек, енгил тортди.

– Сизга бутун дунёмни бахшида этдим, – деди шод овозда.

Ўлжай оқа уни бир оз бўлса-да, ташвишларидан ҳалос этгани учун суюнди, ўз навбатида, Темурбек ҳам «бир фурсат бўлса-да, кайфиятини чоғ қила олдим», дея шукронага қўл берди.

Булбул ҳамон хониш қилмоқда эди, бирдан ноладан тўхтади ва зумда кўздан ғойиб бўлди, қаёққа учиб кетганини ҳеч ким сезмади, лекин осмонда ундан бошқа барча кушлар айланиб, чарх уришмоқда эди.

Кешга яқин қолганида, хунук хабар келиб, кайфият осмонларини яна хира қилди. Эмишки, Мўғулистон вилоятининг подшоҳи Туғлуқ Темур икки дарё оралиғидаги амирларнинг бўлиниб кетиб, мамлакатда парокандалик кучайганини эшитиб, Самарканддан икки манзил берида, Чанок Булокқа етиб, лак-лак лашкар билан тўхтаган эмиш.

– Яна омад биздан кетганга ўхшайди, маликам! – деди Темурбек ташвиш билан.

Воқеадан хабар топган Ўлжай оқа:

– Хуросон томонларга кетсак-чи?! – дея маслаҳат солди.

Бу юртни ташлаб қочиш деган гап эди, Темурбек эса ориятли бек ўғли, ўз вилояти халқини ташлаб, ҳеч қаёққа кетолмайди.

– Мен буни ор билурмен, – деди у фикрини очик баён этиб. – Ғаним босиб келганда, падарим мени сандикка солиб беркиниб олишимни ўлимдан каттик уят билурлар. Кешга бориб, раиятнинг қўлтиғидан кириб, оғирини енгил қилишга интилурумиз, ғаним оёқлари остида эзилмаслиги керак алар!

Отлар пишқириб, туялар ўкириб кавшанди, шамол тўхтаб, майин ҳаво кўнгилларни хушламоқда эди.

Ўлжай оканинг танасига қувват кириб, кўзлари янада ёркинроқ нур сочди. Мард аёл мардона эри билан қувонади. Раиятни ўйлаган инсондан сира ёмонлик чикмайди. Жуда олижаноб йигит Темурбек, шундай доно эрни насиб этгани учун Аллоҳга минг-минг шукроналар айтса арзийди. «Туфрок бўлгил, олам сени босиб ўтсин».

Дов-дарахтлар орасидаги яшил шаҳар Кеш кўзга ташланиб, шаҳар томон оқаётган оломон сони тобора кўпайиб борди. Дарвешлар улар билан ёнма-ён боришмоқда эди.

*Ё Аллоҳ дўст, ё Аллоҳ,
Ҳақ дўст, ё Аллоҳ!
Фоний дунё деганлар,
Тақвони тарк этганлар,
Ғуноҳига адад йўқ,
Тонг-ла маҳшар мадад йўқ.
Ё Аллоҳ дўст, ё Аллоҳ,
Ҳақ дўст, ё Аллоҳ!*

Ортда келаётган ғўндалак дарвеш бошига биллак йўғонлигидаги мис шамдонни кўндириб олганча одимлаб борар, ўтган-кетганлар лип-лип ёнаётган шамларга қараб: «Девона!» деб кулганча ўтиб кетишмоқда эди. Кунудуз куни шам ёқиб олган одамни ким деб аташ мумкин?! Болалар уни кўриб, кийқириб кулишар, қиз-жувонлар масхара қилишарди.

Темурбек отини жадал ҳайдаб, унга етди.

– Катта шамдоннинг ва йирик шамларингнинг шуълаларига қараганда доно дарвешга ўхшайсен. Не қидирмоқдасен? Дарвеш бурилиб ҳам қарамади.

Темурбек олдинга ўтиб, ортига бурилди:

– Соқовмисен, дарвеш?!

Дарвеш кўзини ердан узмади:

– Сен билан сўзлашадиган ҳолим йўк!

– Нечун ундай дерсен, дарвеш? Балки сен излаётган киши менга ҳам керакдур!

– Бекмисен?

– Балки шундайдур!

– Мен сенга ўхшаган номард беклар билан гаплашмаймен!

Гап ортикча эди, Темурбек отини зарб билан ортга бурди. Юрт бекларидан шу дарвешнинг кўнгли қолган экан, раият хақида гапирмаса ҳам бўлади. Энди бирдан-бир йўл Кешда оёқни маҳкам тираб, вилоят аҳлини химоя қилмоқ керакки, шундагина раиятнинг меҳрини қозониши, падари бузрукворига муносиб фарзанд бўлиши, волидаи муҳтарамасининг берган оқ сутини оқлаши мумкин.

– Эҳ, – у елкасига тоғдек юк тушган кишидек, ўзини зилзамбил ҳис этди, кўз олдида Туғлуқ Темур тиржайган ҳолда намоён бўларкан, ўзига Худодан мадад тилади. «Кеш, ота маконим, мен сени ёвлардан асрагаймен!»

Олисларга учиб кетган Она бургут тез ортига қайтди:

– Ҳукмдорим, Сардор калхат минг-минг калхатчаларини ортидан эргаштириб, биз томон бостириб келмоқда!

Хумо куши пинагини бузмади: ҳукмдор ҳаяжонини сиртига чиқармаслиги керак, ожизлигини кўрсатса, ҳукми ўтмас пичоққа айланади.

– Мингта қарғага бир кесак кифоя, дейди Темурбек. Ваҳимага тушманглар, Яратганнинг хоҳиши ва бир тўғри тадбир бирла лак-лак душман устидан кўп бора ғалаба қозонилган. Чунончи, бу юрт бизники экан, босқинчиларнинг умри қисқа бўлур!

Кўним билмас чумчук бу гал бўғзидаги гапни тутиб туролмади:

– Доно йўлбошчимиз бор.

Лочин:

– Аллоҳ уни адолат учун яратган!

Бургут гапга кўшилди:

– Темурбек ҳам адолатни яхши кўради!

– Ана кўрдингларми, дунё адолати бир жойга йиғилмоқда, демак, ғалаба бизга ёр бўлади ва бир кун келиб, икки дарё оралиғидан яна адолат нурлари дунёга таралиб, унинг қоронғи маконларини ҳам мунаввар ёритади, – деди нар кабутар.

Чумчук:

– Сени нар-р-р кабутар – сар кабутар, десак, боз устига, зўр кабутар экансан! – дея ҳазил қилди чириллаб.

Барча кушлар бараварига кулиб юборди.

ИККИНЧИ БОБ

1.

Ғамгин куй эшилиб, буралиб, чийралиб тўлғанади, худди эски эшик ғижирлагандек, хаёлни арралайди. Нотаниш йигитнинг ҳасрат тўла овози унга жўр бўлди. «Бу гулзорни қайси номард пайхон этди? Бекиёс гўзалликни топтаган ёвуз ким? Бунини қаранг-а, бутун бошли гулзор шоҳона кўйлаклари йиртиб ташланган бокира кизга ўхшайди. Унинг фусункор гўзаллигига суқланиб бокиб, фақат лаззат олиш мумкин эмас-миди? Тирикликнинг бу мафтункор чехрасига фақат тасаннолар изҳор этган яхши эди!»

Кўксини ўз дарди ва унга илашган ғамгин куй нимталаган нотаниш йигит атрофига жонсарак, олазарак бокди. Унга эътибор бераётган, қизиқиб қараётган дардкашнинг ўзи йўқ. Одамлар пайхон этилган гулзор ёнидан бепарво, беғам ўтиб кетишяпти. Бепарво, беғам. Инсон боласи шунчалик бепарво, шунчалик ношудми? Гулзор ҳам Худо берган эҳсон, олий неъмат. Шу гулзорни ҳам қайси бир захматкаш меҳнат килиб тартибга келтирган, кишда, совукда – қай бир кунда срни ўғитга тўйдирган, чопган, ағдарган; яна аллақаерлардан гул ниҳолларини топиб келтириб эккан, ўстирган; сўнг кунларни санаган ва ниҳоят бир тонгда турфа хил ниҳоллар кўм-

кўк кўлларида осмонга гуллар тутганда, эҳтимол, суюниб кувонгандир. Нечун унинг бу меҳнатини кадрламаслик керак?

«Яхши иш бўлмабди, – ўйлади йигит. – Ким пайхон этган бўлсаям, багтол экан, юрагида зиғирча одамгарчилиги йўқ экан».

У ниҳоятда толиққан кўринар, юзи заъфарон, дўнг пешанаси тиришган, кўзлари чарчокка тўла. Эгнида бухороча шоҳи гулдор желак. Енглари ғижим. Амиркон ковушининг учлари, пошна томонлари ёрилган. Бошида учли йўрмали қалпоқ, таг матоси қора бахмалдан; кезагида оқ, қизғиш, яшил ипаклар билан тўлқинсимон чизиклар ўтказилган, тепа қисми тўртга бўлинган – мағриб, машрик, шимол, жануб; ҳар бир катак орасида оқ, қизғиш, сарик ипаклардан катта гул, ораларида тирноқдек-тирноқдек гулчалар тикилган.

Ичкарида одам сийрак, паст овозда шивир-шивир суҳбат боради; чоғроққина хонанинг пештоқи кенг, нақш солинган, яшил ва оқ деразали дарчалардан шаффоф нур ёғилади, тахта сўриларда хоразм гилами, гулдор кўрпалар тўшалган; у чапдаги сўрига чўкди. Юмшоқ кўрпача – маза, танасига малҳамдек илиқлик югуриб, бир роҳатни туйди. Биров мушугини пишт демаса, ҳеч ким тегмаса-ю, қорнини тўйдиргач, бир мизғиб олармиди, бир роҳатланармиди, оҳ-оҳ-ҳ!

– Ассалому алайкум, хуш келибсиз, меҳмон! – хона соҳиби унинг олдига бир товоқ ковордоқ, гулдор патнисда нон, майиз, ёнғоқ ва кувачада қимиз қўйди:

– Ош бўлсин!

Йигит миннатдорчилик билдирди:

– Кўп раҳмат, ака!

Ўтирганлар нотаниш тоғ йигитига синчков назар солишди. У ҳам кўз кири билан бир-икки бор уларга каради. Нигоҳлар ғамгин, кўзлар тўла ташвиш. Нимага ҳамманинг кўзи, қараши бир хил: қайғули? Ё унга шундай туюляптими?!

Ёнидаги супада чордона курганларнинг суҳбатлари кизиби, бир оздан сўнг овозлари қулоққа чалина бошлади.

– Алар илкимиздан олиб, бизни зор какшатурлар. Худосиз, диёнатсиз, имонсиз эрурлар. На бандасидан, на Яратгандан кўркурлар!

– Рост сўзлайдурсиз, сўфи, Амир Қазагон ўлдирилгач, бул кофирларнинг зулми янада ошди, ҳатто хотин, бола-чақамизни, гўдакларимизни ҳам қон қакшатадурлар, ҳадларидан ошиб кетадурлар. Ул жума куни бизди гузардаги Ниёз темирчининг кизини зўрлабдурлар, киз шармандаликни ор этиб, ўзини жарга ташлабдур.

– Несини айтадурсиз, иним, юрт кундан-кун хароб бўладур. Бул тўнғизлар бойлигимизни ташиб кетиш билан оврадурлар. Бу юртнинг ободлигини эмас, чўлга, биёбонга айланишини истайдурлар. Аларнинг подшосининг асл мақсади ака-ука қариндошларига, аларнинг чорвасини боқиш учун бир таноб бўлсаям ер олиб бериш бўлган, иним!

– Бугунги ишларни айтмайсизми, сўфи?! Бетавфик одамгина эрта тонгда гулзорни пайхон этади. Бечора соҳиб ҳам калтакнинг остида қолдилар. Ўн тилло берса, оз дейишибди. Вой бетавфиклар-ей! Оз эмиш-а! Яна ўн тилло сўрашибди.

– Бу зулм ўзларининг бошига гурзи бўлиб тушур, иним! Зулм бор жойда давлат муқим турмайдур!

– Юртни сўраган мард йўқми бизда, сўфи! Мана шуниси алам қиладур менга! Юртнинг беклари кани?

– Куйинманг, иним! Кеча мен Балхдан қайтдим. Амир Муҳаммад Тарағайни эшитгандурсиз?

– Бек билан қўшни маҳаллада турганмиз бир пайтлар. Элпарвар, одамохун инсон эрур эдилар!

– Ўшал Амирнинг Темурбек исмли ўғли бор. Мунажжимлар ул йигитнинг юлдузи моҳир саркарда Искандар Зулқарнайн ва пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳазратлари юлдузлари билан бақамти келган, ул зот юртни зулмдан озод этур, Турон яна аввалги шухратини тиклагай, эллар фаровон яшайдурлар, дея башорат қилмишлар.

Нотаниш тоғ йигитининг нигоҳи ёнди. Темурбек! Неча кунки, йўлда-чўлда, ўтиришларда шу номни эшитади.

– Элим деган, юртим деган имонлилар ўшал йигитнинг атрофига бирлашмоқлари зарур, иним! Биз шунини ташвиқот қилишимиз лозимдур!

– Бизнинг қўлимиздин келадигани ҳам шу, сўфи!

– Бул ҳам катта савобли иш эрур, иним! Келгуси авлодлар Аллоҳнинг хоҳиши билан зулм кўрмай яшасунлар, дейман. Эрта-кеч шу ўйлар фикру зикримни банд этур.

– Иншооллох, сўфи, бир ёмонлик кетидин бир яхшилик келур: шояд оху зоримиз Аллоҳга етиб, ниятларимиз ижобат бўлса!

Нотаниш йигитнинг қалбида ҳавас ғунчаси юз очди, «Мен ҳам ул мард бекнинг ёнида бўлурмен!» дея ўрнидан шахт билан туриб, ташкари чиқди ва узоқларга йўл олди, ҳозир у Темурбекни қаердан излашни ҳам билмайди, аммо «кидириб-кидириб, Маккаи Мадинани топибдилар», деганларидек, у ҳам, албатта, бир кун максадига етиб, ўша, ўзи истаган инсонни топиб, унинг этагини тутати. Нечун улардан ҳукмдор чиқмаслиги керак экан, ҳамма ҳам инсон-ку, бир одам бажарган ишни бошқаси эпполмайдими?!

Қуёш ботганда, у деворлари ёрилган карвонсаройга етди. Чор-атроф тиканзор, йўлаклардаги ғиштлар чўкиб кўчган, катта-кичик чуқурчалар ҳосил бўлган.

Нотаниш йигитимизнинг оёқлари толиб, юраги эзилиб, кўзларини чарчок оғритди. Ғамгин куй ҳамон қулоғи остида эшилиб, чийралиб тўлғанмоқда эди.

Мошқичири соқоли кўксига тушган қария ўнг елкасига оқ қийикча ташлаб олган, кўзларида чарчок; ёнидаги товок юз боланинг қўлида эса офтоба.

– Қани, куй, озроқ-озроқ! – деди қария.

Нотаниш йигит унга салом берди, алик олган чол унга бошдан-оёқ синчков назар солди:

– Узоқдан келадурсенми, иним?

– Ҳа, узоқдан!

– Кимнидур кидириб юрибсенми?

Содда йигит дангалини айтди:

– Темурбекни қидирмоқдамен, отахоним!

Қария унга ялт этиб қаради-да, «жим» дегандек, ичкарига ишора қилди:

– Эшитиб қолишмасун, ичкарида илонлар бор, шароб-хўрлик қилмоқдадурлар!

– Отахоним, улар ҳам Темурбекни қидириб юрибдурларму?!

– Сен унга дўстмисен ё ғаним?

– Мен унга дўстдурмен!

– Дўст бўлсанг, ичкари кириб, ўнг қўлдаги хонага ўтиб, дамингни олиб туратур! Неварам сенга егулик олиб борадур!

– Отахоним, нечун уни такиб этадурлар?

– Туғлуқ Темур уни ўлимга буюргандур. Саволинг бунча кўп бўлмаса, йигит, тоғдан тушганмусен?!

– Чиндан ҳам, мен тоғдан тушиб келмоқдамен!

Отлар дупури суҳбатларини бўлди. Чол сергак тортиб, қўлини елкасидаги кийикка тез артиб олди.

Сарғимтир юз, қисик кўз мўғул сипоҳийси отдан тушди:

– Ҳей чол, бизникилар шу ердаму?

– Шу ерда, ичкарида, – деди қария унинг кўпол муомаласидан ранжиб.

Мўғул ичкари кириб кетгач, нотаниш йигит:

– Отахоним, сизга раҳмат, лекин мен булар билан бир дастурхондан овқат емайман, узр, ундан кўра, йўлимда давом этганим яхши! – деди ва чарчоғини ҳам унутиб, яна узоқларга қараб йўл олди. Темурбекни албатта топади, ҳозир унинг ўрни бекнинг ёнида. Темурбек, қайдасиз? Қайси бир маконда юрибсиз?!

2.

У ҳам бир марта, бор-йўғи бир марта яшайди. Неча йилдирки, умри олов ичида ўтмоқда: охири не бўлади? Бунчалик баланд тоғни забт этиш унга насиб этарми? Чикиб боришга бардоши етурми ё йўқ?

Қуёш аждаҳо мисоли ўт пуркайди. Чўл гўё тандир: нафас олиш оғир, саксовулнингми, аллакандай чириган томир-

нингми – ниманингдир қўланса хиди кўнгилни беҳузур этади. Озор чеккан, эзилган кўнгил! Қачон сен ҳам эркин нафас оласан! Қачон осойиш, хузур-ҳаловат топасан? Бахтингни кўриб, қувонадиган кунлар ҳам борми?!

Унинг фикр уммонида ҳозир ишонч қуёши эмас, умидсизлик, булутлари кезиб юрар, шаррос ёмғирлари билан унинг эзгу ниятларини бутунлай ювиб ташламоқда эди. У ҳорғин тин оларкан, қалб осмонида яна ўша: «У ҳам бир марта яшайди», деган фикр муаллақ қолиб, бошқа ўйларининг юлдузлари сўнган эди. «Инсон бир марта яшайди? – пичирлади у яна. – Қандай яшаш лозим? Беҳуда курашларда ўлиб кетиши керакми?»

Оёғи остида ғуж-ғуж чумолилар уймалашиб юрарди. Шу жониворлар ҳам бир марта яшайди! Ҳозир нима деди-а? Беҳуда курашларда ўлиб кетиш керакми? Шундай дедими?! Ҳей бандаи ожиз, хом сут эмган ночор кимса, нималар дурсан, эс-хушингдан айрилмадингми? Сенинг қисматингда юрт тақдири жо-ку, ахир! Аллоҳ тоғдек масъулият юкини елкангга ортган, шунга яраша куч-қудрат, сабр-бардош, ирода берган. Буни англашинг лозим! У сени синаб кўрмоқчидир! У сени оловда чиниктирмоқ истайди! Шунин билки, инсонга ҳеч бир нарсаси осонликча берилмайди! «Сендан ҳаракат – мендан баракат!» Ҳаракат қил, бўшапмагил! Бўш дарахтни қурт кемириб куритади!

У тип-тиниқ, чексиз самога тикилди: бўм-бўш осмон, тубсиз коинот; қалби ҳам бўм-бўш қолди, фикр уммони ҳам чўлга айланди. Ўлиб кетса-чи?! Ахир, қанча-қанча пахлавонсифат беклар, навқарлар ўлиб кетди. Жойлари жаннатда бўлсин!

Туғлуқ Темур «Темурбек йўқ килинсин», деб буйруқ берганига ҳам анча бўлди. Ҳар кадамда унинг тўнғизлари оч бўрилардек изғиб юрибди. Бир кун қўлга тушса-чи?! Беҳудага ўлиб кетаверадими? Уни яна ҳорғин ўйлар зил-замбил босди. Яна руҳини ишончсизлик булутлари ўраб олди. Шунча йилдан буён курашиб нимага эришди? Тоғгани шу – Туғлуқ Темурнинг ўлим буйруғи бўлдики? Қаерга, қайси тешикка бош сукмасин, уни ўлим кутмоқда энди!

Гармсел шамол эсди. Шунисигаям шукур-ей! Қилт этган шамол йўқ эди-я! Бу бийдек чўлда сув топиш ҳам амримаҳол! Тулумлардаги сув қанчага етади, худо билади. Шамол аста-секин кучая борди: билак йўғонлигидек бўйчан, сершоҳ саксовул ҳам шамол билан тиллашишга киришди.

Митти, сарғишроқ чумоли бўйи икки-уч қарич келадиган саксовулнинг шоҳига чиқа бошлади, лекин ўртасига етганда, кум аралаш қаттиқ шамол эсиб, уни юлиб тушди. Қайсар жонивор ортига бурилиб, яна саксовулнинг танасига ёпишди; шоҳ учига энди етган эдики, шамол курғур, ўчакишгандек бу сафар нарироқ учириб кетди. Чумоли яна орқасига қайтди: майин кумда бир текис чиройли излар қолди.

Темурбек жиддий тортди.

Оббо полвон-ей! Сабр ва матонатда унга тенг келадигани йўқ. У бизларга чидамлилиқ ва тиришқокликда ўрناق бўлмоғи лозимдирки, умидсизликка тушмасдан, аниқ ва пухта режа билан курашсак, мақсадимизга эришувимиз муқаррар. Бу халқнинг шунча эзилгани, озор чеккани, хўрлангани бас энди! Бу юрт мустақил ва озод яшашга ҳақлидир! Турон сен хур бўлғайсен! Хурлигинг яқиндир!

– Бегим!

– Лаббай?

Ўлжай оқанинг юзига тўлин ой қўнган.

– Фикрингизни бузган бўлсам, ожизангизни маъзур тутгайсиз, бегим!

– Безовта бўлмангиз, шунчаки дам олиб ўлтурган эрдим.

– Овқат тановул қиларсизму, деб келувдим.

– Маъқул, маликам, юринг! – деди Темурбек ички суюнч билан. Яхши хотин – жон озиғи, машойихлар айтмишки, эркакнинг стмиш фоиз умри яхши умр йўлдошга боғлиқ; Ўлжай оқани топгандан бери ҳаётига лаззат кирди, доимо кўнглидагини сезиб туради, таъбига қараб иш тутади, гоҳо «бегим, хизматингизни тўла адо этолмай қолмоқдамен, кўнглингизга малол келмасун», дея хижолат ҳам тартади. Бундай яхши умр йўлдошни яна қайдан топиш мумкин?!

Булбул ёқимли сайраб юборди. Темурбек менга шундай туюлди, деб ўйлади, лекин беихтиёр кенг кўкка боқиб, Ҳумо куши атрофида айланаётган кушлар галасига кўзи тушгач, бунда ҳам бир маъни бор, деган ўй хаёлидан лип этиб ўтди-ю, хуштаъм ковун еб, шираси лабида қолган кишидай, танасига ёқимли туйғу кирди: бундай пайтда кўз чарақлаб, олам тиник тортади.

Эр-хотин баланд карағай дарахти остида тикилган оқ чодирга кирар экан, ҳар иккисининг олами ана шундай тиник эди: бу кунларга етиб келишнинг ўзи бўладими, одамлар бахт кайда дея ўзларини қийнайдилар, бахт аслида танангнинг соғлиғи, бир бурда ҳалол лукмангнинг томоғингдан силлиқ ўтиб туриши эмасми?! Бахт кайда? Ўртада кизғиш шоҳи дастурхон, муштдек-муштдек, куритилган гўшт, ҳатто меҳрга тўла Ўлжай оқа таъмли курутдан катик ҳам тайёрлашга улгурибди; сарой қизи бўлса-да, содда, ишчан, пазандаликда ҳам унча-мунча ошпазларни ортда қолдиради. Тайёрлаган куртоваси жуда мазали: унга қуйрук ёғ қўшади, яна қандайдир зираворлар солиб, хуштаъм тайёрлайди, иссик кунда одамнинг тафтини босади бу хўрда! Ана бахт – таомларида меҳр борми? Бор. Ўзи ҳам садоқат илкида турибдими? Турибди! Яна қандай бахт ҳақида гап бўлиши мумкин?!

Ўлжай оқа юмшок патирни бўлаклади: ёқимли нон хиди таралиб, Темурбекнинг иштаҳаси очилди. Шундай пайтларда тош бўлсаям еб ташлайсан!

Хаёл уни мозийнинг кадрдон далалари томон етаклади. Энг хушбўй хидларга тўлган олтинранг далалар, ширин хиссиётлар макони; у дамлар унутилмасдир, у дамларни соғинмай бўладими?!

– Кейинги кунларда ғамгин бўлиб қолгансиз, бегим! Нечун бунчалик кайғуга ботурсиз?

Темурбек жилмайди.

– Сизни, Саройда учрашган пайтларимизни ўйлайдурмен!

– Узр, бегим, мен яна...

– Йўк, йўк, хижолатга ўрин йўқдур! Қайтага дилимнинг дарчаларини очдингиз: дардлашсак, сўзлашсак, дил ёзиладур.

– Ҳақ гап, бегим, мен ҳам қайғуга ботган онларимда, Сиз бирла сирлашиб, дилимни ёзурмен.

– Қалбимни асир этган нарса гўзаллик эмас, чин сўз-лигингиз, қатъий ва довиорақлигингиздур. Мен бахтимни осонликча қўлга киритолмасмен, бу йўлда менга метин ирода-ли йўлдош зарур. Лекин бир ҳақиқатни сиздан яширмасмен: Сизни дастлаб жанговар кийимда кўрганимда, буни эркатой кизнинг шунчаки кўнгил эрмаги деб билганмен. Аммо Сиз шикорда фил каби шерни бир ўк билан ер тишлатиб, мени ул аждархонинг чангалидан куткариб қолғонингиздан сўнг Сиз-га ҳурматим ҳам, меҳрим ҳам ошди.

– Отингиз қокилиб, эгардан учиб тушганингизда, юрагим кинидин чиқиб кетгандек бир аҳволда қолдим. Камонни ел-камдин олганимни ҳам, жон ҳолатда ўк узганимни ҳам бир туш каби эслайдурмен, бегим!

Темурбек ўйчан ҳолатда деди:

– Сизни учратувимга сабаб бўлган падари бузрукворимдан ҳам миннатдормен. Бобонгиз – амир Қазағондан навбатдаги чорлов ёрлиғи борганда, отам Суюрғатмишга ҳам, Оламшайху Жуги Нуёнга ҳам эмас, менга умид билан кўз тикдилар. Бунинг учун Аллоҳга ҳамду санолар айтурмен. Ул зотнинг туш-ларида бахтим намоён бўлган эркан. Арабга ўхшаш ёш чирой-ли йигит қўлларига қилич тутқазибдурлар. Ул киши қилични ҳавода ўйнатганларида, анинг нуридин жумлаи жаҳон ёри-шибдур. Шайхимиз Амири Кулол ҳазратлари: «Пайғамбарона туш кўрибсен, Аллоҳ санга бир жаҳонгир ўғил берур. Ул фар-зандинг дунёни зулм ва қайғулардан саклаб қолур», дермиш-лар. Яна падари бузрукворимизнинг сўзларига қараганда, туш ҳақиқатга тўғри келмиш, яъни 736 йилда ёруғ дунё юзини кўриш менга насиб этти. Отамиз шайхнинг нурли остонала-рига қадам ранжида қилганларида, ул табаррук зот Қуръони каримдан «Амантум ман фи-с-самаан йухифа бикума-л арда фаиза ҳийа тамуру» оятини ўқиётган эканлар. Бул нурафшон оятда «Тамуру» сўзи бўлганлиги боис менга Темурбек деб исм берганлар.

– Сиз бошқа бир дунё эурсиз, бегим. Сиздек бағри кенг кишини кўрган эрмасмен.

– Сиздек аслзода аёлнинг меҳрини қозониш мен учун оламча бойлик эрур, маликам!

– Ҳар қанча шукрлар айтсангиз арзир, бегим, чунки Сиз ота дуосини олган фарзанди комилсиз!

– Мен шул сабаб ҳам Аллоҳга шукрлар айтурмен: падари бузрукворимиз мендан ҳеч нарсаларини аямадилар. Бир куни ул зот бир сурув қўйни бериб, Самарқанд бозорида пуллаб келишимни топширдилар. Қўйларни минг тангага сотиб, бозор айланишни ихтиёр этдим. Бир жойда қаландар одамларга сўзлаб турғон экан. Қўлида қоғоз, шеър. «Шул ёзувни кимдаким минг олтунга олса, дунё охирига етади», – деди ул шайх. Мен иккиланиб ўтирмай, олтинларимни қаландарга бердим. Ул айтди: «Буни отанг олдида ўқи!». Қоғозни келтириб, падари бузрукворимга бердим. Очиб ўқидилар: Форсча рубоийда: «Зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди. Жамшид, Сулаймон, Искандарлар ўтиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингму, яхшилик ила ном қолдир», деган пурҳикмат сўзлар битилган экан.

Рубоийнинг муаллифи Камол Хўжандийни падари бузрукворимиз кўп яхши билур эканлар. Мен бу хушхабар гапни тинглаб, хурсанд турсам-да, минг тиллога бир энлик хат олганимдан танбеҳ бермасмикунлар деган хижолатда эдим. «Кўп доно ишга олтинларни сарф этибсен, ўғлим, – дедилар падари бузрукворим, – энди ушбу хикматга каттиқ риоя этмок лозимдур». Мен бу хикмат йўлида маҳкам ўрнашиб олгандурмен.

– Ҳали яхши кунлар келур, ниятларингиз вожиб бўлғай: адолатли, имонли зотлар ҳамиша муродларига етишганлар.

– Ўшал нурафшон кунларда ёнимда туриб, бахтимизнинг порлок нурларидан баҳраманд бўлишингизни истармен, маликам! Муқаддас Қуръони каримда: *«Ва осмонни қудрат ила бино этдик ва, шубҳасиз, Биз уни кенгайтиргувчимиздир»*, – деган улуғ башоратномани ўқиганмен. Яратган эгамиз нафакат инсоннинг ризқини улуғ килиб, ўзини кенг ерларга

ҳоким этти, балки Арши аълода туриб, бутун фалакни ҳам кенгайтириб қўйишини Ҳақ билди. Бу инсон келажаги учундир, яна худо билади.

Ўлжай оқа ҳам ёшлигида, катта, йирик шам ёруғида тинглаган эртак, достон, маталларини эслади, эслади-ю, мил-мил ёниб турган шамлардан таралаётган ис димоғига урилиб, бехтиёр «мен ожиза эмас, кимсан Темурбекка муносиб ёрман», дея аёллик ғурури устун келиб, мунозарага киришди.

– Сиз кўнглимдаги ажиб таассуротларимни жўштириб юбордингиз, – деди гапни узокдан бошлаб. – Инсон боласи ҳам чақалоқликда ҳеч қандай илмга эга бўлмайдур, улғайгач, унинг онги ўсиб, илми зиёда бўлиб борур. Бу ҳаётнинг оддий ҳақиқатидур, бегим. Оддий туябоқар Увайс Қараний ҳам пул ва давлат билан иши йўқ киши бўлиб, олий ишқнинг ошиғи эди. Оламлар сарвари: «Мендин сўнг ҳирқамни Увайсга беринг!» – дея васият қилганларида, саҳобалар ҳайрон қолишиб: «Бул бандаи ожизни қайдан топурмиз? Кўрганмисиз уни?» – деб сўрадилар, бунга жавоб бўлдики, «Яман элининг Қаран қишлоғидан топурсизлар. Мени маънан кўрди, зоҳиран кўрмади!»

Ўсмирлигидаёқ Қуръони ҳофиз бўлган Темурбекнинг бу ҳикоятларни сув қилиб ичганини Ўлжай оқа яхши биларди.

– Ўзингиз яхши билган бу ҳикоятни такрорлашимдан мақсад шулки, бегим, инсон боласи пул ва бойлик билан эмас, нафси ва имони бирла ҳаққа қараб кенгайиб боради, яъниким Сизнинг қарашларингиз менинг туйғуларим билан уйғундур.

– Баракалла, маликам! – деди Темурбек «ўзимга муносиб жуфти ҳалол» дея ичи-ичидан суюнарган. У «баркалла» сўзини ҳар жойда ишлатмас, инсон боласини ортиқча мақташни гуноҳи азим, Худога шак келтириш, деб ҳисобларди. Ҳозир эса «садоқатли, илмдор ва ўз эрини эъзоз тутган ожизаларни мақташ мумкин, уларни Яратганнинг ўзи ҳам эркак зотида кўҳликрок ва гўзалрок қилиб яратган», деган тўхтамга келди-ю, «баракалла» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Ташқаридан аввал қадам товуши, кейин кимнингдир зўраки томоқ киргани эшитилди.

– Ясовул йигит, – деди Темурбек ва чодирдан бош чиқариб сўради: – Тинчликму?

– Ишай, ишай, ул узлук оға – Амир Хусайн хузурингизга ошиқмоқдалар. Чопарлари хабар келтурмишлар.

– Кутиб олишга тайёргарлик кўрингиз, – дея буйруқ бергач, Темурбек Ўлжай оқага ўтирилди. – Маликам, Сиз ҳам тайёрланинг, амир жанобларига пешвоз чикурмиз!

Булбул ҳамон наво қилар, кизиғи шунда эдики, Она бургут унинг ёнида тумшуғини осилтирганча тош қотган эди. Ўлжай оқа Темурбекнинг нимага ишора қилаётганини аввалига тушунолмаган эди, беихтиёр булбул навосини тинглаётган улкан бургутга кўзи тушиб: «Воҳ-ҳ ажабо-о-о!» деб юборди. Унинг ҳайратини тушунса бўларди, бундай воқеани умрида кўрмаган, эшитмаган эди. Хумо куши эса лочин ва чумчук билан учиб юрар, ора-орада майин товуш чиқариб, чор-атрофга зийрак кўз тикар эди. Амир Хусайн ҳам бу ажабтовур воқеани бир кўрса эди...

3.

Амир Хусайн – дабдаба, ҳою ҳавасга берилган кимса, Темурбек унинг бу одатини ҳам, ҳатто ўзини бутун Туроннинг тахт вориси сифатида тутишини ҳам яхши билади. У ўзини ярим шоҳ ҳисоблайди ва унга нисбатан оддий бекнинг ўғли сифатида қараб, шу йўсинда муомала қилади, ҳатто шунчаки куёвим-да, менга қуллуқ қилишга мажбур, хизматимни бажарсину, ортиқча гап қилмасин, деган фикрда юради. Лекин Темурбек кўнглида кир сақламайди, унинг бундай муомалаларига ҳам эътибор қаратмайди, муҳими, ҳозирда улар битта одам, битта гуруҳ вакиллари, юрт тақдири қил устида турганда, ички адоватга ўрин йўқ, деб ҳисоблайди.

Улуғ Балх шаҳридан нуфузли меҳмоннинг ташриф буюраётганини эшитган борки, қўли етти, оёғи саккиз бўлиб, чопачоп, югур-югурларга кўшилиб, катта тайёргарлик кўрдилар: ариқлар тозаланиб, йўллар текисланди, уйлар қайтадан безатилиб, йўлакларга поёндозлар солиниб, деворларга ранго-

ранг гиламлар осилди, хатто кўчалар ҳам турфа тусли матолар билан безатилди; новвойлар кечаси билан пўрсилдоқ нонларни ёпиб, дастурхон, корпичларга ўраб қўйдилар, ошпазлар масалликларга турли хушбўй зираворлар қўшиб, чинни, сопол ва олтин идишларга жойлаб, қозонларни ер ўчоқларга ўрнатиш билан машғул бўлдилар.

Амир Ҳусайн ўзининг уй аравасида келди: олти йирик ёғоч гилдиракка ўрнатилган бу ўтов арава кишин-ёзин узок юришларга мўлжалланган бўлиб, унда яшаш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд; сандал ёғоч эшигининг зулфи олтиндан, кезаклари кумушдан ишланган, ичкарида, тўрда тахта қаравот бўлиб, калин кўрпачалар солинган, ўртада махсус темир ўчоқ, унга мис қозон осилган; ҳашаматли аравани саккизта паркани оти тортиб юради, ундан ташқари, ордан яна қирққа яқин асл зотли отлар ҳам эргашиб келади, араванинг тўрт четида тўртта қўриқчига мос ишланган кўшк ҳам бўлиб, наварлар нават-навати билан унда туну кун қўриқчилик қилишади.

Кутилмаганда рўй берган воқеа уларни бир оз ўнғайсиз ҳолатга солди. Ҳамма ишлар кўнгилдагидек силлиққина кетётган эди.

Кенг осмонда кабутарлар кезиб юрар, лекин булбул кўринмасди, Ҳумо қуши ҳам қаёққадир ғойиб бўлган эди.

Темурбек ўз ўйлари билан овора бўлиб турган бир пайт эди, чиндан ҳам, у яқин йиллар ичида Амир Ҳусайннинг ўзига шунчалик бино қўйганини кўрмаган, бунақа дабдаба билан келади, деб ҳаёлига ҳам келтирмаган эди, ҳашаматли уй-аравасини кўриб, «ҳалитдан мутлақ ҳукмдормен, деб ҳавас отига минибди-да», деган ўйга бориб, «болача қилиқ», дея қулиб қўя қолди.

Амир Ҳусайн аравадан тушган заҳоти бошидан олтину кумуш тангалар сочдилар. «Хуш, келибсиз, амир жаноблари!» дея ҳамма уни таъзим ила қарши олди. Бундай тантана билан қарши олинганидан ҳаддан ортиқ керилиб кетиб, номига бўлса-да, ташаккурини айтишга улгурди, қўли қуруқ келгани учун ўзидан бир оз уялди ҳам. Аммо «кимсан мендек амир

буларга совға-салом олиб келишга мажбур эмасмен» деганча кўнглидаги қимтиниш ҳис-туйғулари қувиб солишга ҳам вақт топди.

Ана шу пайтда унинг гард тегмаган шоҳона кийимига туп этиб, кабутар кўкимтир чиқиндиси тушса бўладими?!

Оломон орасида кимлардир пиқ этиб кулди.

Темурбек уни ўнғайсиз ҳолатда қолдирмаслик учун аввал карнай-сурнайчи-ю, ноғорачиларга «қаттиқроқ чалинглар» дегандек қўллари, кўзлари, ияги билан имо қилди ва ўзи илдам юриб: «Давлат бу, Хусайнбек, давлат ёр бўлишидан нишона!» – деди жарангдор баланд овозда, атрофдагилар эшитсин, деган ўй билан.

Қирғий бурун йигит югура келиб, қўлидаги оқ шоҳи кийикча билан соҳибининг ўнг елкасидаги кабутар чиқиндисини артиб олди, лекин ўрни кўкимтир сарик ҳолда билиниб қолди. Яна ишкалаб артишга тушган эди, Хусайнбекнинг ўзи: «Яхшилик шарофати экан, майли ўрни қолсин, уринмай қўя қол», – деди ғижиниб ва қошини чимирганча кўкка бокди-ю, кўзлари йириклашди: кабутар зотидан анқонинг уруғи ҳам йўқ эди.

Яқин орадан чумчук қулоқни қоматга келтирар даражада чириллар, мусича нохуш ку-қулар эди.

Кечқурунга яқин бу ҳодиса бутунлай унутилди. «Кабутар шундай иш қилса, давлатдан нишона экан-ку, бунинг нима уяти бор», дея ҳатто ўзига тасалли ҳам берди. Ҳукмдор бўламан, деган одамнинг бошига не савдолар тушмайди. Буниси ҳолва-ку! Амир Хусайн сиртига заррача сув юкмаганидан хурсанд эди.

Темурбек ҳам ўзича «яхши иш бўлмади», дея бир оз ўнғайсиз ҳолатга тушган бўлса-да, керакли гапни топиб гапирганидан хотиржам тортди. Кечқурунга бориб эса у ҳам ўнғайсиз ҳолатдан чиқди ва Хусайнбек билан бафуржа суҳбат куриб, аввало, мақсади билан қизиқаркан, меҳмоннинг хушнудлигини кўриб, ҳарқалай кўнглига олмабди, дея янада хотиржам тортди ва «қани бўлажак ишларимиз ҳақида қандай фикрда экан» деганча, унинг кўнглига қўл солиб кўрди:

– Туғлуқ Темурхоннинг энг катта хатоси ғаддор Беккичikka беҳад кўп мурувват кўрсатганидур. Ул бетавфик ўзбошимчалик йўлига ўтди, зулми кучайтирди. Хон ёсоғига умуман амал қилмади, оқибат Мовароуннаҳр харобага айлана борди. Бундай бошчи билан бирга бўлишни ўзимга ор билдим ва ул ердан кетдим.

– Сиз тўғри йўл тутгансиз. Темурбек, ул жойда, шоқоллар орасида бўлиш Сиздек олижаноб, аслзода амирга муносиб эмас.

Амир Ҳусайннинг «Темурбек» дея уни ўзидан пастрок тутиб гапириши Ўлжай оқанинг ой юзини қора булутлардек тўсди, лекин «сиздек олижаноб, аслзода амирга» дея уни улуғлаши хавотир ташвишлардан какраган кўнглини таскин сувлари билан юмшатиб, чехрасидаги қора булутларни тонгги парлардек эритиб юборди.

Амир Ҳусайн синглисининг юзидаги ўзгаришни зимдан сезганча сўзида давом этди:

– Сиз Туғлуқ Темурхонга шунчалик хизмат қилдингиз, лекин ғаним-ғанимлигича қоладур. Ул шоқолларнинг ниятлари бузуқ эрур; сиз тўғрингиздаги шум ниятларидан воқифмиз. Уларнинг айтгани эмас, Аллоҳнинг буюргани бўлур.

– Иншооллоҳ! – деди Темурбек жарангдор овозда, сўнгра сўзини ранжиброқ давом эттирди: – Бизни сотганлар ғанимларимиз эмас, ўзимизнинг орамизда юрганлардур. Туғлуқ Темурга ёзмишларким, мен Илёсхўжани мавҳ этиш учун махфий фитна уюштирган ҳамда Мовароуннаҳрни қўлга киритишни истаган эрмишмен. Лекин, Амир Ҳусайнбек жаноблари, Сиз ҳақ гапни сўзладингиз: бандаларининг айтгани эмас, Аллоҳнинг буюргани бўлур. Бунга менинг шак-шубҳам йўқдур; буни қарангки, бахтимга ёвуз буйруқлар қўлимга келиб тушди. Буям Аллоҳнинг Сизу бизга марҳамати эмасму?

Ўлжай оқа суҳбатга қўшилди:

– Рост, ҳазратим, рост! Сизлар адолат йўлида кучкудратларингизни сарф этмоқдаурсизлар. Ҳар иккинги бир-бирингизга мададкор куч эурсизлар, гўёки бир эт, бир

тирноксизлар. Ҳамиша бирга бўлсангизлар, Туронзаминда сизларга тенг келадиган куч топилмас.

– Турон юз йиллардан буён чингизийлар зулми остида эзилди, хор бўлди, хароб бўлди. Нега? Нима учун? Бўлинганни бўри ер, дейди машойихлар. Балхни Мангли Бугай Сулдуз, Хўжандни Амир Боязид Жалойир, Шибирғонни Муҳаммад Хўжа, Хутталонни Кайхусрав, Самарканддан Сарипулгача бўлган ерларни Амир Хизр Ясавурий бўлиб-бўлиб бошқармоқдалар. Чўпон кўпайса, сурувга кирон келур. Майда бекликлар, амирликлар халққа ҳеч қачон фароғат олиб келмагай. Бундай амирликлар баҳорги гулларга ўхшайдурлар. Ҳар қанча чиройли кўринишда бўлсалар-да, мавсумийдурлар, алар куёшнинг жазирама иссиқликларига бардош беролмаслар. Энди, мақсад шулким, биз иккимиз бир-биримизни тўғри тушуниб, тўғри англаймиз, хўп десангиз, Амир Ҳусайнбек жаноблари, Сиз ҳам қанчадан буён тоғу тошларда сарсон-саргардон юрибсиз, энди иккимиз амирона сўзимизни бир мақсад йўлида тикиб, она Туронзамин учун қатъий курашга отланмоғимиз лозимдур.

Амир Ҳусайн шу дамда ҳам ўзини Темурбекдан бир поғона баланд ҳисоблаб, унга одатдагидек, юқоридан назар солди. Нечун ўзини баланд тутмасин? У Амир Қазағоннинг невараси – Мовароуннахр тахтига даъвогар ёлғиз шахс. Ҳар қандай ишнинг, ҳаракатнинг, ҳатто мана шу суҳбатнинг жилови ҳам унинг кўлида бўлиши керак. Шу фикрларни тахтга ҳавасманд кўнглидан ўтказаркан, шошилиб деди:

– Темурбек, энди Хиваққа юрсак, Тўқал баҳодурдан паноҳ топуرمىз.

Темурбек унинг мақсадини англаган бўлса-да, буни тўғри маънода – синглиси олдида ўзини кўрсатмоқчи бўляпти, бунинг зиёни йўқ, бу одатий ҳол, деб ўйлади ва итоатқорона оҳангда деди:

– Бундан бошқа йўл йўқ, бек жаноблари! Пиримиз Шайх Шамсиддин Кулол ҳазратлари айнан Хоразмдан паноҳ топишимизни маслаҳат берган эдилар. Зора, ишларимиз юришиб кетса!

– Иншооллох! – деди Ҳусайнбек ва «тушунарли» деган маънода ўрнидан турди.

Ташқарида нотаниш тоғлик йигит Темурбекни кутиб турарди.

– Ассалому алайкум, бек ака!

– Ваалайкум ассалом!

Темурбек бошдан-оёқ нотаниш йигитга разм солди: юзига кул сепгандек, кўкариб, бўғриккан; енгларига чанг, этагига қора доғ теккан. Кечаси кўчада ётиб қолган шекилли.

– Ман Сизни қидириб юрумман.

– Исминг надур? Қай юртлардан келурсен?

– Чағониёнликмен, бек ака, ақдан шакка изингиздан келдим.

– Чағониёнлик? – Темурбек самимий жилмайди.

– Шундай, бек ака! Исминг – Маматдур!

Йигитга синовчан назар соларкан, Темурбек унга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмасди. Ҳозир ҳар қандай хавф-хатарни кутиш мумкин. Илёсхўжа бор имкониятдан фойдаланишни кўзлайди, шундай экан, ҳаммага ҳам ишониб бўлмас. Тил-суяксиз, имони йўқлар ўзиникини ҳам, ўзгаларни ҳам сотадилар.

Темурбек уни синаш учун сўради:

– Маматбек, нечун шунчалик овора бўлиб, чўлу биёбонларни босиб, қийналиб бизни излаб келдингиз? Ё бирор муҳим хабарингиз борму?

– Ҳеч қанақа хабар келтирганим йўқ, бек ака! Чингизийлар зулми жонимиздан ўтиб кетди. Бутун юрт Сизни муборақ номингизни эъзоз ила тилга олади. Адолатли кураш йўлида ман бир бандаи ожиз ҳам Сиз каби юрт деб юрган мардларга садоқат ила хизмат қилсам деган ниятдаман.

Маматнинг одоб ила рост сўзлаши Темурбекнинг калбида илиқлик уйғотди.

– Бек ака, сўзамоллик қилдим, узр! – давом этди Мамат кўлини кўксига қўйиб тавозе қиларкан. – Биз Ҳисор тоғларида, кир-адирларида чорва билан машғул эдик. Бир куни ўн чоғли чингизий навкар бизларни ўраб олди. Пада-

ри бузрукворимиз: «Юз кўйни олийла, розиман, аммо бизга тегмайла», дея илтижо қилдилар. Ёғийлар устимиздан роса кулишди, одамга алам қиларкан. Ёилай кўз мўғул отамизни камчи билан урди. «Манда не гуноҳ, шафқат қилингизла», – ёлворди у киши. Ман уч кун олдин уйланган эдим, ожизам онам минан сурув четида қалтираб турар эди. Ёғийлардан бири – манқа бурунли навкар уларга томон от қўйди. Ман унинг ортидан югурдим. Ёзғий навкари жуфти ҳалолимнинг сочидан ушлаб, чинқиратиб, жонини азоблаб, отининг ўнгарига олди. Онам дод солиб, унинг оёғига ёпишдилар. Ман манқа навкарга қўйвор уни, у менинг қаллиғим, десам, манга ўдағайлаб: «Бу ўлканинг хўжайинлари биз эрурмиз, не истасак, не хоҳласак, шу бўлур, шунинг учун бу париваш менга тегишлидур, сен қулваччага йўл бўлсин», – деди. Ман кўлимдаги йўғон учли заранг таёқ билан унинг гарданига солган эдим, баччағар, отдан гуп ағдарилиб тушди... Суғун, денг, бек ака, чап елкамни қаттиқ оғриқ тутди, дабдираб кетдим, кўз олдим қоронғилашди. Волидаи мухтарамамнинг: «Вой-дод, Маматжон!» дея чинқирганлари ҳали-ҳали қулоғим остидан кетмаяпти. Кўзимни очганимда, ярим тун эди, қаттиқ шамол эсарди, осмон юлдузсиз қора эди. Ўрнимдан туришга уриндим, аммо ҳолим йўқ эди, беҳол яна йиқилдим. Қуёш тик келган чоғда, яна ёруғликни кўриш насиб этди. Ён-атрофим, ўт-ўланлар коп-қора қон эди. Бошимни кўтардим: мандан нарироқда волидам... меҳрибон, мухтарамам... она... онажоним қиём-қойим ҳолатда икки бўлакка ажралиб ётар эдилар. Чинқириб юбордим ва яна ҳушимдан кетдим... Кейинги сафар кўзимни очганимда, қўй пўстаги устида, яшил чодирда ётар эдим. Ёнимда падари бузрукворимнинг ошнолари Карим полвон ўтирар эдилар. «Хайрият Маматжон, хавф ўтиб кетди, – деди у киши қулумсираб, – ўлим бирлан уч кун олишдингиз, энди ташвишланмасаям бўлар». У одам яхшигина табиб эдилар: катта акамиз бир йил ёмғирда қолиб, қаттиқ шамоллаганларида, шу азиз инсон уни даволаган эдилар. Карим ака, онам... – дедим мен, нафасим ичимга тушиб, аччиқ йиғи

томоғимдан бўғди. Ман йиғлашни ўзимга ор билдим, аммо калбим тинмай фарёд урди, нола қилди.

«Аллоҳга керак экан ул зот, ўғлим, — таскин берди Карим полвон. — Ўзи яратиб, ўзи олур. Унинг хоҳишига қарши боришга ожизмиз. Отангиз, тўрт акангиз, қайлиғингизни эса ёғийлар асир этиб, олиб кетдилар. Уларни соғ деб эшитдим. Насиб этса, Аллоҳнинг иродаси ила, бир кун уларни учратурсиз».

Ман унсиз йиғламоқда эдим: ор-номуси поймол этилган йигит учун ўлим афзал эди.

«Жонни ўрташдин фойда оздур, ўғлим, — яна насиҳат қилдилар Карим полвон. — Бардам бўлинг: отангиз, акаларингиз ва қаллиғингизни қутқармоқ учун яшашингиз, куч тўпламоғингиз лозим», дедилар.

Мандек бир содда йигит учун бу насиҳатнинг тоғдек кучи бор эди: миям бир тез ишлади, бир тез ишладими, ман яшашим керак, ман кучга тўлишим керак, дея ҳайқиргим келди.

Оёққа тургач, Шаҳрисабзга тушдим: ҳар ерда ёғийлар қолдирган жароҳатларни кўриб, уларга бўлган нафратим ошди. Лекин ман ёлғиз курашни эмас, Сиз каби амирларга, мухтарам зотларга навкар бўлиб, курашмоқни кўнглимга тугдим. Ҳар ерда Сиз тўғрингизда яхши сўзлар эшитдим, сизга меҳрим ошди. Тоғу тош кездим, чўлу-биёбон кездим. Изма-из юрдим. Қаерга борсам, сиздан қолган изларни-ю, ўчоқдаги кулларни кўрдим. Аллоҳга нола қилдим, ёлвордим, ялиндим — шу зотга рўбарў келиб дардимни айтай, деб. Минг шукрлар бўлсинким, у мани сиз билан учраштирди, — Мамат бир нафас тин олди-да, сўнг шошилиб деди: — мухтарам бек, мени маъзур тутсинлар, яна сўзамолликка берилиб, Сизни ушлаб қолдим!

Темурбекнинг дардчил юраги яна зардобга тўлди. Бугун Туроннинг ҳар бир оиласи, ҳар бир йигити шундай изтиробда, шундай ғамгин бир ҳолатда. Қачон бу бечоралар кун кўради?!

— Волидаи мухтарамангизни Аллоҳ марҳаматига олган бўлсун, иним! — деди у Маматнинг кўнглини кўтариш учун, самимий, илтифотли оҳангда. — Оғир, машаққатли йўлни

танлабсиз, бул оловли курашда Сизга сабр-бардош, матонат, содиқлик, садокатлик тилармен!

– Қуллук, бек ака! Ўла-ўлгунимча Сизга хизмат қиламан! Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмайди!

4.

Кўзлари хирсга тўлган Ҳусайнбек ўзидан хурсанд, оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган эди.

– Тўкал баҳодир... ҳик, одамохун, кўли очик, улфат одам. Ҳик! Э бу, ҳикичок тутиб колди одамни! Зиёфатни ҳам, ҳик, котирди! Ҳурлиқоларини айтмайсизми?! Кийикдек сакраб-сакраб ўйнашди! О-о, ана ҳаёт! Роса маза қилдик!

Темурбек унинг дўмбира корнига тикиларкан, енгил-слпи гапидан ташвиш тўла юрагига ғашлик кўнди. Кимсан Амир Ҳусайндан шу гап чикдими?! Ё Раб, хавф-хатардан кутулмокни ўйласак-чи?!

– Амир жаноблари?

Амир Ҳусайн туриб ўтирди.

– Қулоғим Сизда, Темурбек!

– Бу ердан тезроқ кетишимиз керак.

– Нечун?

– Тўкал баҳодирнинг сўзларига эътибор бердингизму?

– У бизни очик юз билан кутиб олди.

– Мени маъзур тутгайсиз, кишининг калбидаги мақсад ёлғиз Аллоҳга аён.

– Хўш, хўш?!

– Базм вақтиндаги сирли сўзлашишларга эътибор бердингизму?

– Мен ҳеч бир нохушликни англаганим йўқ.

– Тўкалга биз бирла бўлинг, деган маънода шама қилсам, ул: «Ўйлаб кўрурмиз», деди.

– Ўйлаб кўрадиган иш бу, Темурбек! Бунинг нимасига хайрон колурсиз?

– Бу ерда қандайдир ўйин, товламачилик бор.

– Йўғе, Темурбек, Тўкал баҳодир иккиюзламачилардан эмас! – Амир Ҳусайн керишиб, узок эснади-да, кейин ўнг

ёнига ағдарилиб ётаркан, хушламайгина деди: – Яхши ётиб туринг!

– Сиз ҳам Аллоҳ паноҳида хотиржам уҳланг! – деди Темурбек энсаси қотиб. Юртни сўраб турган одам бунақа бўлмайди-да энди. Бу яхши одат эмас. Амир дегани доимо зийрак, мулоҳазали, вазиятга қараб иш тутадиган бўлиши керак! Бепарволик одамни ўликнусха қилиб қўяди.

Тўкал баҳодир учун биз киммиз: на кўрғони, на бойлиги – ҳеч вақоси бўлмаган, чўлу дала-дашт оралаб, кочиб юрган бандаларимиз, холос. Бунинг устига мени махв этиш ҳақида Туғлуқ Темурнинг фармони борлигини ҳамма эшитган. Тўкал биз каби саёқ қочкинларга эмас, тахт эгаларига қайишади. Нечун биз иккимизни навкарлардан ажратиб, чорбоғда ёлғиз қолдирди?

Темурбек шу лаҳзада Амир Сайфиддин ҳақида ўйлади. Ҳар эҳтимолга қарши уни огохлантиргани яхши бўлган экан: у барча амиру навкарларни жанговар ҳолатга келтирган бўлиши керак. Э худовандо, ўзинг паноҳингда асра, гуноҳкор бўлсам, гуноҳимни кечиргин! «Аллоҳумма инни асълука бисмикал афията фиддуня вал охирати. Аллоҳумма асламту нафси ва фаввадту амри илайка ва родийту бика роббан ва би Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи вассалама набиййан ва бил ислами дийнан».

У ёстикқа бош қўйди.

– Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм!

Сокин кеча, тикэтган товуш йўқ: айтадиларки, бузғунчилар тунга хиёнат қилган бўлсалар, бир нохушликни ўйласалар, ёмон мақсадни кўзласалар, кеча куйчилари – ҳашаротлар ҳам кўрқувга тушиб, инларига кириб кетади. Бир хиёнат ҳиди келмоқда бу тундан: борлиқ нафас олмаяпти, майсалар тик қотган, барглар ҳам сукутда, итлар ҳам ҳурмаяпти.

Бургут қанотларини қарсиллатиб қокди, нимадир ерга тушиб, тарақлаб кетди. Бойўғлининг қичкириғи эшитилиб, чор-атрофни ваҳима босди. Ана шу пайтда уйга чумчуқ учиб кирди-да, шифтни гир айланиб, қаттиқ чириллади. Ҳумо куши пастлаб учиб ўтганини кўрган Темурбек чакқонлик

билан ўрнидан турганда, кўланса ҳиддан кўнгли озди. Қон ҳидими? Қаердан келяпти?!

Чорбоғ дарвозасининг кулфи шарақлаб, тап-туп оёқ товушлари баралла эшитилди.

Темурбек илдам юриб, Амир Ҳусайнни турткилади:

– Туринг, туринг! Туринг, ёғий босди.

Амир Ҳусайн кўзини ишқалади.

– Нима?! Ёғий? Қанақа ёғий?

– Кетдик, бўлаколинг!

Улар чорбоғнинг юқори томонига, қуюк дарахтзор ичига ўзларини уришди. Бир оздан сўнг ортдан:

– Қочишибди! Бу ерда йўқ улар! – деган бакирик-чакириклар эшитилди.

5.

Амир Сайфиддин эҳтиёткор йигит: девдай кучига яраша девдай ақли ҳам бор; уни ҳар нарсага ишонтириш кийин, тилло бериб ҳам сўзидан қайтаролмайсиз, ҳар балони ўзи текшириб, ўзи ишонмагунча, бир тўхтамга келмайди. Амир Доимчи билан Амир Садирларнинг: «Мамат зийрак йигит» дея ишонч билдиришларига қарамай, уни синаб кўрмоққа аҳд қилди. «Менга навкар керак экан, минг чиғирикдан ўтказиб олурмен», – деди. Бу ниятини Темурбекка етказган эди, у кулиб қўя қолди. Икки кундан буён Поёбда туришибди. Эртага нима бўлади? Қаёққа кетишади? Ҳеч ким билмайди. Аммо навкарлар анча кўнгил ёзишди, яхши дам олишди. Кеча кураш мусобақаси ўтказилди. Манаман деган полвонлар ўртага тушишди. Лекин Маматга тенг келадигани топилмади. Амир Буғо барлос: «Айғокчининг зўрини танлаб юборибдурлар, занғарлар», – деди шоп мўйловини бураб. Улар шифти билан йўғонлигидаги бир текис арчадан терилган, девори оч ганчкор кичкина хужрада ўтиришарди.

Остонада Мамат кўринди.

– Ассалому алайкум, амир ака!

Амир Сайфиддин алик олгач, ўтиришга пойгакдан жой кўрсатаркан, сўради:

– Аҳвол нечук?

– Худога шукр!

– Биз Сизни бир маслахатга чақирдик. Кўп баадаб мусулмон экансиз. Бунинг устига кечаги ғалабангизни кўриб янада суюндик. Шундайми, амир жаноблари?

– Шундай, шундай, таксир! – деди Амир Буғо барлос.

Амир Сайфиддин сўзида давом этди:

– Англашимизча, Сиз олий мақсад бирла бул узок чўлбиёбонларга келгансиз?!

– Ҳақ гап, амир ака! – тавозе билан деди Мамат.

– Биз ҳам шу мақсадингизни тўғри англаб, Сизга мададкор бўлғаймиз!

– Беҳад хурсандмен, амир ака!

– Ҳақ гап шул эрурким, чўпон кўпайса қўйлар харом ўлур. Шул сабаб, юртда мингта бебош амирдан битта ёмон пошшонинг бўлгани афзал!

Маматнинг нигоҳи қорайди.

Амир Буғо барлос дангалчи эмасми, дағал оҳангда деди:

– Мамат тушунадиган йигит, мақсаднинг энасини айтганингиз маъкул.

Амир Сайфиддин пинак бузмай гапини давом эттирди:

– Сиз ҳам бизга ишонинг: биз амирлар бир сўзли инсонлармиз. Биз кабилардан соткинлар чиққан эмас.

Амир Буғо барлос диққинафас бўлиб, яна ўртага тушди:

– Хулласи калом, индаолломиз шулки...

Амир Сайфиддин унинг гапини юлиб кетди:

– ..индалломиз шулки, Туғлуқ Темурнинг фармони олийлари биз учун ҳам вожиб эрурдурким, анга мувофиқ Амир Темур ўлимга маҳкумдур. Бул ишда Маматбек, биз сизга ёрдам қўлини чўзурмиз. Бунинг эвазига Сиз Аллохнинг қўли, ёрдамчиси, сояси, адолатнинг паноҳи Туғлуқ Темур жанобларидан бирор мартаба олиб берсангиз, биз бандаи ожизларга шу кифоядур.

Маматнинг ранги оқарди, пуштиранг лаблари кўкариб титради. Ўрнидан тура солиб, ташқари отилди.

Темурбек Амир Хусайн билан суҳбатлашиб турган эди. Унинг жон ҳолатда югуриб келаётганини кўриб, унга томон ўгирилди.

– Бек ака! Бек ака! – дея ҳовлиқиб келди у. Оғзидан кўпик сачраб, калта нафас олар, юзи кўкариб кетган эди. – Амир... Сайфид... Сайфиддин билан Буғо... Буғо барлос... Сизга... сизга суиқасд қилмоқни ихтиёр этдилар. Улар Тўкал баҳодурнинг одамларига ўхшайди.

Оркадан уларнинг ўзлари етиб келишди.

Темурбек Маматнинг кенг кифтига қўлини қўйиб:

– Баракалло! Азамат йигит экансен! – деди мамнунлик билан, сўнг белидаги олтин сопли ханжарини ечиб, унга тутқазди.

Амир Хусайн тавозе билан жилмайди:

– Муборак бўлсин!

– Қуллук, тақсир! – деди Мамат.

Кулиб турган Амир Сайфиддин билан Буғо барлосга қараркан, ҳеч нарсани тушунмай елка қисди.

6.

Шип-шип оёқ шарпасидан сезгир томирларда ҳушёрлик тонги кўз очди.

Темурбек ой ёғдусига чулғанган Ўлжай оканинг сутдек оппок юзига, иболи кўзларига, меҳрга тўла нигоҳига ўзгача нигоҳ билан боқди.

– Овқат тайёр, бегим!

«Аёли дам олишни биладими, йўқми?!» Темурбек ўрнидан туриб, хужрага кирди. Токчада шам. Амир Хусайнда бир кути шам бор экан, синглисига беш-олтита берибди, икки-уч кечадан буён кунларига яраб қолди. Пилта чирок эса дардисар: ёғ топ, пилта топ – даҳмазаси кўп, уловидан эгари қиммат, шамни эса бир ёқиб қўйсанг, олам гулистон, бунинг устига тутуни ҳам йўқ.

– Олинг, ош бўлсин, бегим!

Темурбек бедана шўрвадан бир култум ичиб кўргач, деди:

– Жуда мазали бўлубдур. Волидамиз шундоқ мазали таом тайёрлар эрдилар. Яратган эгам менга кўнглимдагидек меҳрибон ато этгани учун унга шукроналар айтурмен.

Кутилмаганда қандайдир куш унинг сўзларини бирма-бир такрорлади, фақат овози дўриллоқ ва беўхшов, кўполроқ, дағал эди; сўнгра яна ўша ўзига таниш булбул хониши бошланди. Дунёнинг сирлари кўп, нималар бўляпти ўзи?! Булбул ҳамиша унинг ёнида. Ёки бу тасодифий ҳолмикин?!

Бедана шўрванинг хушбўй ҳарорати унинг иштаҳасини китиклади.

Бугун эрталаб ўзи кўпдан бери бедана шўрва ичмаганлигини билдирган, бу кеч шу тансик таомдан тановул этиш насиб бўлармикин, деган эди. «Сиз истайсиз-у, мен йўқ дейинму, бегим, бир чорасини кўрурмиз» дея Ўлжай оқа ҳам ширин жилмайган эди.

«Эр учун жон куйдирадиган аёл қайси фаслга монанд? Баҳорга эмасми?! Юзидан қаҳратон киш заҳри томиб турадиган зикна ожизага ишқи тушганида нима бўларди?!» Темурбек шўрвадан бир қошиқ ичиб, яна роҳатланди, истаб турган пайтингда, вужудинг талаб этган таомнинг насиб этгани ҳам катта бахт. У «таомингиз ўзингиздек лаззатли», деб мактади.

– Сиз мени мактовларга кўмиб юбораяпсиз, бегим, – деди Ўлжай оқа уялинқираб, – ҳали мен Сизни бирор каттарок ҳады билан хурсанд этолган эмасмен.

– Худо хоҳласа, бахтимиз кейин-да!

– Айтганингиз келсин, бегим! – шикаста овозда деди Ўлжай оқа. Мулойим, ёқимтой овоз Темурбекнинг ташна қалбига хушбўй шамолни бошлаб кирди, юрак беихтиёр энтикди, қайнок лаблардан шивирлаган инжулар юлдузлар мисоли жимирлаб сочилди:

*Яратқон ким тан ичра жон яратти,
Сени кўрклуклар узра хон яратти!*

Ўлжай оқа мамнун ва ифтихор ила жилмаяркан, ўша шикаста овозда, лекин сал нозланган, ўпкаланган товушда деди:

– Назмда ҳам нафасингиз ўткур экан, шу пайтгача бул наводан баҳра олишни бизга эп билмас эдингиз, бегим!

– Таъна-дашномлар бирла юрагимни тимдалашга ҳақли эрурсиз, бекам!

– Узр, амирим, сизни ранжитмоқ ниятим йўқ эрди.

– Тақдиримда Аллоҳ буюргани – Туронзаминни зулмдан озод этмоқлик вазифаси бўлмаганида, назм боғида булбул каби Сизни васлингизни куйламоқдан ўзга ишни ўйламас эдим.

– Қуллук, бегим, қуллук! Мехрга йўғрилган кайнок сўзларингиз билан юрагимга бахтнинг оташ ҳисларини ҳадя этмоқдасиз. Малол келмаса, ул муборак байтни яна бир қарра ёд этсангиз.

– Бажонидил, бекам. Сиз учун бир эмас, минг мартаба ёд этмоққа тайёрен! Эшитинг:

*Яротқон ким тан ичра жон яратти,
Сени кўрклуклар узра хон яротти.*

Булбул сайради, лекин Ўлжай оқа эътибор бермай, бир нуқтага тикилиб жилмайганча оҳиста хиргойи қилди:

*Қуёш янглиз юзунгизни ёрутти,
Фалактек бизни саргардон яротти.*

– «Муҳаббатнома»ни ўқиган экансиз-да! – Темурбек ёник эҳтирос, синчков назар, шу билан бирга андишали тарзда самимий жилмайди.

Булбул энди янада авж билан сайради:

– Эшитаяпсизми, ана шу булбул бизни ҳамиша ўз навоси бирла сийлаб юрибдур!

– Эътибор бермас эканмен, чиндан ҳам ажойиб сайрар эркан!

– Сизни вафсингизга шу булбул ҳам ёниб куй басталайдур!

Ўлжай оқа қалбида ширин туйғулар жўш уриб, ғоят суюнди. Кўз олдида қизлик даври жонланиб, уни яна бир оромбахш лаззат ўраб олди: ўша, ўша хушбўй ҳид таратиб ёнаётган оёқ сонидек катта шам, хўрозларнинг қичкириқлари, кумуш тонгнинг кулиб, жилмайиб кириб келаётгани, олдидаги китобдаги оловтус сатрлар кўз олдида жонланди-ю, «томдан беҳуда хас ҳам тушмайди», деган фикр хаёлида чакнади, ўшанда бу дostonни беҳуда ўкимаган экан, тақдирнинг тўғри келишини қаранг; агар ўжарлигига бориб, ишёқмаслик қилганида, шу китобни ўкимаганида ҳозир бек олдида хижолат чекиб, сувга тушган мушукдек, шалвираб ўтирарди.

– Ўқиган эдим, бегим! – деди у оҳиста, вазмин оҳангда, лекин ўзини мактаётгандек, кип-қизил олчаранг лабларини қимтиниб тишлади, бир текис оппоқ тишлари ҳам саф тортгандек эди.

Буни сезган Темурбек ўз жуфту ҳалолининг шу бир оғиз жавоби учун ҳам «мактаниб кўймадимми» дея хижолат чеканини сезиб, имонли бандаи ожиза, дея ундан чиндан ҳам мамнун бўларкан, инжу тишларига қараб, ички ҳавас билан «Аллоҳ таоло бераман деса, бандасини ҳар томонлама тўқис яратади, тишлари маржондек бир текис терилган ва ҳар бирига митти олмос арра билан тўлқинсимон жило берилганки, одамнинг диққатини ўғирлаб, кўнглига ғулғула солади», деган фикрда яна ўшандай мамнун жилмайди.

– Ул китобни қайдан топган эдингиз? – деб сўради кейин гарчи бу юзаки савол бўлса-да, дилкаш суҳбатни давом эттириш учун. Ўз аёлининг бўлса-да, баҳона керак-ку!

– Уни бобомиз Хивакдан келтурган эдилар! – жавоб қилди Ўлжай оқа ва бу сафар китоб муаллифини билмаслигини очик айтди, тортиниб, иккиланиб ўтирмади, бошқа аёл бўлганда, «мен сендан кам эмасмен» дея балки ўз эрига сўз бермас эди, лекин, Ўлжай оқа ўзибилар маҳмадона ожизалардан эмас.

– Дарвоқе, маликам, бул мўътабар китобни хивақлик Хоразмий исмли киши битгандур. Сўзлари оташ, ипга тизилган маржон каби равон ва ғоят дилга яқин, ўқимишлидур.

– Ҳақ гап, бегим!

– Насиб этса, маликам, тинч, осойишта замонларга етсак, туну кун мен сизга энг қайнок назмлар айтурмен!

– Мен ҳам шуни истармен. Аёл зоти борки, муқимликни истар!

– Иншооллоҳ, маликам. Дунёга, одамларга яхшилик тилайлик. Яхшиликда ҳикмат кўп.

Ўлжай оқанинг тим кора кўзлари уммонида ташвиш кемачалари ғимирлаб, барваста кўкси, худди тўлқин каби, оғир кўтарилиб тушди.

– Мен ғаддорлардан кўркурмен, – деди кўзларини нажоткор тикиб. – Тўкал баҳодур ҳам сизларга яхшиликни раво кўрмади. Туглуқ Темурга Сизни тутиб бермокни афзал деб билди. Ул nobакорларнинг айғокчилари атрофингизда изғиб юришибди. Бул хатарли жойлардан тезроқ кетайлик, амирим.

Унинг оппоқ пешанасида билинар-билинемас қил ажинлар тушганини кўрган Темурбек «оғир замон ташвишлари уни эзиб қўймоқда» деб ўйлади-ю, аламли юраги, пичок сукқандек, қалкиди ва шу дамда ўз-ўзидан уялди. У ҳам юртнинг битта бек фарзанди, раиятнинг суянган битта тоғи, аммо ҳеч бўлмаса, ана шу ожизларнинг эмин-эркин, хотиржам яшашлари учун жон куйдираяштилари?! Қачон уларга тўкис рўзгор, тинч шарт-шароит яратиб берадилар-у, унинг миллати хурлари ҳам тинчгина яшаб, бола тарбия этадилар?! Қачон ўша кунлар келади ёки ўзи ҳам шу адоксиз курашларда йўқликка кетармикин?!

– Менинг ҳам ниятим шул. Энди қатъий саъй-ҳаракатлар зарур, – деди у хижолатли овозда. – Аммо, маликам, мендин хавотирланманг: кирқ йил киргин бўлса, ажали етган ўлур. Такдир сиз билан мени ҳали кўп сийлагай! – дея кўшимча қилди уни тинчлантириш учун ва инсонда, хом сут эмган банди ожиз, «ёки ҳаммасидан воз кечиб, Ҳажга йўл олиб, ўша томонларда умргузаронлик қилгани маъқулмикин?!» деган фикрга ҳам борди. Маҳмуд Замахшарий, Имом Бухорийлар ҳам шундоқ йўл тутишиб, кам бўлганлари йўқ. Унинг ҳам илмга ихлоси, ҳаваси, кўнгли бор. Ҳар китобни бир ўқишда ёд олади, ҳар қандай шайх, олим билан суҳбат қуришга ҳам

кувваи ҳофизаси етади. Бировлардан кам жойи йўк. Ўлжай оқа билан шуни маслаҳат қилса-чи?! Балки Жаҳонгир Мирзо, Оқа бегимларни ҳам ўзлари бирла бирга олиб кетганлари яхшидур.

Ўлжай оқа ой юзида умид ва ишонч балкиди.

— Мен сизга ишонаман, бегим, Аллоҳ таоло тақдирингизда Соҳибқиронлик қисмати битмишдур, — деди у катъий ва ғурурли овозда.

«Соҳибқиронлик ва ғурур?!» Биров бир лаган чўғ тутгандек, Темурбек кулоқларигача ловиллаб кетди. Шайтон йўлдан урмоқчи бўлаётганини наҳотки англамади, наҳотки нотавон қалбининг енгил орузларига бўйин эгади?! Яхшиямки, бу ўйини очик айтмади. Очик айтганда, ҳозир уятдан ер чизиб қолармиди?! Шу учун банди оғиз, дейдилар-да. Ҳар қандай одам ҳам адашиши мумкин! Лекин унинг ҳозирда ўз йўлидан четга чиқиши мумкин эмас, бу Аллоҳ таолога хуш келмас. Кимки, вожиб этилган қисмат хизматида бўйин товласа, ҳалок бўлмай! У бир титраб кўзини очган кишидек, ярқ этиб атрофга қаради. Озор чекаётган юрт унга мунтазир, халқи, дунё унга мунтазир: ҳар ёнда парокандалик, зулм ва тажовуз; икки дарё оралиғидан то Маккаи мукаррамагача бўлган йўллар осойишта эмас, чингизийларнинг ўзлари қароқчилик билан машғулдирлар, муқаддас ислом динига нисбатан зуғум ва тажовузлар ортиб бормоқда, азиз-авлиёларнинг номлари унутилиб, мангу ором топган манзиллари хароба ҳолига келиб қолган. Дамашқ, Бағдод, у томони Фарангистонгача адоват устун, олам шайтон малайлари ва ёвузлар қўлидаки, ана шундай таҳликали пайтда у яратган инъом этган тўғри йўлдан адашиши керакми?! Тўғри йирик олим ё аллома, шоиру даврон ҳам бўлиши мумкин, аммо унинг олдида ҳозир энг улуг вазифа — ўз ота юртини, мазлум халқини ёғийлардан озод этиб, унга озодлик ва ҳурлик бахш этишдан муҳим иш йўк. Эй, Темурбек, вазифангни чуқур англаб ол, сен бу кўҳна дунёнинг асл томирида йиғилаётган ҳаром қонни ҳайдаб чиқариш учун яратилгансен! Бу замонда сен учун ана шундан бошқа муҳимроқ вазифа йўк!

Кушлар патиллаб учди, унинг юраги ҳам, худди кафас ичидаги тутқун куш канотларидек, қаттиқ патиллаб қанот қоқишга шайланди, аммо учишга қийналиб, бошини ҳар ёнга қаттиқ-қаттиқ урди, умидли кўзлари аччиқ изтиробли, қайнок ёшлардан сим-сим оғриди-ю, ўзининг ҳам тутқун эканлигини ҳис этаркан, тор ва қўланса ҳаволи зах зиндонда маҳкум этилган маҳбусдек ҳис этиб, «қачонгача?» деган бир оғрик томоғини кириб ўтди.

Аввал шахдам қадам товушлари қулоғига чалиниб, сўнгра Сайфиддиннинг янгроқ овози эшитилди:

– Бек!

«Яна нима гап?» Ташвиш ўрмонида ўртанаётган юрак ҳам зада бўлиб қолган, биров шунчаки товуш берса ҳам, ҳадик сиртмоғига тушиб, дарҳол хавотирга тушади. Замон нотинч, ҳар қадамда ўлим шарпаси кезиб юрса, бошингда босқинчиларнинг ойболтаси совуқ ялтираб турса, қайси мўмин тинч, хотиржам яшай олади?! Бек деган номинг бор, лекин бекдек яшашинг қани?!

Амир Сайфиддиннинг кўз ости салқиб, кўкарган, булутли куннинг ранги юзига кўчиб, таҳликали, ташвишли ҳолатда эди, лекин Темурбекнинг изтироб тўла юзига боқиб, «бекни хурсанд этай» деган фикрда, гавдасини тик тутиб, хушҳол ҳолда деди:

– Туғлуқ Темурнинг Тўкал баҳодур олдидан қайтаётган чопарини қўлга олдик. Самарқандлик йигит экан. Қандай хабар олиб келганини биздан сир тутмади, азамат!

– Не хабар экан?

– Ул бадкорлар, – энди унинг овози сал титради, – ул бадкорлар яна сизга зуғум истарлар.

«Ўлимдан кўркмайди у. Яратганнинг ҳузурига қайтмоқ эртами, кечми бор гап, аммо Аллоҳ дейдики, қонхўр ёғий қўлида гул ҳаёти хазон бўлмасин!» Темурбек унинг бу гапини мардона қабул қилди:

– Ўлимдан ҳазар қилмасмиз, инчунин Ҳақнинг бандасига раво ҳукмдур бу! Аммо ул нобакорлар бизга ўлим тилагунча ўзларига соғлиқ тилаганлари яхшироқдур!

Амир Сайфиддинбек кўнгилдагидек насиҳат эшитганидек, бекнинг гапидан қоникди ва «у чумчук пир этас, юраги шир этадиганлардан эмас», деб ўйлади ва ўзи ҳам: «Худонинг қаҳрига учраганлари шу-да!» – деди. Нақ боши устидан лочин учиб ўтаркан, қуш қанотларининг шамоли юзига урилиб, «тунда бу қушнинг безовта юриши нимаси?» деган фикр билан Темурбекнинг сўзларига кулок тутди.

– Эртага йўл ҳозирлигини кўринглар, бу ердин кетурмиз. Бул кеча эрса, қоровулларни кўпайтиринг, атрофга сергак бўлиб турсинлар!

Бекнинг безътибор эмаслиги, ҳозирда ўзидан кўра, навкарларини ўйлаётганидан яна мамнунлик ҳис этди-ю, ёник, эҳтиросли оҳангда:

– Бош устига, бек! – деди қўлларини кўксига қўйиб.

Темурбек юлдуз тўла осмонга қараб, Айиқ юлдузини кидирди. Айиқ юлдузи – осмон подшоҳи, ҳов ана – Шарқ томонда. У қуёшга интилади, ёруғликка, тафтли меҳрга интилади. У ерда фақат тафтли адолат яшайди, у ерда фақат адолат оташлари ёнади. Қуёш! Меҳрли қуёшим, сени менинг суюкли Айиғим елкасида кўтариб юргай! Ё Аллоҳ, бир кун келиб, менга давлат берсанг; бир олий иморат барпо эттирайким, унинг пештоқини нурафшон қуёшиму суюкли Айиғим тўлин Ой ва Зухро юлдузидек беаб турсин!

Хўроз чўзиб, узок кичқирди.

Бу овоз пок ниятнинг иқболли эканидан бир ишорадир. У ишонувчи одам, мудом тирикликка сажда қилади. Мозий гувоҳлик беришича, бандасининг бирор-бир саъй-ҳаракати натижасиз қолмаган, ҳар ким меҳнатига яраша, қисматига яраша мукофот олган, охират топган.

У ичкари кирганда, Ўлжай оқа ўрин тўшаётган, хона ичи анбар ҳидга тўла эди. Темурбекнинг ўзи ҳам фақат хушбўй ҳидларни ёктиради, қаерда бўлмасин, мушку анбар ёнида бўлади. Бу фақат шунчаки ҳавас ёки тарки одат эмас, инсон зотининг ўтирган ўрни доимо озода бўлиши, ўзидан ҳам, уйдан ҳам хушбўй ҳидлар таралиб туриши лозим. Эфталитлар ҳатто тупрокни келажақ авлодларга тоза, соф қолдириш чо-

раларини кўришган, одам ёғи уни ифлослантормасин, деб, майитларнинг ҳам фақат суякларини остадонларга жойлаб, дафн этишган. Кўҳна дунё инсондан ҳар кадамда тартиб ва ҳисоб сўрайди.

Ўлжай оқа:

– Шу кунларда яна кўп қайғуга ботмоқдасиз, ўзингизни ҳам ўйланг! – деди куюнчак оҳангда.

Темурбек:

– Эртага бу ердан жўнаймиз, шунинг ҳисоб-китобини олмоқдамен! – дея унга зўраки бўлса-да, жилмайиб қаради. «Аёли хотиржам ухласин, уни ташвишлар оламига кўмиб, қайғуга гирифтор этиш яхши эмас!» – унинг юраги титраркан: «Жўнаш ҳақида айтган гапимдан яна талвасага тушмасмикин?» деган ўй ҳам хаёлидан ўтди.

Ўлжай оқа шу пайтда бир оғиз сўз ҳам ортикчалигини билди, хотин зотининг саволи кўп, аммо тилини тийгани ўзига ҳам, эрига ҳам яхши. Сарсон-саргардонликни бугун кўраётгани йўқки, инжиқлик қилса, оддий кулбада ўсган қиз эмаски, бетга чопарлик қилиб, ўзининг ҳам, шундай бек эрининг ҳам дилини хира этса! Йўқ, йўқ, у ҳеч қачон енгилтаклик қилмайди, ҳаммасига чидайди. Азоблардан сўнг роҳат ҳам бор.

Алп эрининг кўксига бошини кўяр экан, ундан таралаётган мушку анбар ҳиди танасига ёқиб, кўнглига шундай лаззат бердики, кўкдаги юлдузлар қаро кўзларининг чўғдек товланишини кўрганда, уялган бўлардилар; «Сиз дунёдаги энг яхши аёл эрурсиз» деган эҳтиросли ширин мактов унинг анбар ҳидли сочларини ҳам эритиб юборди; иссиқкина юмшоқ тўшак, ёқимли эркак ҳиди, оромбахш меҳр ва қайноқ эҳтирослар уни ўз бағрига эркалаб, аллалаб дилбар ҳолда чулғаб олдики, айни дамда жамики ташвишларни унутиб, ўзини мангу ором қўйнида ҳис этди... сўнг қандай тонг отганини, тун сочларини оққа бўяганини ҳам сезмай қолди, «дарҳол кун ёришдими?» дея роҳат билан керишаркан, ўзича мағрур жилмайди, бу жилмайиши аввалгиларга ўхшамас ва ҳеч ким бунчалик қониқиш ва роҳат билан жилмая олмаса керак, деб ўйлади. Ана шу лаҳзада булбул ёқимли хониш қилди.

Кечадан буён Маматга ҳеч нарса демади, биров шундай иш бўлибди, деб оғиз ҳам очмади, гўёки ҳеч қандай воқеа рўй бермаган! Бунчалик совуққонлик, бепарволикнинг боиси не? Ёки яна бирор ҳунар ўйлаб топишган-у, натижаси не бўларкин, дея кутиб туришганмикан? Лекин, нима бўлганда ҳам, Темурбекдек амирдан, унинг ўз қўлидан олтин сопли ханжарни совға сифатида олгани кутилмаган қувончли воқеа. Узоқ йиллар хизмат қилган баҳодир навкарлар, ҳаттоки, орзу қилиб, ният қилиб, бундай мандилга сазовор бўлолмайдилар.

– Мамат?

Амир Сайфиддин уни ёнига чақирди. У чопиб пастга тушди:

– Лаббай, амир ака!

– Мандил муборак!

– Қуллуқ!

– Биз сени синаб кўрдик!

– Хурсандмен, амир ака!

– Биздан ҳафа бўлмагин, атроф тўла ёғий: нобакорлар, сотқинлар кўп; синалмаган отнинг сиртидан ўтмайдурлар: қоидамизга биз доимо амал қилурмиз, бул кураш майдони, Балх бозори эмас.

– Ҳафа эмасмен, шундай ўй миямда бор эди, энди кетди.

Маматнинг чучук, содда сўзлашидан Амир Сайфиддин ҳузур қилиб жилмайди.

– Энди, сен йигитча, миянгга яна бир гапни кўрғошиндай қуйиб олгин: сенга Аллоҳ навкарликни берибди, Тангрига шукрлар айтгин, мен нари борсам, яхши хизматлар қилсам, бирор қалъага ҳоким бўлишим мумкиндур, аммо зинҳор-базинҳор, Амир Темур бўлолмасмен, мен юлдузимнинг нимага қодирлигини яхши англайдурмен, қисматимдаги ёзилганларга қараб иш тутурмен, қуёшга яқин боролмаймен, борсам ҳам қуйиб кетурмен. Хуллас, сенга насиҳатим шулки, мен каби Соҳибқиронимиз этақларини маҳкам тутгин, бир кун мени айтди дерсан. Ўшанда нола қилиб юрмайсен.

- Сизни яхши одам деб биламан, ишондим, амир ака!
Тепада турган қоровул товуш берди:
– Бек, узоқдан отликлар қораси кўринмокда.
Амир Сайфиддин юқорига қадам кўя туриб, унга буюрди.
– Бекка хабар етказ, тезроқ!

* * *

Осмон тобора қорайиб борар, баланд тоғларнинг оч кумуш саллалари ўрнида энди қоп-қора ваҳший булутлар тўпланиб, бўрон ва довулни шерикликка чақираётган эди. Ёмоннинг мақсади итликдир. У ҳам ваҳший девдек қутуриб, бўрон ва довул билан кўкимтир тоғларнинг тинч кўксини тимдалаб, тошларни ўрнидан қўзғатиб, лойқа селлар билан пастдаги дарёларни ўзанидан тошириб, инсон қўли билан яратилган боғларни, бунёд этилган шаҳар ва қишлоқларни вайрон этишни ихтиёр этади, ажабо, итнинг ихтиёри ҳам ваҳшийликдан бошқа нарса эмас.

Хумо қушининг жонҳолатда елаётганини кўриб, довулдек қутуриб, унга чанг солди, лекин унинг чор-атрофини ўраб келаётган сон-саноксиз али бургутлар, чаққон лочинлар, чайир чумчуқлар, минглаб садоқатли кабутарлар бақувват қанотлари билан уни ҳимоя этдилар.

Она бургут улкан оловни унинг бағрига отган эди, қора юзлари куйиб, ёмғирга айланиб, шувиллаганча тоғлар бағрига тўкилиб кетди. Кучлиман, деб кеккайма, зўрдан-зўр бор бу дунёда.

Сардор калхат ярадор бўлгандан бери танасида оғриқ сезиб, ўзини беҳол сезади. Аввалги шашти, кучи ҳам қолмаган. Бугун эса калхатчаларга умид кўзини тиккан, жаннат дийёрни – тайёр ошни қайси қуш бериб қўяди, у ҳам икки дарё оралигини Хумо қуши билан шерикларига бериб қўймоқчи эмас.

Калхатчалар бутун осмонни эгаллаб олган, гўё қора булутлар бостириб келаётганга ўхшайди. Тепадаги қора булутлар ҳам уларнинг олдида эп эшолмайдиган ҳолатда

эди. Пастдаги илон изи дарёлардаги балиқлар ҳам, ўрмону тўқайзорлардаги жамики ҳайвонлар ҳам ваҳима ичида жонларини ҳовучлаб туришар, умрида бунчалик кўп қушларнинг кўкда тўпланганини кўрмаган одамлар қандайдир хунук воқеа содир бўлишини англаб, лол ва сукутда қараб турардилар.

Хумо қуши буйруғини такрорлади:

– Она бургут, Сиз илгор қисмни олдинга ташлаб, гўл билан заҳирада туринг!

– Хўп бўлади, ҳукмдорим!

– Эй нар кабутар, Сиз баронгорингизни илгор қисмнинг ўнг томонидан бошланг, жавонгор қисмингиз калхатларни айланиб ўтиб, қуришовга олсин!

– Хўп бўлади, ҳукмдорим!

– Эй, чумчуқлар сардори, сизнинг ҳар иккала қисмингиз ҳам тумшукларида тошчалар олиб, қалбдан жой олинг. Лочин оқ қанотини ёзган заҳоти калхатчаларнинг бошини кўзлаб, тошчаларни зарб билан отингки, бош мияларининг қатиги чиқиб кетсин!

– Хўп бўлади, ҳукмдорим!

Она бургут:

– Ҳукмдорим, қарғалар ҳам калхатчаларга шерик бўлибди.

Шу томон ёпирилиб келишмоқда.

Хумо қуши:

– Она каклик?

– Лаббай ҳукмдорим?

– Сиз махсус қушларингизни олиб, уларнинг йўлларини тўсинг.

– Бизга шу керак эди ўзи! Бир таъзирини бериб қўймасак бўлмайди!

– Эҳтиёт бўлинг, Она каклик, қарғаларнинг жони Сардорининг юрагида. Уни маҳв этсангиз, барчаси қочиб қолади. Темурбек айтганларидек, минг қарғага бир кесак кифоя!

Қушлар чуғурлашиб кулишди.

Ниҳоят, икки томон ҳам тўқнашди, момақалдироқ гумбурлаб, еру кўк ларзага келди.

Хумо қуш ўзининг жамоаси билан марказни эгаллади. Қушлар биладикки, ҳукмдорнинг жангга кириши шарт эмас, қўл-оёғини бошқарса бўлди.

– Қани, адолат истаган шунқорларим, юртнинг озодлиги учун қора қузғун босқинчиларга қарши курашга олга. Ўлдирган – ғозий, ўлдирилган шаҳиддир!

Она бургут ўткир тирноқли ёвқурлари билан калхатчаларнинг устига ёпирилиб, уларни тутдай тўка бошладики, орадан кўп ўтмай тоғу тошлар қонга бўялган калхатчаларнинг ўликлари билан тўла борди.

Лочин оқ қанотини ёзган эди ҳамки, минг-минглаб параха тошчалар калхатчаларнинг устига ёпирилди. Улар бунчалик жанговарликни кутмаган эди. Сардор калхат ён-атрофидаги калхатчаларнинг тутдай тўкилаётганини кўриб, эс-ҳушидан айрилаёзди.

Кечга бориб эса ҳар икки томондан ўлган қушларнинг сон-саногини ҳисоблаб бўлмай қолди.

Хумо қуши калхатчаларнинг ичида гарансираб юрган Сардор калхатга қарата ўз қанотидан ўткир учли ўқни отган эди, у чилпарчин бўлганча ерга қулади. Бир гала тирик қолган калхатчалар уни ҳалок бўлди, деб ўйлашди шекилли, титилганча ортларига қараб, тумтарақай қочишди.

Ғалаба қўлга киритилгани аниқ, энди тирик қолганларни аниқлаш керак. Хумо қуши чумчуқни хабарчи қилиб, ҳаммани бир жойга йиғишга чорлади ва маълум бўлдики, нар кабутар бутун жамоаси билан битта қолмай мардларча ҳалок бўлган, она лочин, она каклик ҳам оғир ярадор, фақат Бургут соппасоғ, бургутлар эса тутдай тўкилган. «Демак, талафот кўп» ўйлади Хумо қуши. Нар кабутарнинг тўнғичи – кўринишидан чаққон, абжир ва эпчил, кўк кўз, тумшуги оқ кабутар: «Мен отамнинг ўрнида Сизга хизматга кирмоқчиман!» – деб келди. «Ғоят миннатдорман!» – деди Хумо қуши ва қолганларни Улуғ Тоғ томон бошлаб кетди. «Айтгандай, булбул қани?» – деб сўради у чумчуқдан. «Темурбек билан Ўлжасай Туркон оқа хизматида!» – деган жавобни эшитгач, кўнгли хотиржам бўлиб, парвозга шайланди.

Момакалдирок гумбурлаб, яшин тиглари коп-қора осмон бағрини титратиб тилади. Қалб! Эҳ, қалб!

Кечагина ёруғ осмони қорага бўялган, изтироблар занжирига ўралган қалбга қарс этиб зарб тушади ва у кутилмаганда, ярадор оху мисоли кўкка сапчир экан, оғриқ катта-кичик минг бир томирига нина каби санчилади. Гумбурлаётган ваҳимали садолар ҳаёл бўстони силкитиб ўтади.

Темурбек ёнига келган Амир Сайфиддинга деди:

— Жоҳиллик катта гуноҳ саналур!

Амир Сайфиддин ҳеч нарса тушунмаган бўлса-да, бўйин эгди:

— Худди шундоқ, бек!

— Сизу биз шул элни деб хузур-ҳаловатдан, соғлиғимиздан кечиб юрибмиз, жоҳилликка йўл қўймайлик. Навқарларни тезда қишлоқдан олиб чиқмоқ даркор, қишлоқ аҳлига, фуқароларга, хотин-қизларга, болаларга, уйларга зиён етмасин! Тўқал мард бўлса, майдонда урушсин! Дунё чингизийлар зулмидан тўйди. Чин давлати ҳам аларнинг тасарруфидан чиқмоқда. Оху нолаларимиз яратган эгамизга етган кўринадур. Биз ҳам, амир Сайфиддин, Аллоҳдан шу саодатни тилайлик. Омин!

— Омин!

— Аллоҳу акбар!

Ёруғликнинг ҳарир либосига ўранган кун мунаввар қуёш ёғдулари ила юзини пардоз этиб, олам аҳлига табассумини ҳадя этмоқчи бўлган лаҳзада Поёб қишлоғи атрофидаги чўллар бағрини ёввойи шамоллар чанг-тўзонга тўлдирди.

Сен ҳам қуёшдан ўртак олсанг бўлмасми? Нечун ёмонликни истаб қолдинг, шамол?

Инсоннинг ўзи айбдор дейсанми?

Унинг туғилиши бир хил, қалби эса беш қўлга ўхшайди, бирининг ўйи иккинчисига тўғри келган эмас. Уларнинг бари хом сут эмган бандалардир. Мукаммал инсонни қидириб овора бўлма!

Мукаммалликка интилган одамниям улар расво этадилар.

– Тўкалнинг кўшини кўринадур, бек! – деди тепаликда турган навкар.

– Қишлоқда турганимизда бул кофирлар у ерни вайрон этишдан ҳам қайтмасдилар, – деди Темурбек Ҳусайнга қараб.

– Тўкал дегани шайтоннинг малайи эркану биз ғофил бандалар андин беҳабар юрарканмиз!

Темурбек гарчи ҳозир кўнглига қил сиғмаса-да, Ҳусайннинг маънодор сўзлари кулгисини кистади. Ўзи ҳам шайтонга ўхшайди. Аввалига Тўкални осмону фалакка чиқариб мактаган эди. Энди ўзини оқламокчи. Шунда ҳам «мен» эмас, «биз ғофил бандалар» эмиш. Ҳу-у, шайтон-ей!

– Амир Ҳусайн?.. Сиз билан биз қалбдан жой олурмиз. Гурзини ҳам олақолинг! Бугун жанг қаттиқ бўлур. Камончилар олдинги сафни эгалласунлар!

Ўн-ўн беш чоғлик елкадор йигитлар тепаликнинг пастроғига тушиб кум уюмлари ортига жойлашишди.

– Тоғой баҳодур!

– Лаббай, бек?!

– Сиз баранғорга!

– Элчи баҳодур!

– Лаббай?

– Сиз жавонғорни эгаллангиз!

– Амир Сайфиддин, Амир Тобон баҳодур!

– Лаббай?

– Сизлар суворийларга бош бўлинг! Омин! Аллоҳ барчамизга мадад ато этсин!

Амир Сайфиддин хитоб қилди:

– Сотқинларга ўлим!

Тўкал баҳодирнинг илғор қисми – суворийлар тепаликка қараб, тўғри от қўйишди. Қум уюмлари орасида яширин турган чакқон камончилар уларни ёмғирдек ўққа тутишди: кўз очиб юмгунча юз отликдан ўнтаси қолди ё йўқ.

Амир Ҳусайн қишлоқда туриб жанг қилиш афзал, чунки кўчалар, уйлар, боғлар тайёр истехком, мудофаа ролини ўйнайдиган жойлар, деб ҳисобларди, ҳозир кўрдики, ялангликда жанг олиб боришнинг афзал томонлари кўп экан: душ-

ман кўшинларининг ҳаракати тепаликдан кафтдек намоён бўлиб турибди: авонғор ҳам жангга кирди, аммо душманнинг илғор қисми кучли кўринади. Темурбек буни дарҳол пайкади, ўнг қанот авонғори жангга ташланди. Лекин бу ҳам етарли эмас. Ёғийларга кетма-кет куч келиб қўшилмоқда: бунақада улар гўлга етиб келади, ҳадемай. Уларга ёрдам ташлаш лозим эмасми? Аммо Темурбек бошқача йўл тутди: сўл қанот авонғорини жангга ташлади. «Аллоҳу Акбар!» Юракка мадад берувчи ҳайқирик ҳавони кесиб ўтди. Ёғийнинг кучли илғор қисми уч томонлама ҳужумдан шошиб қолди: нишонга бе-хато урувчи камончилар ёғий суворийларини тутдай тўкар, баронғорда Тоғой Буғо, жавонғорда ҳаракат қилаётган Элчи баҳодирлар ҳам шердай олишмоқда эдилар.

Амир Сайфиддин суворийлари сафида турган Маматнинг пешонаси тиришган, ёвқур кўзларининг қорачиқлари кенгайиб, қошларининг орасида чувалчанг боласидек эгри чизиклар пайдо бўлганди, худди биринчи маротаба бундай олатасир «урҳо-ур»ни кўриб турган боладек, юпқа лаблари очилиб қолганди. Ёғий ҳисобсиз қумурсқага ўхшар, бир қисмини эзиб ташласанг, иккинчи қисми яна оч малахдай ёпирилиб келарди. Улар шунчалик сон-саноксизми? Уни мана шу нарса ташвишга соларди. Бунақада бир неча кун уруш бўлади. Олтмиш кишининг бунча мўрмалахга кучи етармикин? У беихтиёр Темурбекка қаради: тумшуғи кийикникидек ўткир, ўйноқлаб турган от устида тик турибди, яшин нурли нигоҳи ёғийнинг ҳар бир ҳаракатини зимдан қочирмайди. Баҳодир одам! Ўлимга ҳам парво қилмайди. Марддан ўлим ҳам кўркади, дейдилар. Мен ҳам мард бўлоламанми? Уялтириб қўймасмикинман? Тоғой баҳодир кеча: «Кўзинг ўткир бўлсин, фақат кучнинг ўзи билан иш битмайди» деди. Тўғри айтади. Куч бўлса-ю, фаҳм-фаросат, ўткир нигоҳ бўлмаса, ҳаммаси бир пул. Савлат ҳам сарик чақага арзимайди. Ёғийнинг сенга қаратилган қиличи-ю, ўқини нигоҳингдан қочирмасанг, сенга дев ҳам ўрмайди. Асосийси, зарбани қайтара бил. Душманнинг ожиз жойини топиб, зарба урсанг, ютасан. Бу гапниям Тоғой Буғо айтди.

Кўпни кўрган киши-да! У ҳам мард баҳодир. Мард киши жангда, албатта, ғалабага эришади. Унинг ишончи тўлиқ: бу жангдан у ҳам ғалаба билан чиқади. Чиқиши керак. Албатта! Албатта, ғолиб чиқиши керак. Ҳали у отасини, акаларини қутқармоғи лозим. Жуфти ҳалолига не бўлдийкин? Қайси бир ёғийнинг ҳаром пинжига тушганмикин? Бу шармандаликдан ўзинг асрагин, Худойим!

– Аллоҳу акбар!

Унинг асов оти ҳам ўқдек олдинга отилди, хайрият қўли эгарда эди, бўлмаса, орқага қулаб, шарманда-ю шармисор бўларди. Худо бир асради.

Узоқдан отнинг дупур-дупури кулоққа чалинди. Яна ёғийларми? Ҳамманинг тинкаси қуриган, жанг қилишга ҳеч кимнинг қурби қолмаган. Ўлжай Туркон оқа билан Дилшод оқа ҳам устларидаги жанговар кийимларини ечган эмаслар. Хавотирда ўтирибдилар. Инсон валий бўлса эканки, бўладиган воқеаларни олдиндан башорат қилса! Бир нафасдан сўнг нима бўлиши ёлғиз яратганга аён.

– Амир Ҳусайнбек, – деди Темурбек. – Сиз келин бирла синглингизни қум орасига яширинг!.. Амир Сайфиддин, бироз тузукмисиз?

– Шукр, бек, анчайин енгил тортдим: сув танамга роҳат бағишлади.

– Сиз ўнг томонга ўтинг! Тоғой баҳодир?.. Сиз мен бирла шу ерда қоласиз!

Уч навкарга чап томонда – саксовулзор орасида яширишиб, отларда шай бўлиб туриш буюрилди.

Мамат аёллар учун чодир топиб келишга кетганди: дараги йўқ, келаётган балки ўша, балки ёғийдир. Буни ҳеч ким билмайди. Балки яна янги кучлар қўшилгандир. Ҳар ҳолда тайёр турган маъкул: хавф-хатар бор экан, ҳамма нарсани кутиш мумкин.

От дупури тобора яқинлашмоқда. Сокин кечада ҳамма нарса ваҳимали, ҳатто оёқ остидаги қумда ҳам хиёнат кўпчиб ётган кўринади. Қоп-қора зулматни ёриб ой чикди-ю, шу заҳоти суворийнинг қораси аниқ кўзга ташланди.

– Мамат баходур! – деди Темурбек кувониб.

Панада яшириниб ётганлар бир-бир судралиб қудук ёнига келдилар.

Уларга яқин қолганда, одобсизлик бўлмаслиги ҳамда чангимасин, деб Мамат отни секинлаштирди.

– Уқувли йигит! – деди мамнун бўлиб Амир Сайфиддин.

Мамат кела солиб, отдан ирғиб тушаркан, деди:

– Топдим! Топдим!

Темурбек ўтган сафаргидек унинг елкасига қокди:

– Насиб этса, сизнинг меҳрибонларингизниям топурмиз!

– Сизнинг борингиз биз учун мукофот эрур, бек ака!

Унинг «бек ака» деб гапириши Темурбекка ғалати туюлса-да, кўнглининг тубида чироқ ёқди: «ака» яқин олмаяптими... бу ҳам у каби бандаси учун олий мукофот.

Мамат чодирни ўрнатишга киришди, уч навкар унга ёрдамлашиб турди. Негадир бу уч хуросонлик тунд, нимадан-дир норози. Тирик қолганингга шукр қилмайсанми? Ўзларини чарчаганга соладилар. Аслида мақсадлари бошқачарок кўринади. Келаётганларида чодир узун бўйли, новчасида эди. Йўлда қолдирибди, бадбахт. Мамат буни биларди. Сотгиси келмади. Дилхиралик бўлмасин деди. Қудук ёнига келганларида Амир Ҳусайн уларни ғазабга олди. Учаласи ҳам чурқ этмай тураверди. Эркак-эркак, аёл-аёл-да. Эркакнинг олдида чўзилиб ётмайди. Уят ўлимдан каттиқ. Хизматкорлар бўлганда бошқа гап эди. Иккисиям, аслзодалардан.

Қараса, аҳвол чаток: Мамат таваккал қилди, бир бошга бир ўлим, балки топиб келар, балки йўқ, гап эшитгандан кўра, уриниб кўргани тўғри эмасми? Амир Ҳусайнга «Мен топиб келаман» деган эди, у қаршилиқ кўрсатмади.

Чодир тайёр бўлгач, аёллар ичкари киришди, қолганлар иккита-иккита бўлиб, атрофни ўраб ётишди.

Мамат ўзидан мамнун эди: икки ожизанинг кўнглини равшан этди. Бу ҳам савоб. Зора, шу яхшиликлар, шу савоблар унга ҳам омад келтирса. Қанийди, шу амирлар сингари у ҳам Фотимасини ёнига олиб юрса! Қанчалик зўр иш бўларди!

Ой зулмат орасига кириб, яна тезда юз кўрсатди. Эй Ой-мома, ўзинг ёрдам берсанг-чи? Менинг Фотимами сен кўриб турибсан! Оҳимни унга етказ!

Ён-атрофдан хуррак овозлари эшитилди. «Қандай одамлар бемалол ухларкин-а!» – Мамат туриб ўтирди. Темурбек ҳам уйғоқ эди.

– Ака, ман қоровуллик қилайин, Сиз пича дам олинг!

– Беназир йигит экансан, Маматбек! Туронда, қанийди, сендек садоқатли полвон эрлар кўп бўлса. Биз бул юртни энг тинч, энг осойишта маконга айлантирур эрдик. Маним ёлғиз мақсадим, дунёда ёмонлар бўлмаса, эл-элатлар тинч, хотиржам яшашса. Қуръони каримда ҳам бандасининг қонини тўкиш энг катта гуноҳ ҳисобланади, дейилган! Эл-юртда қон тўкилмайдиган, уруш-тўполон, хунрезликлар бўлмайдиган қунлар ҳам келармикин?

Ой қора булутлар ичида ғойиб бўлди.

– Турон неча йилдирки, мана шундай кўркинч, зулмат ичида. Биз, Сизлар каби ўғлонлари бўла туриб, у озор чекади, фарёд қилади. Унинг қудратли подшоси бўлганда, азиз тупроғимизни ҳеч қим хор этолмас эрди, сиз билан Бизлар зулмат кечаларда хавф-хатар кутиб тонг оттирмас эдик. Майли, биз жон берайлик, аммо бу юрт озод бўлсин, келажак насллар эркин, бахтиёр, тўқ яшасинлар.

Ерга ёруғ юлдуз қўнгандек, атроф сутдек ёришди.

Амир Сайфиддин оқсоқланиб уларнинг олдига келиб ўтирди. Бугунги жангда ёғийлар отган ўқдан унинг оти ўлиб, ўнг оёғи қаттиқ лат еганди.

– Юрак ёнадур, – деди у.

– Сув олайнми? – сўради Мамат.

Амир Сайфиддин бош ирғаркан, Темурбекка деди:

– Бугун ҳазилакам ғалаба бўлмади, амир жаноблари!

– Бу бахтдан нишона эрур, амир Сайфиддинбек.

– Илоҳо, шундай бўлсин! Сизнинг гапларингиз ҳақ чиқди: ғолиб бўлиш қўшин кўплигига қарамас экан, – Мамат тутқазган кўзачадаги сувдан тўйиб ичгач, сўзини давом эттирди: – Шу зафарни берган эгамга минг шукроналар бўлсин!

– Биз бирла юрт, эл озодлиги йўлида жон фидо этганларнинг, шахид кетганларнинг жойлари жаннатда бўлсин. Омин!

– Омин!

Мамат кўзачадаги сувни бир оз тўкиб ташлагач, Темурбекка узатди.

– Сув кичикдан, иним, – деди Темурбек.

Мамат «ака» деганди, у «иним» деди. Кў-ўп доно амир экан. У кўзачадаги сувдан бир қултум ичиб, яна бир ҳовучини тўкиб ташлади-да, Темурбекка узатди.

Амир Сайфиддин хаёлчан ҳолда сўзлади:

– Тоғой баҳодурнинг оти йиқилганда, юрагимга ўт тушди, кейин Сиз бирла Амир Ҳусайнбек жанобларини бештадан ёғий ўраб олганда, танам яна кизиб кетди. Ёрдамга борай десам, атрофим тўла ёғий. Аммо ман Ўлжай оқани бугун таниёлмай қолибмен. Жуфти ҳалолингиз навкар кийимида паҳлавонларга ўхшаркан. Шердек қилич ўйнатиб, Сиз томон сурилди. Биз бул довюрак сингилларимиз бирла фахрланурмиз.

– Умрини берсин, оқила аёл ул!

Эрталабга яқин иккалаларининг кўзларига уйку кўнди. Бир оз мизғиб олдилар.

Темурбек кўз очганда, Мамат хансираб югуриб келаётган эди. Яна не ходиса? Яна не ташвиш?

– Бек ака, ул сотқинлар мани алдашди.

– Ўзи не гап, Маматбек!

– Сизлар уйкуга кетгач, уч хуросонлик бадбахт манга: «Биз нарироқдан ўтин-чўп териб келамиз», дея отларни йўлга солди. Ман кади¹ калла уларга чиппа ишонибман. Улар икки юз, уч юз кадам юришгач, отларга қамчи босишди. Ортларидан югуриб, товуш қилсам ҳам бадбахтлар қарашмади.

Шовқин-сурондан бошқалар ҳам уйғонишди.

Ҳаётнинг бундай аччиқ-чучугини кўравериб, оқ-қорага ўрганиб қолган Темурбек сафдошларига тасалли берди:

¹ Кали (шева) – ошқовок.

– Рухингизни туширманг, биродарлар! Кимки вафо узангисидан тушиб, хиёнат йўлини тутса, бир кун ўзига зиён етказгай! Кечаги ғалабамиз олдида бу соткинлик бир хас ка-бидур! Юракни ғашлашга арзимайдур!

Кун бўйи чўл узра ёввойи шамол эсди: улар гоҳ отда, гоҳ пиёда юрдилар; изғирин аралаш учиб келаётган кум зарралари кўз очиргани қўймайди. Эркаклар-ку чидайди-я, ожизаларчи? Яхшиямки, Ўлжай оқа ҳам, Дилдош оқа ҳам чиникқан махрамалар. Сояпарвар бўлганларида, уйи йўқ, жойи йўқ эркакларни аллақачон тарк этган бўлардилар; ўхшатмаса учратмайди: ғам ҳам, қувонч ҳам ўртада, ғик этмайдилар; улар аёл эмас, тан махрами эмас, улар фаришта, метин иродали санамлар гўё.

Аммо бу саргардонлик қачонгача давом этади? Сабрининг ҳам суви қурийди-ку бир кун! Ҳамма нарса чекланган бу дунёда; муқимлик йўқ тирикликда, бириси келиб, бириси кетади; кечаги кун бугунги кунга ўхшамайди, куёш ботади, тун ҳукмронлик қилади; кун ёришади, ёруғлик оламни сийлайди. Вақт – бевафо: у на инсонга, на борлиққа вафо қилади. Отини жадаллатган ютади, ўтирган бўйра, юрган дарё: биз ҳам дарёдек юрибмиз, демак, бир кун саргардонликлар тугайди.

Темурбек яна кечаги воқеани эслади: хуросонликлардан соткинлар чиқмайди, деб адашган экан! Номардлар!.. Чув тушириб кетишди. Тўғриси, ўзгаларга тасалли беришга берди-ю, ўзига келганда юрагининг бир ёни ўпирилиб тушди. Бундай қабохатни кутмаганди. Кетма-кет омадсизлик юз берсаям, барибир инсон инсон-да, бош ғовлаб кетади: кимга, қай бирига ишонишингни билмай қоласан!

Одамларнинг ҳайқириғи уни ўзига келтирди. Яна нима гап? Узоқда, уфқда туркман овули кўринди.

– Амир Ҳусайнбек, аҳволни билмагунча, уларга яқинлашиш хатарлидур.

– Мен ҳам аларга унчалик ишонмаймен.

– Мамат?

– Лаббай, бек ака?

– Сен оқаларингни бирор панароқ жойга беркит. Биз аларни чалғитиб турамыз. Аҳволни англагач, сизларни кидириб топурмыз.

– Бош устига, бек ака!

Туркманлар уларни тобора сиқиб келар, оралик борган сари қисқармоқда эди.

– Ҳусайнбек, бардам тутинг ўзингизни!

– Нима қилдик энди?

– Ҳали тўрт мучам жойида, илким узилмаган, жон берадиган аҳмоқ йўқ!

– Улар кўпчилик!

– Гурзимизга дош беришолмайди.

Бошига гулдор така кўндирган ғундалак одам туркманлар сафини ёриб, орага кирди:

– Тўхтанглар! Бу Темурбек-ку! – у таъзим қилди. – Хуш кўрдик, амир жаноблари!

– Сиз?..

– Ман Ҳожи Муҳаммадмен!

– Э, бормусиз, иним! – Темурбек у билан қучок очиб кўришди.

– От келтиринглар! – буюрди Ҳожи Муҳаммад. – Бизникида меҳмон бўласиз, амир жаноблари!

Темурбекнинг руҳини қисиб турган занжирлар узилиб тушди. Яратган эгам, борингга шукр! Сен борсанки, мен ва Ҳусайн бир фалокатдан қолдик.

– Ҳожибек!

– Лаббай?

– Ожизаларимиз Мамат деган навкарим билан бирга эдилар.

– Заҳмат чекмангиз, ҳозир топтируб келурмуз.

Ҳожибек тўпланиб турган туркман йигитлари орасидан қалин қошли йигитни чақирди:

– Бердибек!

– Қулоғим сизда, оға!

– Амир жанобларининг илтимоси ерда қолмасун!

– Хўп бўлади, оға!

Темурбекка ва Амир Ҳусайнга от бердилар.

8.

Шунча бойликка бор-йўғи учта от берди-я! Ҳожи Муҳаммад илоннинг ёғини ялаган кўринади. Кимга қачон қанақа муомала қилишни биларкан? Темурбекнинг сахийлигини, қўли очиклигини сезган шекилли! Ёки чўл девоналари атайин уюштиришдимикин бу ўйинни! Не бўлсаям, Ҳожи ютди: Темурбек унга бир бўлак лаъл, иккита тўқилган тумого, киймати бир мамлакат хирожига тенг келадиган марварид инъом этди. Бир мамлакат хирожига-я! Лаълнинг ўзи етарли эди!

Амир Ҳусайн Темурбек билан ёнма-ён кетаркан, хаёлидан шуларни ўтказар, унинг соддалигидан, шунча бойликни ҳавога совурганидан ичини ит тирнамоқда эди.

Ҳожи Муҳаммаднинг уйида озроқ ўтирдилар. Бердибек курук кайтди. Унинг аниқлашича, одамлар икки аёл ва эркакнинг бир чақирим наридаги қўтон ёнидан шитоб билан ўтиб кетганини кўришган экан. Шу сабаб зиёфат Темурбекка ҳам, Ҳусайнга ҳам татимади.

– Улар қаёққа кетиб қолишди? – Темурбек атрофга аланглади. – Қўтондан ҳам ўтдик.

– Ҳожи Муҳаммад бизни чув туширмадими ишқилиб!

– У лафзихалол мусулмон!

Ҳусайннинг кўнгли ағдарилди. Лафзихалол эмиш. Лафзихалол кимсанинг кўзи шунча оч бўладими?

Ғажарчи қум барханлар томон кетган от туёғи изларини кўрсатаркан, суюниб деди:

– Улар шу ёққа кетишган!

Тепаликдан ошиб ўтдилар. Чўл шамоли эсмоқда: майин қумлар денгиз тўлқини каби қирғоққа интилади. Иккинчи тепаликдан сўнг излар йўқолди. Қаёқдан кидиришади уларни! Тўғрига кетишаверсинми? Яқин-атрофдан от кишнади. Шу ерда улар!

– Бек ака! – бу Маматнинг овози эди.

Темурбек ҳам, Ҳусайн ҳам отдан тушдилар.

Дилшод оқанинг ҳам, Ўлжай оқанинг ҳам кўзларида ёш тўла эди. Сарсон-саргардонликда, ташвишли кунларда ҳар

нарсани кутиш мумкин. Ҳаттоки ўлим шарпаси ҳам ёнма-ён. То шу дақиқагача Ўлжай оқа минг бора ўлиб-тирилди. «Соғ қайтсинлар, омон келсинлар», дея илтижолар қилди, ёлворди, Тангридан мадад сўради.

Дилшод оқа ҳам охири ўзини тутолмади, унсизгина йиғлаб олди.

— Худога шукр, соғмиз, маликам! — деди Амир Ҳусайн уни юпатмоқ бўлиб.

Ўлжай оқа кута-кута толиққан, эзилган руҳи йиғи бўсағасида титраб турса-да, ўзини ожизлик қўлига топширмади, ирода қушини метин кафасида маҳкам тутди. Темурбек ожиз кимсаларни, подадан олдин чанг чиқарувчиларни ёқтирмайди.

— Тинчликму, бегим? — сўради у хавотирланиб.

— Шукр, маликам! Яхшилар бор экан, юкимиз ерда қолмайдур.

— Биз жуда хавотурландик, бегим!

— Бизни деб сизларга ҳам кун йўқ.

— Қийналиб топилган бахтнинг меваси ширин бўлур, бегим!

— Ҳусайнбек?

— Эштамен!

— Синглингиз, бобонгиз жойлари жаннатда бўлур Амир Қазағон каби кў-ў-п доно эрурлар!

Ўлжай оқа таъзим қилди:

— Қуллук, бегим! Биз ожизаларни сийласангиз, Сизни худо сийлайди.

Амир Ҳусайнбек тоқатсизланиб деди:

— Кетдикму?

Улар ортга қайтиб, йўлга тушдилар.

Амир Ҳусайнбекнинг қош-қовоғи уйилган, тунд ҳолатда отини жадаллатиб борарди. Унга сарсон-саргардонлик ёқмаяпти! Ёки бирор нарсадан хафа бўлдимикин?! Балки Ҳожи Муҳаммадга кўрсатилган мулозаматдан димоғи ачишгандир! Бойлик топилади, ор-номус, жон топилмас! Ўша инсон жонларига оро қирмаганида, тирик қўйишмасди. Бир-икки

сара йигитлар шахид кетди. Бировининг укаси, бошқасининг акаси, иниси, қариндошидир. Хун талаб этишмаганига жон десин!

Темурбек хомуш келаётган Дилшод оқага қаради. Тушуниб бўлмас одатлари бор эркан Ҳусайнбекнинг! Қайлигининг кўнглини кўтарса бўларди. Бир оғиз ширин сўз қаерда қолмаган!

Ғажарчи Темурбекка яқинлашди:

— Амир жаноблари?

— Ҳа, иним?

— Маҳмудийлар маконига яқин қолди. Рухсатингиз бирла ортга қайтсам!

— Майли, иним? Исмингиз надур?

— Мани Сарик кулол деб чакирурлар.

— Сизга ташаккурлар бўлсин, иним. Соғ-саломат уйингизга етиб олинг. Ҳожи биродаримизга яна саломлар етказинг!

— Хўп бўлади, амир жаноблари!

Темурбек билан Амир Ҳусайн қўй сотиб олишга кетдилар.

Тақдирнинг сийловими, бошқами, ишқилиб икки кундан бери анча дам олдилар: ювиндилар, тарандилар, соч-соқол олинди, кийимлар тартибга келтирилди. Отларга дам берилди. Дилшод оқа ҳам ухлагани-ухлаган. Дами ичида. Ўлжай оқа хасратни ёмон кўради. Шунинг учун унинг олдида ҳадеб нолийвермайди. Темурбек билан Амир Ҳусайн бирор ёққа кетди дегунча, ўзини уйга уради. «Дамингизни олинг, кўп толиқдингиз», — дейди Ўлжай оқа меҳрибонлик билан. Дилшод оқага бу мурувват ёкиб тушади.

Уларга адирликнинг остидан, қишлоқнинг энг четидаги ҳовлини қўшхона беришган. Ҳовли Ҳазрат Эшонга қарашли. Темурбек қорамтир отини унга ҳадя этганди, хурсанд бўлганидан уларни шу ёққа бошлаб келди. Доимо кулиб турадиган қариянинг бағри ҳам, қалби ҳам кенг экан. Мардлигичи! Темурбекни танигач, Туглуқ Темурнинг фармонидан хабардорлигини очиқ айтди.

Мамат ҳовлида олов ёкмоқда. Ўлжай оқа қозон-товоқ бошида куймаланади.

– Бекачим, бек акалар ҳаяллаб қолдилар, бориб келайинму? – сўради Мамат уни гапга солмок ниятида. Ўз навбатида Ўлжай ока ҳам одамохун бу йигитни яқиндан билмокни истайди. Фурсати етди, айна пайти ҳозир.

– Овора бўлманг, иним! Уларнинг одати – ҳар молники аслини, тозасини танлайдурлар.

– Бекачим, ота туғилган кечада осмонда янги юлдуз пайдо бўлган, дейдилар. Ростми?

– Шундоғ гаплар бор, иним. Юлдуз эмас, темир қопқоққа ўхшаш нарса пайдо бўлиб, чор-атрофни ойдек ёритиб юборган дерлар.

– Фаришталармикан, бекачим?

– Бу ёлғиз яратган эгамизга аён, иним.

Мамат кўнглини безовта этаётган кушни бағридан озод этди:

– Бекачим, сўраганнынг айби йўқдур. Отага кўшилиб, бунчалик заҳмат чекишингизнинг боиси не?

– Боисими? – Ўлжай оканинг тиник кўзлари ўйчан боқди. – Боиси шулки, иним, амиримиз минг йилда оламга келадиган зоти олийлардан. Мунажжимлар шундай деб айтишлар. Ул кишида олийлик сифатлари кўндур: озга қаноат қилурлар, ҳар ишни адолат тарозусига солиб адо этадурлар, бирни топсалар, мингга бермокни афзал билурлар, мартабали бўлганларида ҳам ҳарам тутган эмаслар. Тангри мендек ожизани бул зоти шарифга маҳрам этиб яратган экан, бекачилик вазифамни адо этмок бурчимдур. Дунё бевафо, кўз очиб юмгунча ўтади-кетади: авлодлар хотирасида яхши ном билан хотирланмокни истармиз, иним!

– Сиз беҳад кўп мақтовларга сазоворсиз, бекачим. Ўлаўлгунимча, хизматларингизни қилурмен.

– Бегимиз бошларига бахт куши кўнса, катта мукофотларга сазовор бўлгайсиз. Саййидлар, уламоларнинг ул кишига беҳад мурувват кўрсатишларининг боиси ҳам шул эрур... Шайх Зайниддин Тайободий у кишига дуо бериб, белларига камар такиб, бошларига кулоҳ кийгизганлар ҳамда кўрган бўлсангиз, қўлларидаги чиғаноқ узукни ҳадя этганлар. Ўшал совға узук юзида «Рости – русти» сўзлари ёзилган.

– У не дегани, бекачим?

– Бегимиз айтадиларки, рости яхшидур, яъни куч адолатдадур, деган маънони англатур эмиш. Бул воқеаларни такрорлашдан ул зоти олийни мақташ, кўкка кўтариш эмас, бул гаплар бор ҳақиқатдур. Сиз узоқ юртдан келиб, бизга кўшилдингиз. Пешонангизда бўлажак иқбол юлдузингизнинг шуъласи кўриниб турибдур.

– Ҳамма бек акани деб юрипти, ака деб бирлашяпти.

– Чағониёнда ботир эрлар кўп деб эшитганмен.

– Насиб этса, ўзим ул ўлкаларни кўрсатурмен, бекачим. Қадимда у юрт Боғдорзамин деб аталган.

Кечга якин кўйлар сўйилиб, ковордок пиширилди.

Мамат кўй гўштини соғинган эди, лаззатли овқатдан хузур қилди.

Уларни кувиб юрган қора кўланка яна кучини кўрсатди: бу гал у Алибек Жоникурбоний кўнглига қутку солди. Имонсиз бу одам қарокчидан ҳам баттар эди: юртига келган ҳар қандай гуруҳ, тўда, қарвондан ўзига манфаат излар, уларнинг молларини тортиб олиб, ўзларини қул қилиб сотиб юборарди. Шунинг учун юраги зада бўлган қарвонбошилар бу томонларга келмай кўйгандилар. Унинг айғокчилари манзилга яқин қишлоқда қандайдир кишиларнинг турганлиги ҳақида хабар етказишлари билан олтмиш йигитини олиб йўлга чиқди.

Ўн икки кун дам олган Темурбек анча кучга тўлган, Дилшод оқа билан кунларини хушчакчак ўтказган Амир Хусайн ҳам бир оз тетиклашган, Ўлжай оқа билан Мамат эса опа-ука бўлиб қолишганди. «Ота, бекачимни опа дегим келяпти, майлими опа десам», – деб сўраганда, Темурбекнинг юзи ёришди: «Бекачингнинг акаси бор, аммо бир яхши укага зор эрди, майли, сен айтгандек бўла қолсин!» Шу-шу Мамат «опачим, опачим» деб унинг атрофида гирдиқапалак: сувни ҳам ўзи келтиради, оловни ҳам ўзи ёқади, ўн икки кундан бери овқатни ҳам ўзи пиширади, қўлини совуқ сувга урдиргани кўймайди.

Темурбек уйда дам олиб, уларнинг суҳбатини эшитиб ётарди.

– Отанинг ҳаракатлари Нух пайғамбар даъватига ўхшайдур, – деди Мамат.

— Сиз ул зот ҳақида ўқиганмисиз? — сўради Ўлжай оқа.

— Отамнинг бир хуржун китоблари бор эди. Кечаси гулхан атрофида бизга сабоқ берганларидан суғун улардан оз-оз ўқиб берар эдилар. Кейинчалик ўзим ҳарф таниб ўқийдиган бўлдим. Ўшанда ўқиганман. Нух пайғамбар ўз қавмига ягона худога сиғинишни буюрипти, аммо улар кўнишмапти. Суғун унга ваҳий келдики: «Қавмингдан фақат аввалдан имон келтирган кишилардан бошқа ҳеч ким имон келтирмайди. Бас, уларнинг қилмишларидан қайғурмагин ва Бизнинг ҳифзи-ҳимоямизда ва Бизнинг ваҳий таълимимиз билан бир кема ясагин ҳамда золим кимсалар ҳақида Менга хитоб илтижо қилмагин. Улар шак-шубҳасиз, ғарқ қилинувчилардирлар». У кемани ясар экан, қачон олдидан ўз қавмидан бўлган (кофир) кимсалар ўтсалар, уни масхара қилиб кулдилар. У деди: «Агар (бугун) сизлар биздан кулсангизлар, бас, яқинда худди сизлар кулганингиз каби биз ҳам сизлар (нинг) устингиздан кулурмиз». Хуллас, опачим, Нух пайғамбар кемани ясаб бўлгач, ҳайвонлардан жуфт-жуфт олди, имон келтирган кишиларни кемага чиқарди. Улар жуда озчил эди. Ҳатто ўғли ҳам унга кўшилмади. Кемага чиқишга даъват этса-да, кўнмади, «Мен баланд тоққа чиқиб жон сақларман», деди. Аммо, опачим, дунёни тўфон босиб, Нух кемасидагилардан бошқа ҳамма жонзот нобуд бўлди.

Биз Аллоҳнинг ёлғизлигига имон келтирган бандалармиз, опачим. Темурбек акамизнинг даъвати — бирлашиб, юртимиздан кофирларни қувиб, эътиқодли одамлар уруғини кўпайтиришдур. Тўғри бўлдимиз гапим, опачим?

— Тасанно Сизга, иним, тўғри англабсиз!

Худди шу лаҳзада қўлларида қилич тутган бир гуруҳ навкар дарвозадан, бир гуруҳи девордан ошиб, ҳовли ичини чоратрофдан ўраб олишди.

Ўндан ошиқ навкар Темурбекни жойидан турар-турмас таппа босиб, қўл-оёғини боғлади. «Шу азобинг ҳам бормиди, Аллоҳим!» дейишга аранг улгурди: оғзига аллақандай ёқимсиз ҳидли латта тикишди.

Бурга нима учун яратилган? Одамларнинг конини сўриш учунми? Ох падарлаънатлар, чакқани чакқан. Чивинга ўхшаб изиллаб овоз чиқарсайканки, тутиб олиб, додини берсанг! Бунинг устига шунчалик ҳисобсизки, ҳовучлаб ўлдир, яна тўп-тўп бўлиб келаверади. Шу азоб ҳам бормиди-а!

– Ҳай-баракалло, акамуллолар, чакаверинглар, ҳаром кон ҳам бир дардисар гап, одамнинг соғ мучалини касал қилади, – Мамат шундай дейди-да, тап этиб оёғига уради, бургани тутиб олади-да, ёруғ тушиб турган тирқиш ёнига бориб, уни тирноқлари орасида ҳафсала билан эзади.

Ташвиш юки ортилган енгил кулги юракларни ҳам силаб, ҳам тирнаб ўтади. Темурбек унинг кайғу тўла кўнгилларга озгина бўлса-да, ҳузур ҳадя этиш учун атайин ҳангома қилаётганини тушунади, тушуна туриб, қаддини кўтарганча мулойим жилмаяди, «Яратган эгам, сендан мушкулумизни осон қилишингни, бу жаҳаннамдан ўзинг кутқаришингни сўрайман», дея илтижо қилишни ҳам унутмайди ва Амир Ҳусайнга кўз кири билан қарайди-ю, унинг ичи-ичидан мингминг пушаймон бўлаётганини ҳам сезади, балки шу лаҳзада «Балх шаҳридан бу томонларга беҳуда келган эканман», дея ўз-ўзидан, босган қадамидан ҳам норозидир, деган ўйга ҳам боради.

Амир Ҳусайн мийиғида кулгани билан кўнгли зим-зиё, ичини ит тирнайди. Уларни бу ёққа бошлаб келган ким? Темурбек! Шунча оворагарчиликка сабаб бўлган ким? Темурбек! Ҳисор ёки Бойсун тоғларидаги киши қадами етмас тоғларга, ғорларга кетишлари мумкин эди. Аммо Хоразмни танлашди. Нечун? Нечун худо урган бу томонларга келишди?!

Мамат уларни яна кулдиришга чоғланади.

– Алибекка ўхшаган битта қароқчи подшо вазирининг ёнида бир бой савдогарнинг ҳамёнини уриб кетибди. Вазир: «Нега дарҳол менга айтмадингиз, у бадкорни навкарларга ушлатиб, зиндонбанд қилур эрдик», – дея афсусланса, савдо-

гар: «Ёкут кўзли узугумни оғзимга солиб олувдим, айтсам, ундан ҳам айрилардим-а», — деган экан.

Дилшод оқа билан Ўлжай оқа юзларини яшириб, овоз чиқармай кулдилар.

Темурбек истехзо аралаш деди:

— Ўзгаларнинг зулми, ҳукмронлиги остида турган мамлакатда ўғри, муттаҳам бандалар ҳаром бургалар каби конимизни ичиб ётурлар.

Ҳамма Маматдан кўнгилчан ҳазил кутди, аммо бу сафар у ҳам бир нима дейишга ботинолмади. Ҳазил қилганида ҳам, Темурбек унга ҳеч нарса демасди. Тўрт кишининг боши бир жойга қовушса, албатта, ораларида битта ҳазилкаши бўлади. Маматнинг бориға шукрки, пастак бургахонада ич-ичингдан қисилиб, тарс ёрилай деб турганингда, бир оғиз ширин сўз ё ҳазил билан қалб осмонини баҳаво айлайди.

Орадаги сукунатни Темурбекнинг ўзи тўзғитиб юборди:

— Чингизхон дунёга шунчалик даҳшат солгани билан ўғриликка, муттаҳамликка ёмон кўз бирла қарар эди. От ва туя ўғирлаган ўлим жазосига тортиларди. Кичикроқ ўғрилиқ қилган ўғирланган нарсанинг тўкқиз барабар ҳақини тўларди. Тўлашга қурби етмаса, 7 дан 700 даррагача жазо олур эди. У зинони ҳам ёмон кўрар эди. Алибек қароқчи эса, одамларни ўғрилайди.

— У баттол энг хунук ўлим топқусидур, — деди амир Ҳусайн. — Биздек амирларни шундоқ расво жойга қамаб қўядурму ул одам бўлса!

Мамат кўзлаган ўқини нишонга урмоқ ниятида оғиз жуфтлаган эди, Темурбек сўзини давом эттириб қолди:

— Ул жаҳонгир подшо чин дунёга равона бўлғоч, насл-насаби Ёсога бўйсунмай иш тутдилар. Чингизхон майни ёктурмасди. Майни ойда уч марта ичган маъкул, бир марта ичилса, янаям яхши, умуман ичилмаса ундан аъло, аммо бундай кишиларни топиш амримаҳол дер эди. Ул зотдан сўнг шайтон сувини ичиш авж олди. Тулуй, Ўгадай ичкиликбозлик туфайли ўлим топишди. Мамлакат ичида тартиб-интизом

йўқ экан, на шох, на гадо – ҳеч бир банда кун кўрмагай. Алибекка ўхшаган қароқчиларнинг ошиғи олчи бўлгай!

Қоровуллар Маматни чақиришди.

Алибек телба кўнглига келган, истаган номаъқуллигини қиладиган бедаволардан. Бу бебошдан ҳар нарсани кутиш мумкин. Мамат нима учун унга зарур бўлиб қолди? Бу ерга келтирилган куни Ўлжай оқа билан Дилшод оқанинг такинчокларини остонага кўмишган эди. Сотиб қўйса-чи?

Ҳамманинг ташвишли нигоҳи унга қадалди. Лекин Мамат жовдирамади, бамайлихотир ўрнидан турди. Барча нигоҳларда садоқат нурига йўғрилган ишонч юз кўрсатди. «Йўқ, у сотадиганлардан эмас!»

Орадан бир кун ўтди. Бир кун уларга минг йилдек узок, жуда узок туюлди. Алп қадлар, йирик қоматлар алиф қотди. Дилкашлик йўқ эди. Дунё кўкси қорага бўялди. Ҳаво ётишмади.

Темурбек хавотирланди:

– Маматдан дарак йўқ. Нима гап?!

Ўлжай оқа Тангрига илтижо қилди:

– Тутинган инимни ўзинг паноҳингда асрагин, Худойим!

Дилшод оқа эри олдида бир нима дейишга ийманди.

Амир Ҳусайн:

– Сотиб қўймасин, ишқилиб! – деди атрофга олазарак бокиб. – Бор буд-шудимиздин айрилиб қолмайлик тагин!

Ўлжай оқа акасига ғижиниб қаради.

Темурбек кечаси билан беҳол бўлиб, ухлолмади. Кўз юмди дегунча, отаси ковок уйиб унга томон бостириб келаверди. Муҳаммад Тарағай ҳали бирор марта хафа ҳолда унинг тушига кирган эмасди. Ўлжай оқага тушини айтмади. Суюклисини безовта қилишдан, ташвишига ташвиш қўшишдан нима фойда?! Ваҳоланки, ундан ҳеч гапни яширмасди. Айтиши шарт эмас, тилга олишга арзимади. Таъбирга келсак, сассик хонада ётиши отасининг рухига хуш келмаяпти. Ҳаракат қилмаган бандасидан яратган эгаси ҳам рози бўлмайди. Ётаверадими бу ерда қўл ковуштириб! Бир эмас, иккита алп полвон бўлса-ю, аллақандай қароқчининг панжасидан чикиб ке-

толмай ўтирса-я! Отасининг руҳи бундан чирқирамасинми? Уни тарбиялаб вояга етказгунча, падари бузруквори на молини, на жонини – ҳеч нарсасини аямади! Нега энди у зотнинг руҳини чирқиратиши керак!

– Бегим, яхшимусиз?

– Шукр, маликам, шукр! Анча енгилмен.

– Нима бўлди сизга? На очилиб сўзлайсиз, на бирор гап айтасиз, бегим!

– Ташвиш тортмангиз: мен бу ердин кутулиш чорасини қидирмоқдамен!

– Ўзингизни мунча кўп уринтирмангиз, бегим! Насиб этса, бу ердин эсон-омон чиқиб кетурмиз.

– Иншооллоҳ, маликам! Иншооллоҳ!

Хўроз кичқирди.

– Намоз вақти бўлибдур!

– Ҳа, бегим тонг яқиндур!

Темурбек ўрнидан турди.

– Ўзингизни уринтириб қўйманг, бегим!

– Худонинг ўзи мададкор, маликам! – офтобани олиб, ўртадан тўсиб қўйилган қамиш ортига таҳоратга ўтди.

Маматнинг ўрни билинди. У уришиб, сўкиб бўлсаям, қоровулларга «Эй, қанақа бетавфиксанлар, мусулмон дегани ҳам шунақа бўладими, наҳотки бир офтоба илиқ сувга кучларингиз етмай қолган бўлса! Уят-ей!» дея уларни ишга солар, ҳар намоздан олдин таҳорат сувини тайёрлатиб қўярди. Ҳозир сув таҳоратга ё етади, ё йўқ!

Қоровул келиб, бир кўзада сув, иккита қотган нон ташлаб кетди.

Амир Ҳусайннинг зардаси қайнади:

– Бу не кўргулик, Темурбек! Ит ётиш, мирза туриш жонингизга тегмадиму! Ул нобакор ярамизга туз сепмоқчи бўладур тагин!

Юзлари сўлиб, ранги заъфаронга айланган Темурбек:

– Энди бир чора-тадбир қўллаймиз, амир жаноблари!— деди қатъиятлик билан.

11.

Эй, Темур!

Нимасен? Ўзингни ким деб ҳисоблайсен? Намунча ожизлик қилмасанг! Ёнингда маликанг ҳам кўз тикиб турибди. Ҳеч бўлмаса, ундан уялмайсенми?

Филипп ўғли учун катта бойлик, яхши қўшин қолдирган бўлса-да, Искандар ақли, баҳодурлиги сабабли Искандар Зулқарнайн номини олди.

Темучин фаҳм-фаросати туфайли бир неча бор ёш жонини омон сақлаб қолди. Ул зот Бойқушни бир умр эъзозлаб ўтди. Бир жангда мағлубиятга учраб, шу қуш ўтирган бута ортига яширинди. Тирик қолганларни ўлдириш учун қидириб юрган навкарлардан бири Бойқушни кўриб: «Бу қуш ўтирган жойда одам зоти бўлмайдур», деди ва ортларига қайтиб кетдилар. Кечаси Темучин у ердан чиқиб, бошқа жойга яширинди.

Эй Темур!

Санайберсанг, бундайин ибратли мисоллар кўпдир. Энди ўзингга бок: сен қандай ақлли тадбир топурсен! Шунга қурбинг етадиму?!

Ўлжай оқа унинг хаёлини бўлди:

– Ҳаддан зиёд жонингизга озор бермоқдадурсиз, амирим, бунақада ўзингизни олдуруб қўядурсиз деб кўркамен.

– Бу палакат, беҳосият ердан тезроқ чиқиб кетгумиз лозимдур, бекачим! – Темурбек унга илтифотли тикилди. – Мамат қайтмади. Ул бечоранинг ҳоли не кечди?! Бизга ишониб, туя устида ит қопдими, Худо билади. Ўзимдин кўра, унга жоним кўп ачийдур. Садоқатли бир навкарни йўқотмоқ ҳам яхшилик аломати эмасдур, маликам. Бул қарокчининг муддаоси не, билмаймиз. Балки, Туғлуқ Темур одамларини кутаётгандур. Барчамизни аларга пулласа, биз учун ёруғлик тамом, бекачим!

– Бул ёмонликдин худо асрасин!

– Иншоолло, бекачим, иншоолло дейлик. Ҳали менинг ниятларим кўпдур. Фарзанд бўлолган эмасмен ҳали бул

буюк элга. Ундан қарздормен. Турон узра адолат байроғини ўрнатмоғимиз лозимдур!

– Ниятларингиз холис эрур, бегим, улар, албатта, ижобат бўлгай. Ҳаракат қилинг, худо Сизни қўллагай!

Кейинги йигирма кун ичида ҳам ҳар кечаси Муҳаммад Тарағай руҳи Темурбекнинг уйку даргоҳини безовта этди, кўзи кетди дегунча, остонада пайдо бўлиб, ковоғини уйиб тураверди. Унинг кўзларида ғазаб бор эди, Темурбек ғазаб ўтига тик қаролмас, қараган заҳоти босинқираб уйғонарди. Сергак ётган Ўлжай оқа: «Ҳа, ҳа, амирим, не гап?!» дея уни тинчлантирар, ширин сўзлар билан кўнглини кўтариб, тинч уйку олишга ундарди. Бу ташвишли ҳолат бора-бора Темурбекнинг жонига тегди. Кунларни санаб кўрса, тутқун бўлганлари қарийб икки ойга етиб қолибди. Икки ой. Не ҳодисалар рўй берганикин Туронда?! Икки ой: на бирор янгиликдан, на бирор ташвишдан хабарлари бор, гўёки кимсасиз чўлда адашганлар, оламдан узилиб қолганлар. Баҳодир дегани шунчалик латта бўладими?!

Бугун қоровул кун ёйилганда сув узатди. Икки ойдирки, бир хил ҳолат такрорланади: қоровул келади, худди боқинди ҳайвон олдига сув, хашак ташлагандек егулик қолдириб, заҳри-махринг-га е дегандек тумшайиб чиқиб кетади.

Ё Оллоҳ, ўзинг қўлла! Бир бошга бир ўлим. Бу воқеа лаҳза ичида юз берди. Темурбек жон ҳолатда ёруғликка чиққанини, қоровулнинг кўкрагига мушт уриб, қиличини олганини бир туш деб билди. Яшин тезлигида рўй берган тасодифданми ё унинг кучли наърасиданми, талвасага тушган қоровуллар тумтарақай қочиб қолишди. А-ҳа, қуруқ салтанат экан-да! Бўлганларинг шуми?

У тўғри Алибек ётган хонага бостириб кирди. Кенг хонанинг ўнг ва чап томонида иккита дарчаси бўлиб, улардан оқиб тушаётган ёруғлик ичкарини нурга тўлдирган эди. Деворларга туркман гиламлари, қилич, ханжар осилган. Ерга бухороча шоҳи кўрпача, қоплон терисидан ишланган мўл-кўл пўстаклар. Алибек қароқчи бурқситиб чилим тортмоқда эди. Икки мулозими ҳам ёнида эди.

Остонадаёқ кўнгилни беҳузур қилувчи бадбўй хид димокқа урилди. Уф-ф, мунча сассиқ! Ҳақиқий кароқчининг макони-ку бу ер: кўриниш шоҳона-ю, яшаш — расво!

Темурбекнинг шиддат билан отилиб кирганини кўрган Алибекнинг бўри кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди, бир тутам пўстак юнгига ўхшаш рангсиз соқоли тик кўтарилди.

— Астағфирулло! Астағфирулло! — дея ортга чекинарган, кўрқувдан кўзлари олайди.

— Иблис малайи, калимангни келтир!

— Амир жаноблари!.. Амир жаноблари!.. Мен гуноҳкор банданинг бир қошиқ қонидан кечинг!

— Жон ширин-а?!

— Кечирингиз, гуноҳкормен! — У эмакляб келиб, Темурбекнинг оёғига ўзини ташлади. — Тавба қилдим, Худо шоҳид!

Темурбек унинг шунчалик пасткашлигидан ғижинди. Бир пуллик кимса экан. Қароқчининг энг нодони. Шу пасткашни деб қўлини ифлос қилсинми?!

— Худо шоҳид, тавба қилдим! — қалтираб такрорлади Алибек. — Акамиз Муҳаммадбек нодонлигимдан ранжиб, хат йўллаганлар. Мен Сизни бугунок қўйиб юбормоқчи эдим.

— Мамат қаерда? Уни нима қилдинг?

— Амир жаноблари, уни... уни сотиб юбордим. Икки ойдан буён Сизларга егулик бермоқдамен!

— Имони йўқ кимса экансен, қотган нонинг билан сувинг-ни миннат қилурмисен?!

— Йўқ, йўқ, амир жаноблари!

Амир Ҳусайн отилиб ичкари кирди.

— Бул кимсанинг бир қошиқ қонидин кечингиз, баҳодурлар!

Ортдан эшитилган кўнғирокдек овоз амир Ҳусайнни сергаклантирди. У Темурбекнинг ҳай-ҳайлашига қарамасдан Алибекни ёқасидан олиб ташқари судраётган эди.

Нотаниш киши шошиб ўзини таништирди:

— Азизлар, мен шу юрт ҳокими Муборакшоҳ Санжарий бўлурмен! — Ёнидагига ишора қилиб уларни ҳам таништирди.

— Бул азаматлар, менинг фарзандларимдур, — сўнг Темурбек-

ка юзланди: — Сиз муборак зот бирла Амир Ҳусайнбек жанобларининг бул жойда анчадан буён озор чекиб ётганингиз ҳақида ҳозиргина хабар олдим.

Темурбек унга ёвқараш килди. «Иккисининг тили бирга ўхшайдур».

Амир Ҳусайн тишларини ғижирлатиб, зардали оҳангда деди:

— Шундай баҳодур ҳоким экансиз-у қўйнингизда олачи-пор илон борлигидан беҳабар юрибсиз! Бундайин бепарволик Сизга яхшилик келтирмас. Яна бунинг устига, бул маккор илоннинг бошини янчиш ўрнига, ёнини олмоқдасиз.

Муборакшоҳ жилмайиб таъзим қиларкан:

— Азизлар, жаҳл чиқса, ақл кетур, дейдилар, — деди Амир Ҳусайннинг юрагидаги нафрат оловини ўчириш, шаштини синдириш, шохини қайтариб, одамлар олдида оғзига уриш учун. — Сиз баҳодур амирсиз, жаҳлга эрк берманг! Бировлар билмай айб қилгандур! Билмай қилинган айб гуноҳ эмасдур! Биздан катта айб ўтибдур, биз осийларни кечиргайсизлар!

Амир Ҳусайн Алибекни зарда билан силтаб ташлаб, ўрнидан турди.

Муборакшоҳ ортига қараб «келтир» дегандек ишора қилди.

— Аммо минг бад шукроналар бўлсинким, азизлар, Сизлардек номдор ва улугсифат амирларни кўриб турганимдан ғоят миннатдормен. Қани сарполарни олиб келинглар!.. Темурбек, қани азизим! — Гулдор тўнни унинг елкасига ташлади.

— Сарпо муборак, амир жаноблари!

— Қуллук, бек жаноблари, қуллук! — деди Темурбек куруққина. Шунча тортган азоб-уқубатлари учун уларга зарда қилиб, ясама такаллуфдан юз ўтириши, бир оғиз аччиқ сўз билан дил водийсини зилзила каби вайрон этиши мумкин. Аммо бошқалар юраги торлик қилиб, жаҳлга эрк берганда, у бир оғиз ширин сўз билан қалтис вазият тиканзорларидан чиқиб кетмокни афзал билади.

Муборакшоҳ Санжарий Амир Ҳусайнга таъзим қила туриб:

— Такрор минг узрумни сўрайдурмен, азизим! — деди тилёғламалик билан ва адрас тўнни эринмай кийгизди. — Сарупо муборак, бек жаноблари!

* * *

Қароқчилар кўлидан эсон-омон қутулганига шукр қилган Темурбек бир неча кундан бери соғлиғини тиклаш ва бошқаларнинг ҳам ўзларига келиб олишлари учун шарт-шароит яратиш билан машғул. Қўлбола ҳаммом ясаб, ҳар куни бир маҳал ювиниб, баданларидаги яра-чақаларга малҳам босишади, Ўлжай оқа билан Дилшод оқанинг ҳам ранглари тиниклашиб, сал ўзига келишди. Шу аёлларнинг жонига баракалла, иккиси ҳам олтмиш кундан ортиқ вақт мобайнида ит азобини бошидан ўтказган бўлса-да, бирон кун нолиб, таъна-ю дашном қилишмади. Эй, сирли фалак! Акл уммонларини шоширувчи сир-синоатларинг ёлғиз ўзинггагина аён!

Темурбек хомуза тортди ва ёнидаги жуфту ҳалолига меҳрибона илтифот билан сукланди. Вафодор аёлинг ёнингда бўлса, тоғдек ғам ҳам чивин чаққанчалик заҳмат етказолмас экан. Сенга минг-минг офаринлар бўлсин, маликам. Мени деб шунча азоб чекдинг, шунча кўп кийналдинг. Ўла-ўлгунимча бу садоқатингни унутмасмен!

Ялдо тунининг мўъжизага тўла кенг осмони бу кеча ҳам эртак сўзламоқда. Бу эртак тугамайди. Миллион йиллардир-ким, у ҳар кеча янги саҳифа очади.

Ўлжай оқа туриб ўтирди:

— Кейинги кунларда хаёлчан, ўйчан бўлиб қолдингиз, деса-сам ишонмайдурсиз, амирим.

Темурбек сергак тортди. Эр дегани вафодор аёлига эътиборли бўлиши керак, ҳозир унга ширин сўзлар айтмоқ лозим.

— Менми?.. Мен юлдузли кўкка қараб хаёл сурмоқдамен. Накадар сирлидур улар, маликам! — деди ширали овозда ва жилмайиб давом этди. — Ҳов ана, етти юлдуз ҳам юз кўрсатиб турибдур. У хосиятли юлдуздур. Сизга Бухоро арки ҳақида сўзлаб бермаганмен. Арк мана шу етти юлдуз шаклида — етти пойдеворда бунёд этилган. Мен бир ки-

тоб ўқиган эрдим. Анинг номи «Ҳазойин ул-улум» аталур. Абдулҳасан Нишопурий исмли олим битган. Ул зот ёзмишким, арк жуда қадимийдур. Унинг Сиёвуш, Алп Эр Тунга замонида қурилгани ҳақида ҳам маълумот берилган. Афсона қиладиларким, Сиёвуш қухандизнинг ичида, Машрик дарвозаси ёнида кўмилган. Волидаи мухтарамам бу жойни мукаддас, деб айтар эдилар. Муборак Наврўз айёми арафасида ҳар бир эркак бу ерда хўроз сўяр экан. Араблар босиб келишидан анча олдин қалъани қайта тиклашган. Бухорхудот Бидун катта қоҳ қурдирган. Лекин бино тезда қулаб тушган. Андин сўнг ул зот олимларни ҳузурларига чақириб, маслаҳат қилади. Шундан кейин сарой Етти оға-ини юлдуз шаклида етти устунли тошда бунёд этилган. Дунёда ҳар нарсанинг ўз меъёри, сири борки, худо кўрсатмасин, бирисига риоя этмасангиз, ғазабга учрайсиз. Шунинг учун мен ҳамма ишни Аллоҳ буюрган йўсинда бажармоқни ихтиёр этамен. Бул бандангиз, ғазабдан жуда кўрқадур.

– Шу хислатингиз туфайли Сизга ҳурматим баланд эрур, амирим!

– Яна ният борки, мен ҳам етти бино барпо этсам, у авлодларимизга ғурурли ёдгор бўлиб қолса!

– Ниятларингиз албатта ижобат бўлгай, амирим!

– Иншоолло, бекачим!

Пешин намозидан сўнг Муборакшоҳ Темурбек билан ёлғиз қолди.

– Алибек туппа-тузук йигит эди, азизим, – деди у ҳамон хижолатлик исканжасида қизариб, – уни бузган муҳит эмасму?

– Подшосининг тайини йўқ элда цок одам ботқоққа чўкканини билмай қолади. Не-не азаматлар хароб бўлмаяптими, дейсиз. Содик йигитим бор эди. Мамат дер эдик уни. Алибек сотиб юбордим деб айтур.

– Келбатли тоғ йигити эмасмиди?

– Сиз уни кўрган эрдингизму?

– Самарқандлик савдогар бир қул сотиб олдим, деган эди. Мен навқарингизни кўрган эдим.

- Улар қайси тарафга кетишди?
- Самарқандга.
- Самарқандга?
- Шундай, азизим, шундай!
- Уни албатта топишим зарур!
- Бир навкарга шунчалик хурматнинг боиси не?
- Анингдек содиқ йигитлар кам топилур!
- Ул Самарқандликму?

– Йўқ, Чағониёндан! Кўп хушхулқ йигит! Мен унга назар солиб, бир тўхтамга келдимки, зоти тоза йигитлардан сотқин чикмайдур. Мана шундай йигитларни йўлдош тутганлар мақсадлариға етурлар. Яна англадимки, қайси шаҳарда, қайси юртда бир пайтлар маданият, илм-фан ривожланган бўлса, ўшал ерлик одамлар фиску фасод, зулм-жабрдан узоқдурлар. Улар пасткашликка бормайдурлар.

Сомонийлар даврида Чағона арши-аълога етди. У ерда гўзал мачит бор эркан. Унинг гўзаллиги беқиёс эди деб таъриф берурлар. Минг афсусларким, Чингизхон авлодлари калъа шаҳарниям, мачитниям вайрон этганлар.

– Биз кўп бора зулм кўрдик, хўрландик, азизим, бизларни Мағриб ҳам Машрик ҳам неча бор оёқ ости қилди. Неча ўн йиллардирки, азизим, зулм салтанати бизни кулликда таҳқир этади. Халқнинг сабр косаси тўлган, тўлиб бўлган.

– Сабр косамиз ҳатто синиб кетгандур! Неча йилдирки, куним қувғинликда, сарсон-саргардонликда елга совуриладур. Билмасмен, қачон бошимизга офтоб чиқади?!

– Ул нурафшон офтоб Сизнинг тонгингизни кутадур, азизим. Ул покиза тонг яқиндур. Ўшал тонгларни кўриш биз каби қарияларға ҳам насиб этсин.

Темурбек кўкка тикилди. Юлдузлар жимир-жимир милтираб, учкур хаёлларни оппоқ бағрига чорлайди. Оппоқ хаёллар бағрида Амир Хусайн кўринади: ковоғи лунжиге тушган, кўзларида рутубат! У зикналик қилаётган бўлса, бу – табиий ҳол, ундан хафа бўлишга ўрин йўқ: у ҳам юрт сўраган бек, кимсан фалончининг невараси, аслзода инсон. Бўлар-бўлмасга тишининг оқини кўрсатсинми, кулсинми?

Унда ғурури каерда қолади? Ор-номуси неча пуллик бўлади? Йў-ўк, унинг тундлигини ёмонликка йўйиш ақлли инсоннинг иши эмас. Энг қийин пайтларда унга суянчиқ бўляпти! Бундан ортиқ содик дўст топиш мумкинми? Қазағон саройида уни иззат-икром билан кутиб олган инсон – шу Хусайн эмасми? Темурбек унда кўзи очилмаган шервачча эди. Улуснинг бообрў зотлари – хонларнинг «Бош лочин» овиға таклиф қилган ҳам унинг ўзи эди! Шу инсон эмасмиди ўз синглисини, аслзода жанговар гўзал кизни – Ўлжай оқани унга муносиб кўрган?! Ҳатто бобосини тўйга кўндирган ҳам шу Хусайн-ку! Нега энди бугун унинг қош-қовоғига қараб зарда қилиши керак?! Ё бурни кўтарилиб кетдими? Инсон озгина обрў топса, ўзидан кетар, бузилар экан-да! У ҳам бузилдими? Эй банда, эй қулвачча, ўзингдан кетма: ҳисоб-китобли бу дунё: ман-манлик бошга бало бўлади, сал пастрок туш, пастрок! Кеча Хусайннинг: «Шу ерда айриламиз» дегани унга ҳақоратдай алам қилган, дўст, қариндош бўла туриб, ярим йўлда ташлаб кетадими, дея хафа бўлганди. Кечаси билан мижжа қоқмади: Турон туни бу сафар ҳам унинг ақл водийсини оппоқ инжулар билан тўлдирди, балки, бахтни икки томондан излаганлари маъкулдир.

У эрталаб очик чехра билан унинг қошига борди:

– Соғ-саломат ётиб турдингизми, мулло Хусайнбек!

Унинг икки чети ингичка қошларининг орасидаги зардобли томирлар секин ёйилиб, юзига ёруғ нур кўнди. Темурбекдан бундай муомалани кутмаган, хаёлига келтирмаганди. Кеча рўйхуш бермаганлигини сезганди. Бермаса бермасин, язна¹ бўлса ўзига, менга хўжайинми, йўл меники, хоҳлаган томонимга кетаман, деган хаёлда эди. Бугун офтоб қаёқдан чиқди? Балки, бу Ўлжай оқанинг ишидир! Яхши, яхши! Ҳарқалай ақли жойига келибди.

– Худога шукр, Темурбек! Ўзингиз, оғачим ҳам яхши дам олдингларму?

– Икки ойлик азобнинг зардоблари чиқиб кетди. Келиннинг мазаси йўк экан. Тузукмулар!

¹ Язна (шева) – почча.

– Тузук, тузук! Аёлларнинг нимаси кўп, дарди кўп. Шунинг учун ожиза деймиз-да!

Темурбек унинг қўлтиғидан олди:

– Бекачамизнинг бошига яқин ойларда бахт қуши кўнмоқчи!

– Фарзанд муборак, Темурбек!

– Қуллук, иним, куллук!

– Хўп десангиз, ул меҳрибонимизни она юрт Бухорога олиб кетурмен!

– Кўп макбул бўлур, Темурбек!

– Сиз-чи, Хусайнбек, сизнинг максадингиз не?

– Мен Фармсир ва Ҳирманд томонларга боруб, лашкар йиғмоқ ниятидамен.

– Иккимизнинг фикримиз бир жойдин чиқадиганга ўхшайдур. Мен Бухоро орқали Кеш томон юрурмен. Сиз бир-ла Амир Туманнинг ҳузурида учрашурмиз.

– Бул олижаноб фикрларингиздан бошим осмонга етди, Темурбек.

– Биз бир мушт бўлсак, кўп зафарлар қозонгаймиз.

Темурбек жўнаш пайтида Амир Хусайннинг дилини яна бир мамнун этиш учун Муборакшоҳ совға ўрнида берган энг учқур отларни унга ҳадя қилди. Хусайнбек бағри тўлгандек, белига қувват кириб, қадди тик кўтарилгандек, ўзини бақувват, кучли ҳис этаркан, жўшиб кетиб қайноғасини бағрига босди.

– Хайр, иним, учрашгунча! – деди мамнунлик билан.

Ўлжай ока кўзига ёш олди.

12.

Икки кун Маматга туз ҳам бермадилар, икки кун у очлик билан, азоб-укубат билан курашди. Орқасига дарра билан уришган, хушидан кетганидан сўнггина савалашни тўхтатишди. Дарра ўринлари қабариб ярага айланди: кечалари жонини суғураётган Азроил каби қаттиқ азоб берди, дард устига тепки деганларидек, ярани қумурсқа, бурга босди.

Кўзини очганда, икки елкаси кичишиб оғрир, танасига сон-саноксиз ҳашаротлар ёпишганди. Ит азобида ўрнидан турди-да, кўзадаги сувни устидан қуйди, яра ўринлари жизиллаб ачишдики, оғрикнинг зўридан чинқираб юбораёзди.

Тушга якин Алибек Жониқурбоний икки одами билан унинг олдида тушди:

– Ҳей, хўкиз, итдек ўлиб кетмасдан бурун бойликни яширган жойингни айт, сени озод этурмен: хоҳлаган томонингга кетурсен!

– Ҳеч қанақа бойлик йўқ дейман-ку, ака, нега ишонмаёпсиз!

– Ёлғон сўзлайдурсен! – Алибек унинг тумшуғига қамчи дастасини тиради. – Айтурсенми, йўкму?

– Билмайман деёрман-ку!

– Иблис! – Алибек этик учи билан унинг қорнига тепди. – Итялоки!

Мамат вой-войлаб ерга ағнади.

Узун бўйли навкар ёкасидан ушлаб, оғзи-бурни аралаш мушт солди. Бу сафар у қайтиб ўрнидан турмади, юзи ловуллаб оғрир, кўз олдини қуюқ туман тўсиб борар экан, «сенларни чалғитиб қочиб кетмасам, Мамат отимни бошқа қўяман», деб ўйлади-да, боши ўнг ёнга шилқ этиб тушди.

Кечаси ярим тунда уни иситма тутиб, баданидан совуқ тер қуйилди, тапқари чикқиси келиб турар, қовоғи ҳам зирқираб оғриётган эди. Нима қилиш керак? Уй ичини расво қилсинми, мусулмон банда-я! Одам деганинг жони темирдан эмаски, эр-талабгача чидаса! Бу баттолларнинг тинчини бузмаса, ҳолинг қалай деб сўрашмайди. У деворни тепиб, овози бориша: «Ёрдам беринглар, ўлиб қоламан!» деб бақирди, лекин садо у ёқда турсин, тик этган овоз ҳам эшитилмади. Йўк, йўк, мен сенлар ўйлаган одам эмасман, чағаниёнлик ҳали ҳеч қачон ғаддорларга бўйин эгган эмас. У яна ва яна бақирди. Деворни ураверсанг, бир кун тешилади.

– Намунча бакирасан, хой итялоки, одамлар ухлаб ётибди, жим бўласанми-йўкми?!

– Мусулмонмисан ё шайтон малайи?

– Алҳамдулиллоҳ, мусулмонмен! Мараз, намуна ақиллайсан, ичак-чавоғингни бошингга салла қилиб ўраб қўяйинми?!

– Мусулмон бўлсанг, шундай дейсанми?! – деди унга танбеҳ берган бўлиб ва «ғанимни макташ керак, жаҳл билан иш битмайди», деган қарорга келиб, овозини ўзгартирди. – Ҳей, биродар, сен ҳам, мен ҳам мусулмонмиз, биродармиз, кўзи оч амирларнинг иғвосига учиб, бир-биримизни қийнаш одобдан эмас. Ширин тилли навқарга ўхшайсан, ширин тилли одамни ҳамма мактаб, яхши инсон дейди. Мен ҳам сени шундоқ инсон деб биламан. Ёрдам бер, бўлмаса, ҳозир уйни ҳам, қимматбаҳо иштонимни ҳам булгаб қўяман. Агар ёрдам бермасанг, майлига ўзинг биласан. Лекин бу ишинг мачитга таҳоратсиз кирган мунофиқнинг ишига ўхшаб, фақат имонингга зиён келтириши мумкин. Яна ўзинг биласан, Худо олдида мен гуноҳкор эмасман!

– Гапга уста экансан, мени лақиллатмай қўя қол! – деди қоровул минғирлаган хунук овозда.

Мамат ҳам бўш келмади.

– Майли, майли, ёрдам бермасанг, бор-э Худо, зорим бору, зўрим йўк. Имони йўк навқар экансан, деб қўя қоламан, бошқа нима ҳам дердим.

– Мени имоним йўк эканми?!

– Лекин сўзингга караганда, айтдим-ку, яхши одамнинг фарзандига ўхшайсан. Отангга раҳмат деган бўлардим!

– Майли, чиқ, кўп дийдиё қилдинг!

Мамат аъзойи-баданининг оғриётганини ҳам унутиб, ташқари отилди, ҳаво майин, тун сокин, осмон булутли эди. Атроф қоронғи бўлгани учун навқарнинг юзини кўролмади, фақат бўй-баста тенг экан.

– Юр! – деди у қўлидаги учли найза билан туртиб.

Мамат ўнг биқинида найзанинг тигли учининг ботганини сезиб:

– Секинроқ, биродар, – деди ва нимагадир кокилиб, тап ерга йиқилди. – Қўлимни еч, биродар, ҳозир иштонимни ҳўл қилиб қўяман!

– Оббо, бошни оғритар, дардисар кимса экансан-ку! – Навкар найзасига суянганча чўккалаб, унинг кўлини аркондан бўшатди.

Мамат қаварган кўлларининг енгил тортганини сезиб, ўрнидан турди ва кучини муштира жамлаб, оёғини орқага тираб, навкарнинг шакарак томирига чунонам зарб бердики, у овоз чиқаришга ҳам улгурмай тап ерга кулади. «Зарба бериш мана шунақа бўлади, биродар, ишқилиб, тирик қолган бўлгин. Худонинг ўзи кечирсин!»

Узоқдан ит ҳуриб, от пишқирди, кўйлар маъради.

Мамат ерни тимирскилаб, чилвирни топиб олди-да, тош қотган навкарнинг кўл-оёғини чатиб боғлади. Сўйиладиган молни шунақа боғлайдилар, чилвир боғлаш ҳам бир санъат. У чилвирни тортиб кўриб, мустаҳкам боғланганига ишонч ҳосил қилгач, тез ўрнидан турди.

* * *

– Мамат? Ҳо-о, Мамат!

Ваҳимали, қоп-қоронғи кеча, оёқ остида нима бор, нима йўқ – илғаш қийин, гоҳ қум тўдасига, гоҳ шох-шаббага қоқилиб, юзтубан гуп йиқиларкан, оғзига хас-хашак, қум кириб, тишлари ғижирлаб зириллайди. Туф-е, падарлаънат-э! У ўрнидан тура солиб, яна қоронғулик кўйнига сингийди.

Узоқ-узоқлардан хўжасининг овози элас-элас кулоққа чалинади:

– Мамат! Падарнағғати Мам-а-а-т!

Йўқ, энди орқага қайтиш йўқ. Орқага қайтмайди. Тўғри Алибек қароқчиникига бостириб боради. Кечаси боради, ҳамма ухлаб ётганда. Боради-ю, томоғидан ғиппа бўғади. Номард у! Номардларнинг номарди! Қанча қийнади, қанча азоб берди: елкасидаги яралар ҳали битгани йўқ. Сотиб юбормас эди, табибнинг «Аҳволи оғир», деган сўзини эшитиб, юрагига ўт тушди, ваҳима ичида биринчи келган савдогарга пуллади-қўйди. Шу билан қутуламан деб ўйлади чоғи. Йў-ўқ, қутулиб бўпти у, занғар! Маматнинг совунига кир ювмабсан ҳали!

Кун ҳарсиллайди; ер кўкси куркшаб қолган, тап-тақир; оёқ остидаги иссиқ қум офтоб кокилларини наҳангдай ютади. Битта-яримта эчкиэмарми, юмронкозикми, ер юзига чиқиб қолса, бир-бир тамшаниб кўради, яқин орада егулик йўқлигини билгач, бошқа томонга ўрмалайди, лекин ҳаял ўтмай орқасига ўқдек учиб қайтади-да, уясига зув кириб кетади. Бу – ер ости эмас, салқинда оёғингни кериб, ғўддайиб юрсанг! Бу – саҳро, қумлик, тандирдан иссиқ жойлар! Нақ дўзахнинг ўзи! Шўрлик Мамат шуларни ўйлайди-ю, лекин уларга ҳавас билан қарайди. «Ҳайвонларга маза, – ҳомуза тортади у, – ташвишлари йўқ, душмани, ғанимлари ҳам йўқ. Ер ости салтанатида шоҳ ҳам, гадо ҳам ўзлари! Хоҳлагандай яшашади. Хоҳлашса, мағрибга, хоҳлашса, машриққа қараб йўл очишади».

Кун оққанда, лойсувоқ томли қишлоққа етиб келди. Қишлоқ четидаги катта ариқда тўлиб зилол сув оқар, унда бир неча яланғоч болалар бир-бирларига сув сепиб қий-чув чўмилишарди. Нафасини ростлаш учун ариқ лабига ўтирди.

Салқин шаббода қизиб турган юзига урилиб, ўзига келган кишидек бир титраб, бир оз енгил тортди. Сершоҳ, сербарг тут дарахти остига, қуюқ соя жойга, кўм-кўк майсалар устига чўзиларкан, кичкина мис сувдонни кўлига олиб, ичиб кўрди ва шу заҳоти оғзидаги илимсиқ сувни пуфлаб ташлаб, сувдонни ариққа ботирди. Болалар томон назар соларкан, болаликка нима етсин, дея уларга ҳаваси келди, қароли кўз, тўларок ўсмир унга қараб турарди, ўз навбатида у ҳам унга бошдан-оёқ разм солди, лекин қаерда учратганини эслолмади, бирор танишига ҳам ўхшатолмади, аммо бола узок қариндошини кўргандай ҳамон унга тикилиб турарди. Кимгадир ўхшатаяптими?! Бўлса бордир, бухороликлар ўғилларини ёшликдан савдога ўргатадилар, у ҳам бирорта жаҳонганшта кишининг ўғлидир балки. Самарқанддами, Кеш ё Қаршида, балки Термизда уни кўрган бўлиши мумкин. Оти кишнаб, хаёлини тўзғитди, унинг бақувват оёқларига, тик бўйнига, устидаги қирмиз жўли ва эгарига қараркан, иссиқда одам лоҳас бўляпти-ю, жониворнинг танаси зиркирамайдими, дея

ўйлаб, унга раҳми келди. Эгарни олиб кўйиш керак устидан! Ўрнидан туриб, отининг ёнига бориб, ёлини силади ва катта оқ айилини ечиб, офтобда ялтираб турган кизғиш эгарни, худди шу рангдаги жўлни олиб, дарахт остига келтириб кўйди-да, бошини кўйиб чўзилди. Бир оз дамини ростлаб, салқин тушгач жўнайди. Дам олиб, кўзи тиникиб, кучга тўлиб йўлга тушсанг, юришингда бир маъни топасан, бўлмаса, «йўл азоби – гўр азоби» деб шайтонга кулги бўлишдан нарига ўтмайсан!

Қароли кўз бола унга яқин келиб салом берди. Мамат саломга алик олгач, ундан кишлоқнинг номини сўради.

– Буми?.. Бу Бухор-зиндон кишлоғи! – дея жавоб қилди у.

От безовта кишнади, ариқнинг нариги томонида сиртлон ит оч-сарғиш юнглариини хурпайтириб турарди. Хаёл билан бўлиб, боланинг жавобини англолмай қолган Мамат ундан кишлоқнинг номини қайта сўраган эди, тўпори, содда, кўнгилга тегмайдиган беғубор оҳангда:

– Қулоғингизга тош битганми, амаки?! Бухор-зиндон бу кишлоқнинг номи! – деди ранжиган бўлиб.

Мамат беғараз кулди. Унинг истиҳола қилиб ўтирмай «Қулоғингизга тош битганми» дея содда оҳангда жеркишини тўғри маънода қабул қилар экан, кўнгиллари беғубор тонгдай тоза ўсмирлар одамга эш бўладилар, дея ўйлади. Бир яхшиликни истаб келганга ўхшайди. Уни гапга солиш учун номини сўраган эди, бола: «Отимми?.. Отим Мамат!» деб жавоб қилганда, отдош эканмиз, дея ўзича хурсанд бўлди ва меҳри жўшиб уни мактади. – Жўраларингга қараганда ақлли болага ўхшайсан, – сўнг гапини ҳазилга бурди. – Қалланг михдай ишлайди, шекилли!

– Маники эмас, ана Олим жўрамнинг қалласи михдай ишлайди.

– Нимага унақа дейсан?.. Кўриб турибмен, пишиқ боласан, гапга ҳам чечансен!

Бола бу сафар содда, аммо тушкун оҳангда:

– Мандан ҳеч ким қўркмайди-да! – деди бўйинини эгиб.

– Қўркқанида нима қилардинг? – деб сўради Мамат кизиқиш билан.

– Самад ўғрига қарши курашардик.
– У қишлоқларингда яшайдими?!
– Йўқ, у чўлда яшайди, қишлоққа қарвон келса ёки чиройли қизлар бўлса, ўшаларни ўғирлашга келади.

– Қизларни ҳам ўғирлайди, дегин?.. Ифлос одам экан!

– Ҳожи бобом ҳам шунақа деюрлар.

Бу гап Маматга таъсир қилди ва шу дамда, яхши одамлар каби, унинг кўнглида ҳам ожиз отдошига ёрдам қўлини чўзиш истаги туғилиб, уни қай бир яхши ишим билан хурсанд қилишим мумкин, дея турган жойида безовта депсинди.

– Сандан болаларнинг кўркиши шарт эмасдур! – деди жиддий тортиб. – Сан шундай йўл тутгилки, ҳамма ортингдан эргашишсин!.. Ўқишни биласенми?

– Биламен!.. Фотима опам ёзишни ҳам ўргатганлар!

«Фотима?.. Қайси Фотима!» Маматнинг аъзойи бадани титраб кетди.

– Фотима опам дейсенми? У ким?!

– Опада у киши! Мани опам! – бепарво жавоб қилди бола, айнаи дамда унга Маматнинг гаплари қизиқ туюлаётган эди, Фотима опаси ҳақида гапириш, бир томондан, унинг учун ортикча эди, иккинчи томондан, шундай чиройли ва ақлли опаси тўғрисида бегона эркакнинг олдида сўз юритиши уят, мусулмончиликка тўғри келмайдиган гап, бобоси эшитиб қолса, дарғазаб бўладилар.

Маматнинг бадани тош қотди. Йўқ, унинг Фотимаси эмас, боланинг опаси экан. Фотимаси бу ерларда нима қилади?! Эҳ, Фотима, кўнглининг эркаси, ҳозир қаерларда юрибди, нима ишлар қиляпти?!

– Ўқишни, ёзишни ўрганиб олганим зўр иш бўлди, ака!

Мамат ялт этиб болага қаради. Нима деди? Нима ҳақда гапиришаётган эди? Ўқиш-ёзиш?..

– Ўқиш-ёзишни билсанг, кучли бола экансен, отдош! – деди уни мақтаб, хурсанд бўлсин деган ниятда.

– Курашда Олимни йиқитганимда, кучли саналардим! – бола бошини кашиди. – Эҳ, сира йиқитолмайман-да, у мактанчоқни!

– Ўшапи йиқитишни истайсенми?

– Истаймен!

– Ман сенга курашнинг энг зўр усулларини ўргатурмен!

– Сиз-а?

– Ҳа, ман! Нима ишонмайсенми?.. Ахир мен Амир Темур жанобларининг навкаримен!.. У зотнинг навкарлари қанака бўлиши керак? Эшитганмисен?

Бола аввалгидай содда оҳангда:

– Қандай бўлиши керак? – деб сўради.

Мамат уни қойил қолдириш учун:

– Амир Темур жанобларининг ҳар бир навкари мўғул шайтонларини енгиш учун камида мингта кураш усулини билиши лозимдур! – деди баландшарвоз оҳангда.

– Воҳ-ҳо-о-о!

Боланинг соддаларча ҳайрон бўлганидан Маматнинг яна беғараз кулгиси келди.

– Манга нечтасини ўргатурсиз? – сўради у самимий оҳангда.

– Беш-олтитасини ўрганиб олсанг, етарли: битта эмас, юзта Олимни йикитурсен!

Боланинг қароли кўзларида юксак шодликнинг ёлқинлари рақсга тушди. Курашда уни йиқитса, албатта, ҳамма болалар унга кулоқ соладиган бўлишади, ана ундан кейин ўша ярамас Самад ўғрининг кўзини мошдек очиб қўяди. Қараб турсин ҳали! Индамаса, у баттол Фотима опасини ҳам ўғирлаб кетиши тайин. Опажонисини ўғирлаб кетса, болалар олдида роса шармандаси чиқади. Ва-а-а, бунга қандай чидайдди! Қандай чидайдди! Чидай олармикин?! Шу ўйлар куршовида қоларкан, киприкларига маъюслик қўнди. Орзуси амалга ошармикин? Амалга ошиши қийин-ов!

Мамат акаси кўксини силади:

– Иссиқни кара, отдош, юракни ёндирадур.

Боланинг унга раҳми келди:

– Юринг ака бизникига, чалоб ичамиз!

– Раҳмат, ука, шу ерда бир оз дамимни ростлай, куннинг нафаси қайтгач, йўлга чикурмен: иш кўп, ука, юртни

босқинчилардан озод этмагунча оёқни узатиб ётиш йўқ. Уят, ука, уят оёқни узатиб ётиш!.. Ҳозир ҳам канот чиқариб учиб кетардиму, жониворга раҳмим келадур, отнинг совушини кутишим керак, ҳали у менга кўп керак бўладур.

– Бўлмаса-чи... ака, ман ҳозир! – деди бола парвозга шайланган кушдек енгил кўтарилиб. – Мани кутиб туринг! Шу ерда кутинг! Ман ҳозир келамен!

Мамат «хўп, хўп» дегандек бош силкир экан, унинг ичишга бирор нима келтирмоқчи бўлганини сезиб, ич-ичидан қувонди. Яхши болага ўхшайди, калби тўла меҳр, келажакда ундан оқил, доно инсон чиқади. Қайтиб келсин, унга курашнинг сирларини ўргатади. Беш-олтита усулни ўргатса, олам гулистон. Бола-да, майли, ўша Олимни йиқитиб ғолиб бўлсин, бунинг ёмон жиҳати йўқ, у билан муштлашгандан кўра, майдонда кураш тушиб ғолиб чиқса, ҳар жиҳатдан яхши: бир кун яна Олим ғолиб келиб, шаштидан тушади, қайтага иккисининг ҳам бир-бирига меҳри ортади.

Бола бирпасда қайтиб келди: бир кўлида сарғиш дастурхон, иккинчисида катгарок кўза; кела солиб, дастурхонни майса устига қўйди-да, апил-тапил ёзди, унда иккита қатланган нон ва зангорранг пиёла бор эди, иссиқ нон ҳиди таралди. Маматнинг иштаҳаси очилиб, секин ютинди. «Одамни тушунадиган зўр бола экан!»

Бола унга кўзадан айрон қуйиб узатди. Турли кўкатлар ва райҳон қўшилган айрон Маматнинг ёниб турган юрагини муздай совутиб, аъзойи баданига роҳат бағишлади. Ана маза-ю, ана роҳат! Отангга балли, болакай! Иссиқ кунда муздай айрон ичишдан зўри йўқ. Шунга ақлинг етгани учун раҳматлар бўлсин сенга, укагинам! Бироз нон еб, устидан яна муздек айрон ичиб, ўзига келган Мамат ҳаял ўтмай ўрнидан турди-да, болани пастга, адирлик ортига бошлаб тушди. Тенгдошларининг кўрмагани маъкул: унга курашнинг сир-асрорларини ўргатсин... бир зўр ўргатсинки, бу яхшилигини бир умр эсидан чиқармасин!

Баланддан шаркираб оқиб тушаётган сув адир ортига, қачонлардир экилган беш туп сершоҳ чинорнинг остидаги кўлчага қуйилар эди.

– Нега бу ерда чўмилмайсизлар? – кизиқиб сўради Мамат.

– Хе-е... ҳалиги... ажинаси бор бу ернинг! – жавоб қилди бола. – Ўтган йили Карим подачининг ўғлини чалиб кетип... ана кейин ўлиб қолганди. Ўшандан буён баққа ҳеч ким келмайдур.

– Худонинг ўзи асрасин, биз сояда машқ қиламиз!.. Қўркмайсенми?..

– Йў-ў-қ! – бола ўша-ўша соддаларча қўл силкиди. – Бобом бунақа жойларда «Ихлос» сурасини қайта-қайта ўқигин, жин-пин яқинингга келмайдур, деюрлар. Ичимда ҳозир ўқиб турибмен!

– Яхши, унда бери кел!.. Иштонингни кўтариб ол! – Мамат ок кўйлагининг енгларини шимарди. – Билсанг, укагинам, курашда куч эмас, маҳорат керакдур. Во-о-о! Шу-у-у-чун, эпчил ва чаккон ҳаракат қилишинг керак, бунинг учун кураш усулларини пухта билиш зарур. Ман сенга олдиндан чил солиб йиқитишни ўргатай. Бунинг «Тоғни итариш» дейдилар. Бери кел! Оёқларингни кенг ёз ва эгил, бутун кучингни бир жойга тўпла! Яна бир оз эгил ва қўлларингни рақс тушаётгандек ўйнатиб, белимни ушлашни кўзлаб келавер! Қўлларингни ўйнатсанг, куч йиғиладур. Кўзингни мендан узма, ҳаракатимни кузат: энди белимдан ушла! Во-о-о! Агар чапга йиқитмокчи бўлсам, сан бутун оғирлигингни ўнгга ташла, ўнг томонга боссам, тескарисини бажар! Сўнг қулай пайтни пойлаб, бир силтаб, рақибни ўзингга торт-да, бошингни бўйни остига қўйиб, орқага силтаганча чакқонлик билан чил сол ва бутун кучингни елкасига ортиб, уни зўр билан ортга итар... кўрибсанки, бир зумда рақибингнинг кураги ерга тегиб, остингда типирчилаб қолганини ўзи ҳам сезмай қоладур.

Бу машқни улар етти марта такрорлашди.

– Нега етти марта? – сўради Мамат ва жавоб кутмасдан ўзи айта қолди. – Чунки етти рақамида ҳосият кўпдур. Амир жаноблари ҳам ҳар ишни етти ўлчаб бир кесадурлар.

Мамат унга курашнинг «Қаллаошар» усулини ўргатганда, буниси болага ёқиб қолди ва ўзидан бир неча баравар оғир бўлган устозини бир неча маротаба ерга қапиштирди. Гарчи

Маматнинг ўзи бунга майил кўрсатган бўлса-да, лекин болада қанақадир ички қудрат борлигини сезиб, унга яна курашнинг «Орқадан чил солиш», «Ўнг томондан бел оша йиқитиш», «Туяни чирпирак қилиш» усуллари ҳам ўргатди. Бола хурсанд эди. Мамат ҳам чарчокни унутган эди, кеч тушганини ҳам сезмай қолдилар, қуёш чўл барханлари ортига бош кўйганда, улар машқни тугатиб, аввалги жойларига келдилар, ювиниб бўлгач, бироз тамадди қилиб олдилар, сўнг Мамат хуржунидан эски бир китобни олди ва ўртасини очиб, болага берди ва «Ўқи!» деди. Бола «бисмиллоҳ» деб пичирлаганча китобни пешонасига суртгач, ўқий бошлади:

– «Азроилдан қочиб қутулмоқчи бўлган нодон ҳақида ривоят».

– Яхшилаб ўқи! – деди Мамат, ўзи эса майса устига чўзилди.

Бола китобни қироат оҳангида бир текис ўқий бошлади. Бир савдогар Азроилдан қочиб, Сулаймон пайғамбарнинг олдига келади ва уни бу ердан узоқроққа, Ҳиндистонга юборишни сўрайди. Унинг илтимоси бажо келтирилади. Сўнг Сулаймон Азроилдан нечун бир мусулмон юрагига ваҳима солганини сўраганида, у бу Ҳақнинг иши эканлигини, унинг бир кунлик умри қолганини, Ҳиндистонда жон таслим қилиш пешонасига ёзилганини айтади.

Бола ривоятни ўқиб бўлгач, жим қолди. Охирги сатрларни ҳаёлидан ўтказаркан, «Ҳақ белгилаган толедан қочиб қутулиб бўлмайди» дея хулоса қилди, лекин устозининг нима учун айнан шу ривоятни ўқитганини тушунолмади.

– Тушундингми, укам? – сўради Мамат. Бола бояги хулосасини айтган эди, унинг юзи чарақлади: тушунибди. Фикрлаши ёмон эмас. – Бўлмаса, гап бундай, Мамат полвон... бундан кейин исминг Мамат полвон бўлади. Ука, яна икки-уч кун машқ қил, лекин бу орада ҳамма болаларни йиғиб, бу ривоятни Олимга бериб, ўқит!.. Маъносини ҳам яхшилаб чақинглар! Агар ўша Олим сани тан олмаса, ривоятни эслат: кўзи очилади. Хўпми?

– Хўп, ака!

– Худо хоҳлаб, ишларим битса, ман яна келамен: сан ун-гача Амир Темур қўшинини туз. Агар Ҳожи бобо бунга йўл бермасалар, Амир Темурнинг ёрдамчилари айтди, дегин! Бўш келмагин: болаларни яхшилаб тайёрла! Ораларида ногора ча-ладиганлари борми?

– Бор!

– Бор бўлса, яхши! Ҳожи бобонг унга ногора топиб бер-синлар!.. Буниям мани номимдан илтимос қил! Кейин кечаси ногорачи минан томда, қишлоқнинг кириш жойида ухланглар. Самад ўғри келса, то қишлоқ ичига киргунча, миқиларингни чиқарманглар. Ўтиб кетгач, шох-шабба ташлаб, чиқиш жойи-ни беркитинглар. Баланд қилиб! Ана ундан кейин ногора ча-линглар гурсиллатиб! Қишлоқ одамлари уйғониб, уларнинг жазосини беришмаса, отимни бошқа кўюрмен! Кимдир та-шаббус кўрсатиши керак! Шу иш қўлингдан келадурми?

– Келадур, ака!

– Яш-шавор, азамат! Буйруқ беришни ҳам ўргатай сен-га. Бундай деб буйруқ берасен: зафарнишондор Амир Темур қўшини сафлан! Қани такрорла-чи!

Бола ўтирган жойида қаддини тик тутди:

– Зафарнишондор Амир Темур қўшини сафлан!

– Яхши! – деди Мамат унинг елкасига қокиб, сўнг хато-сини тўғрилади. – Фақат зафарнишондор эмас, зафарнишон-дор... нишондор, дегин! Қани, яна айт-чи!

Бу сафар бола жаранглаган ширали овозда сўзларни до-на-дона такрорлади. Яна бироз ўтирганларидан сўнг Мамат йўлга отланди, икки отдош бир-бирлари билан кучоклашиб хайрлашдилар. Бола эртаси туш пайтида тенгдошлари ёнига келиб қўшилди ва китобни Олимга кўрсатиб, ривоятни ўқиб беришни илтимос қилди. Олим унинг устидан кулган бўлиб, ёқимсиз тиржайди ва ривоятни шариллатиб ўқиб ташлади, сўнг «хўш» дегандек унга бақрайиб қаради.

– Маънисини не экан бунинг? – сўради бола.

– Шу ҳам савол бўлдимми?! – иршайди Олим. – Охири-да хулосасини ёзиб қўйибдур: ана, Ҳақдан қочиб қутулиб бўлмас экан!

Кичик Мамат катта Маматнинг «Бўш келма» деган сўзини эслаб:

– Яхши! – деди дадил оҳангда. – Буни қойил қилдинг! Энди ман сан билан кураш тушамен! Ким ғолиб чикса, китоб ўшаники ва яна ким ғолиб чикса, ҳамма ўшанинг гапига кулоқ соладур!

– Гапларинг зўр-у! – яна иршайди Олим ва керилиб мақтанди. – Сан билан ҳам, бошқаси билан ҳам, ҳатто дев-пев билан бўлсаям кураш тушамен! Бешши таш-ша. Розимен!.. Қани кел, бир чўзилтириб кўяй!

Болалар кенг давра олишди.

Олим кичик Маматга менсимай назар солди, боягидай иршайди. Бурнини тортди. Кичик Мамат оқ кўйлагини ечиб, четга отди, иштонининг почасини тиззасигача қайирди, сўнг бир-икки сакради, мушакларини шиширди, нималардир деб пичирлади-да, кўлларига туфлаб ишқалади. Бугун у бошқача эди, буни ҳамма сизди.

Бурни пучук ҳакам бола:

– Қани, кураш! – дея рухсат берди.

– Омин! – Кичик Мамат кўлларини енгил силкитиб, эгилиб Олимга яқин келди. Олим унинг белида турган иштонидан қисиб ушлаб, бир тортган эди, жир этган овоз эшитилди. Болалар беозор кулишди.

– Бўш келма, Мамат! – бакирди бошқа бирлари.

Олим уларга томон ўқрайиб каради. Пайтдан фойдаланган кичик Мамат унинг бути орасига калласини сукди ва «Ё пирим!» дея наъра тортди. Шу захоти гул этган товуш эшитилди. Болалар не кўз билан кўрсинларки, Олим, елкаси срга тегмаган полвон, кимсан Бухор-зиндон қишлоғининг ман-ман деган боласи, худо урдими, жин чалдими, кичик Маматнинг остида чўзилиб ётарди.

* * *

У узок юрди, дала, сой, кир-адирлардан ўтди. Кеч тушди. Узокда, қорамтир кўринаётган адирлар елкасида довдарахтлар, икки-уч уй қорайиб кўринди. Қорни ҳам роса

очикди, юришига мадори йўк, оёғини зўрға судраб босяпти. Таваккал!.. Борсин-чи! Яхшилар бўлса, бир кеча жой беришар... Йўлнинг икки тарафи зич дарахтзор. Итларнинг гингшиб акиллагани кулокка чалинди. Итлар кўпга ўхшайди. Шунақа кўркинчали замон бўлиб қолди. Ҳамма ўзини ҳар томонлама муҳофаза этади. Ҳатто чўпонлар ҳам курол-яроғ, кўрикчилар тутадиган бўлишган. Ё Раб, охир замон деганлари шуми? Қасрга борма, уруш-жанжал, зулм, ваҳима!

У кўлидаги таёқни белига қўйиб, судралиб келарди. Ваҳима! Чор атрофда ваҳима. Замон замон бўлмади, азоб бўлди.

Унинг хаёли узоқларга кетди. Болакайнинг гапини эслади. Нима деди? Фотима опаси ким экан? Ҳожи бобо сотиб олиб келган дедими?

Бир гала ит тепаликдан ириллаб унга томон ташланди. У кўлидаги таёқни химояга ҳозирлади. Бу ёғи чаток бўлди-ку! Бир, икки, уч, тўрт... оҳ-ҳо, тўккизта! Сиртлон итлар! Нақ томоқдан олишади-я!

Итлар уни чор атрофдан ўраб олди. Ташлангани кўймаслик керак. Итларнинг сардорини қидирди. Кўзи олазарак боқди. Қани, қани у? Топса бас, қутулади. Ҳамма гап ўшанга боғлиқ. Боплаб таъзирини берса, ҳаммаси тум-таракай қочади. Негаки, итларнинг қолганлари сардорига қараб ҳаракат қилади: у ташланмасдан бурун бирортаси ҳам қондани бузмайди, ириллаб пайт пойлашади. Уларнинг отарларида ҳам тўп-тўп юрадиган сиртлонлар кўп эди. Уларнинг қилиқларини беш кўлдай яхши билади.

Мамат ўзини Ой нури кўзига тушмайдиган тарафга олди. Худо кўрсатмасин, кўзи камашиб қолса борми?! Бир лаҳза довдирасанг, хайр деявер, ғажиб ташлашади. Булар хонадон итлари эмас, дашт итлари, отар итлари!

Пешонаси кашка узун оёқли ит унинг устига сакради. Мамат чакқонлик билан бўйнини эгиб, олдинга интилди ва заранг таёқнинг йўғон учи билан устидан ошиб ўтаётган сиртлоннинг белига қаттиқ зарба берди. Ит жон азобида ушлаб юборди. Мамат яшин тезлигида қолган итларни кўздан

кечирди: энди қанжиғига навбат, у ташланади. Узунчоқ орик ит унга тик келди, Мамат унинг чап тарафига зарба берди, ит икки-уч метр нарига бориб тап этиб ерга тушди, сўнг вангиллаб ўрнидан турганча бели майишиб тепаликка қараб қочди. Қолган итлар бир-икки хурди-да, унинг ортидан кетишди. Сардор сиртлон энг охирида улар ортидан судралиб борарди. Энди уни тан олишмайди, унинг катталиги тугади.

Тепаликда кўлида камон тутган икки норғул йигит кўриниб, унинг кимлигини сўради. Мамат Бухорои шарифдан келаётганини, адашиб қолиб, йўлдошларини кидириб юрганини айтди.

– Бунда йўлдошларинг йўқ! – совуқ тикилишди йигитлар.

– Мусофирга бир кеча жой берурсизлар! Яхши одамларга ўхшайсизлар.

Йигитлар шивирлашиб, бир нималарни муҳокама қилишди, сўнг:

– Йўлдошларинг ким? Улар қаёққа кетгандурлар? – деб сўрашди.

– Амир Темур навкариман! – жавоб қилди Мамат «таваккал», деган хаёлда.

– Э-э, шундай демайсанми, биродар, – йигитлар жилмайишди. – Амир Темур кеча шу ердин ўтиб кетдилар!

Мамат суюнди. Алибекнинг чангалидан кутулибдилар. Қандай яхши. Минг шукр, Худойим!

– Ўтиб кетдиларми-а?! – ҳам афсус, ҳам севинч билан сўради у.

– Ҳа, ўтиб кетдилар!

Мамат бўшашди. Энди нима қиламан?

* * *

Ҳожи бобо бу йил ҳовлисини кенгайтирди: ўртадаги ғишт девор олиниб, икки ҳовли бирлаштирилди; боғнинг тўрида ички, ташқи беш ҳужрали, кенг гумбазли чиройли бино қурилди, ҳажга борганда, маккалик Саййид Абзорникида шундай гўзал иншоотни кўриб, соғ-саломат юртга борсам, албатта, бир гўзал бино барпо этаман, дея холис ният қилганди.

Орзуси ушалди: келди-кетди кўп; оғзи узун меҳмонлар ташриф буюришади, бир томони, келувчилар олдида уялиб қолмаслиги керак. Дарвозани ҳам ўша томондан очди. Хотин-халажнинг номаҳрамлардан узок бўлгани яхши...

Ҳожи бобо ҳансираб турган Маматга боқди ва «Тинчликми?» дсб сўради. Бола нотаниш отлик келганини айтди.

– Меҳмонхона томондан олиб кел. Ман ўшакка ўтаман! – буюрди Ҳожи бобо.

Эгнига кумуш жавшан, бошига кошкан кийган мулойим, хушрўй йигит ичкари кириб, унга салом берди. Ҳожи бобо алик оларкан, унинг афт-ангорига қаради: текис бичимли юзи бўғриққан, энтикиб тез-тез нафас олади. Узокдан келяпти шекилли! Қайси бир каттанинг чопарига ўхшайди. Йигит Темурбек номидан келганини, унинг ўзи эртага бу ёқларга ташриф буюришини айтганда, Ҳожи бобо беҳад суюнди:

– Бул хушхабардан бошим осмонга етди, ўғлим! Қани ичкарига марҳамат!

– Ташаккур, Ҳожи бобо! Яна бажарадиган юмушлар кўпдур, – йигит кўйнидан ёқут кўзли узук чиқарди. – Буни сизга ҳадя сифатида бериб юбордилар.

– И-бэ, ўғлим, жаноблари одамни уялтириб... Хай майли, ташаккур!

– Манга жавоб бўлмаса, Ҳожи бобо.

– Би-ир пиёла чой ичиб кетсангиз?..

– Насиб этганда, кирурмен!

– Хай, ўғлим, омин, – Ҳожи бобо кўлини дуога очди. – Сафарингиз беҳатар бўлсин, Аллох Таоло Сизни ёмон кўзлардан, ўт балоси, сув балоси, ғаним хуружи, шайтон васвасасидан ўз паноҳида асрасин! Омин!

– Омин! – йигит юзига фотиҳа тортгач, кўлини кўксига қўйиб ташқари чикди.

Ҳожи бобо ҳам унинг ортидан юрди.

– Хай, ўғлим, отингиз нимаиди?

– Ҳотам!

– Ажойиб отингиз бор экан, ўғлим. Доимо Ҳотами той бўлиб, эл ардоғида юринг!

Ҳотам ўйноқлаб турган жигар тусли саман отга ирғиб минаркан:

– Раҳмат, бобо, раҳмат! – деди жилмайиб.

Ичкари кирган Ҳожи бобо кичик Маматни йўлакдаги гулдор кўштавақали эшик ўрнатилган чоғроқ хужрага бошлади. Хужра деворларига яшил тусли нақшлар солинган. Токчалар тўла китоб. Хонтахта устида кўзача, чойнак-пиёла.

– Қани, ўтир-чи, болам! Омин! Худойим бандаларини ўз паноҳида асрасин!

Кичик Мамат бошини кўтарди.

Ҳожи бобо кулимсираб:

– Мамат полвон деган ном олибсиз, ўғлим. Муборак бўлсин!

– Қуллук, Ҳожи бобо!

– Сизга Хизр йўликқан эмиш, бизга айтмайсизам!

– У Хизр эмас.

– Одамлар айтяпти-ку!

– У Мамат деган йигит.

– Дотқа, гуппи¹ бўлма, болам! – Ҳожи бобонинг оппоқ, куюқ қошлари кўтарилиб тушди. – Хизр алайҳиссалом, болам, хоҳлаган суратда кўринадилар. Шак келтирма бундай.

– Мани кечиринг, бобо, бунисини эшитган эмасман.

– Шуни учун оғзингга келганини сўйлайверма, болам. Тил суяксиз, эрк берсанг, айланаверади. Нима бўлди ўзи, айтиб бер-чи?!

Мамат бўйнини эгиб сўзлай бошлади.

– Чўмилиб турувдик. Бир чиройли одам пайдо бўлди.

– Одамми, йигитми?

– Йигит.

– Шундай демайсанми? Суғун-чи?

– Суғун мани чақирди.

– Бошқаларни-чи?

– Ман унга қараб турувдим.

– Хўп, суғун-чи?

¹ Арзчи, ховликма маъносида.

– Суғун олдиға бордим. Ман санға курашни ўргатаман, деди. Суғун пешиндан аср номозигача «ётиб отар» олишни ўргатди. Бирпасда ўрганиб олдим.

– Яна шак келтиряпсан. Сан эмас, Хизр алайхиссалом нафаслари туфайли тез ўргангансан.

Маматнинг узунчоқ юзи чўгдек қизарди.

– Суғун-чи? – деди Ҳожи бобо тоқатсизланиб.

– У манга китоб берди.

– Қанақа китоб?

– Катта бир авлиёнинг китоби экан.

– Қаерга қўйдинг?

– Фотима опамга бердим.

– Ўқиб бўлса, манга келтириб бергин.

– Хўп, келтириб бераман.

– Суғун яна нима бўлди?

– Суғунми? Суғун Амир Темур лашкарини тузамиз, деди. Мани сардор бўласан, деди.

– Лашкар нимага керак экан?

– Самад ўғрини тутгани.

– Ўша ғаддорнинг капасини куйдириш керак.

– Сизлар уни тутасизлар, деб айтди.

– Нима, деди? Нима, деди?

– Сизлар уни тутасизлар, деди!

– У баччағар тамом бўпти. Чумоли шерни енгган экан. Азроилга баҳона керак.

– Бобонгга айт, ноғорасини Рамазонга берсин, деди.

Ҳожи бобо ўзини орқага ташлади:

– Ё Худо, ё Худованда-ю карим!

– Ноғорангизни берасизми, бобожон?

– Ноғора айланиб кетсин санлардан. Ўнта ноғора десайлаям бераман.

Маматнинг юраги қайнади. Рамазонга етказиш керак бу янгиликни!

Мамат эрталабга яқин алахсираганча кўзини очди: отлар, ўткир тишини иршайтириб ариллаган итлар, бир кўзли девлар – нималар кўрмади тушида: дунё айқаш-уйқаш, нималардир ёпирилиб келмоқда, нафаси кисиляпти. Нима бўлди унга? Итлардан кўркди деса, юраги тик этгани йўқ. Фақат... Норғул йигит кўзада сув келтирди, муздек экан, тўйиб ичди, икки бурда гўшт, бир парча нон еди. Бор гап шу!

У ўзини янада беҳол сизди. Пешонаси қизиб, танаси оғирлаша борди.

– Меҳмон чойга чиқинг!

Мамат атрофга аланглади. Қуёш тик келиб қолган, чўтир юз, курак тишли норғул йигит офтобада сув тутиб турарди. Ёлкасида қирмиз гул сочиқ.

– Яхши ётиб турдингизму, оға!

Мамат мингирлаб, кучаниб жавоб қайтарди:

– Худ...доға шукр!

Кенг супачада кўрпачалар тўшалиб, дастурхон ёзилган. Беш-ўн одам, бола-чақалар.

– Келинг, ўғлим, ўтиринг! – серсоқол, митти кўз қария ёнидан жой кўрсатди. Мамат секин ўтирди. Бирма-бир ҳаммага кўз югуртириб, шошилмай саломлашди.

Дастурхонга иссиқ нон келтириб қўйишди. Нон хиди. Хушбўй хид. Мамат ютинди. Тупуги томоғидан зўрға ўтди. Иштаҳаси гиппа бўғилди.

Қария унга тикилди.

– Ўғлим, кўзларингиз қизарган? Не бўлди?

Мамат бўғиқ овозда деди:

– Иссиғим чиқяпти.

– Анча мазангиз йўқ шекилли!

Чўтир юз йигитдан бошқа ҳамма бобога ўхшайди.

– Ҳамидбек?

– Лаббай? – чўтир юз йигит ўрнидан турди.

– Олтин кампирни тез топиб келинг, ўғлим, меҳмонни кўриб қўйсин!

Мамат косадаги қатикдан бир-икки хўплади, бир тишлам нон еди. Унга дарахт остидаги сўрида, атрофи оқ мато билан ўралган жойда ўрин солиб бердилар.

Олтин кампир ҳаял ўтмай келди. Девдай аёл. Ўнг кўзи ғилай. Бармоқлари йўғон-йўғон. Товушдан ҳам худо берган экан.

– Худойчол касал-пасал бўлмас эди, дев тегибдими деп югуриб келдим, – деди у дарвозадан кириши билан шанғиллаб. – Кўз-пўз тегмадими?

– Сиз борсиз, энам, манга кўз тегадими! – ҳазиллашди қария. – Меҳмон келган, сўрида ётибдурлар. Юринг!

Олтин кампир Маматнинг томирини ушлаб кўрди, кўзи остига разм солди, кейин:

– Томоғингизни кўрсатинг-чи? – деди.

Мамат оғзини катта очди.

– Шундоқ дев йигитдиям томоғи оғрийдими?!

Худойчол уни тергаган бўлди:

– Худонинг бандаси-да, сан ҳам оғзингга келганини сай-райверасанми?!

Олтин кампир уни узиб олди:

– Сизам тегма нозик, тилло узук бўп қопсиз!

Йигитлар мулойим кулишди.

– Устозимиз ўзингиз, Олтиной!

– Ўлманг, Худойчол, айинисиз. Ҳожар? Ҳо, Ҳожар!

Тандир ёнида куймалашаётган семиз кампир товуш берди:

– Ҳа-а, кўшни?

– Кундош қидиринг!

– Нима?

– Э-э, тош битган бунисигаям. Қуриб кет-э! Ўзингизга кундош қидиринг, деяпман.

Йигитлар бу сафар хохолаб кулишди.

Олтин кампир Худой чолга тайинлади:

– Иссиқ сув билан кечкурунгача ғарғара кип турсин. Дори-пори тайёрлаб келаман. Ҳали томоқ пишмаган.

– Ҳай, хўжаойим! Ҳаммасини бажо қиламиз! – деди Худойчол кувноқлик билан.

Дастлаб кўрганда, Мамат чолни тепса-тебранмас, деб ўйлаганди, кишининг сиртига қараб билиб бўлмайди: бир кунда одам ўн хил турланиши мумкин.

Ҳамма ўз ишига тарқалди, ҳовлида чол-кампир, Мамат қолди.

– Отаримиз чўл ўртасида, ўғлим, – деди чол кумғондан иссиқ сув қуйиб, Маматга узатаркан. – Томоғингизни ғарғара қилинг, очилади. Болалар анчадан бери келишмаган эди, икки сурув қўйимиз ҳам бир ойки шу ерда эди, қариганда шовқин-сурон ёқмас экан, ҳаммасини жўнатдим. Қариликнинг гаштиниям сўрайликда, ўғлим.

– Тирикликнинг гаштини суриш ҳам керак, бобо.

– Темурбек ҳам шундай дедилар. Жуда баодоб амир!

– Сиз у киши билан кўпдан танишмисиз?

– Оталари Муҳаммад Тарағайнинг сурувларида даҳмарда¹ бўлганман... Темурбек бир кириб ўтдилар. Шошилаётган кўринадилар. Сиз у кишининг навкариман, дедингиз-а?

– Ҳа, шундай!

Мамат бошдан ўтган воқеаларни бирма-бир гапириб берди.

– Аллоҳ денг, болам! – Чол унга меҳр билан кўз тикди. – Ўзи ғам беради, ўзи олади. Отангиз, ака-укаларингизни, келинни, албатта, топурсиз. Кўнглим сезиб турибди!

– Қанийди, уларни топсайдим, бобо!

– Сиз бу ёққа, Темурбек у ёққа! Йўлда тўқнаш келмабсизда!

– Ман дала-дашт, чўл орқали келдим. Тезроқ оёққа туриб, ортларидан йўлга тушсайдим, топиб олардим.

– Топасиз уларни, албатта топасиз, болам. .

Кечкурун Олтин кампир келди. Анча шанғиллаб гурунг қилди. Маматга аччиқ дори ичирган эди, бироздан сўнг

¹ Даҳмарда – бош чўпон.

иссиғи тушди, кейин нордон суюклик берди, оқимтир рангда, иштаҳа дори экан. Сўнг кўлини яхшилаб ювди, кўй ёғини ўнг бармоғига суртди-да, Маматни бир чеккага олиб чиқиб, тиз чўктирди ва томоғига кўл тикди. Кўли тошдек бўлса керак, деб ўйлаганди, ипакдек юмшоқ экан. Томоқнинг икки томонини аввал секин-секин уқалади. «Пишибди, – деди. – Ҳозир қутуласан, болам», – у шундай дея бармоғига куч берди. Мамат томоғига ёпишиб турган зулукни узиб олгандек роҳатланди. «Туфла, болам! – деди Олтин кампир, – қутулдинг!» Мамат ўқчиб туфлади: оқ-қора зардобли қон балғамдек лахта-лахта бўлиб тупрокни расво айлади.

Эрталаб кўзини очганда, танаси қушдек енгил, нафас олиши эркин эди. Худога шукур-ей! Соғлиққа нима етсин!

Чол билан қийма шўрва ичишди.

– Узоққа кетасиз, ўғлим, тўйиб олинг! – деди Худойчол.

Мамат мамнун эди. Яхшилар бор бўлсин! Қандай одам-охун чол экан. Темурбек жанобларининг ошнолари ҳам ўзларига ўхшайди.

Худойчол боғ томондан қора ёлли оқ от етаклаб келди.

– Бу сизга йўлдош, ўғлим!

Мамат ўнғайсиз аҳволда қолди:

– Мани қарздор қияпсиз, отахон!

– Бу қарз эмас, ўғлим. Сизлар шу юртнинг тинчлиги, озодлиги деб юрибсизлар! Сизга бир эмас, юзта от берсам ҳам оз!

Кампир катта олахуржун келтирди. Чол унга олти та кулча нон, гўшт, майиз, икки ҳовуч қурут солди.

– Йўлда ейсиз, болам!

– Раҳмат сизларга, раҳмат, бобо! – Мамат хуржунни отга ортгач, бобони кучоклаб олди. – Хайр, отахон. Кўришгунча!

– Хайр, болам, йўлинг оқ бўлсин!

Кампир бир ҳовуч урни унинг елкасига, отга сепаркан:

– Эсон-омон етиб олгин, болажоним, – деди онаси каби кўнгил узолмаган бир оҳангда.

Маматнинг бутун танаси титради. Бунча яхшисизлар, одамлар!

Ҳар куни бурни остида пачакилашиб юрадиган кичик Мамат уч-тўрт кундан буён қорасини кўрсатмайди: гоҳ бобоси атрофида ўрмалашади, гоҳ қаерларгадир кетиб қолади. Аллақандай кўшинга сардор бўлган эмиш. Ундан кўра, китобини ўқиса-чи! Ўн иккига кирибди-ю, ҳали битта дoston билмайди. Фотима шу ўйлар қуршовида диққинафас бўлар, гоҳ туриб-туриб кулиб юборар, гоҳ дўппайган корнига қараб, ўзини ўзи койирди. Кўп диққинафас бўлаверма, келинпошшо, манаву пошшою оламга ёқмайди бу қилиғинг! Ҳомила бирдан кимирлади. Бу унга аллақандай ҳузур бағишлади. Катта бўп қолибдилар. Энди қилиқ чиқара бошлайдилар. У кўрпачага ёнбошлади. Ҳожи бобога раҳмат. Ўша азроилнинг қўлидан неча олтинга сотиб олди. Зикналик қилмади. Бир кўрди-ю, олди. Ҳомиладорлигини билиб, қўлини совуқ сувга урдиргани қўймапти. Маматга таҳсил берсангиз, шу кифоя дейди. Яхши одам.

Чингизийлар мингга яқин одамни Бухорога ҳайдаб келишди. Йўл-йўлакай бир қанчасини сотишди. Бевафо экан бу дунё! Жудаям бевафо! Келиб-келиб келин бўлиб тушганида, шу воқеа юз берадимиз? Оёғи ёқмадимиз? Гуноҳи нима? У китобни варақлади.

*Кунларим тун қаърига жo бўлдилар,
Ўртанишлар менга ҳамроҳ бўлдилар.*

Мамат ака! Сизни соғиндим! Қачон келасиз?

— Опа?

— Ҳа, ўргилай! — кичик Маматни кўриб гулдай оппоқ очилди. — Бўйларингиздан айланай! Бормисиз? Сабoққа келмай қўйдингиз.

— Иш кўпайиб кетди, опа!

— Сизни пошшо бўлибди, деп эшитдим.

— Йўғ-е, ман пошшо эмасман!.. Ман сардорман!

— Қанақа сардор?

— Айтдимми, Мамат ҳақида?

- Қайси Мамат?
- Мана шу китобни берган.
- Менга ҳеч нима деганингиз йўқ!
- Бўлмаса, Зайнабга айтган эканман-да!
- Шунақада сиз. Бировларга сир айтасиз-у, бизга йўқ. Келиб китобни кўлимга бердингиз-да, ура солиб кўчага қочдингиз.
- Ишлар кўпайиб кетди, опа. Сал гапга хафа бўлаверманг-да!
- Мамат отдошингиз қанақа йигит экан?
- У йигит-пигит эмаскан. Хизр экан! Ман Хизр билан учрашибман.
- Табаррук киши бўлсиз. Этагингизни кўзимга суртишим керак.
- Кўйсангиз-чи, опа. Бу гапни бобом айтдилар!
- Жуда кўполсиз, Мамат. Катталарниям шунақа жеркийдими бола дегани?! Сизга бир эртас айтиб берайми?
- Айтинг, майли!
- Яхшилаб кулок солинг: мағзини чакиб эшитинг. Бир пошшо бўлган экан. Бир куни туш кўрибди. Тушида ҳамма тишлари тўкилиб кетган эмиш. Бир донони чакириб, тушининг таъбирини сўрабди. Доно ўйламай-нетмай: «Хамма қариндош-уруғларингиз ўлиб кетишар экан», дебди. Пошшонинг кайфияти бузилиб, жаҳли чикибди ва ўйламай сўзлагани учун уни юз дарра уриб, жазолабди.
- Пошшо иккинчи таъбирчини чакирибди.
- «Пошшою олам, Сиз ҳамма қариндош-уруғларингиздан кўпроқ умр кўраркансиз», – дебди у.
- Пошшонинг қоронғи дили ёрқин кундай чарақлаб, унга кўпдан-кўп совға-саломлар берибди.
- Мамат пешонасини қашиди:
- Яхши матал экан.
- Маъниси тушунарлими?
- Ўйлаб сўзлаш керак экан.
- Бир сўз билан ўликни тирилтириш, тирикни ўлдириш мумкин. Тушундингизми?

- Тушундим!
- Тушунган бўлсангиз, Мамат Хизр деганингиз қанақа экан?
- Уми? У полвон йигит экан?
- Қаердан экан?
- Сўраганим йўқ.
- Қаёққа кетаётган экан?
- Сўраганим йўқ.
- Нима иш қип юрган экан?
- Сўраганим йўқ.
- Қанақа шогирдсиз ўзи?
- Бир келди-кетди. Ҳеч нарса сўролмадим.
- Ўқишни билишингизни сўрадимми?
- Сўради?
- Нима дединг?
- Фотима опа ўргатяптилар дедим.
- Фотима опангиз қанақа, деб сўрамадимми?
- Сўради.
- Нима дединг?
- Фотима опани Ҳожи бобо сотиб олиб келтирганлар дедим.
- Қаердан, деб сўрамадимми?
- Сўради.
- Нима дединг?
- Маккадан олиб келганлар, дедим.
- Ёлғончи?
- Ўзингиз ёлғончи.
- Ким айтди сизга мени маккалик деб? – Фотима терс ўтирилди.
- Китобни бераркансиз, – деди Мамат зарда билан.
- Кимга?
- Кимга бўларди?! Бобомга-да!
- Мана, олинг! – Фотима нари кетди. Бу ким бўпти ўзи? Бегона бир бола-да. Шунгайм жон куйдириб ўтирибди-я! Билганингни қилмайсанми?

– Хўп, опа! – кичик Мамат унинг жуда хафа бўлганини сезди шекилли бироз юмшади: – Хапа бўлдийизми, опа?! Хапа бўлманг. Сиз энг яхши опамсиз.

Фотима кулди. «Тилёғламаликниям билади, зумраша!»

* * *

Улар ёнма-ён кетиб боришмоқда.

Темурбек хаёлга берилган.

Инсонни туфрокдан яралган деб ғавғо соладилар. Бошқа бир жоҳиллари уни инкор этиб, одам сувдан пайдо бўлган, дейди. Ажабланадиган жойи йўқ. Дунёда иккита кутб бор: бири – яхшилик, иккинчиси – ёмонлик. Иккиси борки, яшашнинг завқи бор. Хом сут эмган бандаларга беҳишт яратилганда, дунё аллақачон тутаган бўларди.

Инсон туфрокдан яралган дея дунё бошига ғавғо солгандан кўра, кизингни, волидаи меҳрибонингни, жуфти ҳалолингни шарафла! Бир оғиз ширин сўз гадоси улар. Уларни синдириш жуда осон, қалбларини тошга айлантириш ҳам осон. Лекин бир оғиз ширин сўз топиш кийин. Ҳаммавақт ҳам тилдан бол томавермайди. Аммо ақл қуввати жаҳл салтанатидан устун келган маконда, тилнинг боли кўпаяди.

Темурбек ок йўрға отда беҳол кетаётган Ўлжай оқага қаради. Оғир оёқли аёл узоқ йўлда тез толиқади, унга баҳаво жой, яхшигина ҳордиқ керак. От суриб, улоқиб юришим шартми?! Балки тоғу тошларга чиқиб кетиб, осуда бирор жойни манзил тутиб, содиқ жуфту ҳалолимни кўлимда кўтариб, унга меҳр кўрсатганим афзал эмасми?! Эҳ, нималар қилиб юрибман ўзи?!

– Толиққан бўлсангиз, бирпас дам олурмиз, – деди у маликасининг оқарган юзига ташвиш билан боқиб.

– Йўқ, йўқ, бегим! – жилмайди Ўлжай оқа. – Мени деб овора бўлманг. Манзилга етайлик тезроқ!

– Мени деб анча чарчадингиз, толиқдингиз!

– Сиз каби меҳрибон йўлдош билан чарчаш, зерикиш ёт менга. Сиз боя ажойиб хикоятлар айтаётган эдингиз.

– Бул ҳикояларим сизга кизиқму?

– Беҳад кизиқ эрур, бегим. Менга яна Жалолиддин Румий ҳақида сўзлаб берсангиз!

– Унда жоним бирлан ҳикоя этурмен. Ул зоти шариф, Тангри яратгучлари ҳақида ҳақ сўзлар айтувчи доно ваъзхон, Жалолиддин Муҳаммад Румий номлари бирла оламга танилган шайх ҳазратлари ҳижрий 604 сананинг рабиулаввал ойининг олтинчи кунда муаззам шаҳар Балхда таваллуд топганлар. Падари бузрукворлари – Муҳаммад Баҳовуддин Валад, – у кишининг жойлари жаннатда бўлсин, – таниқли сўфий, ваъзхон эдилар. Ул зот Султон-ул уламо аталганлар, боиси, оталари Ҳусайн ал-Хатибий Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қизига уйланган эдилар.

Ривоят қилурларким, олти ёшларида муборақ жума кунда тенгдошлари бирла ўйнаб юрардилар. Сафдошлари томдан-томга сакраб завқ олур эдилар. Бирлари келиб ул зот бирла томдан-томга сакрашни ихтиёр этди. Ул зот: «Бул ит ва мушукларнинг ишидур, магар жонингда кувват бўлса, осмон томига сакра», дедилар. Ўзлари ҳавога кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлдилар. Бул мўъжизадан кўрқувга тушган болалар чинқириб юбордилар. Бир лаҳзадан сўнг ерга тушиб: «Мен сизларга сўзлаб турғонимда, атрофимда яшил фаришталар пайдо бўлиб, кўкка элтдилар, ажойиб малаклар узра сайр эттурдилар, сизларнинг фарёдингизни эшитиб настга олиб тушдилар», деди.

– Қалб осмонлари энг покиза зотлардан экан у киши.

– Фаришталар фақат табаррук инсонларга ҳиммат кўрсатурлар. Ҳақиқат ҳам адолат истаганларга бўй кўрсатур. Вале, телбалар ҳеч нимани англамаслар, кўрмаслар ва нолибнолиб дунёдан ўтурлар.

*Зинҳор, дило, яқин йўлатма ғамни,
Суҳбатга муяссар этма номаҳрамни.
Нон бирла кўкатга-ку қаноат қилдинг,
Кўкатга алишма энди шу оламни.*

Ул зотнинг дунёдан истаганлари, тириклардан топган гавҳарлари – покизалик ва хурликдур. Шунинг учун ҳам бундай зотлар мангу яшайдурлар. Туғилгонларига бир юз эллик беш йил бўлибдур. Бул кеча, мана шу йўлда ул зоти олийнинг муборак номларини ёд этиб борадурмиз. Рухлари шод бўлсин, илоҳим!.. Ноиб Отсизнинг невараси Такаш Хоразмшоҳни билурсиз.

– Эшитганмен, бегим!

– Ул подшо даврида Хоразм ерлари кенгайди. Бул давлатнинг куч-кудрати ортди. Ёйик тоғларидан Форс кўрфазигача, Ҳиндукуш тоғларидан Фирот дарёсигача бўлган кенг мамлакат эди Хоразм. Падари бузрукворлари шоҳ билан чиқишолмай қолдилар ва ул зот бола-чақаси, уч юз муридлари билан Балхдан Бағдодга кетдилар. Отасининг ортидан кетаётган Жалолиддинга қараб Шайх Муҳиддин Арабий: «...Бир баҳри мухитнинг денгиз ортидан боришини қаранг», деган экан. Нишопурдан ўтаётганларида, улуг Шайх Фариддин Аттор билан юзлашадилар. Ул шайх Жалолиддинга «Асрорнома» китобини тухфа этадилар. Шом йўлидан Туркияга, Арзинжон, Окшеҳирда тўхтайдилар. Амир-ул умаро шу ерда тўрт йилча дарс берадурлар. Сўнгра Лорандага ўтадурлар. Ул муборак жойнинг ҳокими Амир Мусо Мавлоно Баҳовуддин Валадга атаб мадраса қурдуруб, ул кишини шу олий даргоҳга бош мударрис этиб тайинлайдурлар, – Темурбек тим-қора осмонга тикилди. – Ана, Ой ҳам Сизни қаршилагани чиқди, маликам!

– Мени қаршилагани чиққандан кўра, Сизнинг ҳикоянгизга маҳлиё бўлгани ростга ўхшайдур, бегим.

Ўлжай оқанинг ҳозиржавоблиги Темурбекка ёқди. У шунчаки аёл эмас, фаришта!

– Амирим, малол келмаса, Сиз манга ул зот ва Шайх Шамсуддин Табризий ўрталарида бўлган воқеани сўзлаб беринг!

– Сиз ҳам бул зот ҳақида эшитганмусиз?

– Бобомиз саройида бир коҳин: «Мусулмонлар орасида «Муҳаммад пайғамбар буюкми ёки Шайх Боязидми?» дея уч ой баҳс бўлган, дер эди.

– Унинг шайх бўлгани рост, маликам. Мавлоно Жалолиддин Шайх Шамсуддин Табризий билан танишгач, ул зотнинг фикр оламида катта ўзгариш рўй беради. Шайх Шамсуддин ул шайхни синамоқ шартида Сиз айтган саволни берадурлар. Мавлоно: «Ҳазрат пайғамбар буюкроқдур» дейдилар. Шайх Шамсуддин фикрларининг исботини сўрайдур. Сўфийлик оламининг икки нурли юлдузи бир ҳужрага уч ой ўлтуриб, ташқари чикмай суҳбатлашурлар. Шайх Шамсуддин нотиклик оламининг нодир устоси, қалб дунёсининг фариштаси эрур эдилар. Мавлоно Жалолиддин ул покиза дунёнинг шайдоси бўлдилар. Шул тариқа зоҳирий ибодат дунёсини тарк этуб, туйғу ва тушунча сайёралари томон парвоз этдилар ва тасаввуф боғига бутунлай ўрнашдилар: булбул мисоли нола қилуб, шеърлар битдилар. Турк назм жаннати булоғининг кўзи очилди. Муридлар, устоднинг бул ҳолатидан талвасага тушуб, шайхга зуғум қилдилар. Шайх Кунёдан Шомга қочиб кетдилар. Мавлоно бошқа бундай илмли суҳбатдош тополмадилар.

– Ажойиб тарих экан, амирим. Сўз – ўқ, деганлари шул эрур. Бир ўқ бирла нариги дунёга йўл очмоқ мумкиндур.

– Кўнгил олами машҳур валийларининг илм булоқларидан оммани баҳраманд этмоқ лозимдур, зеро қайси подшоликда валийлар кўп эрса, ўшал жойда одамлар яхшилик ортидан юрурлар, бузуқилар, ўғри-карокчилар бўлмагай; ул муборак юртда муаззам бинолар қурилгай, боғ-роғлар яратилгай. Уруш-жанжал бўлгон ерда инсон ўлдиришни, хунрезликни ўйлайди, тинч, осойишта жойда эрса, уй қуради, боғ яратади.

– Сўзларингиздин англадимки, бегим, мозийни яхши билмоқнинг фойдаси кўп эрур.

– Тўғри англабсиз: мозий дунёсини эгаллаган инсон бошқалар илғамаган ажойиб мўъжизаларни кўрадур.

Ортдан от туёқларининг дупур-дупури эшитилди. Ўлжай оқа «яхши суҳбат бўлаётган эди», дея хавотир билан Темурбекка боқаркан, ташна қалбининг чанқоғи босилмаган бир алфозда қолиб, «одамни ҳеч ҳам тинч қўйишмайди-я, бу қанақа дунё» деган ўй билан қора булутлар орасига кириб,

ғойиб бўлган ойга қараб афсус билан бош чайқади. Шу дамда бойўғлининг ваҳимали қичқириғи кулокка чалиниб, танасига дард кирган кишидек, нохуш қалтиради. Уларни яна не ғурбат кутмоқда? Яна не ходиса рўй берур!

* * *

Хумо қуши Улуғ Тоққа етгач, арзини баён этди:

– Биз сени безовта этмоқчи эмасдик, ношукур экан булар, деб ўйлама! Муқаддас тупроғимиз яна ажи-бужиларнинг ифлос оёқлари остида хор бўлаётир. Шунинг учун паноҳ излаб келдик бағрингга.

Улуғ Тоғ кеча тушган қорлари бағридан уларга тоза шабадалар юборди:

– Тангрининг нозик қўшқанотлари! Руҳан чўкманг, жисмонан эзилманг! Улуғ Кун албатта келур! Хурлиқомиз Ўлжасай оқадан, али йигитимиз Темурбекдан хабар келтирдинглар!

Хумо қуши:

– Кабутар ва чумчугимиз улардан хабар олиб келгани кетган, ҳадемай келиб қолишади.

– Мен уларга яхшиликни раво кўраман! Ҳар иккиси ҳам дунёнинг энг яхши инсони!

Хумо қуши бошини баланд кўтарди:

– Эшитдингларми, эй менинг жон биродарларим, Улуғ Тоғ айтдимки, ишонамиз, биз қидирган энг яхши инсонлар шу иккисидир!

Улуғ тоғ:

– Мен иккисини ҳам шарафлайман! – деди ҳузурбахш оҳангда.

Кабутар учиб келди, унинг қовоғи солиқ эди, чумчуқ кўринмади.

Хумо қуши:

– Нима гап? – деб сўради хавотир билан.

Кабутар ўксик товушида деди:

– Туғлуқ Темурнинг адовати кучайиб кетди.

– Шунчалик ёвузми у?

– Юрт аҳлига ҳукмрон бўлар эмиш, жигига текканларни тириклай ютар эмиш. Темурбекни еб қўяр эмиш!

Ҳумо қуши ҳам, Тангри тоғ ҳам сукутда қолди.

* * *

Мамат кун бўйи йўл юриб, охири катта карвонсарой ёнида тўхтади. Алибек қароқчининг калтакларидан жароҳатланиб касал бўлгандан бери тез толиқади. Илгари уч кунлаб ухламай юрар, ҳаракат килиб, юмуш бажариб, сира-сира чарчамасди. Ўзиям ёмон калтаклади-да, занғар! Зиғирча раҳм-шафқатни билмас экан. Қўлга тушади ҳали! Кўрамиз қандай ялинаркин?

Карвонсарой олти куббали, унга тўрт томондан кирилади. Пишиқ гиштдан қурилган. Ўнг томонда қатор ҳужралар – меҳмонхоналар. Расталарда ҳамма нарса бор: ковордоқлардан тортиб, тоғ гулигача. Пул бўлса, чангалда шўрва! Орқа томонда, дов-дарахтли кенг майдонда икки қатор карвон, туялар мук тушган, атрофида туякашлар; бирови сув тутди, бирови емиш. Юклар – сандиқлар, той-той пахта, газламалар ерга тушириб қўйилган. Бу ерда арабни ҳам, хитойни ҳам, ҳинду фарангни ҳам – ҳамма миллат вакиллари учратиш мумкин.

Пешонаси дўнг, янги кулоҳ кийган хизматкор йигит отининг жиловидан тутаркан:

– Қачон йўлга чиқасиз, ака? – деб сўради.

– Эрталабга тайёрлаб қўйинг! – деди Мамат.

– Учинчи отхонада бўлади саманингиз, – деди йигит ва отни етаклаб кетди.

У ичкари кирди. Салкин ҳаво юзига урилди. Ўнг томондаги қўштабақа эшик ланг очик. Сўрилар тўла йўловчилар.

Пешонасига оқсурп танғиган, катта бурни ўнг томонга кийшайган гўндалак хизматкор пилдираб ёнига келиб деди:

– Ҳуш кўрдик, марҳамат! Ана, тўрда жой бўш!

Кенг тахта каравотда олти киши гурунглашиб ўтиришарди. Дастурхон тўла егулик: самарқанднинг олтинранг пўрсилдоқ нонлари, бойсун писталари, парғона майиз, бодомлари, хоразм ковунлари; кўзаларда чоғир бўлса керак, ўткир хиди димоққа урилади.

Маматнинг уларга ҳаваси келди: оғайнилар билан чакчаклашиб ўтирсанг, губоринг ёзилиб, руҳинг тетиклашадди.

Хизматкор айлана гулдор патнисда егулик келтириб қўйди: нон, майиз, писта, бодом; тоза ювилган, артилган хитойи пиёла, тунука чойнак, тўрт букланган оппоқ сочик.

– Яна нима буюрасиз, ака? – оппоқ қўлини гард тегмаган оқ шоҳи яктаги устига – кўксига қўйиб, тавозе билан сўради хизматкор. Жилмайганда бир текис тишлари кўзга тапланди. Ўзини пок тутадиган иймонли йигитга ўхшайди.

– Суюқ овқатдан нимангиз бор?

– Угра бор.

– Угра? Яхшиси, тандир гўштидан олиб келинг.

– Қимиз, чоғир?.. Қайси биридан?

Мамат умрида чоғир ичмаган. Шайтон бир ҳай берди-ю, лекин ирода ундан устун келди: мусофирчиликда чоғир ичиб бўлмайди.

– Қимиз! – деди у.

– Хўп бўлади, ака! Ҳозир келтираман!

Хизматкор пилдираб кетди. Чаққон йигит, ғайрати зўр. Худо билиб ҳар кимга ўзига яраша қувват беради. Эрта-кеч хизмат қилишади бундайлар. Лекин чарчаганларини кўрмайсиз!

Ёнидагилар хохолаб кулишди.

– Буниси ундан қизиқ. Эшитинг! – деди йўрма ёқали қўйлак кийган тор пешона, куён кўз йигит. – Чорбоғимизда эдик, ҳамсоямиз чақириб қолди. Нима дейсиз, акамулло, деб олдига бордим. «Бузоғингизга қарасангиз бўлмайдими, оёкни осмонга кўтариб ётгунча», – деди ўдағайлаб. «Ов! – дедим ман. Шунгайм ота гўри – козихонами? Бугун бизники сизникини эмган бўлса, эртага сизники бизникини эмади», дедим!

Яна гурр кулгу кўтарилди.

Мамат бошини сарак-сарак қилиб куларкан, «Шайтон йигит экан» дея ўйлади.

Хизматкор сопол товоқда ҳил-ҳил пишган, буғи кўтарилиб турган гўшт, япаски кўзачада кимиз келтирди.

- Ош бўлсин, биродар!
- Минг ташаккур сизга!

Чоғир ичиб, латифа айтиб кайфу сафога берилган йигитларнинг гурро-гур кулгиси бошка сўриларда ўтирганларнинг ғашига тегар, улар хўмрайиб, ёвлашиб, еб қўйгудек ўқрайиб қарашарди. Лекин мик этмасдилар. Ҳозир замона зўрники. Ким ҳам бунақаларнинг мушугини пишт дея олади?!

Йўрма ёқали шериклари томон эгилиб, ола кўзларини қокиб, тиржайиб деди:

- Аёлларнинг жони қаерда? Биласизми, ошна?
- Қаерда, қаерда? – сўрашди хангоматалаб дўстлари.
- Айтмайман! Ўзларинг топиб олинглар. Вах-хах-ха-ха!

Бир маънили хажв, гап бўлмаган бўлса-да, ширакайф улфатлар ўзларича бир ниманинг моҳиятига етгандек, бор овозлари билан хохолаб кулишди.

Маматнинг нафрати келди. Шу ҳам гап бўлди-ю, бузуқилар. Қизинг йўқ, опанг йўғ-а, сан бузуқиларни! Юртнинг баракасини учирадиган аслида шулар! У жирканиб уларга орқа ўгирди.

- Бугун йўлда Темурбекни кўрдим!

Мамат ўгрилиб ортига қаради: ўша – йўрма ёқали сўзламоқда эди: – Уч юз, тўрт юз аскар билан Бухоро томон кетаётган экан. Ўзи оддий бир бекнинг ўғли бўлса, энди юртга бош бўламан, деб жони ҳалак. Э товба-ей, кимларга кунимиз қолди-я!

– Сиз у билан ошно бўлганмисиз? – сўради чўкки соқол шериги.

– И-бе, акамулло, оғзингизга қараб гапирингда, ахир. Ошно эмиш. Ундан кўра, ман Илёсхўжа хазратларини афзал билурман. Самаркандда бинойидек пошшолик кияпти.

Мамат ижирганиб тўлғонди. Бир ўзинг бўлганинда, бошингни илондек мажаклардим. Сотқин. Илёсхўжанинг айғокчисига ўхшайди!

– Сиз у билан ош-қатик бўлганмисиз ўзи? – сўради халиги шериги.

- Ўтган йили Қоратоғда бирга эдик.

Мамат унинг ёлгон гапираётганига тўла ишонди. Ғирт ёлгон гапириб, алдаб ўтирибди! У зўрға ўзини тутди. Шошма!

– Ман Амир Темурбекни яхши биламан, – деди ғундалак пешонасидаги терларни артаркан. – Ман Кешликман! Сан уни отасини бош чўпонлик қилган, Қоратоғда яшаган, дедингми? Қоратоғ қаерда-ю, Кеш қаерда?!

Мамат гапга қўшилди.

– Ман ўша томонларданман. Темурбек у ерларда бир кун ҳам яшамаганлар.

– Шунга ўхшаган олақарғалар юрт ўғилларининг пок номларига доғ туширадилар, кишиларда нотўғри тасаввур уйғотадилар.

– Мани муҳокама этишга ҳаққинглар йўқ. Бу гап хон кулоғига етса, энангни кўрасан ҳамманг!

Чўққи соқол бошини сарак-сарак қиларкан, афсусланиб деди:

– Бу бандан бечорада имон қолмабди. Шунча ёлгон гапириб, яна баланддан келади-я! Астағфирулло!

– Ҳали сан ҳам оладиганингни оласан, сассиқ чол! Валдирама кўп!

– Бу мохов ҳаддидан ошаяпти-ю, Расул ака, – деди новча йигит ғундалакка қараб.

Расул чўққи соқолга қаради:

– Домла бобо, Сиз чоғир ичмагансиз, имонингиз жойида, сотқин, ёлгончи, ёғийларга хизмат қилганинги жазоси не?

Домла бобонинг юпқа лаблари пирпиради:

– Э Худою худовандо, осий бандаларингни ўзинг кечир!

Йўрма ёқали ҳамма мендан кўрқади, деб ўйлаётган эди, бу гап унинг ўтакасини ёрди.

– Нима?! Мани?..

Расул унинг ёқасидан олди:

– Сотқиннинг жазоси – ўлим! Билдингми? Сан юртни, бизни сотаяпсан! Темурбек аслзода оилада, Қуръони карим руҳида тарбия топган имони бутун йигит! Сан эса кофирсан, сани Қуръони карим уради! Билдингми?

Йўрма ёқали тиз чўқди:

- Ака, акамулло! Мани...
- Расул бурнини жийирди.
- Тур ўрнингдан! Ҳе ўргилдим, сандака соткиндан! Бўлганинг шу экан-у, яна осмондан келасан-а!
- Ўша мишиқи хонинг сани қандай мақсадда бу ёқларга юборган? – сўради Мамат. – Неча кишисизлар! Битта-битта айтмасанг, энангни кўрсатаман, – у ёнидан ханжарни олиб унинг бўғзига тиради. – Манга ўхшаганлар жон олиб, жон бериб, ёғийларни юртдан ҳайдаш учун Темурбекка камарбаста бўлиб юрганда, санга ўхшаганлар яна хоинлик қилмоқда! Қаллангни сапчадек узмасимдан бурун жавоб бер!
- Айтаман, акамулло, айтаман! Ҳаммасини айтаман! Болачакам бор, мани... мани қўйворасизларми, айтсам?!
- Сан ҳали шарт ҳам қўймоқчимисан?
- Айтиб қўяй, акамулло, ҳар биримизнинг ўлимимиз учун хон минглаб бегуноҳларни кириб юбориши мумкин!
- Қўрқитмай қўя қол, ит ялоқи!
- Расул истехзо аралаш кулди:
- Хонинг аллақачон тагини ҳўл қилиб бўлган. Унинг сийжинлигини элдан яшириб турган отаси Туғлуқ Темур эди. Йигитлар хохолаб кулишди.
- Мамат ханжарни унинг бўғзига қаттиқроқ тиради.
- Нима деганди ўша сийжин хонинг?
- Ханжарни олинг, акамулло, айтаман ҳаммасини, дедим-ку!
- Айт, хонинг қандай буйруқ берган эди? – қайта сўради Мамат.
- Темурбекни эл орасида ёмонлайсизлар деган!
- Неча киписизлар?
- Ўнта.
- Қолганлари қайда?
- Ҳар ким ҳар шаҳарга кетган.
- Сан қаёққа кетотувдинг?
- Бухорога.
- Ислом осмонининг гумбази ҳисобланган шундай табаррук шаҳарга ифлослик билан кадам қўйишдан кўркмадингми, номард?

Домла бобо «астағфирулло!» дея ёқасини ушлади:

– Худодан кўрқмаган осий! Ул муборак шаҳарга етмай жазоингни олиб турибсан. Шунинг ўзи сан муттаҳамга сабоқ эмасми?

Расул анча доно одам экан, афсусланиб деди:

– Мишиқи хон чинларнинг жирканч усулидан фойдаланмокчи бўлибди-да! Ҳе муттаҳам-ей! Сан ифлос эса тортанак каби унинг зулмат тўрига лакқа тушиб ўтирибсан. Бир ҳовуч олтин деб юртингни, элингни сотасанми, ярамас. Испитаменни Искандарга ким сотган эди? Нима бўлди? Э, ярамас, бир ўйласанг-чи?! Сотқинлар ҳеч обрў топганми?

– Топган эмас! Ҳеч топган эмас! – деди Мамат дарғазаб охангда.

Домла уларнинг гапини бўлди:

– Анаву хитойча... нимайди, болам?

– Усул, отахон, усул! – деди Расул кўлини белига тираб, – шунақа ярамас усул бўлган: улар қарши томондаги энг ярамас одамлардан фойдаланишган: саркардалар тўғрисида ёлғон-яшиқ иғво тарқатиб, обрўсини тўкишга ҳаракат қилганлар. Илёсхўжа мишиқи ҳам шундан фойдаланмокчи бўлибди. Манову пулга учган акамиз эса уларга малайлик қилиб юрибдилар!

Йўрма ёқали энди чинакамига ёлворишга тушди:

– Ман, оми банда, тушунмабман, акамуллолар! Хонни одами бўлсам, ҳамма мандан кўркади, деб ўйлагандим. Бир-икки жойда пайсамни кўрсатсам, амалдорларнинг пайтавасига қурт тушди, ҳатто Темурбекни тутиб беришга ваъда берганлари ҳам бор.

Мамат Расулдан сўради:

– Сизлар қаёққа кетаётган эдинглар?

– Сиз-чи?

– Манми? Ман Темурбени қидириб юрибман!

– Биз ҳам... биз ҳам у кишини қидириб юрибмиз. Биз бар-лосликлармиз!

Мамат мамнун жилмайди:

– Тасодифни қаранг.

– Бу тасодиф эмас, ўғлим, – деди домла соддадиллик билан. – Бу эгамнинг буюргани!

– Осиймизда, отахон, – Мамат қизарди, – гоҳида хомлигимиз панд бериб қўяди.

– Хато қилмоқликнинг айби йўқ, ўғлим, уни тузатмаслик айб!

Расул токатсизланиб сўради:

– Бу хунагани нима киламиз?

Домла деди:

– Менда битта таклиф бор, ўғилларим! Йўқ демайсизлар?!

– Эшитайлик-чи, отахон?

– Бунинг ўнта ярамас хамтовоғини топиш керак.

– Яхши таклиф! – суюнди Расул.

– Ман ҳам бу таклифга жон деб рози бўламан, – деди Мамат. – Занғарларни битта-битта мажаклаш керак!

– Шундай қилиш керак! – унинг гапини маъкуллади Расул. – Лекин менда ҳам таклиф бор. Сизнинг отингиз нимаиди?

– Мамат?

– Меникини билдингиз-а?

– Ҳа. Расулбек экан. Худонинг элчисисиз, ака!

– О-о, яшанг. Устоз кўрган йигит экансиз! Адашмасам, Сиз Амирнинг хос навкарига ўхшайсиз?

– Шунга яқинроқ! Нимаиди?

– Йўқ, демасангиз, Сиз у кишига етиб олинг. Хос навкар доимо подшоҳи ёнида бўлади. Биз эса манову касофат ёрдами билан илонларнинг ҳаммасини топамиз! Сўнг Кешга ўтамиз. Темурбек бизларни Тахти Қорача булоғидаги одамлардан суриштириб турсинлар. Худо умр берган бўлса, ишимиз ўнгидан келса, юборган одамларини ўша ерда кутиб ётамиз. Маъкулми?

– Маъкул!

14.

Тўлишган бокира Ой, худди висолга келиб, уялганидан дарахт ортига беркиниб турган паривашдек кулиб чикди. Панжаларини ёзиб турган сербарг, сершоҳ дарахтлар бирдан

жонланиб чапак чалдилар, бойўғлининг совук қичқириғи тиниб, отларнинг оҳиста кишнагани, кушларнинг чуғур-чуғури эшитилди.

Турон!

Эзилган, хўрланган Турон!

Мунавварлигинг муборак! Ойдинлик сенга канчалик ярашади. Энг гўзал келинчак ҳам бунчалик маҳлиё этолмайди дилларни. Қара! Бир сукланиб, бир ҳайратланиб карагин. Чақалоқ бу кечада йиғлашдан тўхтайди. Ғамгин она ғамларини унутади. Ота... ота эса дуога кўл очиб, сенинг ҳар кечанг шундай бокира, нурафшон ва ойдин бўлсин, дея бир илтижолар қилади, би-и-ир нолалар қилади.

От дупури!

Нима у?

Ташвишми, қувончми?

Келавер!

Фарқи йўк!

Келавер.

Турон кечаси ойдин экан, кўрқиш йўк, ташвиш йўк!

Темурбекнинг саман оти майингина кишнади. Жонивор сезд. Келаётган ғаним эмас, дўст, биродардир!

Узоқдан садо берди таниш, дилкаш овоз:

–Ака-а-а! Бу ма-а-н!.. Ман!.. Маматман!..

Ярим йўлда содиқ инсон ўзини отдан ташлади, оғзи билан гуп йиқилди.

«Оҳ, иним!»

Йигит чакқон ўрнидан турди.

«Хайрият!»

Орзиққан юракдан орзиққан нола чиқди:

– А-ка!

Саман от бўйнини эгиб, Она ер бағрини сийпалади.

Хўжаси ерга учиб тушди:

– Иним! Бормусиз, иним!

Покиза вужуд, аёл қалби ҳам унга меҳр тўла бағрини очди:

– Укажоним! Эсон-омонмисиз!

Турон кечаси олқишлади яхшиларни!

Турон кечаси... У арзимаган учрашувга шунча нағмами, деб хайронлик тоғига чикмади. У фақат олқишлади яхшиларни!

– Ака, омонмисиз?

– Омонман, иним!

– Бекачим, Сиз-чи? Сиз қийналиб қолмадингизми?

– Худо деб юрибмиз, иним. Ўзингиз-чи, тинчмусиз?

– Худога шукр, опачим!

Турон кечаси енгил тин олди.

– Қани кетдик. Манзил яқин. Чу, саманим!

Отлар кўкка қараб майин кишнади. Ой пастрок тушмоқда эди.

15.

Чингизийлардан бўлгани учун ҳам ўзига ҳаддан зиёд бино қўйган Илёсхўжа аввал отаси билан ғурурланса, энди бутун бошли Мовароуннаҳр пойимга тиз чўкади, деган ўйда ҳатто ҳавога гап бергуси йўқ, аммо ўйлаганларининг тескариси чиқиб, бир неча кундирки, оёғи қуйган товукдек, типирчилагани-типирчилаган. Кечалари ҳам тинч ухлолмай қолди, Темурбек билан Ҳусайн деганлари қанақа қайсар кимсалар ўзи?! Қаллаларини сапчадек узиш керак шекилли!

Хос хонанинг қўштабақа эшиги оҳиста очилиб, остонада семиз юзи бўғрикқан, кисик кўз эшик оғи кўринди.

– Хон хазратлари?

Илёсхўжанинг кўнглида чаён ўрмалаб, аъзойи бадани қакшаб оғриди:

– Сўйла, не хабар?

– Хивадан мудҳиш хабар: Бако кашкани тирикликдин маҳрум этмишлар.

– Ўзи не гап? – хон калта, оппоқ бармоқларини силкиб-силкиб қисирлатди. Бу унинг ўта дарғазаб бўлганини кўрсатарди. – Ўтган гал Моҳондаги айғоқчимиз жонига қасд қилинган эди. Бул ишда кимнинг қўли бор? Аниқладингизми?

Эшик оғи етти букилди:

– Хон ҳазратлари, бизнинг-ча, яна ўша Темурбек!..

– Нима? – Илёсхўжанинг бугдойранг юзи қорайди.

– Хон...

– Бас, ортиқ тоқат қилолмасмен! Хос мулозимларни йиғинг!

– Бош устига, хон ҳазратлари!

Илёсхўжа безгак тутган кишидек қалтиради. Бу нима деган гап? Нима деган гап, а? Улуғ отаси Фармони олий эълон қилиб, Темурбекни орадан кўтаришни буюрган эди. Яна битта Фармони олий эълон қилинди бу хусусда! Нега Хон фармони бажарилмайди? Нима учун?!

Хос мулозимлар бирин-кетин шошилиб кириб келишиб, ўнг тиззаларини ерга, ўнг кўлларини чап кўкракларига қўйганча таъзим қилишиб хоннинг этагини ўпгач, белгиланган жойларини эгалладилар.

Илёсхўжа ковоғини уйиб турар, кисиқ кўзлари музни эслатар, мулозимлар қаҳратон совуқда қолган кишилардек дир-дир титрокка тушган эдилар.

Бутун вужуди қалтираётган хон янада тумшайди. Ҳаммаси кўркок буларнинг, ҳаммаси лаганбардор. Оёқни ўпишга арзимайди бирортаси ҳам! Ялокилар!

– Шунчалик катта куч, қудрат соҳиби эрурсизлар! – гап бошлади у ваҷоҳат билан. – Аммо бурнингизнинг остида аллақандай зоти паст чивин бемалол учиб юрибди. Ҳатто хос кишиларимизнинг ҳаётларига зомин бўлмоқда.

– Хон ҳазратлари?

– Бас, етар! Сўзимни мухтасар қилурмен. Фармони олий тайёрланг: бузғунчи Темурбек орадан кўтарилсун. Лозим эрса, кўшин тортиб, ул илон боласининг жойида бошини янчайлик. Ҳар ерда унга қарши низо уруғини сочинг, хайрихоҳ одамлари орасида норозилик туғдиринг, кичикларни, катталарни, хизматчиларни, бошликларни, савдогарларни, ҳунармандларни – бори аҳолини унга қарши кўйинглар. Ул бадкорни расво қилиш учун бузуқ аёлларни ишга солинг, пулни аяманг, агар бу яқин-орада ўлмай десангиз, – деди Илёсхўжа овозини пасайтириб, бўшашиб. Хос мулозим-

лар сал қадларини кўтардилар, хон шу заҳоти жаҳл билан бакирди: – Тушундингизму?!

– Тушундик, хон ҳазратлари!

– Йўқолинглар!

Бундай бўлишини ким ўйлабди, дейсиз. Хон махфий мажлисни бунчалик тез тугатмасди. Хос мулозимлар хайрон бўлганча туртилиб-суртилиб, таъзим қилганча чиқиб кетдилар.

16.

Турон тунни юрт узра яна ҳокимлигини ўрнатди: дастлаб у куйиб ётган қишлоққа майин шамол юборди, сершоҳ дарахтлар бир нималарни шивирладилар, жониворлар уни нозик наволари билан мамнун қарши олдилар, фақат одамлар бепарво эдилар. Лекин шамол инсонлар кўнглига илиқлик солиб ўтди: қорамтир барқут само дуру гавҳарларини сочди; бағри яхшилик ва бузғунчилардан айқаш-уйқаш бўлган замин осмоннинг нурли чехрасидан уялиб, ҳасрат доғлари қоплаган кенг юзини чиммат булутлари билан тўсишга шошилди. Худди шу пайтда Бухор-Зиндон қишлоғи энтиқиб нафас олар, каттаю кичик кўчага чиққан, ҳатто эшикма-эшик юрган подавон ҳам бугун унутилган эди.

– Ош ҳалол-л-л!

Дарвозалар ланг очик. Кенг ҳовлиларда зоғ кўринмайди.

– Ош ҳалол-л-л! – подавон ичкарига бош сукади, остонада ётган ит ҳуради. – Бор, жойингга ёт: танимаяпсанми? Ҳов, биров боми? Ё товба, товба-ей! Қаёққа йўқолди булар?!

Эшак минган бола ўтади.

– Ҳов болам, нимага уйларда ҳеч ким йўқ?

– Амир келаётган экан, ҳамма уни кутиб олгани кетган!

– Қайси амир?

– Темурбек!

– Қаерда одамлар?

– Кўчанинг бошида!

Подавон судралиб уйига караб югуради. Янги кийимини кийиб, кўча бошига шошилишни истайди. Ҳаққини эса эртага кўшалок килиб олишни хаёлидан ўтказди.

Кичик Мамат шошиб қолган: бу кеча бўлмаса, эртага Самад қарокчи кишлоққа ўғри мушукдек ис олиб келади. Боплаб таъзирини берамиз, насиб этса!

У Мамат акасини ўйлайди. Хизр бобо эмасмикин ишқилиб! Амир Темур билан бирга келса, зўр бўларди-да! Ишларимизни кўрсатиб хурсанд этардик: Олим ҳар куни «кўшин»ни машқ қилдиради, ўқитади. Рамазон ноғора чалишни машқ қиляпти. Қўлига чўп тутқазсанг, чакалоқ ҳам бум-бум ноғора чалиши мумкин. Аммо чалиш билан чалишнинг фарқи бор-да: байрамда чалинадиган бошқа, навкар учун бошқа, хуллас, куйлар кўп. Рамазон уларнинг ҳаммасини ўрганиб олиши керак!

Уйдан чошиб чиқаётган Маматни Фотима тўхтатди:

– Маматжон?

– Лаббай, опажоним?

– Мамат акангиз келса, менга кўрсатасизми?

Мамат унга анграйиб каради: Фотима у билган Фотима эмас, бошқа эди: ёйсимон кошларига, узун киприкларига қуюқ сурма тортган, юзи энди очилган лўппи гулдек – оппоқ, бокира!

– Бирам чиройли бўлсизки, опачим-м! – деди Мамат ишшайиб.

Фотима кўкларга парвоз этиб, суюниб эркаланиб табассум қилди. Бу якин кунларда ҳеч ким уни ҳозиргидек мақтаган эмасди.

– Ширин тилларингиздан опачангиз ўргилсин, Маматжон! Катта бўп қопсиз-а?!

Мамат олдинга қадам ташлади.

Фотима зориллаб сўради:

– Кўрсатасиз-а, Маматжон?

– Сиз учун майли, опачим!

– Илоҳо, умрингиз узун бўлсин, укажоним!

Бу хушхабарни Темурбекка кечаси Ўлжай оканинг ўзи шипшиди.

– Ростми, маликам? – ҳайратланди Темурбек.

– Рост, рост, амирим!

– Худога минг шукр, маликам. Мен сизга бир сирни очурмен. Кўпдан кузатиб юрибмен: Турон тунлари, фақат Турон тунлари менга саодат ила юз очурлар.

– Бунда ҳикмат зоҳир, амирим. Аллоҳ «Қайси бандам менга сажда қилаётур» деб назар солур эмиш тунлари. Сиз эса, тунларни тиловат, сажда билан тонгларга улайсиз. Илтижоларингиз Арши аълога етаётганлигидан дарак эрур бу!

Темурбек ич-ичидан сујонди. Ҳар кимга қисматига яраша йўлдош, ризқ-рўз берилган. Минг шукр, минг шукр шу саодатманд тақдирга!

– Маликам?

– Лаббай, бегим.

– Улар учрашибдурларми?

– Йўқ, бегим!

– Нечун?

– Фотима ориятли эркан. Кўнгли Маматбекка шамолдек талпиниб турган эрса-да, изза-изза йиғлайдур: Ҳожи бобо уни сотиб олган, узок айрилик ҳам бор орада, бу шариатга тўғри келмайдур, дейди бечора.

Темурбек ўрнидан турди.

– Икки қалб озор чекиб ётаркан, мен хотиржам ухлолмаймен, маликам. Юринг, Сиз Фотиманинг олдига боринг, кўнглим сезиб турур, ул ҳали ухламагандур. Мен эрса, Ҳожи бобога учрашурмен.

– Мени кўп хурсанд этмокдасиз, бегим!

– Сизнинг хурсандчилигингиз, маним шодлигим эрур, бекачим!

Хужра эшиги тиркишларидан ичкарига нур таралади. Жимжит кеча. Осмон тўла юлдуз. У эшикни оҳиста чертди:

– Ҳожи бобо?

– Темурбек?

– Ҳа, мен, Ҳожи бобо! Мен!

Ҳожи бобо эшикни очди.

– Келинг, ўғлим!

– Узр, Ҳожи бобо, Сизни кеч безовта қилмоқдамен.

– Безовталиги йўқ, ўғлим. Қарийверганингдан сўғун уйку ҳам қочаркан. Йўл юриб чарчагансиз деб ўйлагандим. Кўп яхши, ўғлим. Қани юқорига!

Шифтга осилган олтин қандилдаги шамлар чароғон ёнади, хужра кундуздек ойдин. Ҳожи бобонинг диди жойида. Деворларга нафис нақшлар ҳам биттирганлар. Қуръон суралари. Дунёни кўрган одам. Юрт, эл кезган кишининг фикри кенг, ақли тўла бўлади. Турон юртининг ҳар бир фарзанди шул инсон каби юрт, эл кезиб, фикр доирасини кенгайтирмоғи лозим. Ана ўшанда мамлакат тез гуллайди.

– Қани омин!

– Омин.

Ҳожи бобо юзига фотиҳа тортгач, уялинкираб:

– Айбга буюрмассиз, ўғлим, кечалари эшикларни ёпиб ухляпмиз. Имонсизлар пайдо бўлиб қолди юртда. Бизда бир Самат дегани чиққан, – деди.

– Эшитганмен, Ҳожи бобо! Бул кеча унинг йўлига тузоқ қўйганмиз, йигитларим бутун қишлоқни кўриқлаб ётурлар.

– Кўп яшанг, ўғлим! Мен Сизга шу гапни айтолмай қийналиб тургандим. Сўраганинг айби йўқ: у қароқчи Сизнинг тинчингизниям буздими?

– Йўқ, менинг тинчимни бузгани йўқ. Навкарим бор, Мамат деган. Уни инимдек яхши кўриб қолдим. Бамаъни йигит. Ул ўғлон қишлоғингизда бўлган экан.

Ҳожи бобо кулди.

– И-бе, ўғлим, мен уни Хизр бобо деб юримман-а! Э Худо, ўзинг кечир гуноҳкор бандангни. У бизни Маматга китоб берганакан. Жалолиддин Румийни, – Ҳожи бобо тоқчадаги китобларни титкилади, – ҳа, мана... мана, ўша китоб!

Темурбек «бисмиллоҳир» деб китобни кўлига олиб, варақлади-да, кейин ўртасини очиб ўқиди:

*Ай дил, кўзингни оч, жаҳон ўтгусидур,
Умринг бу жаҳонда райгон ўтгусидур.
Тан манзилида маҳбус гофил қолма,
Манзил оша манзил карвон ўтгусидур...*

Табаррук китоб, – деди у кўзига суртиб, Ҳожи бобога узатаркан. – Сизни безовта этишимнинг сабаби, мана шу китоб эгаси Мамат бўладур...

Ҳожи бобо воқеанинг тафсилотини билгач, деди:

– Аллоҳ пешонамизда шундай гаройиб қисматларни битганки, гоҳида аклинг шошади. Келиб-келиб мани мўъжазгина хонадонимда бу икки ёшнинг топишганини каранг.

– Ҳар икки ёш ҳам баъмани, одобли эрканлар, Ҳожи бобо, гарчи улар ҳозир бир-бирларини висолларига тўймок ниятида оташ бўлиб ёнаётган бўлсаларда, ҳурмат ила биз иккимизнинг раъйимизга қараб турмишлар.

Ҳожи бобо зукко одам эмасми, гапнинг маънисини дарҳол англади:

– Не тадбир жоиз дейсиз, ўғлим?

– Менга қолса, савобни ҳозироқ амалга ошириш лозимдур.

– Қани, овмин бўлмаса, икки ёш қўша қаришсин, Аллоҳу акбар! Юринг, иним, ташна дилларни бир-бирларига ошуфта этайлик.

Турон кечаси... нурафшон тун. Сокинлик тахтдан туширилди. Кенг ҳовли бирпасда ғала-ғовурга тўлди. Эркаклар, бир томон, аёллар бир томон – қўл-қўлга тегмайди; шиша чироқлар ёкилиб, уй ёнларига, йўлкалар тепасига осилди, ҳужраларни эса шамдонлар ёритди. Навкарлар ҳам табассум ила ишга тушиб кетишди: қўйлар сўйилди, қозон осилди.

– Мамат, кичкина Мамат қаерда? – сўради Ҳожи бобо.

– У бизга сардор бўлди, – деди Темурбек. – Жамики болалар кишлоқнинг кириш жойида, Самадга тузук қўйилган ерда.

– Оббо, шайтонлар-ей! – деди Ҳожи бобо кулиб. – Гўшт пишса, дарҳол олдини уларга юборинглар. Хўпми?

– Хўп, Ҳожи бобо, хўп!

Мамат билан Фотимага меҳмонхонадаги зарҳал нақшлар билан безатилган, қирмизи гиламлар тўшалган, шифтига иккита олтин кандил осилган энг катта хона тайёрланди.

Ҳожи бобонинг бу ишидан хотин-халаж аввалига хайронлик саҳросида гезардилар, эртага ҳам кун бор-ку, деганлар ҳам топилди. Аммо бобонинг аёли Зухра ойим ҳам ўзига ўхшаган бағрикенг, одамохун кампирлардан чиқиб қолди. «Ҳай, ҳай, болажонларим, худога шак келтирманглар, Ҳожи бобонгиз айтибдиларми, вассалом, кани бўлақолинглар», дея ҳаммани ишга тушириб юборди. Саруполар тайёрланди, катта хона алоҳида чирой очди: тўрга қип-қизил бахмал чимилдик осилди, ерга эса атлас кўрпачалар қатор тўшалди.

Ўлжай оқа бугунгидек шод бўлмаган эди. У Фотиманинг атрофида гирдикапалак бўларкан:

– Айланайин, келинжоним, ўйлағонимдек, кўхликкина эркансиз, – деди кулиб. – Укажоним, дидли йигит. Бир-бирларингизга узукка кўз қўйгандек, ярашиб турибсизлар! Кўз тегмасин, илойим!

– Сизга қандай миннатдорчилик билдиришга хайронман, бегойим! – деди Фотима энтикиб. – Ўла-ўлғунимча хизматингизни қилурман сизнинг.

Зухра ойим Фотиманинг бошига оппоқ шоҳи рўмол солди:

– Бахтинг-тахтинг бутун бўлсин, болажоним!

Фотима унсизгина йиғлади.

Темурбек Ҳожи бобони хужрага бошлади.

– Яна нима гап, амирим?

Ўрнашиб ўтиргач, Темурбек қўйнидан ёқут кўзли олтин узук чиқарди.

– Ҳожи бобо, Сиз бирлан куда бўлдик. Берган тузингиз ҳақи, рози бўлинг. Сиздан қарздормиз.

– Муҳтарам бек?..

– Шуниси тўғридур, Ҳожи бобо, Худо олдида ҳаммамизнинг ҳисоб-китобимиз бор.

– Ўғлим?

– Ҳожи бобо, Аллоҳнинг айтганидан чиқолмаймиз: расм-русумга риоя этиш ота-боболаримизга ҳурматни ҳам билдирур!

Ҳожи бобо дуога кўл очди: – Давлатингиз бундан ҳам зиёда бўлсин, икки ёш ҳам қўша қарисинлар. Овмин!.. Аллоҳу акбар!

Келин-куёвни чимилдикқа олиб кирдилар. Ризқлари улуг бўлсин, деб бошларидан кумуш тангалар сочдилар. Болалар талашиб-тортишиб, танга йиғдилар. Аёллар ёр-ёр айтишди, ўйин-кулги бўлди.

Турон кечаси!

Бор бўл, файзга тўлиб, икки дилга бахт ато этган ялдо ту-ним!

– Куёв муборак, Ҳожи бобо!

– Куллуқ, бек! Ўзларига келин муборак!

– Куллуқ, Ҳожи бобо!

Келин-куёвни ёлғиз қолдиришиб, ҳамма ташқари чиқди. Қора кўзлар чараклайди, ол ёнокларда қалб олови ёлқинланади.

– Бир умр эсдан чиқмайдиган кеча бўлди! – деди Зухра ойим беғубор табассум билан.

Ўлжай қушдек енгил эди.

– Бир-икки йилдан буён бунчалик завққа тўлмаган эдим!

– Кўнгиллар яхшилик истаса, Аллоҳ мана шундай ширин бахт беради, бегойим!

– Айтганингиз рост, опажоним!

Темурбекнинг кўзи энди уйқуга илинганда, ноғоранинг таҳликали гумбури қишлоқни жунбишга келтирди.

– Эҳтиёт бўлинг, бегим! – деди Ўлжай катта-катта кўзларини ишкалаб.

– Насиб этса, биз ул нобакорни маҳв этгаймиз, маликам! Бежавотир бўлинг!

Ташқарида кўрикчи навкарлар буйруқ кутиб туришарди.

– Ҳожи бобо, Сиз шу ерда колинг! Дуо қилиб турсангиз бас!

– Ҳушёр бўлинг, Темурбек, у жуда маккор!

Мамат ҳам курул-аслаҳа кўтариб, ташкари чикди.

– Сиз ҳам қолинг. Чиллаликсиз, иним. Сизнинг ўрнингиздан мен борурмен, – деди Темурбек.

17.

Икки дарё оралиғи арининг уясидек тўзғиган, бирор кун ҳам тинчлик йўқ, Илёсхўжанинг ўйлагани ҳам амалга ошмади. Темурбек дегани чиндан ҳам туткич бермас кимса экан. Уни махв этиш ҳақида фармон чиқариб ҳам ҳеч нарсага эришолмади. Алам қилади одамга, алам! Кимсан юрт соҳиби битта ғанимни йўқ қилинглар, деб турса-ю, ҳеч ким бу ишни уддалай олмаса, бунга нима дейиш мумкин?!

– Кундан-кунга унинг сафдошлари кўпайиб борадур, нечун Сизлар пати юлинган хўрозлардек сўппайиб ўлтирурсизлар? – Хоннинг буғдойранг юзи бўғрикиб, кисиқ кўзлари қахрли ёнди. – Нечун бирор чора-тадбир кўллашга ошиқмайсизлар?! Кеш, Ҳузор, Термиздаги айғокчиларимиз ҳам ўлдирилибди! Бу нима деган гап? Нечун бундай бўладур?

Новча, япаски, сарғиш юз, бурни пучук Амир ул-умаро Абу Саййид таъзим қилиб деди:

– Хон ҳазратлари, рухсатингиз бирлан, хос айғокчиларимиз кетига тушган ул нобакорларни йўқотиш учун беш юз баҳодур минан Амир Беккичикни Кеш, Ҳузор томонларга жўнатсак.

Илёсхўжанинг кисиқ кўзлари «Ҳап, сеними» дегандек, юмилиб очилди. Билағонлик қилмоқчи! Ким ундан фикр сўраяпти? Мени Улуғ отамиздан бир поғона паст санайди, бу қари туллак! Фақат хон, хонгина катта гаплар айтади. Катта гап айтиш фурсати етди? Илёсхўжа уни силтаб ташламоқ учун қахр билан сўз бошлашдан чўчиди. Ёвга айланмасин, бу тўнғиз ҳали унга кўп керак бўлади.

– Сўзингиз ўринли, бироқ биз аллақандай кичик гуруҳларни эмас, айнан аждаҳонинг бошини янчмоғимиз даркор!

Амир Беккичик Абу Саййидни жуда ёмон кўрар, чаён каби ниш уришга пайт пойларди. Бир ўк билан икки куённи урса бўлади ҳозир.

– Ҳақ гап айтурсиз, хон ҳазратлари! – Амир аввал амир ул-умарога, сўнг хоннинг юзига разм солди. Абу Саййид пучук бурнини жийирди; Амир Беккичикнинг юраги ҳузур қилиб кулди: баттар бўл! Ўл-а, роса алам қиларкан-ку, сен-гайм. Унинг мактови хонга ёкқан, сарғиш хира юзида хунук кулгу пашша каби учиб юрарди. Бир-бировининг тагига сув қуйишга тайёр бу арвоҳлар! Санларнинг кунинг битган! Пайти келар, иккалангниям жарга кулатиб, юртни ўзим бошқараман!

Хон катта, зўр фикр айтганидан, бу гапи Амир Беккичikka маъкул бўлганидан мағрурланиб, каддини баландрок кўтариб, овозига алоҳида урғу берди:

– Энди курашнинг зўрини, ҳал қилувчи жангни бошлармиз: бизга қарши бўлганларнинг бари илдиз-пилдизи бирлан супуриб ташланур. Бутундан эътиборан, ёғий кучларини ҳар томонлама ўраб олишга киришурмиз. Темурбек кўшини орасига айғоқчилар юборилсун. Алар бизга тез-тез хабар бериб турсинлар.

Абу Саййид ингичка бўйнидаги эгилган хум бошини кўтариб, хўмрайиб турган шоп мўйлов Амир Беккичikka ўлик сураатда совуқ тиржайди. Барибир, менинг айтганим бўляпти! Сен мохов бўлса, пахта қўйишдан бошқасига ярамайсан!

Хон:

– Амир Ҳусайн хали ҳам Темурбекка дум бўлиб юриблурми? – сўради бирдан.

– Худди шундай, хон ҳазратлари! – жавоб қилди амир Беккичик.

– Унга етказиб қўйингиз, тумшуғини тикмасин. Мабодо, яна Омуядан бу томонга ўтар бўлса, оёғини синдирурмиз! – У Беккичikka ўтирилди: – Улуғ отамиз Сиз амир жаноблари ҳақинда беҳад мактов айтиб эрдилар. Биз ҳам Сизни беҳад кадрлаймиз: содиклигингиз туфайли олий мартабаларга эришурсиз. Эртага Ҳузор томонга йўлга чикиб, барча амир-

ларни, хайрихоҳ кишиларни, баходурларни атрофингизга йиғинг.

– Сизнинг ҳар сўзингиз мендек кулингиз учун амри вожиб эрур, аълоҳазрат! Айтганингиздан ҳам зиёда бажарурмен бул ишларни. Ул нобакор Темурбекни орадан кўтармагунча, менда уйку-ҳаловат бўлмайдур.

Хоннинг кир тобоқ юзи ёйилиб кетди. Амир Беккичик ўқни нишонга урганидан мағрурланди. Яна мактов эшитсам керак деб ўйлаётганди, афтидан, хон буни ўзига эп билмади, Абу Саййидга қараб, секингина заҳар сочди:

– Тушунарлиму?

Амир ул-умаро елкасига бир тоғ юк қўйилган қулдек, шу заҳоти эгилди:

– Тушунарли, аълоҳазрат!

Хон амир Беккичикка, худди ёш болани тергагандек, деди:

– Бу сир учаламизнинг орамизда қолсин, жаноблар!

Улар таъзим қилиб, ортга бир-икки қадам юришганда, хон уларни тўхтатди:

– Ҳа, айтгандай, амир Беккичик жаноблари, бизнинг хос айғоқчиларимиз жонига қасд қилиб юрган нобакорларни кириб ташлаш учун минг нафар отлик навкар билан инингизни жўнатынг. Мен сизларга кўпроқ ишонурмен!

– Хизматингизга ҳамиша тайёرمىз, аълоҳазрат!

Хон «кетаверинглар» деган маънода қўл силкиди.

Амир Беккичик «Барибир, сендан мен устунмен» дегандек Абу Саййид томон юзланиб, беўхшов тиржайди.

18.

Ҳожи бобонинг кулча ёноқлари ширмой нондек ялтирайди, оҳори тўкилмаган оқ желагининг оқимтир йўрма ёқасига оқ капалак пирпираб туради, кўриб, сезиб турган бўлса-да, уни чўчитиб юбормаслик учун ўзини сезмаган кўрсатганча сўзида давом этади:

– Бир ёмондан қутулдик. У маккор бизни кўп-кўп жонимизни қийнаган эди, ўғлим!

Ўз юртининг ҳеч бўлмаса ҳозирча битта кишлоғига хотиржамлик бахш этганидан боши осмонга етган Темурбек «бошланиши ёмон эмас» дея ўйларкан, кўнглида яратганга минг шукроналар айтиб, бутун эл-улусимга осуда, баракали кунларни ато этгин, Бухоро-Зиндон қишлоғидан бошланган эзгу иш бутун мамлакатга ёйилсин, дея ич-ичидан орзу қилди ва шу аснода Султон ул-орифин Қул Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг *«Дор узра шавқланибон ҳақни айтсам, Бу иш бирла, ёраб, сени тоғаймумен»¹*, деган сатрларини хаёл осмонидан ўтказди-ю, «сен қўлласанг, тутқунликда азоб чекаётган элим ёғийдан озод бўлиб, дунёга кўксини очади, унга имкон бер, у дунёни гулзорга айлантиришга, обод этишга қодир» дея яна ич-ичидан нола қилди.

– Бизнинг улуғ юртда қарокчи нари турсин, ўғри зотининг ўзи бўлмаслиги керакдур, Ҳожи бобо! – деди астойдил куюниб.

Бу гап Ҳожи бобога қантдек ёқиб тушди. Бу юртнинг ҳар бир фарзанди, ҳар бир нуронийси тинчликни, осойишта яшашни, бир оқ эшакка миниб, Ҳажга бориб келишни, қалбини ҳам, ўтирган ўрнини ҳам обод этишни истайди.

– Ўғлим, жон иним, қанийди, юрт шундай тинч бўлсаки, мўмин-мусулмонлар мукаддас Маккаю Мадинагача хотиржам бориб келсалар!

Қони жўшиб, элу улусининг озодлиги ҳақида қайғураётган Темурбек бу сафар кўнглидаги туйғусини очик тўкиб солди:

– Юрт деган мардлар, яхшилар бирлашса, ҳар мушкулни осон этмоқ мумкин эрур. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи топилгай, Ҳожи бобо! Биз ҳам қараб турмаймиз, жонимизни ҳам, имонимизни ҳам ана шу шарафли иш учун тикишга, фидо этишга... розимиз! – У аслида «тайёрмиз» демоқчи эди, аммо «тайёр» билан «рози» сўзлари ўртасида анчайин фарқ борлигини англаб, бир нафас орасида тилини ўнглаб

¹ Аҳмад Яссавий. «Ҳикматлар», Ғ. Ғулом нашриёти, Т., 1991, 95-бет.

олишга улгурди ва бундан ўзининг ҳам кўнгли тўлиб, енгил тортди.

Ҳожи бобо ҳам тили учигаги дардини ёрди:

– Қанийди, қанийди ўғлим, ҳамма бек, амирлар сиз каби ўйласалар. Уларнинг кўпи ўзим хон, кўланкам майдон, деб ўйлайдилар. Шунинг учун ҳам юртимиз ҳамон чингизийлар оёғи остида топталиб ётипти. Бобомиз айтган эканлар, бизни замонларда ўғри йўқ эди деб. Бугун Самадга ўхшаган на қофиру, на мусулмон – дини, имони, эътиқодининг тайини йўқлар ёғийлардан ўтказиб юртни таламоқдалар.

– Ҳар ким ҳаракатига яраша мукофот олур, Ҳожи бобо. Ўша қароқчи Самад не кўрди?! Бир бола отган ўқдан ўлим топди. Кимнинг ўғли экан ул бола?

– Акбар мерганнинг ўғли! Отасини буронғи йили Самаднинг думлари ўлдириб кетишган эди. Ўғли Холдор ҳам ўзига ўхшаб мерган чиқди.

– Уни энди Холдор мерган, деб аташ керакдур.

– Жуда яхши, Темурбек! Ўзингиз лутф этдингиз, ўзингиз эълон қилсангиз. Эртага элга ош бериб, буни айтсак, яхши бўларди. Аммо кетишга шошаянсиз.

– Бу ерда кўп туриб, Сизга зиён етказиб қўйишдин қўркурмен. Илёсхўжа айғоқчилари ҳар кадамда калхатдек изғиб юришибди.

– У баттоллар мақсадларига эришолмайдилар. Аллоҳнинг ғазабига учрашсин, илойим!

– Ундан кейин, Ҳожи бобо, меҳрибон жуфти ҳалолимни ҳам сизга топширамен.

– Хотиржам бўлинг, иним, у – менга фарзанд, кўз қорачиғдек, асрайман.

– Ҳожи бобо, яна бир илтимосим бор, Мамат билан ожизасини қолдирсак йўқ демасангиз.

– Мен ҳам шу ҳақда ўйлаяпман, иним. Ожизаларининг ою куни етиб турибди.

– Тушунган табаррук инсон экансиз, бир кун бул яхшиликларингизни, албатта, қайтаргаймен!

Ҳожи бобо билан Темурбек хужрадан чиқишган пайтда, кичик Мамат «қўшини» билан уларни кутиб турган эди.

– Холдор ҳам шу ердами? – сўради Темурбек шивирлаб. Кеча уни кўролмаган эди.

– Ҳа, ҳа, шу ерда! – деди Ҳожи бобо.

– Ҳамма сафга! – буйрук берди кичик Мамат.

Темурбек йирик кўз, жиккак бу боланинг жиддий нигоҳидаги қатъийликни кўриб, сўзида собит турадиганга ўхшайди, деган фикрга борди. Илмли, жанговар болалар! Туроннинг келажаги. Ҳозирча буларнинг шундоқ тарбия топганлари маъкулдур: бугун қишлоғини ҳимоя қилган бола эртага юрт учун курашдан қочмайди.

Рамазон ноғорани гуп урди.

Болалар бирпасда бўйма-бўй саф тортишди.

Ўлжай оқа билан Фотима тиниб-тинчимаган болаларга ҳавас билан қараб туришарди.

Кичик Мамат шахдам қадам ташлаб, бобоси билан Темурбекнинг олдига келди-да:

– Амир Темур «қўшини» амир жанобларини кузатмок учун сафланди! – деди қўнғирокдек жарангдор овозда.

Темурбекнинг беихтиёр завки келиб, кўнглида ажиб туйғу тўлқин урди. «Юртнинг эртанги азаматлари! Янги авлод шаклланмоқда. Қандай ажойиб!»

Ҳожи бобо мағрур эди. Меҳмонни шунчалик иззат билан кузатмоқда. Ўзи шуни хоҳлаганди. Кўнгил орзуси шу эди. Орзуси ушалди. Бундан севинмай бўладими? Меҳмонни кўнгилдагидек кузатса, руҳи енгил тортади. Азалдан одати шунақа. Худо раҳмати падари бузрукворлари ҳам шундай дер эдилар.

Темурбекнинг йигитлик куч-қудрати барқ уриб турган юзига алланиманинг ташвиши соя ташлади. Ҳожи бобо сергак тортди. У қувониши керак эди. Нима бўлди? Ё мени мазах қиляпти, деб ўйладимикин?

Темурбек кичик Маматни ёнига борди-да, кўтариб олди:

– Сизларнинг айнаи ўйнаб-куладиган пайтингиз эрур, болаларим. Аммо сизлар юртни, элни, мана шу азиз қишлоғингиз

шаънини, тинчини ўйлаб жуда эрта... жуда эрта болалик тўнини ечдингиз! Ақлли бола тез улғаяди. Рост. Замон сизни тез улғайтирди. Бу яхши. Аммо билим олишни ҳам унутмангиз. Ўртга фақат навкарлар эмас, боғбон ҳам, олим ҳам керак. Лекин бу билан, мен сизларни навкар бўлманг, демоқчи эмасмен. Баҳодур навкарлар бўлинг. Ўртдан ёғийларни қувиб чиқарайлик. Бу юрт қарокчилардан, босқинчилардан чарчади! – Темурбек Ҳожи бобо томон қаради: – Холдорни ўртага таклиф қилурмиз.

Ҳожи бобо нигоҳига ғамгинлик қора муҳри босилган узун бўйли болани чақирди:

– Бери кел, баҳодурим!

Бола бўйинини эгиб ўртага чикди, унинг қўллари титрар, қандайдир ҳаяжонда эди.

– Ёшинг нечада? – сўради Темурбек.

– Ўн учда, – жавоб қилди бола ерга қараб.

– Ака-укаларинг борму?

– Бор, укаларим бор. Тўртта.

– Отни яхши кўрасанму?

– Яхши кўраман!

Темурбек кичик Маматга қаради:

– Сен-чи? Сен ҳам отни яхши кўрасанму?

– Яхши кўраман! – бийрон жавоб қилди у.

Темурбек уни ерга қўйди-да, Холдор билан иккаласини кучоклаб олди.

– Мамат?

Иккала Мамат ҳам барабарига: «Лаббай», дейишди.

Атрофдагилар ёқимтой овозда қулишди.

– Катта Мамат? – чақирди Темурбек.

– Лаббай?

– Отлардан иккисини келтиринг!

– Бош устига, амирим!

Темурбек шодлик барқ уриб турган чехраларга тикилди:

– Икки азаматни кечаги қахрамонликлари учун биттадан саман от билан мукофотлаймиз!

Атрофдан дилкаш хитоблар эшитилди:

– Муборак бўлсин!

– Муборак бўлсин!

Кичик Мамат билан Холдор бараварига таъзим қилишди.

– Қуллук!

– Қуллук!

Темурбекнинг кўзлари ғамгин боқди. Ҳожи бобо ундаги бу ҳолатни сезиб тараддудга тушди, бир-бирига зид ўйларни хаёлидан ўтказаркан, улардан бирортасини ҳам фикр майдони тўсиғида тутиб қолишга қурби етмади: Ўлжай оқа бу ердаги шарт-шароитлардан норози бўлиб, бирор гап айтганмикин, деса, кўнгли «йўк, йўк, ундай эмас», дейди, жони оғрияптими, деса, юзлари тирсиллаб, кўзлари чарақлаб турибди, ишкилиб, у деса, буниси эмас, бу деса, униси эмас, хуллас, бир тўхтамга келиши қийин эди. Нима гап? Нега дарҳол юзига дард кўнди?!

Ҳамманинг кўзи унда, болалар ҳам, хотин-халаж, чолкампишлар ҳам Темурбек деганлари шу хушсурат, паҳлавон йигит экан-да, дея уни чор атрофдан ўраб олган. У бола Холдорбекнинг ёнига келди ва:

– Сенинг бошингга тушган ташвишдан хабарим бор, – деди бир оз шикаста овозда. – Ул падари бузрукворингни жойлари жаннатда бўлсин. Бундай ғамгинлик қайтиб бошингга тушмасин! Лекин сен отанг орзу қилган ҳақиқий баҳодурсен. Мен сен билан фахрландим. Кеча қочиб кетаётган қароқчини шунчалик узок масофадан беҳато урдинг. Биламен, бул кеча ухлолмадинг. Кўзларинг кизариб турибди. Қўрқувдадурсен. Алахсираб чиққандурсен! Қаддингни баланд тут: ёмоннинг жазоси шу! Ул нобакор кимларнинг бошига етмаган. На оналаримизни, на сингилларимизни аяган. Азроил сенинг қўлинг билан унинг жонини олди ва Аллоҳ: «Эй бандаларим, агар ёмон бўлсангиз, ҳар қанча маккор, ҳар қанча қудратли бўлманг, менинг айтганим бўлур, яъни мана шундай маҳв бўлурсиз, хоҳласам филни чивин захри билан маҳв этгаймен!» – дейди. Тангри ана шундай қудратли ва адолатлидур. Холдорбек, ҳамиша адолатли бўл. Мана бу саман от умрбод содик ҳамроҳинг бўлсин!

Бундай олихимматликни кутмаган шекилли бола Холдорбек аввалига бир оз тараддудланиб қолиб, коп-қора киприклари пир-пир учиб, бир текис лаблари титроққа тушди, сўнг тунд юзига кизиллик югуриб, кулгичлари жилва қилди.

– Қуллуқ, бек жаноблари! Қуллуқ! – деди худди кўпни кўрган навкарлардек тик боқиб. – Мен падари бузрукворим орзу қилгандек инсон бўлурмен!

Темурбек уни кучоклаб олди:

– Умринг узун бўлсин!

Ҳожи бобонинг тиришган пешонасидаги ажинлар дув тўкилиб тушди. Гап бу ёқда экан-да. Юртнинг битта бола-сини деб, ташвишга тушган бекни нима деб аташ мумкин?! Бошқа беклар бўлганда, назарга ҳам илмасди уни! Отасига раҳмат бекнинг!

Кичик Маматга ҳам худди шундай иззат кўрсатилганини кўрган Ҳожи бобонинг кўнгли тоғдек кўтарилиб, «Илоҳо, тақдиримизда шундай олижаноб бекнинг битилгани рост бўлсин!» дея пичирлади.

Аввал Холдорни, сўнгра кичик Маматни Темурбекнинг ўзи отга миндириб қўйди-да:

– Қадларингизни доимо баланд тутингиз, болаларим! – деди худди навкарларига буйруқ берган ўктам, жарангдор овозда.

Ҳожи бобо дуо қилди:

– Омин! Айтганингиз келсин, болам! Аллоҳу акбар.

Жанубдан эсган шамолнинг муаттар ҳиди Темурбекнинг кўксини майин сийпалиб ўтди. «О, юрт шамоли! Сен ҳам олқишляпсанми бизларни?! Сен ҳам соғинганмисан озодликни?! Кўриб қўй, агар сенга озодлик оламини қайтариб олиб келсак, бағрингдаги ҳар бир бола бундан ҳам ортиқ меҳр кўради. Дунё болалардан бошланади, аммо буни олчоқ ғаним қайдан ҳам билсин! Билса-да, зуғумини кучайтириб, уларга кун бермасликка тиришади. Эмишки, бир чингизий ҳоким ота-болани калтаклашга буюрибди. Аввал отасини ётқизиб, юз дарра урибдилар, лекин у киприк ҳам қокмади. Сўнгра бо-

ласини ётқизиб, бир таёқ урган эдиларки, у шундай додладики, хатто хокимнинг ҳам эси чиқиб кетаёзди.

– Ўзинг юз таёқ еб, мардона туриб, ғинг демадинг, ўғлингга бир таёқ зарб берганларига бунча нола киласан?! – деди хайрон қолиб.

Ота жавоб берди:

– Аввал менинг баданимга урган эдинг, чидадим. Энди таёқ жигаримга тегди, чидай олмадим!»

Темурбек ана шу ривоятни Ҳожи бобога сўзлар экан, бояги фикрини такрорлади:

– Ҳар бир юрт болалардан бошланади. Шу болаларнинг икболини кўрайлик, Ҳожи бобо! Юртни юрт қиладиган мана шу кўз қорачиқларимиз бўлади. Ўғузхондек буюк инсон ҳам болаларни «Кўз қорачиқларим» деб асрар экан.

– Темурбек, ўғлим, бугун болаларимизни беҳад хурсанд этдингиз, бундан бошим кўкка етганлигини яширмайман. Энди мен Сизни ҳар намозимда дуо қиламан, Яратган кўлласин сизни!

Болаларнинг шодон овози уларнинг завқини оширди. Яна шамол эсди, Ҳожи бобо ўзини янги тонгни қаршилаётган киши каби ҳис этиб, субҳидам шабадасидан масрур бўлгандек, енгил тортди, ёқимли шабада қайта юзини силаб ўтиб, гув қалбига кирди-ю, қолган ғамларини ҳам сидириб чиқиб кетди. Қандай яхши кун бўлди бу кун! Темурбекнинг шарофати билан кишлоқларига барака, қувонч келди. Минг шукр, минг шукр!

Кичик Мамаднинг оғзи қулоғида эди.

Ўлжай оқа, Фотима, Зухра ойимлар гулли патнисларда гижбулқанд, Самарқанд ҳолвасидан олиб келиб, болаларга, аскарларга тарқатишди.

Темурбек бир ҳовуч қумуш тангани уларнинг устига сочган эди, болалар дув этиб даврага кириб, сочқиларни теришга тушдилар. Ҳар ёнда кулги, қаҳқаҳа янгради, «офарин» деган сўзлар кўкка учди, Бухор-Зиндон қишлоғи бугун жуда файзли ва тароватли эди.

– Халойиқ, аҳли мусулмон! – деди Темурбек кутилмаганда. – Бир таклиф айтсам, қабул қилурмисиз?

Барчанинг нигоҳи унга қадалди. Яна нима гап?

Ҳожи бобо:

– Сўйланг, болам, Сиз бизга фақат яхшилиқни раво кўрасиз! – деди кизиқиш билан.

Энди у бояги Темурбек эмасди, ғам ундан ортга чекинган, кўзлари қўш юлдуздек нур сочмоқда эди.

– Мен истар эдимки, қишлоғингизни бундан буён Бухор-Зиндон эмас, Бухор – баҳор, деб атасангизлар! «Яхши ният, ярим давлат!» Бу ердан бошланган баҳор бутун юртимизни гулларга ўрасин! – деди у боягидек ўктам, жарангдор овозда.

Ҳожи бобо ундан бу гапни кутмаган эди, бир яхшининг шарофати билан олам бўстонга айланиши, бир золимнинг касофати билан дунёни тўфон босиши мумкин. Нуҳ пайғамбарга кулоқ солмаган осийларнинг бари ном-нишонсиз кетди, ношуд ўғли ҳам унинг гапига кирганида, ҳалок бўлмас эди.

Яқин орада булбул хониш қилиб, чолнинг кўнглига завқ улашди, ширмой нон ҳиди димоғини қитиклаб, иштаҳасини очди. Шу иштаҳа ҳам муҳит танлайди-я, ё тавба!

– Ҳожи бобо! – Темурбекнинг жарангдор овози унинг хаёлини бўлди. – Энди менга жавоб! Бир дуо қилинг!

– Бир-икки кун турмайсизми, иним?! Суҳбатингизга тўймай қолдим!

– Насиб этса, тинч кунларга етишсак, ҳали кўп суҳбат курамиз, Ҳожи бобо!

– Ҳай, майли, иним! Илоҳо, юртимиз ёғийлардан озод бўлиб, Сизга ўхшаган ор-номусли иниларимиз бизга бош бўлиб, роҳат-фароғатда яшаш насиб этсин!

19.

Илёсхўжа тикан устида ўтиргандек безовта, калбида нукул ғамгин куй нола қилади, жони озорда, руҳи оғир, кимсан шундай улуғ юртнинг ҳукмдориға нечун ун йўқ?!

Ҳамма нарса омонатга ўхшайди: нега бундай? Давлатни Улуғ отасидан яхшироқ бошқарса керак, деб ўйлаганди. Битта ғаним – энг хавфли ва энг қудратли куч – Темурбекка кучи етмаяпти: унинг на катта қўшини, на бойлиги, ҳатто жонини сақлаш учун кичик қўргонни ҳам йўқ. Лекин кундан-кунга кучайиб бормоқда! Нега у кучайиб бормоқда-ю, нега мен кундан-кунга омадсизликка юз бормоқдамен?! Нега, нега?! Ё ёнимдаги амирлар, мулозимларнинг бари нўноқ, ношукурми? Эҳтимол, ораларида айғоқчи бордир. Текшириш керак, тафтиш ўтказмоқ лозим.

У чапак чалди. Ғундалак, қўли калта киши – эшик оға ичкари кирди.

– Лаббай, аълоҳазрат?

– Ҳамид Тархонни чақиринг!

– Хўп бўлади, аълоҳазрат!

Илёсхўжа бу одамга ҳеч эътибор бериб қарамаган эди: қадам олиши жуда чаққон, нигоҳи ғанимини чақиб олишга шай турган илондек қўрқинчли, совуқ; қўйнида илон асраб юрган бўлса-чи, буни ҳам тафтиш этмоқ керак.

Эшик оға тез қайтди.

– Аълоҳазрат! Ҳамидга одам юбордим: у навкарларни кўрикдан ўтказаётган экан.

Илёсхўжа мағрурона тиржайди. Яхши, яхши! Тайёргарликлар жойида. Яқинда илоннинг бошини янчамиз.

Эшик оға унинг сукутга кетганини кўриб, қўл қовуштириб турарди.

– Хўш, яне не гап?

– Аълоҳазрат! Чопар келди Бухородан.

– Айт, дархол кирсин!

– Хўп бўлади!

Илёсхўжанинг фикр чўлини бўри овозига ўхшаш ваҳимали, совуқ шамол чангитиб юборди: омонат давлат тез қулайди. У қўрқиб орқага тисарилди: нечун бундай ўйлаяпти? Нечун ваҳима? Нечун бундай бўлаяпти? Нега у хонлардек бемалол яшолмайди?!

Чопар кирди. Ияги кичкина, сарғиш мўйлов, озғин йигит. Илёсхўжа уни дархол таниди. Мўғулистондан олиб келганди: чаққон, учкур ва зийрак йигит деб таъриф беришган, макташганди. Кўрамиз, қани мактовларни оқлармикин?

Чопар ўнг тиззасини ерга қўйиб, таъзим қилгач, эмаклаб келиб, Илёсхўжанинг этагини кўзига суртди.

Илёсхўжа боягидек мағрурона тиржайди. Уқувли йигит!

– Аълоҳазрат?

– Сўйла!

– Темурбекнинг изини топдик. У Бухородан Кешга қараб кетди. Маъшуқаси Бухор-Зиндон кишлоғида қолди.

Неча кундан буён иситма бор одамдек қалтираб турган Илёсхўжанинг танасига жон кириб, энди қалбидаги ғамгин куйни «кишт-э!» дея қувиб солди. Тузоққа илинишинг якин, сен ярамаснинг? У чопарга «чиқ» дегандек ишора қилди. Чопар ундан бирор илик сўз кутганди: унинг оғзи очилиб, сўйлоқ тишлари кўринди. «Одам эмас экан-у бу хон!»

Эшик оға дўриллади:

– Амир Ҳамид Тархон келдилар!

Чопар орқаси билан чиқиб кетди.

Ҳамид Тархон югуриб келган кўринади, ковоқлари, куш боласининг кўзлари каби юмилиб қолган, пешонасидан тер қуйилади.

Илёсхўжа унга қарамай деди:

– Сиз ҳам амир Беккичик ортидан Кешга жўнайсиз!

– Бош устига, аълоҳазрат!

– Илоннинг бошини ўшал ерда янчамиз!

– Албатта, янчамиз!

Енгил-елпи жавоб Илёсхўжага ёқмади. Ҳезалакка ўхшайди бу баччағар! Маънили гап айтса-чи!

– Сизнингча, Темур барлоси канча қўшин йиға олур?

– Мингдан ошмайдур.

– Шунга ишончингиз тўликму?

– Тўлик, аълоҳазрат!

– Қайдан билурсен! – сенсиради Илёсхўжа.

– Ўзини билган амир изғиб юрган аллақандай саёкқа эмас, Сиздек обрўли, давлатли хонга эргашур.

– Мовароуннаҳрда бундай зийрак амирлар кўп деб ўйлайсанму?

– Мен аларнинг қўйнига қўл тиқиб кўрганмен. Улар Сиз тараф!

– Ул бадкорнинг бошини олгач, қўйнингни мукофотга тўлғазурмен!

Ҳамид Тархон бурни ерга теккунча букилди:

– Қуллук, аълоҳазрат!

Илёсхўжа унинг хотинбозлигини яхши биларди.

– Жононларга ҳам! – деди тиржайиб.

Ҳамид Тархоннинг бурни ерга тегди.

– Сиз хон эмас, отамсиз!

Илёсхўжа қўл силкиди.

– Бор энди! – деди, «Ўзингдан кетма, бу шунчаки гап-да» деган маънода.

Шоҳона қаср хувуллаб қолди, гўё бирдан боғдаги қушларнинг нағмаси тингандек, сукунатни ҳис этаркан, хон чўчиб ён-атрофига қаради; ҳеч бир зоғ йўқ. Нега чўчиди? Нимадан? У жаҳл билан қўл силтади. Ҳаммасига тупурдим! Ваҳимасигаям, бошқасигаям! Менга шундай туюлаяпти шекилли! Омад келаяпти-ку, ахир! Чопар келди. Илоннинг думи қўлимизда! Бошини топсак, бас: менинг айтганим бўлади.

Ёнидан ел ўтгандек, беҳосдан титраб-қақшаб сесканди-ю, яна сукунат уни совуқ қучоғига олди. Аллақандай қора шарпа қоронғи фикр ғорини гир-гир айлангач, қулоғига шивирлади: «Сен ожиз банданинг айтгани эмас, Яратгanning буюргани бўлур!»

У чўчиб орқага тисарилган эди, этигининг пошнаси юмшоқ гиламга илиниб, оёғи кирс этиб қайрилди-ю, кучли оғрик товонигача зириллатиб юборди. «Ҳамма нарса омонатга ўхшайди-я, ё баччағар!»

Ҳаво совуқ, тоғ томондан эсаётган совуқ шамол гоҳ ўнгдан, гоҳ чапдан эсиб, кўз очиргани қўймайди. Бундай совуқда довонда узок туриш мумкин эмас. Бирор қишлоқ, қалъага бориб, бир-икки кун туришга ҳам имкон йўқ, қўлга тушса, тирик қўйишмайди.

Изиллаб совуқ шамол эсиб, заҳарли ниначалари билан юз-қўлларга санчилиб, сим-сим оғриқ берди, адир ортидан оч бўрининг хунук увлагани кулоққа чалинди. Отлар ер тепиниб, қаттиқ-қаттиқ пишқирди.

Неча кунлардан буён ҳузур-ҳаловатни, тўйиб овқат ейиш, ухлашни билмаган Темурбек руҳида тоғдек оғирликни ҳис этиб, ух тортди. Қайфиятинг чоғ, руҳан тетик пайтларда «ғамташвиш олдида ҳеч қачон бўйин эгмайман», деб ўйлайсан-у, аммо кетма-кет зарбага учрасанг, гангиб қолар экансан. Энди нима қилади, қаерга боради, итдек ўлим топса-чи?! Эҳ, қачонгача яшириниб юради? Тақдирнинг оғир кечмишлари қачонгача давом этаркин? Кешга киролмади. Амир Беккичининг одамлари бор экан. Уни қидириб юришибди. Қўлга тушса, омон қолмайди. Ҳаёт осмони ойдинлашиб қолди, ҳамма нарсаси аён: ким-кимни? Илёсхўжа уними? У Илёсхўжаними? Кимни дўзах кутиб турганикин? Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди. Ҳеч қачон қайнамаган. Дунё кўз очиб, бундай янгиликни кўрмаган. Мовароуннаҳр тахтига икки қўчқор даъвогар. Ё Сиз, ё ракибингиз йиқилиши керак. Ғалаба битта-ю битта сўз, битта мукофот. Уни бўлиб бўлмайди.

Отлар жадал йўрғалайди. Шу жониворларнинг жонига балли. Одамзод тинса, тинадики, улар тинмайди, эрта-кеч хизматда. От энг яхши йўлдош, деб тўғри айтганлар. Устозлари бўлмиш шайх Шамсуддин Кулол ҳам от ҳақида жуда бамаъни гап айтган эдилар: «Сабоқдан сўнг от миниб кўнгил хушламоқнинг фойдаси катта. Эр кишининг албатта оти бўлмоғи керак. От — давлат, барака, дегани ҳамдир».

Ёшлик йиллари, қайноқ, дилбар йиллар. Чарақлаган офтоб, майин ҳаво, ям-яшил майсалар, шарқираб оқаётган зилол

сувлар – бари гўзал эди, унутиб бўладими у дамларни, болалик дамларини, ўсмирлик йилларини! Ўшандан... ўшанда ҳар куни пешиндан сўнг Кеш атрофидаги яйловларга чиқиб кетарди. Сулаймон деган отбоқарлари бўларди. Зап яхши одам эди. Отлар жони-дили эди. «Шошма, болакай, кувганинг билан мақсадга эришолмайсан. Аввало, отни қўлга олишнинг йўлини бил», – дея маслаҳат берарди.

Темурбек окиш тўла юзли, қош-кўзлари қоп-қора, кўркли, хушрўй бола эди. Худо бераман деган бандасига ризқ-рўзни бутун инъом этади. Унинг забони ҳам ёқимли эди. «Сизга шогирд бўлмоқлик мен учун катта бахт эрур!» – дея гап қотарди у бийрон тилда. Сулаймон отбоқарнинг юпқа, котма лабларида кулги ўйнарди. «Майли, бек ака! – мулозамат кўрсатарди у ҳам самимий, содда оҳангда. Сўнг унга тушунтира бошларди: – Қўлга ўрганмаган отнинг ортидан борсанг, тепади, олдидан борсанг, ваҳший-да, ваҳшийлигига боради – тишлайди. Қандай йўл тутиш зарур? Бундай олифта отнинг ёнбошидан бориш керак? Ўнг томондан борсангиз, ўнг қўл, чап ёнидан борсангиз, чап қўл минан ёлидан ушшаб, бир дегунча устига миниб олишингиз керак. Кейин у, сизни, бек ака, йикитмоқчи, устидан ирғитиб ташламоқни кўзлайди. Қорнини икки томоннан сиқинг. Тизза минан. Қани ман кўрай акқа-баққа борганини. Шунноғ ювош бўлади-қолади. Ана кейин миновиринг. Хоҳлаганча!»

Соддадил отбоқарнинг жиддий маслаҳатлари унга мойдай ёқиб тушар, сира эринмасдан уларни бирма-бир ўзлаштирар, зарур бўлса, билмаганларини сўраб олишдан ҳам орланмасди: от ҳам ўзга бир дунё, уни ювишидан тортиб кўпайтиришгача – икки дунё экан, отни совутиш, деган гапни эшитган эди-ю, аммо маънисини билмасди. Бора-бора ҳаммасини англади. Отдан отга сакраб ўтишни, олддан, ортдан, ён томонлардан ғанимга зарба беришни, ўқдек учиб кетаётиб, камон билан тиллашишни ҳам бинойидек ўзлаштириб олди. Икки марта отдан ағдарилиб тушиб, биринчи мартасида елкаси лат еди, иккинчи марта ўнг елкаси қизариб, қорайиб кетди. Лекин азобларга ғиқ этмай, тишини тишига қўйиб чидади.

То у соғайгунча отбокар тиним билмади: аллақаерларга бориб, мўмиё, малҳам топиб келди. Ҳатто бир сафар уни тоғлик табибга кўрсатди. Лекин Темурбекнинг падари бузруквори – Амир Тарағай буларнинг бирортасидан хабар топмади. «Мард ўғлон экансан, – деди Сулаймон отбокар. – Фарзанднинг оҳ дегани ота-она учун катта азоб, ўғлим! Ота-онани ҳеч қачон қийнамаслик керак».

«Бундан кейин меҳрибон волидам, падари бузрукворим ва Сизниям сира-сира қийнамаймен!» – деди Темурбек мулзам бўлиб.

Шу-шу у ҳар бир ишга тайёргарлик билан, пухта ёндашадиган одат чикарди.

Улар адирликка кўтарилишди. Ярим тун. Ой ёғдусига чулғанган дунё сукунатини фақат отлар дупури безовта этади. Кўзлар роғ-роғ: иложи бўлса, тўхтаб дам олишса! Лекин мумкин эмас. Тезроқ Жайхунга етиб, Мовароуннаҳрдан чиқиб кетиш керак.

Ўлжай оқа яхшимикин? Ишқилиб, битта-яримта бадкор уларни сотиб қўймасмикин?

Эй ҳукмрон фалак, меҳрибон ёстикдошимни паноҳингда асра, зурриётимга ҳам қувват бер, токи у қувват билан ожизамга илоҳий куч ато этсин!

Ўнг томонда Дарбанд қишлоғи. Қизил лойли томлар. Довдарахтзор. Отлар кишнайди. Бу ерда зотдор отлар боқилади.

Темурбек навкарларини дарё ёқалаб юкори бошлади. Саримаст тоғлари қўйнига кириб бориб, баланд қоя ортида, дарё бўйида тўхташди. Бу ер тошлоқ, кенг жой. Навкари бор-йўғи 100 нафар. Ювиниб-тараниб олишсин. Бомдод намозини шу ерда адо этиб олишгани маъқул. Намоз ҳам вақтида вожиб!

Қоровуллар тепаликда қолишди. Жангу жадал кишиси учун хотиржамлик бегона. Хотиржам киши амир ҳам, навкар ҳам бўлолмайди. Бўлганда ҳам хотиржамлик боғида роҳатни хуш кўрганнинг ё шармандаси чиқади, ё ўққа учади.

Темурбек уч кундан буён ғусл қилмоқни ният қилиб, имконини тополмай юрганди. Жума эртаси. Хосиятли кун. Ним лойқа оқаётган дарё суви муздек. Яқин ойлар ичида

илиқ сувда таҳорат олганини эслолмайди. Одам ҳамма нарсага кўникар экан. Ҳамма нарсага! Ҳамма шарт-шароитга. Хоҳ киш, хоҳ ёз бўлсин, энди унга фарқи йўк: икки йиллик жанговар машқларда ҳам сабоқдан сўнг, танаси қотгач, фақат муздек сувга ювинади, юракка совуқ ошно экан: худогоа шукр, тўрт мучаси соғ, айрим аслзодалар каби ноз қилиб ўтирмайди, совуқ сувда ғусл қилади, таҳорат олади. Покиза юрмоқликнинг фойдаси катта!

Дарбанд ёнида тўрт отлик кўринди. Темурбек ўн чоғли навкарни ўша ёкка жўнатди. Нотаниш отлиқлар уларни кўриши билан Қаҳалға томон кетишди.

Темурбек қўшинни ўн нафар, ўн нафар гуруҳга бўлди. Ҳар нарсани кутса бўлади. Дўстми, душманми улар?

* * *

– Энди нима қиллик? – деди домла ташвишланиб. – Улар кўпчилик.

Расул ҳам юрагига кўрқув тушганини яширмади:

– Кўнгил сезувди-я! Тўрт кишининг шунча азаматга кучи етармиди?!

– Ман уларни чалғитиб тураман, – деди Назар деган шериклари дўнг пешонасини тириштириб. – Сиз учалангиз камон минан уларни даф қиласизлар.

Йўрма ёқали билан асир олинган мўғул чопарнинг қўли боғлиқ эди, ён-атрофга талмовсираб қараркан, титраб-қақшаб, қўлини ечиб қўйишини сўради. Кеча уни Ҳузор йўлида ушлаб олишган эди. Кешга келаётган Илёсхўжа тавочиларига етиб олиши керак экан.

– Сан баччағар тилингни тийиб ўтир, яна чурк деб оғиз очсанг, энангни кўрсатаман, – деди Расул жаҳл билан.

Домла уни кўндирмоқчи бўлди, лекин қайсар Расул барибир кўнмади, қайтага унинг гапини чўрт кесиб:

– Боскинчидан ёрдам сўрашни ор биламан, домла почча! – деди заҳарханда овозда, аммо Назар «Нима қилдик, бораимми?» дегандек имо қиларкан, унга шу заҳоти оқ йўл тилади. Бирок у ўрнидан кўзгалган пайтда:

– Тўхтанг, жўра! – деди-да белидаги кумуш дастали киличини унга узатди. – Ўзингизникини манга беринг. Бунинг. Мени руҳан ёнингизда тургандек ҳис қилинг, жўра.

Назарнинг дўнг пешонаси таранг тортилиб, нигоҳи беғубор тонгдай ярқиради:

– Раҳмат, жўра!

Расулнинг юраги типирчилади: руҳи оғирлашиб, томирлари тортишди. Бир-икки фурсатдан сўнг улар ё бор, ё йўқ. Ажалнинг қувиб келганини қаранг. Ўз юртингда эркин юролмайсан. Шуниси алам қилади.

Домла калима қайтаришга тушди:

– Ло илаҳо илладлоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ!

– Домла? – Расулнинг лаблари чўччайди.

– Ҳа, иним?

– Нафасни ўткирроқ қилсангиз-чи?

– Айтиб бўладими, ўзингиз ҳам...

– Кўнглимни кўтариш ўрнига, ниятингизни қаранг-у. Ким айтади Сизди домла деб?!

– Уришманг, иним, худо денг!

– И-бе, ана гапни қаранг-у!

– Ҳай, иним, ман бандаи ожиздан хафа бўлманг: ҳаммамизда бир аъзо кам яратилган.

– Энди палсапага ўтдингизми?

– Ман ҳақ гапни айтяпман, иним!

– Ўша бир кам аъзо нима экан?

– Хом сут эмганмиз.

– Пишик сут тайёрлаб берадиган аъзо яратиш керак экан-да!

– Худога шак келтирманг, иним. Сизга нима бўлди ўзи?

– Мандан эмас, ўзингиздан сўранг, нима бўлди деб?

Ҳар гапга фаришта омин, дейди. Яхши ният ўрнига калима қайтариб ўтирибсиз!

– Ман...

– Ўзингизни оқламанг, домла! Биласиз-ку, ман...

– Ҳай, иним...

– Ман яхши ният қиламан доимо!

Домла мум тишлагандек жим колди. Нега калима келтирди? Ундан кўра, яхши ният қилмайдими? Билади-ку шунинг одатини: ўзиям айтди: ёмон ният қилган кишини жини ёқтирмайди. Отарга ўқи, кўрарга кўзи йўқ.

Домла секин пичирлади:

– Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм. Субҳаналлоҳ, валҳамдулиллоҳ, ва ила илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар. Ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи-л-ъалий-л-ъазийм. Машааллоҳу ва ма лам яшалан якун.

Расул қўлини дуога очди:

– Дарвоқе, Парвардигоро, ёлғиз ўзинг ҳар ишга қодирсан, ўзинг паноҳингда асра!

Пастдан Назарнинг товуши эшитилди:

– Расул! Жўра!.. Тушаверинглар! Биз кидириб юрган кишилар экан.

* * *

Темурбек уни ўрнидан туриб қарши олди:

– Сиз Расулбексиз? Шундайми?

– Шундай, мухтарам зот!

– Мамат менга Сиз тўғрингизда сўзлаб бергон эди, – Темурбек уни бағрига босди. – Сиздан кўп миннатдормен! – Кейин ёнидагиларга буюрди. – Сарупо олиб келинсин!

Расулбек шерикларини таништирди:

– Бу киши домла! Бу киши Назарбек! Бу киши – Қодиркул. Биз тўрт оға-инилармиз. Сизнинг сафингизда туриб, мўғулларни юртимиздан кувиб чиқармок ниятида йўлга чиққан эдик. Бобомиз ҳам, падари бузрукворимиз ҳам уларнинг ифлос қон томган тиғларидан шаҳид кетганлар.

– Жойлари жаннатда бўлсин ул зоти олийларнинг! Юрт деган кишилар экан!

Расул семиз, гўштдор эмасми, қуюқ терга ботди.

– Мамат айтган бўлса керак Сизга, биз йўлда...

– Хабарим бор! – Бир тахлам сарупо келтиришди. – Қани, Расулбек! – Расул кенг гўштдор елкасини тутди. – Муборак бўлсин!

– Куллуқ, бек ака. Бошим осмонга етди.
– Қани домла бобо!
Домла кулиб турарди.
– Энг улуғи Сиз бу йигитларнинг!
Домланинг қулоғи оғзига етди.
– Омин, илоҳо, мартабангиз улуғ, бахтингиз бутун бўлсин, амирим!

– Қани, Назарбек, Қодиркул!
Икки йигит қадларини эгиб, елка тутишди.
– Саруполар муборак! – деди Темурбек уларга завқланиб қараркан.

– Куллуқ, куллуқ!
Мўғул билан Йўрма ёқалининг ҳасратдан кўзлари ёнар, иккиси ҳам ҳаётда ким яхшилиқ қилса, мукофот топишини-ю, зулм қилса, ўзларидек азобга гирифтор бўлишини ич-ичидан ҳис этмоқда эди.

Темурбек йўрма ёқалидан исмини сўради.
– Исмин – Акбар! – жавоб килди у.
– Шундай пок номни расво қилибсен!
– Бек ака, бир қошиқ қонимдан кечинг, адашибман. Хатойимни тўғрилашга ҳаракат қиламан: ғанимларингизнинг беш нафарини йўқ қилишда ёрдам бердим.

– Тўғри айтяпти, муҳтарам бек! – деди Расул.

Темурбек унинг қўлини бўшатди. Қил чилвир семиз билакларни қип-қизил, тарам-тарам қавартирган эди. У билакларини укаларкан деди:

– Рухсат берсангиз, тўрт нафар ғанимингиз қолди, уларни ўзим даф этаман!

Темурбек унга мулойим бокди. Ўзи ҳам уни озод этишни кўзлаб турганди. Инсонни кечира билиш ҳам керак. Ким хато қилмаган бу дунёда, кимлар адашмаган дейсиз ўз йўлидан!.. Бу бечорага ҳам яна бир имкон бериш керак: ўзини ўнглаб олса, берди худо, бўлмаса, урди худо!

– Бу дунё ҳеч кимга вафо қилмаган, – деди у «буни айтиб қўйиш бурчим» деган маънода, – биз ҳам, сиз ҳам ажал етган кун кетурмиз, аммо она тупроқ жасадларимизни ҳазар қилиб кутиб олмасин. Буни доимо эсингизда сакланг!

Акбар тиз чўкди:

– Тушундим, бек ака!

Темурбек ёнидаги тавочига буюрди:

– Бул инсонга бир яхши от, уч кунлик озиқа беринг!
Хоҳлаган манзилига етиб олсун!

Акбар Темурнинг этагини кўзига суртди.

– Ман сизнинг кимлигингизни энди англадим, амир жаноблари! Хиёнат қилсам, тузингиз урсин!

– Омон бўлинг, иним! – деди Темурбек.

Расул домла билан кўз уриштирди. Ғанимини ҳам «иним» деди. Илёсхўжа бўлганда, гўштини итларга ташлатар эди. Мўғулни олиб келишди. Унинг қўлларини ҳам Темурбекнинг ўзи чилвирдан бўшатди.

– Мен уни ёлғиз сўроқ қилурмен, – деди кейин. Атрофдагилар дарё бўйига тушиб кетишди.

22.

Кешдан отлик келибди, деган хабар бир зумда кишлоққа ҳам ёйилди, Олим Маматни чақириб келди, лекин ундан ҳеч гап ололмади: бобоси билан катта Мамат чопарни ичкарига таклиф этиб, меҳмон қилишаётган эди.

Зухро ойим уч-тўрт ҳафтадан буён ором топиб қолди. Ўлжай Туркон оқа билан Фотима ётса ҳам, турса ҳам унинг атрофида гирдикапалак – жон дугона, кўнгли нима истаса, шуни тутишади. Аммо бегойим оғир оёқли Фотимани кўп уринтиришга йўл қўймайди. Доя кампир: «Юрсин, ҳаракат қилсин, ҳомила семириб кетмайди», дея Зухро ойимга тасалли беради. Ўлжай оқа – аслзода аёл. Ҳеч бўлмаса, уни ишлатмаслик керак. Бир-икки айтиб кўришди: бўлмади. «Опа-жон, Сизга хизмат қилмоқ мен учун мукофот эрур», – деди у Зухро ойимга. Лекин унинг ҳам бўйида борлигини Фотимадан бошқа ҳеч ким билмасди. Иккаласи ҳам Кеш упасини ой юзларига қуюқ босишар, бухоро хандон сурмаси билан кўз-қошларини қоп-қора бўяшиб, ўзларини билдирмасликка ҳаракат қилишади.

Зухро ойим Ўлжай оқанинг тилло сурмадонига хаваси келади, бобоси совға қилган экан: бош бармоқдан сал йўғонрок, сиртига нақш солинган, торайиб борган ерида, митти оғизчаси ёнида «Ўлжай Туркон оқа» арабий ёзув бор; копқоқчаси шунчалик моҳирлик билан ишланганки, митти олтин занжири бўлмаса, уни сезиш қийин; гар уни кафтига олса, биров сезмайди ҳам, лекин ичидаги сурма беш-олти ойга бемалол етади; қўли гул хунармандларнинг илмига тасанно, бунақасини кўрмаган эди, Зухро ойим ичидан ичикса ҳам, сиртига чиқармади, илк бор сурмадонни кўрганда «Вой, бу нима?» дея ҳайратга тушгани ҳам эсида. Ўшанда Ўлжай оқа маъсумона кулиб: «Кўзни равшан қиладиган нарса», деган эди, сўнгра: «Сурма олтин билан кулишиб кўришар экан», дея гапини ҳазилга ҳам бурган эди.

Ҳар эрта қош-кўзига сурма тортган Зухро ойим кечгача, то уйкуга кетгунча киприги, қошига қўл теккизмайди.

Кечкурун бўлди дегунча кенг ҳовлига сув сепилади, биров овқат масаллиғини тайёрлашга, бошқалар чой қайнатишга, идиш-товокни ювишга шошилади. Ҳожи бобо билан Мамат эса худойи, бешик тўйи ёки соч тўйига, ё бўлмаса, меҳмондорчиликка бориб келишади. Окшом чоғлари, куёш ботиб қош қорайган пайтларда кенг ҳовли ғала-ғовурга тўлар, шарқираб оқаётган арик сувининг эпкини юзларга урилиб, баҳри дилни очар, танаси йўғон икки туп дарахтга қўнган чумчуқлар тинмай чуғурлашар, қафасдаги беданаларнинг ҳам оғзи очилиб қолади. Беданаларни Ҳожи бобо Бухорои шарифнинг донғи кетган бозоридан олиб келганига ҳам анча йиллар бўлиб қолди. «Эрталаб ва кечкурун бийрон-бийрон сайрашидан роҳатланаман», дейди гоҳо завқланиб. Аслида эса ёшликдан беғубор кўнглида қолган ажиб оҳанглар бу. Ҳамсоялари бўларди беданавоз чол. Юзтадан ошиқ сайроқи беданаси бор эди-ёв! Эрта-кеч сайрагани сайраган эди. Бобо бундан завқланарди. Ўша завқ қариганда ҳам кўнглини тарк этган эмас! Кўнгил қаримайди деганлари рост экан!

Ҳожи бобо билан Мамат овқат сузишга бир-икки баҳя қолганда, одатдагидек канда қилмай, ўз пайтида олдинма-кетин кириб келишди.

Сезгир Фотима билан Ўлжай оқа Зухро ойимнинг нимадандир хавотир олаётганини сезиб туришарди. Хушхабар бўлганда, Ҳожи бобо ҳаммадан дарҳол суюнчи талаб килиши аник эди. Қандайдир жиддий воқеа рўй берган, шекилли! Бу кечкурун кўзларига хирарок рангда кириб келганга ўхшар эди. Э Худо, ишқилиб тинчлик бўлсин!

Вақт ўтиб борар, пода келган, кўй-қўзилар маъраб, итлар ғингшиб, хўрозлар қичқирар, кимдир кимни бақириб чақирар, аёллар, болалар ҳам ташқарида хомуш юришар, козондаги овқат аллақачон совиб қолган, чой ҳам дамланмаган, фақат ҳовлига наридан-бери сув сепилган эди, ҳолос!

Ҳожи бобо кайфиятсиз ҳолда ташқари чиқди.

– Онаси?

– Лаббай?

– Сизлар овқатланиб олинглар.

– Тинчликми?

– Тинчлик, онаси!

Бироздан сўнг катта Мамат уларнинг ёнига келди.

– Хизр ака, кетиб қолмайсизми? – сўради кичик Мамат.

– Кетишга тўғри келяпти, Маматжон!

– Нимага?

– Шундай! Зарур иш бор!

– Биз Сизга ўрганиб қолувдик. Қўшинга ким машқ ўргатади, ака?

– Сен-да!

– Биз сизсиз кўрқамиз!

– Унақа бебурд фикрдан узоқроқ юр, Маматжон. Сен Амир Темур кўшинининг сардорисан. Тўрт-беш йилдан сўнг сени сафимизга қабул қиламиз. Ўнбоши бўласан!

Кичик Маматнинг кўзларига ҳорғинлик чўкди. Аёлларнинг нафаслари эса ичига тушиб кетди. Фотима судралиб овқат сузди. Ўлжай номигагина бир-икки қошиқ ҳўплади-да, дарҳол кўлини артди.

Ҳожи бобо навкар билан бирга ташқари чиқди.

– Оксокол! – деди навкар. – Агар Илёсхўжа айғоқчилари пайдо бўлиб, қистовга олишса, ёрдам сўраб келишган экан,

рўйхуш бермадим, деб айтинг! Шунда улар сизларга тегишмайди!

– Улар аллақачон худонинг ғазабига учраб бўлган, – Ҳожи бобонинг соқоли титраб силкиллади. – Аллоҳ Темурбек жанобларининг куч-қудрати, ақли билан уларни маҳв этишни кўзлаган. Бу муқаррар, болам!

Навкар эгар-жабдуқни ҳозирлаш учун отхона томонга ўтди.

Ҳожи бобо аёлларнинг олдига келди.

– Гап бундай, аҳли азизларим! – деди енгларини шимариб, чўккалаб кўрпачага ўтираркан. – Амир жаноблари, ёғийнинг бир одамини Дарбандда қўлга туширибдилар. Илёсхўжа биз томон айғокчиларини юборган эмиш. Қўркманглар, опажон азизларим, худонинг айтгани бўлади. Бундоғ режа тузамиз: Фотима шу ерда қолади. Мамат билан келишдик, – Ҳожи бобо Ўлжай оқага каради. – Қизим, Сизни Термизга жўнатамиз. Амир ўша ерда кутиб оладилар.

Ўлжай оканинг чароғон юзига ташвиш булутлари соя ташлади. Яна саргардонлик! Яна иссиқ, изғирин, чанг-тўзон, шамол, йўл азоблари! Жон яна тиканзор ичида чирқирайди. Яшил бокқа ўрганган қушнинг тиканзорда яшагиси келмас! Жуда қийин бўлади, жуда қийин!

УЧИНЧИ БОБ

1.

Хоразм сафари Амир Ҳусайннинг кўзини очди. Кимнинг ким эканлиги маълум энди! Темурбекни келажакда қўшиним сардори бўлади, ҳарбий ишларга уқуви зўр, илми, куч-қудратидан фойдаланаман, деб кўзлагани хато чиқди. У ҳозирданок ўзини хон ўрнида кўрмоқда. Йўқ, бунақаси кетмайди! Хон бўлишга фақат ўзи ҳақли. Сен эса, Темурбек, хизматчисан, холос!

Мовароуннаҳрда ҳам вазият ойдинлашган, Илёсхўжанинг тахти мустаҳкам эмас, бир хамлада кулаши аниқ. Шу билан

чингизийлар салтанати емирилади. Дунё янги хукмдорни кутмоқда. Ҳиндистондан Мисргача – катта бир давлатга асос солиш мумкин. Ғазнавийдан қаеринг кам?! Эй Амир Ҳусайн, ақлингни ишлат! Ҳозир отни қамчилайдиган пайт! Аммо курук қошиқ оғизни йиртади. Катта қўшинни тутиб туриш учун катта маблағ керак: от-улов, ем-хашак, навкарнинг ҳақи деган гаплар ҳам бор. Бу катта масала!

– Хаёлга чўмиб қолдингиз, ҳазратим? – унинг фикрини бўлди Сароймулкхоним.

– Ўзим шундай! – сир бой бермади Амир Ҳусайн.

– Ўйчи ўйини ўйлагунча, таваккалчи ишини битирибди. Содиқ амирларни атрофингизга йиғинг. Ҳаракат қилсангиз, амирларнинг боши бўлиб юрасиз!

Амир Ҳусайн гап ўргатган кишини жинидан баттар ёмон кўради. Айниқса, хотин зотини. Уларники деса, ўшанинг тескарисини қилиш керак. Шунда обрўйинг баланд бўлади. Вайсагини қаранг, маҳмадоналик ҳам эви биланда. Қозонхоннинг қизиман, аслзодаман деб тумшугингни чўзаверасанми, ақли калта!

Эридан садо чиқмагач, Сароймулкхоним ҳам индамай кўя қолди. Маслаҳати ёқмади шекилли, ё нимадандур қаттиқ хафа! Бу эркакка тушуниш қийин.

– Мен баъзи одамларга меҳр кўргизган эдим. Алар бўлса!..

– Сиз ҳар ишингизни пеш қилишга ўрганманг, амирим!

Ҳусайннинг димоғи тутди. Келиб-келиб шу товук мия хотин билан маслаҳатлашадими? Бунча баланддан келмаса! Эрни мулзам қиладиган хотиндан нима кутиш мумкин?

– Ким экан ўша меҳр кўргизган одамингиз? Ўлжай оқанинг тан маҳрамларими?! Амирим, ақл ўргатмоқчи эмасмен, – Сароймулкхоним мулзам тортди, – лекин «Эрни эр қиладиган хотин», дейдилар. Шундай экан, мендек хокисор тан маҳрамингизнинг ачиниб айтаётган сўзларига ҳам қулоқ осингиз. Ҳали ҳам кеч эмас. Ўша яхшилик кўрсатган одамингиз ҳам тож-тахт эгаси бўлган эмас. Темурбек Сизга куёв, яқин одамингиз: майли, у шўр денгиз бўлсин, шўрлиги учун

ундан аччиқ қилманг. Ақлли инсонлар дуру гавҳарни шўр денгиз тубидан топадилар!

Бу гап Амир Ҳусайнга маъкул тушди. Тўғри айтади! Бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдиргандан нима фойда?! Унинг куч-қудратидан фойдаланиб мақсадига эришиб олгани яхши эмасми?! Темурбек мияси бутун йигит! Мағрурлиги бор! Йигит киши мағрур бўлмай, ҳезалак бўлсинми?

Остонада маҳрами асрор кўриниш берди.

– Тинчликму? – Ҳусайн унга совук боқди.

– Сейистондан чопар келди!

– Кирсин!

Амир Ҳусайн Сароймулкхонимга «Сиз боринг», дегандек ишора қилди.

2.

Темурбек мовий денгиздек мавжланиб келаётган лашкарларига боқаркан, қалб уйида хайрат балқир эди. Шунча одам унга бўйсуниб, ортидан келмоқда. Унинг не сеҳри жодуси борки, уларнинг оламини, дунёсини забт этган? Нимасига ишониб ортидан юришибди?! Эртага нима бўлади? Ҳеч ким билмайди?.. Эртага қай бирлари ҳалок бўлиб, тирикликдан маҳрум бўлади. Шу сарсон-саргардонликдан кўра, тоғларга чикиб, хилват гўшаларда кўй-кўзи бокиб, жуфти ҳалоллари билан роҳатда яшашлари ҳам мумкинми?! Мумкин!

Кун иссиқ, ер тандирдек кизиган, нафас қайтади. Соясалқин жой бўлса-ю, бир лаҳза дам олсанг! Жой ҳам топилади, аммо бу ерларда тўхташ мумкин эмас, худо кўрсатмасин, ёғий тўқнаш келса, тутдай тўкилишади, кеча Сайробда тарвуз ейишган эди, бугун йигитларнинг ярми касал, коринлари оғриб, куч-қувватдан қолишган.

Темурбек яна уларга назар солди. Яна ўша фикр хаёл оламини банд этди: қайси куч уларни шу кўйга солди, нима мақсадни кўзлаб, ортидан юришибди?!

Тепаликдан кенг дара кўзга ташланди. Кўм-кўк довдарахтли дара. Искандарни мафтун этган тоғ – Қизилқоя, ҳов

ана, чап тарафда: гўё қайсидир мохир уста тоғ ёнбағри тошларини ўйиб, чиройли қабарик безакли устунлар ясаган. Тош устунлар бир-бирига ёндош қилиб, қатор терилган, шакллар бир текис, улар қизғиш гилдан ясалганга ўхшайди.

Пешинга бориб, ҳарорат яна кўтарилди. Темурбек отда зўрға келаётган бемор навкарларга қараркан, уларнинг меъдалари оғриб, тишларини тишларига қўйиб келаётганликларини ич-ичидан ҳис этиб, яқин орада тўхташ лозим, деган қарорга келди.

Буг қишлоғи дов-дарахтлар ичида жойлашган. Сув мўл. Ариқларни балиқлар ошиён қилган. Бедазорлар тўла товушқон. Дикир-дикир сакраб, ён-атрофдан ўтиб қолади.

Улар қишлоқ четидан, тупроқли йўлдан айланиб ўтиб, атрофи пишиқ ғишт билан ўралган кенг бокқа киришди. Йўлак четларидан сув оқиб турибди. Ишқом килинган, қуюқ соя, ғир-ғир енгил шабада эсади. Ўнг томонда катта ҳовуз: суви кўм-кўк.

Хизматкорлар отларни дала томон ҳайдашди. Эгаржабдуқлар омборхонага қўйилди. Ишончли жой. Ҳар эҳтимолга қарши Темурбек қоровулларни қишлоқнинг бошига жўнатди. Кўз-қулоқ бўлиб туриш керак. Ғафлатда қолиш яхши эмас.

Таҳорат олингандан сўнг тўғри Абу исо Термизий мақбарасига ўтишди. Мақбара атрофи харобага айланган: чор атроф тиканзор. Уч қуббали бинонинг бир томонидаги ғиштлар кўчган.

Оқ бўз желак кийган серсоқол хушбичим ўрта яшар киши мақбара ичидан чиқди.

Темурбек салом берди.

– Ваалайкум ассалом! – алик олди у. – Қани келинглари!

Ичкари киришди. Қабр ўнг томонда, кенг дарчадан нарида. Деворда арабий ёзув; унда шайхнинг таржимаи ҳоли, битган китобларининг рўйхати берилган. Тиловат қиладиган жой кенг, баланд. Ерга чағониён гиламлари тўшалган.

Макбара каровчиси – мулло йигит Темурбекнинг ишораси билан Қуръон тиловат қилди, дуо қилдилар. Сўнгра бирпас гаплашиб ўтирдилар.

– Шундай зиёратгоҳ хароб бўлибдур, – деди Темурбек ачиниб. – Шайхнинг руҳлари бундан безовта бўладур.

Мулло йигит Темурбекни танимас экан шекилли:

– Ҳолинг кандоғ деб сўрайдиганлар бўлмагандан кейин бўлганимиз шу-да, бек ака, – деди кесатиб.

Темурбек ҳам, гап келганда отангни аяма дегандек, уни узиб олди:

– Иккита тиканни чопиш шунчалик қийин эканму?

– Ёғийлар юракларни зада қилиб ташлаган, бек ака! Бир иш бошласанг, таппа босурлар: молингниям, жонингниям олурлар.

Табиатан пачакилашишни жинидан баттар ёмон кўрадиган Темурбек гапни калта қилди:

– Бўпти, Мулло ака, бироздан кейин бу муқаддас жойда хашар бошлармиз!

* * *

Ассалом, Она Жайхун! Сен мени неча марталаб хавфхатардан қутқариб қолган улуғ дарёсан! Ҳазрат Ҳаким Термизий ҳам сенинг қутлуғ соҳилингда мангу макон топганлар! Улуғларни ювинтирган, оқ тараган, пок тутган она дарё! Яна келдим соҳилингга бош уриб! Кумуш каби ажабтовур ялтирашинг кўзларимга нур берур, бағрингдан уфураётган муздек тоза шабада эса юрагимга ҳузур ҳаловат, танимга қувват бағишлайди.

Хаёлга чўмган Темурбек тепаликдан, Термиз девори устидан тинч оқаётган Жайхунга хомуш тикилади. Енгил шабада унинг оппоқ желаги этакларини тортқилаб ўйнайди.

У Ҳаким Термизий зиёратгоҳига ачиниб тикилди. Ислом оламининг буюк алломасига ҳурмат шуми? Уларнинг мангу макон топган табаррук остоналарини гул-гулзорга, мухташам зиёратгоҳга айлантириш биз тириклар учун ҳам фарз, ҳам қарз эмасму?! Шу улуғлар исломни опичлаб катта қилганлар.

Биргина ислом оламининг машҳур 96 шайхидан бири Термиз ота ҳазратлари фикҳ, тафсир, ҳадис соҳаларида ўнлаб асарлар битганлар. «Солнома ва Наврўзнома» китоблари жуғрофия ҳақида. Унда мучал тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Деҳқончилик, зироат ишлари, об-ҳаво ўзгаришлари, табиий офатлар, фаровонлик, туғилиш ва ўлим ҳақида ҳам ўрганиш мумкин бўлган изохлар кўп.

Шайх Кулол ҳазратлари ҳам у киши ҳақида кўп ривоятлар қилар эдилар. «Китоб ан-наҳад», «Китоб ал-фурук», «Хатм ул-вилоят» асарларидан ибратли хикоятлар айтар эдилар.

Биз, кўзи очиклар, уларнинг мазорларидаги туфроқнинг бир заррасига ҳам арзимаемиз. Она Жайхун! Сен биз нобакор ўғилларингни кечиргин! Биз сен истаган ўғил, фарзанд бўлолмадик!

Навкарлар катта-катта қайикларда нариги қирғоққа ўтишмоқда.

Она Жайхун! Яна сен бизни қутқармоқдасан! Яна бағрингдаги Оролда паноҳ топмоқчимиз!

Темурбек ғишт зиналардан пастга тушаётиб, кечаги тушини эслади. Бошига оқ кулоҳ кийган жиккаккина чол жилмайиб келиб, унинг қўлига қилич тутказди. Қилич – душмандан ғолиб келиш, мартабага эришиш рамзи. Исо ота хурсанд бўлган кўринади. Навкарлар икки кунда макбаранинг атрофини хас-хашак, ўт-ўлан, тикандан тозалашди. Зиёратгоҳга файз кирди. Ўзининг руҳи енгиллашиб, кўнглига хотиржамлик ўрнашди, кўрқув, ҳадиксирашу алаҳлашлар йўқолди.

Термиз ота хонақоҳи ёнида уни думалок юзлари қизарган Расул ҳансираб кутиб олди.

– Амирим, хушхабар! – деди у жилмайиб. – Пойи кадамлари қутлуғ келгур ожизаи мухтарамангиз йўлда эмишлар.

Темурбек енгил нафас олди. «Хайрият!»

– Мен бундин кейин ҳам Сиздан фақат шундай хушхабарлар қутгаймен, иним!

– Бундан кегин Сизга пақат ғалаба ёр бўлишини кўнглим сезиб турипти, амирим!

– Кеча мен ҳам ажойиб туш кўрдим. Илоҳо, айтганингиз келсин. Шунча сарсон-саргардон бўлганимиз етар энди!

Эркак кишининг дунёси аёл, шодлиги аёл! У билан кўнгил мулки ҳам обод!

Ўлжай оқа келган кунидан бошлаб, Темурбек ўзида енгиллик сизди: усти боши ювилди, игнадан тортиб, қурол-аслаҳагача, ҳатто қамчи ҳам жойини топди. Иккалаларига мўлжалланган бўз чодир аллақандай нурли, файзли эди. Бир ҳафтадирки, улар Жайхун ўртасидаги Пайғамбар оролида туришибди. Чор атроф тўқайзор. Пана жой. Ёғий келсаям, сезмайди. Агар битта-яримта ўт қўйиб юбормаса! Яхши томони шуки, парранда кўп, йўлбарс ҳам, қоплон ҳам бор дейишади. Озиқ-овкатдан қийналишмаяпти. Азим дарёнинг салқин шабадаси – мўътадил салқин ҳавоси неча ойлардан буён кун кўрмаган навкарларга қайтадан жон бағишлади. Фақат Маматни айтмаганда, бошқа ҳамманинг кайфияти жойида, Фотимасини ўйлайди-да у ҳам. Замоннинг бевафолигини қаранг, илк фарзанд кутаётган ота ожизаси ёнида бўлолмаганидан азобланмоқда. Бу кандок маломат эрурки, эр йигитлар бўзласалар! Ўз юртида! Ўз Она диёрида! Бундан ортик бахтсизлик, қайғу ва ситам борми!

– Бир ҳафта дам олдик, амирим, шу ерда турамизму? – сўради Ўлжай оқа тоқатсизланиб. У кўпроқ ўзидан хавотир олаяпти. Унга хотиржам жой керак.

– Сизни Самарқандга, эгачим Қутлуғ Туркон оқаникига етказиб қўйиш ниятим бордур. Акангиз Кандаҳорга келиши керак. Ҳал қилувчи курашни бошламоқчимиз. Кейинги кунларда бир-биридан ажойиб тушлар кўрурмен!

– Опачамникига бўлса, борурмен! – Ўлжай оқа маънили қаради.

Темурбек хавотирланиб сўради:

– Нима, Ҳожи бобонинг қўналғаси манзур бўлмадиму?

– Йўғ-е, амирим, худога минг шукр, ул жойда мен ўз уйимдек яшадим. Фотима ҳақида қайғудамен. У менга ўрганиб қолгон эрди. Ёлғиз ташлаб келганим учун хижолатдамен. Йўқ, демасангиз, уни ҳам Самарқандга олиб келурмиз.

– Фикрингиз менга маъкул. Хоҳласангиз, бугуноқ Маматбекка тўрт-беш баходур қўшиб жўнатурмен. Фақат унинг ниятини ҳам билиш даркор.

– Бу томонини фикр қилмабмен, амирим!

– Мен бу кеч у билан маслаҳатлашурмен. Ҳозир у овда. Ов навкар учун жиддий машқ. Навкарни бир кун машқдан қолдирмоқ ишқни сўндирмоқ каби бир ҳолдир.

Ўлжай ип-игна олди. Бўйида бор, худога шукр. Чакалоққа атаб битта-битта кийим тикмоқ ҳам керак. Бир пайтлар у шуни орзу қилганди. Шу кунга етди. Ҳозир овда бўларди орзуси ушалмаганда.

– Мамат Сизга ҳеч гап айтмадими?

– Йўқ, нимайди?

– Йўлда Илёсхўжа одамларига дуч келдик. Бурни япаски мўғул ўртага тушиб, бизни қўйиб юбордилар.

– Бурни япаски мўғул?

– Ҳа!

– Мен уни қўйиб юборган эдим. Сизлар томонга айғокчилар юборганини ҳам ўша мўғул айтган эди.

– Яхшилик ерда қолмайдур, бегим!

– Навкарда айб йўқ. Улар буйруққа итоат этурлар. Бўйин эккан бандага озор беришни номаъкул иш деб билурмен. Хоҳ ёғий бўлсин, хоҳ ўзингизники, у ҳам дунёда бир марта яшайдур.

– Бу кунлар шамол каби ўтар, амирим! Мен Сизни мозийда яхши ном қолдиришингизни истармен!

– Аммо жангу жадал қонсиз бўлмас. Искандар Зулқарнайини эсланг: у қанчадан-қанча бегуноҳларнинг қонини тўкди. Хўжанд атрофида тоғликларга дуч келиб, йигирма икки минг кишининг ёстиғини қуритди. Зарафшон бўйида-чи? Бу хунрезликлар халқ бошига кулфатлар солди. Бир юз йигирма минг! Айтишга осон, бекам! Башорат қилурларким, мен ҳам жаҳонгир бўлур эрмишмен. Яратган эгамдан кўрқамен, бекам: менга аларга ўхшаш жаҳонгапталикнинг зарурати йўқдур. Лекин Яратгандан сўрарменки, Мовароуннаҳрда қон

тўкмай давлат тузмокни эртаю кеч намоз олдида Парвардигордан сўраймен, бекам!

– Сизнинг нурафшон қалбингизда яхшилик қуёши хукмрон, бегим, сиз бундай хунрезликларга йўл қўймайсиз.

– Мен олчоқлардан, баднафслардан кўрқамен. Алар бойлик, мартаба учун имонларини сотишдан ҳам кўркмайдурлар. Илёсхўжа номимни ёмон отликқа чиқариш, эл назаридан четга суриш учун мени бир чўпоннинг боласи, ўғри, қароқчи, дея иғво тарқатибдур. Мен ана шуларни ўйлаб эзилурмен, бекам!

– Халқни алдаб бўлмас, амирим, нечун куйинасиз. Сиз золим, ўғри, қароқчи, имонсиз киши бўлганингизда ортингиздан шунча одам эргашармиди?!

Ўлжай топиб айтди: халқни алдаб бўлмайди. Маъниси оламча бор, қудратли сўз. Яна айтадиларки, тухматнинг умри қисқа. Ким жоҳилдир, ўзига золимдир. Илёсхўжанинг бу тухмати ўзига уради!

Қамишлар шиғирлаб, қадам товушлари эшитилди. Темурбек чодирдан ташқари чиқди.

Маматнинг оғзи қулоғида. Қўлида иккита қуён.

– Омад келди, бек ака! – деди у кулиб.

– Ов зўр бўлган кўринадур?

– Кутгандан ҳам аъло! Бунақасини кўрмаганман! Олинган ўлжамиз икки ойга бемалол етади.

Темурбек буни ҳам дупур-дупур садо бериб, кучоқ очиб келаётган омаддан бир дарак деб билди. «Қоронғи чўккан диллар ёришсин энди! Оху зоридан ўртандими она дарё! Сенинг бағринг нафсимни тўйдирур, бахтимни бутун килур, мен бунга ишонурмен!»

У чодирга кирди. Ўлжай оқани ёлғиз ташлаб бўлмайди. Оғир оёқли аёлга ширин сўз, ширин таом, ширин суҳбат зарур. Бу ерда ундан бошқа яна кими бор?!

– Бек ака?

Бу Расулнинг овози эди. Темурбек дархол пайкади. Озгина хирилдоқ, йўғон овоз. Гавдасига яраша. У жилмайиб турарди.

– Яна хушхабар олиб келдим, бек ака!

– Тасанно Сизга! – Амир Темур миннатдор оҳангда унинг елкасидан қоқди. Расулбек ҳарсиллаб сўзида давом этди:

– Темурхўжа ўғлон минан Баҳром жалойирларнинг парвоначиларини кўрдим. Улар Сизни сўрашди. Ҳар эҳтимолга қарши айтмадим. Мақсадларини сўрадим: айтдиларки, амирлар Сизга қўшилмоқни ихтиёр этибдилар. Ман индинга бизни Қаҳалғада кутинглар, Темурбек жанобларининг жавобларини етказурмиз, дедим.

Темурбек уни бағрига босди:

– Бул сўзларингиз кўп мактовга сазовор эрур. Пойи қадамингиз ёқди. Ўлмасам, Сизни ҳам кўп сийлармен, иним!

3.

Бу ерларда Илёсхўжа ўзини бегона сезади, ҳарчанд уринмасин, ҳарчанд «шу ўлка меники» дея кўнглига тугмасин, ҳар тонг уйқудан турганда, яна ўша ҳолат – ёт элда омонат юргандек сезади ўзини: Темурбек юксак қоя, у бўлса, унинг остидаги кичик тўнка, гўлага ўхшайди.

– Нечун бундай ҳол юз берди?! – деди у совуқ хабарни эшитган заҳоти.

Амир Ҳамиднинг сийрак сарғиш мўйлови, қалтироқ кинининг тукларидек, титради. Гапга уста, айёрликда тулкига дарс бероладиган Амир Беккичик жонига оро кирмаганда, қаҳр отида ғазабкор турган хоннинг заҳар-зуккум қаҳрига учрармиди?

Амир Беккичик бўйнини сал эгиб, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб деди:

– Аълоҳазрат, Сиз Аллоҳ буюк неъмат берган – тахти олий соҳиби, насл-насаби тоза, олийсифат инсон эурсиз. Ўшал таги паст Темурбекни жангда мағлуб этсангиз, обрўйингиз кўтарилади. Шунча бахтни берган Аллоҳим, бунисиниям берур.

Илёсхўжа ўзи билмаган ҳолда ковун туширди:

– Ўнта хос навкаримга ичим ачийдур.

Амир Беккичикнинг оқ шиша юзи синди. Хон ҳам шунчалик калтафаҳм бўладими?

– Аълоҳазрат! – деди у янада гапига урғу бериб. – Ўнта навкар Сизнинг тирноғингиз кири учун жон берса, оздур. Ўнта-ку ўнта, юзтани айтинг!

Илёсхўжанинг учи йўғон бурни ялтиллади. «Доно одам!»

– Сиз ўзингизни кўп уринтирманг, аълоҳазрат, – деди у хоннинг бўйин эгаётганини кўриб. – Биз эрта-кеч сўнгги жанг хусусида бош қотириб турибмиз. Темурбекнинг ҳар қадами хисобимизда: ҳарамини Бухородан Термизга кўчириб кетибди. Биз уни Жайхуннинг оч баликларига ем қиламиз. У ҳали ким билан ўйнашаётганини билмайдур. Сиз ким-у, у ким? Сиз Искандари Сонийсиз, аълоҳазрат. У Испитамандур.

– Испитамен ким?

– У Искандарга қарши чиққан бир ялангоёқдур. Ривоят қилурларким, унинг хотини калласини олиб, Искандарга берган. Бул зоти пастларнинг бузуқи аёлларидан ҳам фойдаланиш мумкин эрур.

– Биз ҳам шул йўлни кўрсак-чи?

Амир Беккичикнинг таранглашган юзи тиришди.

– Йўқ-йўқ, аълоҳазрат! Бул йўл макбул эмас. Унда режамиз ҳам бузилур!

Илёсхўжа паст кетганлигини сезиб, гапни баланддан олди:

– Мен фикрингизни билмоқчи эрдим!

Амир Беккичик гапни айлантирди:

– Туғлук Сулдус, Кўр Темур, Туғлукхўжа, Сарик Буғо, Ишикул маст каби баҳодурлар йигирма беш минг кўшин билан жангга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Илёсхўжа уни ҳайрон қолдириб, Искандари Соний ҳақида сўради:

– Ул зотнинг амир-ул-умаролари зўр кишилар бўлганму?

Амир Беккичикнинг энсаси котди. Мен нима деб жон куйдираяпман-у, бу кишининг хаёллари қайси тоғларда юрибди. Искандари Соний бўлишни орзу қияптилар шекилли!

– Ҳозир аниқ эсимда йўқдур, – деди у ичида сўкиниб. – Арастуми, кимдир... ишқилиб, шунга ўхшаш одами бўлган. Жуда калласи зўр ишлаган, дерлар.

– Сиз ҳам ундан кам эмассиз, – деди Илёсхўжа ясама кулиб, ичида бўлса «Мақтовимни эшитиш учун эртадан бери тиришиб, чираниб ўтирибсан. Мени билмайди деб ўйлайсанми, тўнка», дея гижиниб қўйди.

Кечкурун Амир Беккичик янги гап топиб келди.

– Сейистонга кетишибди улар!

– Мақсадлари не экан? – сўради Илёсхўжа.

– Малик Қутбиддин ёрдамга чақирибдур.

– Каллангни ишлатсанг бўладур, амир!

– Аълоҳазрат! Менда ҳам бир фикр бор.

– Сўйла.

– Ишончли камончиларимизни юборсак. Зуранж қалъаси Малик Шужоҳ қўлида. Ёрдамга муҳтож ҳозир. Бир ўқ билан икки қуённи урурмиз.

Илёсхўжа гапни қисқа қилди:

– Розимен!

4.

Зуранж қалъаси.

Юраги ёнаётган Темурбек Самарканднинг бир култум сувига зориқиб, қилт ютинди. Бир култум сув, атиги бир култум; ўшанда чанқоғи босилган, сув эмас, кавсар сувини ичган эди гўё. Сира эсидан чиқмайди, ўшанда опаси Қутлуғ Туркон оканинг уйига шошилаётган эди, шаҳарга яқин қолган, дов-дарахтлар, уйлар кўзга аниқ ташланмоқда эди. Даладан ҳандалакнинг ҳиди анқир, тупрокли йўл четидаги ариқ лиммо-лим тўлиб оқар, ҳаво иссиқ, дим эди. Отдан тушиб, ариқ лабига тиз чўкди-да, мис сувдонини ботириб тўлдиргач, ютоқиш билан бир култум ичди. Муздек сув қайноқ лабларининг, сапчиётган юрагининг тафтини, ховурини босди. «Ўзингга шукр! Бунча ширин сув экан!»

Бир култум сув. Самарканднинг бир култум суви чанқоғини босди. Сувдонни яна кўтарди, аммо қалби «бас» дегандек, лаблари бошқа тамшанмади. Ажабо, Самарканднинг бир култум суви унга лаззат берди, гўё у чиндан Кавсар

ҳовуздан таътигандек эди. «Энди мен сендан қарздор бўлдим-ку Самарқанд!» – дея энтикди у. Бу қарзни қачон узоди, Худо билади!

Ўшандан буён шундай ширин сувни бошқа жойдан ичгани йўқ. Ҳамма ариқ сувларининг таъми ҳар хилми?! Нега бу ернинг бир култум суви юрагига, танасига шу даражада ором берди? Бунда не сир бор?! Неча ойлар ўтди ўшандан бери, аммо ҳали-ҳануз ўша бир култум сувнинг таъми оғзида қолган.

Қаерда бўлмасин, қулоғи Самарқандда. Сейистонга, Зуранжга келиб ҳам, шаҳар кўз олидан кетмади. Эшитиб турибди, бу кунларда халқнинг сабр косаси тўлиб-тошган. Шаҳарда ур-йикит, тўс-тўполон бўлмаган кун йўқ. Фалон маҳаллада мўғулнинг навкарини дўппослашибди, ўлдиришибди, деган миш-мишлар, шивир-шивирлар бот-бот қулоққа чалинади. Эл орасида: «Агар юртнинг амирлари, беклари босқинчиларни қувмаса, ўзимиз уларнинг думини тугамиз», деган гаплар юрганидан ҳам хабари бор. Икки кишининг боши бир жойда қовушди дегунча, шу тўғрида гап боради.

Ўша кунларда Ўлжай оқа: «Бегим, ҳамма жойда номингизни тилдан қўймайдурлар. Эзилган, оч, юпун халқ Сиздан нажот кутаду. Тахтни бир ҳамлада эгаллаб олишингиз мумкин эмасму?» – дея унинг кўнглига қўл солган эди. «Эгаллаш мумкиндур, – деди Темурбек ҳам унга ўйчан нигоҳда бокиб. – Аммо мен сиздек аслзода аёлнинг амири Турон тахтини қарокчилардек эгаллаб олди, дейишларини истамасмен!», «Мен бунисини ўйламабмен, бегим!» – дея ожизалигини тан олди у. Ана шу гапи унга мойдай ёкди, мард одам мардни эъзоз тутади, ўшанда Ўлжай оқа кўзига дунёнинг энг покиза аёли сифатида кўриниб, унга бўлган ҳурмати янада ошди.

Самарқанд, бир култум сув. У яна тамшанди.

У Қоҳмардда турарди. Ўн кун ўтди, Амир Ҳусайндан дарак йўқ, кидирмаган жойи, карамаган туйнуги қолмади ҳисоб: ерга кирганми, сувга тушганми – ном-нишони кўринмайди. Катта бойлик билан қайтганди, ишкилиб... йўғ-е, нималар деяпти!

Ўшанда, Омуя суви бўйида Темурхўжа ўғлон билан Баҳром жалойир унга келиб кўшилгандан кейин биргаликда Шибиргон оркали Хирмандга ўтдилар ва Амир Хусайнга йўликдилар. Маслахат бўлдики, кишни шу ерда ўтказиб, шу ерда Мовароуннахрга юришга тайёргарлик кўрилади.

Баҳром жалойир бетокат одам эмасми, у қадамини ҳам фойда билан ўлчарди. Бу ерда тутаб ўтиришдан бир маъни чиқмаслигини билгач, бир кечаси навкарларини олиб, Ҳиндистон томонга от сурди. Буни эшитган Темурбекнинг дили сиёҳ тортиб, бундан кейин ҳамфикр танлашда эҳтиёткор бўлишини дилига тугди. Бировнинг қалбида не кечади, билмайсан. Тилидан бол томиб турган кимсанинг эртага душманга айланиши ҳеч гап эмас!

Шу орада Сейистондан хабар келди. «Кўнглим нохуш, — деди Ўлжай оқа хафалигини яширмай. — Бормасангиз бўлмасмикин?» Темурбек бир сўзли йигит. «Акангизнинг илтимосини ерга ташласам, қандок бўларкин?» — деди «бундан қош қайириб бўлмайди» дегандек. Ўлжай оқа уф тортди: «Бойлик деб узоқ юртларда қон кечиш шартмикин сизларга! Бу томонда юртингиз сизлардан нажот кутмоқда! Одамлар не дейди?»

Юраги ғаш Темурбек: «Менинг ҳам оёғим тортмайдур, маликам! Нечундир дилим сиёҳ! Аммо мен кайноғамнинг сўзини ерга ташлолмасмен!» дея сўзини икки килолмаслигини, гишт аллақачон қолипдан кўчиб бўлганига шама қилди.

Ўлжай оқанинг титраб турган қалби тенг иккига бўлинди: ярмида зулмат — ярмида ойдинлик, ярмида фарёд — ярмида қувонч! Дўст, ошна, оға-ини, қариндошга содиклик яхши. Аммо юраги ғаш: ундан айрилиб қоладигандек. Зуранж деса, аъзойи баданини қалтирок босмоқда.

Ўлжай оқа бу сўзларни эзилиб айтганди ўшанда. Аёли ҳақ экан. Аёлнинг фикрига ҳам кулоқ солиш даркор. Фақат жоҳил эркак тани маҳрами билан ҳисоблашмайди. Бундан кейин Ўлжай оқа ўшандай: «Борманг», деб оёқ тираса, остонадан нарига ҳатламайди. Зуранждан нима топди? Ўқ юрагига қадалганда нима бўларди? Мамат ёрдам кўрсатмаганда, нима

бўларди? Фалокат!.. Нақ биқинини кўзлаб уришган экан, ўк ўнг кўлига қадалди, ўзини ўнглайман, дегунча, иккинчиси ўнг оёғини яралади. Худо яна бир сақлади: бир ўлимдан қолди!

Энди ўйлаб кўрса, бу иши яратганга ёкмаган, меҳрини аёлининг қалбига солган ва унга етказган экан-у, бу бўлса, ўз билганидан қолмади. Нима топди? Юрт босқинчилар зулмидан қакшаб турганда, бир ховуч бойликнинг ортидан боришининг ҳеч ҳожати йўқ эди. Бандаи ожиз: бойлик топса, кўшинни ушлаб туришга озроқ мадад бўлармикин, деган хаёлда эди. Ношукур! Адолат, озодлик деб жон куйдираётган экан, шу тупроқдан топиларди мадад кучи: олтинми, жавоҳирми — нима десангиз! Инсон хомлиги учун ҳам бири бири билан уришади, ер талашади. Эй Искандар! Сен ҳам дунёнинг тубини кўрган экансан! Кўрган экансан-ки, тобутдан қўлингни чиқариб, абадий маконга йўл олдинг! Бу ишни ғанимларинг уюштирган тақдирда ҳам обрўйингга путур етмасди. Шох бўл, деҳқон бўл — тегадигани бир парча ер-да!

Сим-сим оғриётган ўнг оёғини секин силаркан, ғаним ўқидан омон қолганига шукур деди. Буст! Бир умрлик сабоқ! Бир ойлик умр ўша ерда кечди. Бир ой азоб тортди. Буст! Сира эсдан чиқмайди! Сира!

— Мамат келдими? — сўради у.

— Келди.

— Чақиринг!

Мамат таъзим билан кирди.

— Топдим, ота!

— Қаерда экан?

— Бомиён тарафларда! Йўлда Қозончи Баҳодурни учратдим. У Сизни қидириб юрган экан.

— Йигити канча?

— Юзга яқин!

— Нима деди?

— Биз Сизларни Бомиён йўлида кутамиз, деди.

— Яхши. Ҳозирок жўнаймиз!

Ман-ман деган девқомат навкарлар Зуранжни олишда шаҳид кетдилар. Жойлари жаннатда бўлсин. Йигирмадан

ортиқ навкар билан қаёққа боради? Илёсхўжа мўр-малахи билан куршаб олса, пашшадай эзиб ташлайди. Агар Қозончи баҳодур унга қўшилса, худо берди! Хусайнни топса, олам гулистон! Маблағ бор. Озиқ-овқат етарли! Халқ кутяпти. Тезроқ Самарқандга юришни бошлаш керак.

Қуёш ботишига ҳали анча бор. Кун салкинрок. Куз ажойиб фасл. Ҳаво майин. Дил яйрайди.

Қозончи баҳодур алдамаган экан. Темурбек оёғи зиркираб турган бўлса-да отдан ўзи тушди. Туша солиб, уни қучоғига олди.

– Қачон мўғуллар зулмидан кутуламиз?! – деди Қозончи баҳодур ўпкаси тўлиб. – Итларга кун бор, бизларга кун бўлмай қолди-ку, Темурбек!

– Ҳал қилувчи жанг яқиндур, – Темурбек унинг сарғайган юзига тикилди: қўй кўзлари ичига тортган, соқол-мўйловига чанг ўтирган. – Энди гина-кудратларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, бирлашмоғимиз керакдур!

Навкарлар йўлга тушди. Ортдан куюк чанг кўтарилди. Юртнинг, она заминнинг оппоқ чанги, гўё у ҳилпираётган оппоқ байроққа ўхшайди.

Темурбек хотиржам эди. Энди ташвишланмаса бўлади.

Муюлишда жавшан кийган навкар кўринди. Мамат билан Расул унинг ортидан кўриниш берди.

– Улар ким бўлдийикин?! – хавотирланиб сўради Қозончи баҳодир.

Темурбек бамайлихотир деди:

– Бахт ҳам, омад ҳам дарё сувига ўхшайдур, бир келса, тошиб келаду!

Бир тўп навкар орасидан учкур от ажралиб чиқди. Бу ким бўлдийикин?

Темурбек олдинга интилди:

– Амир Сайфиддин!

Отлиқ ярим йўлда ирғиб ерга тушди-да, кучоқ очиб югуриб кела бошлади:

– Темурбек, омонмисиз?

Хивақ воқеасидан буён кўришмаган, не-не азоб-укубатларга учраб, юраклари ҳасрат зардобларига тўлиб, бир-

бирини соғинган икки дўст ўзларини тутолмай кўз ёши – кувонч томчилари билан кўришдилар.

– Тоғай қаерда? – сўради Темурбек хавотирланиб.

– Билмадим, – деди Амир Сайфиддин. – Ажралиб кетган эдик.

– Сиз ҳам мен каби ўзингизни анча олдирибсиз!

– Кўп укубат тортдик, Темурбек. Ёғийни юртдан хайдамагунча, тинчимаймиз!

– Ҳамманинг фикри-зикри шу ҳозир!

– Етмиш содиқ навкарим бирла неча кундирки, Сизни қидирурмен! – деди Амир Сайфиддин, кейин сўради. – Зуранжда Сизни ярадор бўлдилар деб эшитдик?!

– Зуранжда мени худо бир асради.

– Доимо омон бўлинг, Темурбек, Сиздан бошқа суянади-ганимиз қолмади!

– Аллоҳ ҳаммамизнинг имонимизни бутун яратган. Шу имон бизни бирлашмоққа ундайдур!

– Қаёққа кетаётгандинглар, Темурбек?

– Биз Амир Ҳусайнни кидирмоқдамиз. У билан ҳам аҳдимиз бор. Сиз унинг дарагини билмайсизму?

– Шу атрофларда юрибдур, деб эшитганмен!

– Биз уни Бомиёнда, деб эшитганмиз!

– Бўлмаса, кечикмайлик. Қани бошланг, Темурбек!

Сафлар каби қалблар ҳам кенгайди, зулмат тобора чекиниб бормокда эди. Энди отлиқлар ортидан оппоқ чанг боягидан баландроқ кўтарилар, мовий байроқ ҳам энига, ҳам бўйнига кенгайиб борарди. Осмонда Она бургут уларни кузатиб келаётганини ҳеч қим сезмас эди.

5.

Илёсхўжанинг яна танасидан совуқ тер куйилиб, юрак чўлини ваҳима чулғаб, кўзига отаси ёрдамида эгаллаган тахти омонат кўриниб, ўзини нотаваон, ожиз ҳис этди. «Йўк, йўк, мен нотаваон, ожиз эмасман, мен Темурбекдан қудратлиман», дея ғулдиради, калбидаги одам эса пихиллаб кулганча «асли-

да сен бу тахтга муносиб эмассан, бебурдсан», дея кўнглига гулгула солди, лекин у бўйин бермади ва Сейистондан Амир Хусайнбек ёлғиз қайтибди, деган хабарни эшитиб, ғаними Темурбекка бир нима бўлганини сезиб, енгил нафас олди, ҳатто ундан кутулибмен, деган ҳаёлга бориб, жойида шайтондек ирғиди. «Буни овоза қилиш керак», деган ўй билан Зуранждан тирик қайтиб келган навкарларига ўн кепаккий кумуш тангадан укулка¹ бериш ҳақида тезда фармон қабул қилди. Ўшандан буён кечаси хотиржам ухлайди. Бироз қорин қўйган, вақтини чоғир ичиб, кунини ҳурлиқолар билан айшишратда ўтказди. У қатнашмаса ҳам амир ул-умаро содик амирлар шижоати билан Амир Хусайн ҳам даф этилади, дея ўзича хотиржамликка берилган.

Бугун эрталаб Эшик оға Амир Ҳамид уни бетоқат кутаётганини айтди. Хоннинг юмшоқ тўшакдан чиққиси йўқ эди, кеча кўпроқ шароб тановул қилган экан, бошини кўтарса, пичоқ суққандек зирқираб оғрияпти. Нима зарил гапи бор экан Ҳамиднинг! Ўзи ҳал этавермайдими?

– Аълоҳазрат! – Ҳамид тиз чўкиб. Унинг барқут этагини кўзига суртди. – Темурбек қайтибди!

– А-а? – Илёсхўжанинг ваҳима кўпчиётган юрагида момақалдирок гумбурлаб, жойида калт-қалт титради, бит кўзларида майда-майда, қоп-қора чаёнлар ўрмалагандек манзара ҳосил бўлди. «Нима, қайтибди? Нега қайтади?»

Ҳамид сўзида давом этди:

– Қоратоғ Ҳисорда яшириниб юрган Амир Мусо, Жоку барлос, Сулаймон барлос, Жалолиддин ва Ҳиндука барлослар унга қўшилибдилар. Тамука Баҳодир ҳам у тараф. Ҳазорлар ҳам унга ён босмоқдалар.

Оёқлари муз қотаётган Илёсхўжанинг сарғимтир киприклари пирпиради:

– Сиддиқ баҳодир билан Дўлон Човон?

– Улар ҳам, аълоҳазрат.

Энди қўғирчоқ хоннинг юраги чирт узилгандек бўлиб:

¹ Ҳарбий юришлар пайтида аскарлар «укулка» деб аталадиган қўшимча маош билан рағбатлантирилган.

– Бирор чора кўрилдиму, ахир?! – дея бақириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Унча-мунча гапни писанд қилмайдиган тошбағир Ҳамид арзимаган хабар учун унинг ваҳимага тушганини сезиб, «чумчук пир этса, юраги шир этади-я», дея ўйларкан:

– Ҳа, аълоҳазрат! Кўрилди. Темурбек Ҳусайн билан Балхга кетаётганларида, Ҳайдар Андухий, Буго Сулдус ва Абу Саййидларнинг қўшини уларга ҳужум қилиб, катта талафот етказган. Темурбек Термизда экан. Омад бизга кулиб бокди: лашкаримиз унинг патини юлиб олибдур, – деди «ўпкангни босиб ол, бунақа гаплар ҳам бор» деган маънода.

Илёсхўжа «бу кам» дегандек:

– Таъқиб этмабдиларму? – деди титраб-қакшаб.

Ҳамид ўзини оқлаш учун кўнглида яшириб турган хабарини очикча тўкиб солди:

– Кеш ва бошқа шаҳарларда халқ бош кўтарган. Аҳвол танг, аълоҳазрат. Худо кўрсатмасин, бутун эл-улус бизга қарши турса...

Илёсхўжа «ваҳима қилма» дегандек, уни силтаб ташлади:

– Халқ эмиш? Қанақа халқ?! Ўша ялоқиларнинг иғвосига ишонган оми одамларми? Алар бир пода, қаёққа бошласанг, ўша ёкка кетадур!

Бошқалар шоҳида юрса, Ҳамид баргида юрадиганлар хилидан, у соясидан чўчийдиган ҳукмдорлар билан тиллашганда, ўта эҳтиёткор бўлишни ҳам яхши билади, худо кўрсатмасин, жаҳллари чикса, ўлимга буюриш улар учун оддий ҳол.

– Маъзур тутгайсиз, аълоҳазрат! – деди у таъзим қиларкан, бир оз мақтовни оширмасам бўлмайди, деган ўй билан. – Сиз улкан тоғсиз. Мен қулвачча бир хасдурмен. Ожиз қулингиз Сизга ҳамиша содиқ. Фикримни баён этдим, холос!

– Амир Ҳусайн қаерда?

– У Балхда эрмиш.

– Нечун?

– Темур билан ораларида низо чиққан экан.

– Қандай низо?

– Англашим бўйича, Амир Ҳусайнбек ўзининг фойдасини кўзлагандур..

– Яъни?..

– Яъни ул баччағар Бадахшон билан Балхни кўлга киритмокчи бўлган.

– Ў-ў-ў, иштаҳаси карнай эркан! – деди Илёсхўжа лунжларини шиширганча ва тиржая туриб сўради: – Ҳозир кўшин каерда?

– Пули Сангинда!

Илёсхўжа улкан хазина топган девонадек, нозик кўлларини бир-бирига ишқалади:

– Йўл ҳозирлигини кўринг: ул илонларнинг битта-битта бошларини янчурмиз!

Жикқа терга ботган Ҳамид аждарҳонинг панжасидан кутулган овчидек, енгил тортиб, этагини қокди.

6.

Мамат бир жойда туролмайди: отаси, акаларини ўйлагани ўйлаган; бирор юмуш чиқиб қолса, бориб келишга тайёр, парвоначи ҳам, ғажарчи ҳам ўзи. Ишни танлаб ўтирмайди, буйрукнинг буниси меники, униси сеники демайди: чўл кезади, дашт кезади, йўл юради; ишни битиради, йўл-йўлақай жигаргўшаларини суриштиради; Фотимадан эса кўнгли тўк, у Самаркандда, ишончли жойда!

Бу гал у Кешга кетяпти. Кешга! Кеш – катта шаҳар. Темурбекнинг ўзи жўнатди уни. Кўзининг оқу қораси Муҳаммад Жаҳонгир етти ёшни, шаҳло кўз Оқа бегим эса тўртни тўлдирди. Уларга совға-салом олиб кетяпти. Олтин иплар билан тикилган Қуръони карим, зарчопон, олтин дастали қилич, ёқут кўзли узук, оналарига этаги узун ипак кўйлак, амиркон ковуш – икки хуржун ҳадя. Амирнинг қўли очик. Ўзининг аҳволи танглигига қарамай боласини, тани маҳрамини ўйлайди. Кешдан чиқиб, Самаркандга ҳам ўтиш лозим. Ўлжай оқа, Фотимага аталган ҳадялар ҳам бор. Эҳтимол, фарзандли бўлгандир. Маматнинг кўнгли ийиб кетди. Соғинди. Фотимасини жуда соғинди. Йўл хатарли,

аммо Амир буйруғи – қонун. Кейин у кишининг ўзлари: «Фарзанд туғилаётганда, ота аёли ёнида бўлмоғи лозимдур», дедилар. Тўғри айтадилар. Фарзанд кўраётган аёл эрини ўйлайди. Ким билади, Фотима тўлғоқ тутиб, йўлга илҳақ кўз тикиб ўтиргандир.

Улар Темур қопуғдан кечаси ўтишлари керак эди. Ҳали кун ботишга анча бор.

– Тўхтамаймиз, – деди у ҳамроҳига.

– Хавфли эмасми, ака!

– Кутсак, вақт кетади.

Тўғрида Саримаст тоғлари. Ғадир-будур кенг бағри кўкиш рангда. Пастда дарё шовуллайди. Суви отларнинг тиззасига уради.

Улар чапга бурилишди. Баланд қояларнинг учларига қуёш нурлари заррин мато боғлаган, атроф жимжит; дўст ҳам, душман ҳам шу ердан – дарадан ўтади, хавф-хатарли шу жойлардан ўтиб олишса, у ёғига хотиржам кетса бўлади.

Бурилишда улар ҳар эҳтимолга қарши панада туриб, пастликка тушиб кетган йўлни кузатдилар: зоғ йўқ. Мамат «юрдик» дея имо қилди. Ортдан:

– Тўхта! – деган таҳликали овоз янгради.

Маматнинг танасидан ўт чиқиб аъзойи баданини куйдирди. Қўлга тушдик, деган ўйга бораркан, мажолсиз ҳолда ортига тикилди. Қулочдан каттароқ оқ харсанг ёнида икки норғул йигит, қўлларида камон, нигоҳларида ҳайрона сурат қотган.

– Мамат! – дея ҳайқирди улардан бири камонни ерга тушириб.

Маматнинг кўзи тиниб, қулоғи шанғиллади, юраги гуп-гуп ура кетди:

– Ака! Акажон!

7.

«Менинг елкамдан оғир юк босадур, ўғлим! Қайларда қолиб кетдинг? Нечун йўқлаб келмайдурсен?» Отасининг овозими?! У овоз беришни истади, аммо томоғи бўғилган эди.

Темурбек алахсираб уйғонди. Тушига падари бузруквори кирибди. Бир нимадан безовта у зот! Кешга бормаганига анча бўлдиёв!

Чодирда ёлғиз эди. Ҳаловона оқ харир пардани суриб, ташқари қаради: ғира-шира тонг пайти. Чухра бошлиғи мулозимлари билан айланиб юрибди; ҳаммаси кешлик йигитлар, уларни кечаги воқеадан сўнг шахсан ўзи танлади. Битта хато! Бор-йўғи битта хато туфайли қарийб беш юз йигитидан, Зуранждан олиб келган бойлигидан айрилди. Зуранж ёкмади унга! Зуранж бойлиги юкмади унга!

Офтобани олиб чиқиб, чеккага ўтиб таҳорат олди: қора курум босган кўнгли тонгдек беғубор тусга кириб, руҳи снгиллашди.

Баҳром Жалойир-ку бойлик кетидан қувган одам, тушунса бўлади: ҳақини берганга хизмат қилади. Аммо Тамуқа баҳодирни нима жин урди? Ҳусайн алдадими уни?! Унинг одами! Ишончли одами ахир! Сотқинлик қилди. Уни кечириб бўлмайди. Ҳусайннинг ўзи-чи? Пули Сангинга жанг тамом бўлгандан кейин келди. Уялмай-нетмай ўлжага шерик бўлиб, ҳақини олиб кетди. Биргаликда мўғулни юртдан ҳайдаб чиқаришга келишилган эди. Лафз қаёқда қолди?! Лафзсизлик – гуноҳ! Катта гуноҳ! Лафзсиз одамда на барака, на омад бўлади. Икки олов ўртасида қосовдек охири ёниб кетди. Ким билади, бошқага қандай кўринади-ю, лекин унга ҳозир Ҳусайннинг охирати равшан: қилмиш-қидирмиш, дейдилар, танлаган йўлининг охири жарликдир.

Бомдод намозини ўқиди.

Ёғийдан эмас, орангдаги сотқиндан кўрқ. Тамуқа баҳодирни у кечирмади. Уни кечириб бўлмайди. Хиёнатдан дахшатли ёвузлик йўқ. У Темурга эмас, юртга хиёнат қилди. Чўби ясоқ... Йигирма беш дарра бир умр эсидан чикмайди. Бошқа амир бўлганда, шу қилмиши учун бошини танасидан жудо этарди. Лекин у қўлини қонга ботирмайди, бир жонлини жонсиз қилиш ҳам гуноҳ; хатосини билсин, уялсин, қуйсин; одам бўлса, хатосини тузатса, ана ўша фойда!

– Эй парвардигори олам! Ўзинг яратувчи, ўзинг жон олувчисен! Хоҳлаган банданга беҳисоб яхшиликлар берур-

сен. Ёғий зулми остида эзилаётган элимга нажот бер. Падари бузрукворим шаҳри улуғ Кешни бирор кимсага озор етказмай қўлга киритишимга ўзинг мададкор бўлгин, худойим!

Тонг ёришди. «Хосиятли эрта!» Кўнглидан шу ўй ўтаркан, секин пичирлади: «Мен ишонувчан кишимен! Сенга, қудратингга ишонурмен, Аллоҳим! Сен мени кулфатларда қолдирмайсен!»

Нонуштадан сўнг товачини суриштирди. Узун бўйли, панжалари йирик-йирик, қалласи катта бу йигит Ачиғи кишлоғидан бўлиб, унга хайрихоҳ навкарлардан эди. Уни Эшмат деб чақирардилар. Чодир ёнида оёғини узатиб ўтирган Темурбекка ўнг тиззасини ерга қўйиб таъзим қилди.

– Ўтиринг! – деди Темурбек. – Кешда не гаплар?

– Амирим, айтганларингизнинг ҳаммасини бажардим: ишончли жой тайёр. Бойсундан ўтганимиздан сўнг қаршилик, ҳузорлик, кешлик йигитлар бизга қўшилурлар. Кеш ёнида эса шаҳарликлар бизни кутиб тургайлар!

– Одамлар не дерлар?

– Одамлар, Сиз тўғрингизда эрта-кеч сўзлашурлар. Барча эл, улус Сизни кутаду.

– Иншоолло, эрта-индин етиб боргаймиз.

Эшмат суюкли амирни хурсанд этиш учун «мавриди келди, энди айтсам бўлади» деган ўйга борди-да:

– Аржуманд фарзандингиз Муҳаммад Жаҳонгирнинг бўйлари анча чўзилиб, бир кўркам йигитча бўлибдурлар! – деди «шунақа яхши хабарим ҳам бор» дегандек жилмайиб.

Темурбекнинг юраги ўртади: суюкли фарзандини кўрмаганига бир йилдан ошди. Жуда-жуда соғинди уни. Жуда зийрак, доно бола. Бу йил еттига тўлди. Икки йил олдин уни Гилонга юборган эди. Ўлжай ока ҳам уни ўз фарзандидек кўради, кўп соғинади. Ул ҳам эсон-омон кутулиб олсайди. Эрта-кеч шундан ташвишда!

Хушхабарининг натижасидан илҳомланган Эшмат энди эркин сўзлай кетди:

– Амирим, толеи порлоқ фарзандингизнинг илми хусусида мактовлар айтдилар: илми нужум, хандаса, риёзиёт,

муомалада устозларидан ўзибдур. Қуръони каримни уч ойда ёд олган эмиш. Шундоғ камон отар эмишки, зарбидан ҳаво титрар эмиш!

Қайси ота жигаридан бўлган фарзанди ҳақида илиқ сўз эшитганда, қувонмайди, деб ўйлайсиз. Муҳаммад Жаҳонгирбек шунчалик мақтовларга сазовор бўлибдиларми?! Кўз тегмасин, бир алп йигит бўлиб улғайсинлар!

– Сизга тасанно, Эшматбек. Хабарчилар ҳам бундай хуш-хабар келтиролмаслар! – Темурбек одати бўйича қувончли хабар келтирганларни сийламасдан қўймайди. Белидаги олтин нақшли ханжарни унга узатди. Бу Сизга!

Эшмат бундай қимматбаҳо совғани кутмаган эди, бошқа тарафдан эса у «беклар фақат совға олишни билишади», деган фикрда эди, айти дамда бу қараши унчалик тўғри эмаслигини англаб, сал калта фикрлар эканман, деди-да, ўзидан уялди ва хурсанд ҳолда таъзим бажо келтирди:

– Беҳад миннатдормен, амирим! Фарзанду аржумандингиз – Жаҳонгир Мирзо ўзингиздек баҳодур бўлсин!

– Қуллук, Эшматбек, қуллук! – Темурбек унга ёқимли тикилди. Тўнғич фарзанд энди ёнида бўлиши керак. Алпомиш ҳам етти ёшида халқни қойил қилган. Ўлжай оқанинг кўзи ёриса, яна бир фарзандли бўлишади. Фарзандлар кўпайса, қўлтиғидан киради. Ўғил кўрса, Жаҳонгир Мирзога ини, суянчиқ бўлади. Аллоҳим, фарзандларимни ўзимга муносиб қилгин!

– Маматбекдан дарак йўқму? – деб сўради ёнида ўтирган Расулдан.

– Йўқ, дараги бўлмаяпти!

– Сиз уни йўлда кўрмадингизму?

– Кўрмадим, амирим.

Темурбек «Бир ҳафта бўлди йўлга чиққанига», деб ўйларкан:

– Ортидан одам жўнатиб! – деди, кейин Эшматга юзланди:

– Индинга бизни кутинглар! Шамолдек елиб борурмиз!

Мамат! Дард чеккан, азобланган, куйган, сарсон-саргардон юрган Мамат! Сенга ҳам кун бор экан! Сенга ҳам аталган бахт бор экан!

– Эсонмисизлар, ака?

– Эсонмиз, Маматжон! Ўзинг-чи?

– Кўриб турибсизлар-ку. Тўрт мучалим соғ.

Уч ака-ука кучоклашиб туришарди.

– Отам, Нодир акамлар қаерда?

– Уларни Ҳузорда деб эшитдик, – деди катта акаси Усмонбой.

– Фотимадан дарак борми, Маматжон? – хавотирланиб сўради Ҳамид акаси, унинг чўзинчоқ юзининг ўнг томонида, кўз остида тирноқча тиртиқ қолган эди.

– Фотима ишончли жойда! – жавоб қилди Мамат ва сўради: – Юзингизга нима қилди, ака?

– Ўша кун қилич теккан эди! Фотимани топдим, дегин!

– Топдим, ака, топдим! – деди кулиб ва бошидан ўтган воқеаларни бирма-бир ҳикоя қилиб берди.

– Онамиз! – деди Усмонбой, кўзига ёш айланди. – Босқинчиларнинг бирортаси ҳам тирик қолмайди, бирортаси ҳам!

Ҳамид деди:

– Онамизни эсладик, ака, рухлари атрофимизда айланиб юргандир. Бир фотиҳа қилиб...

– Тўғри айтасан, ука!

Маматнинг мешида сув бор эди. Таҳорат олгач, оналари ҳақиқа фотиҳа ўқидилар.

Усмонбой ўрнидан тураркан, уларга тасалли бергандек деди:

– Иложимиз қанча, укаларим. Шу мусибатлар бошимизда бор экан. Ёғий турган юртда ҳурликни фақат аҳмоқ орзу қилур.

Мамат ишонч билан деди:

– Уларнинг даври даврониға оз қолди. Яқинда ҳаммасини кунпаякун қиламиз.

– Бу муқаррар, ука! – деди Усмонбой ҳам ишонч билан. – Кимки золим бўлса, ўзининг бошига етади.

– Йўлга туша қолайлик, – тоқатсизланиб деди Ҳамид.

– Сизлар?.. – Мамат уларга тикилди.

– Бизлар ҳам сен билан бирга борамиз, ука! – Усмонбой жилмайди. – Сан билан Ғилонга бориб қайтамиз. Неча кунда қайтишинг керак?

– Тўрт кунда. Қайтишда бошқа юмушлар ҳам бор.

– Темурбекдек улуғ зотни ранжитмаслик керак, ука! Қани кетдик, ё бисмиллоҳ.

Ҳамма ўрнидан турди.

Йўл бўйи Усмонбой бошидан ўтганларни гапириб берди.

* * *

Темурбек кечаси билан ухламади. Кеш қон тўкилмай олиниши керак? Бирорта ҳам кешликнинг бурни қонамаслиги лозим. Лекин қандай йўл билан? Қайси ҳарбий усул билан уни амалга оширмоқ лозим? У хитойликлар, ғайратли Искандар Зулқарнайн, енгилмас Чингизхони сонийларнинг ҳарбий юришларини, ҳийлаларини бирма-бир хаёлидан ўтказди.

Хитойлар душманга тўсатдан ҳужум қилишни, ёғийлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишни ярим ғалаба, деб билганлар. Кеш ўзининг туғилиб ўсган шаҳри, ҳар бир қаричини кўз юмиб аниқлай олади. Мўғулнинг қанча кучи бор, қаерда турибди – ҳаммаси маълум. Демак, ярим ғалаба бор!

Искандар қалъа шаҳарларни олишда ҳамма ҳарбий ҳийлалардан фойдаланган. «Сўғд қояси»ни олишда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган усулни қўллаган, тоғларда юриб ўрганган уч юз нафар аскарини тик қояга чиқишга мажбур қилганлигини ҳам билади. Улар чодир тортишда ишлатилган михларни тошларга қокиб, каноп иплар ёрдамида тонг-гача юқорига кўтарилган эдилар.

У ҳам бир тадбир қўлласинки, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бўлсин. Нима ўша? Қандай тадбир! Хаёлига бирор тузукроқ фикр келармикин?!

Чингизхони соний эса шаҳар, қалъаларни олишда аввало озиқ-овқат етказиб берувчи жойларни вайрон этиб, сўнг химоячиларни ҳамла пайтида пистирмага туширишга, уларни қириб ташлаб, кучсизлантиришга ҳаракат қиларди.

Кеш! Жонажон Кеш! Йўк, йўк, сенда бундай усулни қўллаб бўлмайдди. Қон тўкилмаслиги керак. Падари бузруковори, волидаи мухтарамаси мангу ором топган муқаддас тупроқни ёғийнинг ифлос қони билан булғаса, икки дунёси куйиб кетади.

Буг қишлоғи ёнидан ўтаркан, у отда ўз ўйи, хаёли билан банд ҳолатда узоқ-узоқларга, сарғиш қир-адирлару яшил далаларга тикилганча хаёл сурарди. Ота шаҳрини қон тўкмай оладими-йўқми? Нияти амалга ошармикин?

Амирлар, навкарлар, мулозимлар ўзаро шивирлашар, гоҳо бир-бирлари билан ҳазиллашиб, қиқирлашар, гўёки тўйга кетаётгандек хотиржам бир кўринишда эдилар. Уларнинг омонлигини сақлаш, жанг режасини тузиш, озиқ-овқат, жой, курол-аслаҳа масалаларини ҳал этиш – барча-барча муаммолар сардорнинг бўйнида. Сардорлик – жондан кечмоқлик, ҳузур-ҳаловат, кайфу сафо, роҳат-фароғатга бегона бўлмоқликдир. Сардорнинг юрагида доимо ханжар туради. У оддий ханжар эмас, у сергаклик ханжаридир!

– Их! Их-е! Их, жонивор!

Йўл-йўл қизил мато желак кийган, йўрма дўппили, кора қуюқ соқолига, қош-қўзларига оппоқ чанг ўтирган қирқ ёшлардаги киши учта эшакка шох-шабба, ўтин ортиб келар, ортидан эса гўёки йигирма-ўттиз эшак келаётгандек чанг кўтарилмоқда эди.

Темурбек от жilовини қаттиқ тортган эди, от пишқириб депсинди, «дир-р-р, жонивор» дея бўйин ёлини силаб туриб, бир йигитчага, бир шох-шаббага, осмонга урлаётган қуюқ чангга нигоҳини қадади ва бироздан сўнг маънодор қўзларида севинч ёлқинлари бўй кўрсатди.

Ё Аллоҳ! Ё азиз-авлиёлар! Термиз оталар! Минг шукр! Минг шукр! Топди! Топди излаганини! Насиб этса, Кешни бирор кишининг бурнини қонатмай қўлга киритади!

8.

Мўғуллар иккала хуржундаги совға-саломларни ерга тўкишди.

– Вой-бу, анди хўжасининг бойлигини!

Ғилай мўғул Маматнинг бўйнидан қисиб ушлади: – Мен бул барлосини қайдадур кўрганмен. Бул бойлик кимники?

– Хўжамники!

– Хўжанг ким?

– Хўжам катта савдогар.

– Қаёққа кетаётирсен?

– Хўжамникига.

– Хўжанг қайда?

– Хўжам Хивакда.

Юзи узунчок мўғул унинг юзига тикилди:

– Мен бу нусхани Термизда кўрганмен. Темурбекнинг изидан кидириб юрганимда! Хўжамники, Хўжам! Алдайдур бу хўкиз! Хивакда бундай нусхаларни сакламайдурлар!

Ғилай унинг кекирдагидан олди.

– Э-э, тўнғиз, сен Темурбекнинг ясовулидурсен балки? Зап қўлга тушибсанми-а? – у шеригининг қулоғига шивирлади. Иккаласи қорнини ушлаб кулишди. – Сендай италоқиларни биласанми бизда нима килишади?.. Биласан, тўнғиз, биласан! Ҳа-ха!

Юзи узунчок мўғул ўдағайлади:

– Шеригингни бинойидек сайраттирдик: у ҳамма гапни айтди. Сен бизга Темурбекнинг турган жойини айтсанг, қўйиб юборамиз!

– Йўк, десанг, – ғилай қўли билан бўйнини кўрсатди, – молдек бўкиртириб сўямиз.

Мамат кадини тик тутди. Уларнинг: «Сўямиз! Сўямиз! Сўямиз!» деган совук таҳликали сўзлари мясига болғадек каттик урилаётган бўлса-да, паст кетгиси келмади. «Бир бошга бир ўлим!»

– Ана у ялангоёқлар сенга ўхшайдур, – деди ғилай, – оғаниларингму?

– Ҳа, оға-иним! – жавоб қилди Мамат ғурур билан.

– Улар ҳам сени сотдилар.

Мамат истехзоли жилмайди:

– Ишонмайман!

Ғилай бепарво деди:

– Ишонмасанг, ишонма! Ҳақиқат шулдурким, улар бошлиғимиз деб сени кўрсатишди.

Мамат:

– Тўғри айтишибди! – деди мағрур оҳангда.

Юзи узунчоқ мўғул унинг кекирдагидан қаттиқроқ сикди:

– Унда энангни кўрасан ҳозир!

Ғилай ўшқирди:

– Хўш, Темурбек қаерда?

Мамат кулди:

– Катта холангникида!

Ғилай хохолади:

– О-о, ҳазилниям қотираркансан, тўнғиз!

– Мен тўнғиз бўлсам, сен чўчкасан. Ҳаром тумшуғингни пок тупроғимизга тикиб, ҳамма ёқни расво айлаб юрибсан.

Ғилай унинг бути орасига тепди.

Мамат чинқирганча таппа ўтирди. Бу сафар бурнига мушт тушди. Кўз олдида қарс этиб ўт чакнади, боши билан деворга урилди.

Ғилай уни ердан кўтарди:

– Қаёққа бораётган эдинг?

Мамат бурнидан оқиб, лабларини куйдирган қайноқ қонни туфлаб ташларкан, яна ўша сўзини қайтарди:

– Айтдим-ку катта холангникига деб!

– Холамникида пишириб қўйибдимۇ, тўнғиз?

– Чўчка, калтафаҳм эк... экансан. Холангни... холангни эри... туф-ф... эриман-ку!

Узунчоқ юз уни авраб деди:

– Бехудага ўлиб кетасан, йигит! Сенга ўша Темурбек хайкал кўюрму олтиндан!

Мамат сезгир йигит: унинг авраб гапириши ҳамиятига тегди:

– Босқинчи, сен мани бола деб ўйлаяпсанми? Тушунгни... туф-ф! Сувга... туф-ф!.. сувга айт!

Ғилай унинг тап-такир бошига мушт солди. Дунё чирпирак айланди, дунё оғрикларга, азобларга тўлди.

– У... ух... ух! Онажон! Ух!

Ғилай уни ёқасидан олиб кўтарди:

– Қалай, холамнинг кўйнида маза қилаётирсанму?!

Мамат хириллаб деди:

– Жуда-ямм!

– Вой эшаг-ей, бунақа тўнғизни биринчи кўришим!

Узунчоқ юзли уни саволга тутди:

– Темурбекнинг одами қанча?

– Турон мамлакатиинг жами аҳолисича!

– Шайтон!.. Мараз!!!

Қорнига мушт тушиб, чийралган Мамат жон аччиғида бақирди:

– Их!.. Ўлдир, номард! Ўлдир! Ўлигимам санлардан ҳазар қилади.

9.

Мухаммад Жаҳонгир юз бичимлари бир текис, попукдаккина бола. Қошлари қора ипакдай. Кўзлари юлдуз мисол. Нигоҳида донолик мужассам. Темурбек уни кўтариб олди. Димоғига хушбўй хид урилди. Бола хиди!..

Ниҳоят ўша дақиқалар етиб келди, жигаргўшаси, фарзанду азизи – кўз олдида, етказганига шукр! Нурмиш оқага, онасига тортибди, тиниқ юз, моҳичеҳра онасининг ўзи! Дуркунлиги эса худди ўзим! Насиб этса, алп йигит бўлиб, қанотимға кирур!

– Болагинам!

Ҳали ҳам танасидан болалик хиди уфуриб турган Жаҳонгир Мирзо кулча юзига қуёш кўндириб, шавкатли отасининг иссиқ кучоғига ўзини отди.

– Сизни соғиндим, отажон!

– Мен ҳам... мен ҳам сизни соғиндим, болагинам! – Темурбек ўғлини маҳкам кучоклаб оларкан, димоғида яна ўша

ўта хушбўй хидни сезди. – Бўйларингиз анча чўзилибди, кўз тегмасин, алпомиш йигит бўлибсиз. Энди доимо ёнимда бўлурсиз, Мирзо! Жанг илмини ҳам ёшликдан ўрганмоқ лозимдур!

Уларнинг боши узра Она бургут сокин айланиб учар, гоҳо-гоҳо юмшоқ кўғирлаб кўяр, бу унинг «ота-бола – марду майдонлар» деганини одам боласи хаёлига ҳам келтирмасди, аммо Темурбек уни кузатар туриб:

– Ўғлим, у қандай куш, биласизму?! – деб сўради.

– Бу куш тоғлар ҳукмдори бургутдур, падари бузруквор!

– Сизни ҳам ана шу бургутлардек қанот чиқаришингизни истармен, ота ўғил!

– Мен Яратгандан сиз орзу этгандек ўғлон бўлишни тилармен, падари бузрукворим!

Темурбек ич-ичидан завкка тўлди. «Ақлли бола, кўз тегмасин!» Кўкда парвоз этаётган бургутга назар солар экан, «унинг бу учишида ҳам Худо билган бир ҳикмат бор», деб ўйлади. Чиндан ҳам, бек адашмаётган эди.

Остонада ясовул кўриниш берди. У ҳансирар, ялпоқ юзи бўғриккан, кўкраклари тез-тез кўтарилиб тушарди:

– Кешдан тўрт фарсах нарида Илёсхўжани кўрибдурлар! – деди у шошилиб.

Темурбек пинагини бузмади.

– Душманнинг вазифаси бизга қараб юриш! – деди секин ва бамайлихотир оҳангда. – Эчкининг ўлгиси келса, қассоб билан ўйнашади!.. Хабар етказганинг учун сенга ташаккур, бор, хизматингни қилавер!

Шаҳарликлар кип-қизарган ҳовлиқма ясовулнинг устидан мийиғларида кулган бўлишди.

Шайх Шамсиддин Кулол хазратлари бошқа гап айтди:

– Қайси фуқаро амирини яхши кўрур, ҳар гапни унга етказмокка ошиқур! – Атрофга бир кўз кири ташлагач, яна сўзида давом этди. – Қон тўкилмай шаҳар олинди. Бунинг шарофати ўзгачадур. Бундай саодат ила бошланган давлатнинг келгуси кутлуғ бўлур!

– Иншоолло! – деди имом хатиб ва сўради: – Темурбек, қандай хаёлингизга келдики, чанг-гўзон кўтарилиб, ул ёғийларнинг ўтакасини ёрдингиз?

– Яратган эгамнинг қудрати бу! – содда жавоб қилди Темурбек.

Шайх мамнун жилмайди:

– Парвардигори олам эл бахтини ўйлаган бандасининг ишини ҳар доим осон қилур!

Расул Темурбекка қараб тавозе қилди:

– Амирим, рухсат этсангиз, икки оғиз!..

Темурбекнинг қошлари чимирилди.

Шайх Расулга қаради:

– Темурбек ортиқча мактовни хушламайдурлар! Ёшликда ҳам одатлари шу эди. Сўзланг, иним, не дейсиз?

Расул қизарди, лаблари титради:

– Буғ қишлоғида эшакка ўтин ортиб келаётган кишини кўриб, амир жанобларининг кўзлари ёнган эди.

Темурбек жилмайди. «Пайкаган экан, азамат!»

Уларга қараб келаётган бир гуруҳ қарияларни кўриб, Расул ўрнидан турди.

Имом хатиб уларга назар соларкан, деди:

– Ҳузур оқсоқоллари-ку!

Қарияларни очиқ юз билан қаршиламоқ лозим, унга илтифот юзасидан келаётган бўлишлари керак, иззат қилгани сийламоқ ота-боболардан қолган энг яхши одат, анъана. Темурбек ўрнидан чаккон кўзғалиб, уларга пешвоз юрди, яқинроқ боргач эса икки кўлини кўксига қўйиб, хиёл эгилиб, «хуш кўрдик» дегандек, масрурона жилмайди.

Ён-атрофдагилар мамнун жилмаяр эканлар, «Амир Ҳусайн бўлганда, ўрнидан ҳам турмасди», деган гап хаёллардан ўтди.

– Бутун ҳузурликлар сиздан миннатдор! – деди хушрўйгина отахон. Сўнг зардўзи тўнни унинг елкасига ташлади.

Ҳар томондан «Сарупо муборак!» деган хаяжонли, кувончли хитоблар эшитилди.

Кеча Темурбекнинг йигитлари Ҳузурни ғанимдан озод этишга киришган эдилар. Шаҳар доруғаси Кешдаги воқеадан

хабар топган экан, кўшин етиб бормасдан бурун аҳлу аёли билан жуфтакни ростлаб қолди.

– Шукр, болам, кечадан буён ҳар хонадонимизда хурсандчилик, – деди қария. – Неча йиллардан буён раият кулги билган эмасдур! Энди бу ёғига ғанимдан ҳазир бўлайлик!

Темурбек Расулни имлади:

– Маматдан хабар борму? У Филонга етиб бормаган экан.

– Сўраб-суриштиряпмиз, амир жаноблари!

– Бирон тешик қолмасин!

– Хўп бўлади, бек!

Ясовул кечкурун кўриниш берди. Темурбек ҳозиргина кенгашдан чиққан, ўзига ажратилган хонада ором олмоқда эди.

– Шаҳарда не кўрдинг? – сўради у ясовулдан.

– Кўчалар тозаланмоқда, бозорлар тартибга келтирил-
япти, чойхоналар ишга тушган, ҳамма жойда қоровуллар
кучайтирилган, суворийлар от устида жангга шай туриб-
дилар!

– Аҳолининг кайфияти қалай?

– Хавотирни айтмасак, жойида!

– Сен не хабар олиб келдинг?

– Туғлуқ Темур вафот этибди. Илёсхўжа Мўғулистонга қайтаётган эмиш.

– Бул хабарни тезда Кеш, Хузор, Қарши шаҳарларига ет-
каз!

Эртаси пешин намоздан олдин эшик оға шошиб ичкари кирди:

– Суюнчи беринг, амирим! Фарзанд муборак! Қиз... киз
муборак сизга!

– Ўлжай оқа!.. – Темурбекнинг лабларига табассум югур-
ди. – Муҳтарама ожизамизнинг аҳволлари нечук экан?

– Маликамизнинг соғлиқлари яхши, хавотирга ўрин йўқ,
амирим!

Темурбек Муҳаммад Жаҳонгирга қаради:

– Сингил муборак, ўғлим!

– Қуллук, падари бузруквор!

Тушдан сўнг элга ош берилиб, хушхабар бутун Кешга аён этилди.

Шаҳар аҳлининг севинчи ичига сиғмайди, одамлар енгил нафас олишиб, энди тинч яшашдан умид қила бошладилар. Тушдан сўнг бутун шаҳар булбулларга тўлиб, уларнинг майин наволари оламни тутди. Кеш аҳли ҳали бунақа ғаройиб томошани кўрган эмасди.

Муҳаммад Жаҳонгир:

– Падари бузруквор, булбуллар Сиз билан бирга келдиму? – деб сўради.

Темурбек мамнун эди.

– Бу фақат Яратган эгамизга аён. Балки у сизларни, чақалок синглингизни мадҳ этаётгандир! – деди оддий, сипоҳи оҳангда.

Темурбек билан ёнма-ён ўтирган шайх:

– Қиз бола бахтдан нишона, – деди мамнун холда. – Ул фарзанду азизангиз Султон Бахт бегим номларига мушарраф эрурлар, зеро бугун сизга бахт ёр, бугун Сиз эл султонисиз! Шу кутлуғ кунларда эгамиз Сизни олий инъом – хушхабар ила сийлабдурларми, демакким, энди барча ишларингиз ривож топғай!

– Ташаккур, устоз! Минг ташаккур! Султон Бахт бегимнинг пойи қадамлари кутлуғ келди. Бугуноқ чопар йўллаб, лутфу карамингизни тезда етказурмиз!

10.

Карнай садоси эшитилади. Одамлар қах-қах уриб куладилар. У шишиб кетган кўзини зўрға очади. Кўл-оёқларини силкитади, шу заҳоти қовуғида пичоқ сукқандек оғрик туради, бурни чаён чакқандай ачишиб қичишади. Беихтиёр оҳ уради.

Ташқаридан оёқ шарпалари ўрмалаб, кулоққа ёпишади:

– Бу ерда биров бор шекилли!

Икки навкар унинг бошида тик қотади. Маматнинг юраги дук-дук садо беради. «Мўғулларми?»

Навкарлардан бири унинг елкасидан туртади:

– Кимсиз?

Мамат бошини кўтаради:

– Мен... м-м-м...

– Мамат ака! – таниш овоз. Мамат кўзини очишга ҳаракат қилади.

– Мен... Маматман!

– Мамат ака!.. Мен Расул аканинг оғайниси – Ҳамидман! Ҳамид!

Навкарлар унинг қўлтиғидан кўтаришади.

Унинг боши ўнг ёнга шилқ тушади.

* * *

Кешда кўп туриш мумкин эмас. Эрта-индин Илёсхўжа Мўғулистондан қайтади; унинг одатини Темурбек яхши билади; бегона одам, режасини тезроқ амалга оширишга шошилади, ундан кейин Мовароуннахрдай бой ўлка қаерда бор: тилло, кумуш, мис сероб бу ўлкада; рангдор шишалар, сифатли коғоз, ипак, пахта, шоҳи... шундай бой юртдан воз кечолмайди. Ўлгандан сўнг кўзи тўймаса, ҳозирча уни Тангри тоғини толқон этиб ҳам тўлдириб бўлмайди.

Темурбек остонада турган Расулдан:

– Хўжанд, Бухоро, Самарканд ва Қаршига вазиятни билиб келиш учун тафтишчилар жўнатилдиму? – деб сўради.

– Аллақачон жўнатилган!

– Мамат-чи? Дарак борму ундан?

– Дарак бор, амир жаноблари! Ҳузорда, бир ертўлада ўлар ҳолатда ташлаб кетишган экан.

– Унга хос табиблар ёрдам кўрсатсинлар!

– Хўп бўлади, амир жаноблари!

– Шер Баҳром билан Амир Ҳусайндан дарак борму?

– Улар йўлга чиқишибди.

Темурбекка шуниси керак эди. У Амир Ҳусайн келмайди, деган ташвишга ҳам борган эди. Хутталоннинг мустаҳкам қалъаларини забт этиш ҳақида бўлган кенгашда икки амир қаттиқ тортишиб қолган эдилар. Зуранжда Амир

Хусайнбекнинг башарасидаги ниқоб йиртилиб, сири очилди: у хар доим бировларни ўтга юбориб, ўзи четда туриб, уларнинг қўли билан ишини битириб, обрў, бойлик топмоқни кўзлар экан. Сейистондан 90 нафар йигити билан соғ-саломат қайтди: омади бор экан, омон бўлсин. Аммо дўст, биродар, ҳамфикр, кайноға дегани ғирромлик қилса, давлат талашса, ёкмас экан кишига! Лекин, тан олиш керак, Амир Хусайн баҳодур жангчи. Бир ўзи бир неча навкарга тенг келади, жанг тизгинини қўлда тутиб туришга уддабурон. Ҳозир унинг кўмагисиз Илёсхўжанинг 30 минг кишилик катта тайёргарлик кўрган баҳодирларига тенг келиш қийин!

Тушдан сўнг Темурбек кенгаш чақирди.

– Кечкурун Кешдан чиқиб кетурмиз. Хазинадан сипоҳилар учун маош, совға-саломлар ажратилган, навкарларга укулка берилсун. Кеш қалъасига баҳодур Хўжа Салбарий чипдовул килиб қолдирилсун. Ёғийга ҳар куни кўз-қулок бўлиб туринглар. Ҳали унинг белини синдирган эмасмиз. Сон жиҳатдан улар биздан устун. Аммо муқаддас Қуръони каримда: «Қанчадан-қанча кичик гуруҳлар Аллоҳнинг изми билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган», деб битилган. Яратган эгамиз бизни адолат учун, зулмни синдириш учун катта майдонга ташлади. Бутун Туронзамин бизга умид ва севинч билан кўз тикиб турибди. Келинг энди, биз фарзандлар, элни, эзилган халқни озодликка олиб чиқайлик. Бул эл ҳам кун кўрсин!

– Амир жаноблари! – амир Сайфиддин ўрнидан турди. – Мен бул гапни кўп такрорлаймен ва яна такрор айтурмен, – У ўтирганларга қаради, – ҳаммамизга маълум: шохлик, хонлик ҳаммага ҳам насиб этмайдур.

Шайх Шамсиддин Кулол бош ирғиди:

– Ҳақ гап!

Амир Сайфиддин баландроқ овозда давом этди:

– Темур жанобларининг келажаги ҳақида мунажжимлар жамики башоратни очиқ-ойдин айтганлар. Аллоҳнинг ўзи Сизу бизга шундай буюк зотни раво кўрган экан, келинлар, муҳтарам амир, беклар, унга садоқат ила хизмат этайлик. Тахт

талашадиган, хонлик маснади орзусида юрган олгир чикса, адабини берайлик.

Темурбек унинг гапини чўрт кесди:

– Амир Сайфиддин жаноблари?.. Мен Аллоҳнинг кулимен, оддий бандаи мусулмон, мактов ортикчадур! Мактов Яратганга ярашур!

– Амир Сайфиддинбек бир ҳақиқатни куйиниб сўзладилар, – деди Шайх Шамсиддин Кулол. – Арастулар Искандари Соний, мўғуллар Темучин атрофига бирлашган эдилар. Бул ҳикматда кўп улуғ маъно бор. Буюк Туронзамин майда-майда амирликлар туфайли хароб аҳволга келди. Амирларнинг атрофингизда бирлашувлари, Сизнинг шахсингизни улуғлаш дегани эмас! Биз бир оила вакилларимиз! Шу оилага биров бош бўлиб, бошқалар обрўси камситилмаган ҳолда, қурбиларига қараб, вазифа тайин этиб, тинчлик, осойишталикка эришмоқ керак деганидур бу!

– Бул пурмаъно фикрингизга тан берурмен, устоз! – деди Темурбек ўрнидан туриб. – Аср намозидан сўнг йўлга чикурмиз!

Шайх дуога қўл очди.

Куз.

Туронзаминда олтин куздек хушсурат фасл борми? Ҳаво майин, анбар ҳидли: на иссиқ, на совуқ. Четларини кўм-кўк ўт-ўланлар безаб турган ариқларда тиник сувлар шилдираб, ишқомларда бол томиб турган узумлар ял-ял товланади, ҳил-ҳил пишган қовун-тарвузларнинг ширин ҳидлари далаларни тутган.

Темурбек бу завқ ва ҳиддан ҳузурланиб тамшанди, аммо хаёл кўзгусидаги қора чаённи ҳайдай олмади. «Зулм салтанатини булутлар мисоли тўзғитиб ташламоқ керакки, саховатли куёш бу заминни эркин сийласин. Уруш, хунрезликларга чек қўйилса, раият бахту икболга эришиб, ҳар ёнда тўкин-сочинлик, кут-барака бўй кўрсатади, остоналарда «ёр-ёр»лар айтилади.

Хаёлчан кетаётган Темурбек мийиғида кулиб қўйди. Чухра, ясовуллар сукут сақлаб жим кетишар, фақат ордан

келаётган мулозимлар, амирларгина ўзаро шивир-шивирлашиб боришарди.

Темурбек Салжукий Маликани эслади. Исми эсидан кўтарилган экан. У Қаввин шаҳри соҳибаси эди. Бу аёл дам олиш пайтларида шаҳар чеккасидаги далага чикиб, ўтов қураб, тўқиш билан машғул бўларди. Бир йили қаввинлар шаҳрининг деворларини қайта тикламоқчи бўлишиб, ёрдам пули йиғиб бошладилар. Зарур миқдордаги маблағга эга бўлиш учун бироз олтинга эҳтиёжлари бор эди. Улар бу пулни соҳибадан сўрамоқчи бўлиб, илгари унинг ҳузурида бўлганларни вакил қилиб жўнатдилар. Ўтовга яқинлашиб кўрдиларки, соҳиба тўқиш билан машғул. Вакиллардан бири: «Бу хасис аёл бизга пул бермаса керак» дея келганига пушаймон бўлди. Соҳиба уларни кўриб тургани учун ноилоҳ олдида бордилар ва воқеани тушунтирдилар. У барча ёрдам пуллари эгаларига қайтаришни, ҳамма сарф-харажатни ўз ёнидан кўтаришни айтиб, уларни хайратда қолдирди. Ҳалиги вакил кўнглига келган гапни айтганда, Соҳиба: «Албатта, менинг тўқиш билан машғул бўлганимни кўрган барча эронликлар таажжубланадилар. Ҳолбуки, оиламиздаги ҳамма аёллар иш билан бандлар. Биз салтанат юмушларидан бўшагандан сўнг бундай иш билан машғул бўлмай, ҳавойилик қилайликми?! Бундай номақбул ишлар бизнинг авлод-аждодларимиз шаънига тўғри келмайди», деди.

Темурбек отининг ёлини силади. Ахли аёллари покиза юртда ҳамма нарсанинг баракаси бўлади: барака бор жойда танқислик сезилмайди. Қуръони каримда ёзилганки, қайси шаҳарда, қишлоқда бузғунчилар, ўғрилар, зинокорлар кўпайса, у ерга фалокат юборади.

— Бундайин фалокатлардан ўзинг асрагайсан, Яратган эгам!

Атрофни синчковлик билан кузатиб келаётган Расул узоқда, ортда, адирлик устида кўринган уч-тўрт суворийга кўзи тушган, бутун фикри-зикри уларда эди, ҳаёлида амир бир нима сўради, кимдир уни чақирганди.

– Лаббай?..

Темурбек унга ажабланиб қаради. Ҳар нарсани тез илғайдиган, сезгир Расул хижолатда қолмаслик учун воқеадан уни огоҳ этди:

– Отликлар кўриняпти, амир жаноблари!

Ортга ўгирилган Темурбек:

– Хабарчилар ё забонгирлардур! – деди бамайлихотир.

Амирнинг атрофида чухра билан ясовуллар кўпайди. Бундай содиқ йигитлар билан бутун Туронзаминни гуллатиш мумкин. Бу азаматлар ҳамма гапнинг моҳиятига тушуниб турибдилар. Унга чин дилдан ишониб қарайдилар. Таг-туғли давлатли бўлса, уларнинг бу олижанобликларини бошларига кўтаради.

Учқур корабайир пишқириб, ўйноқлаб турарди. От устида ўтирган корамағиз йигитга кўзи тушган Темурбекнинг ипакдек майин қора қошлари бургут қанотидек бир силкинди. Забонгир?! У йигитни ёнига имлаб, «бошқалар эшитмасин» дегандек, қулоғини тутди.

Забонгир секин шивирлади:

– Илёсхўжанинг ғажарчисини қўлга туширдик.

– Не деди?

– Хон шу ерда экан.

– Кетмабдими?

– Йўқ!

– Эрта-индин бу томонга лашкар тортар эмиш.

– Эмишму, ростму?

– Рост, мухтарам бек.

– Жигдаликда тўхтаймиз, ғажарчини ўзим сўрок қилурмен! Бу гап шу ерда қолсун!

Забонгир бош ирғаб, отини орқага бурди.

Темурбек Илёсхўжани кам деганда уч ой, тўрт ойда қайтади, деб ўйлаганди. Демак, у Мовароуннахрни тинчитиб, сўнг Мўғулистонга кетмокчи! Ўйлагани тўғри чиқди. Унга падари бузруквори эмас, Мовароуннахр керак!

– Қовун жуда ширин етилибдур, Ҳузорникиму? – сўради Темурбек.

– Ҳа, Ҳузорники! – деди Расул қовуннинг ширин чиққанидан мамнун бўлиб.

– Ким бериб юборган экан?

– Ман ... ўзим, амир жаноблари, – деди Расул тутилиб. – Сиз учун даладан олган эдим.

– Палакбонни рози этдингизму?

– Алҳамдулиллоҳ мусулмонмен, амир жаноблари, бир кепаккий бердим.

– Бир кепаккийга юз қовун берур?

– Ман палакбонга Сиз учун юзта қовуннинг ўрнини босадиганидан бергинки, амир жаноблари есалар бир кучларига юз куч қўшилсин, дедим.

Темурбек кулди. Расул амирнинг бундай ёйилиб кулганини кўрмаган эди.

– Мулозамат учун ташаккур. Аммо бундин кейин ўзингизни ортиқча уринтирмангиз. Мен ҳам Аллоҳнинг бир кулимен: ортиқча мулозамат фақат ул эгамизга қилинур! Қани, ўлтиринг, беназир деҳқон ҳақиға «ширин новвот – манзил обод» қилиб қўяйлик!

Дуо қилдилар.

Ширин таомдан бошланган эрта Темурбек учун омадли келди. Пешин намозигача Темур қопуғда қолдирилган Шер Баҳром, икки минг чоғлик аскар билан Балхдан Амир Ҳусайн ташриф буюрди. Термиздан ақа-ука Абул Маъали билан Али Акбар Саййидлар ҳам беш юз навкар билан келишди, Илёсхўжанинг ортга қайтганидан ташвишланган Темурбекнинг чехраси очилди. Кўнглидаги ғуборни на ёнидаги амирларга, на бошқага ва ҳаттоки ер тагида илон қимирласа сезадиган Расулга ҳам билдирмаган эди. Саркарданинг бир сўзи қўшинга қанот бағишлаши, бир сўзи уни тўзғитиб юбориши мумкин. Ваҳоланки, унинг қаршисида ўттиз минглик катта қўшин турибди. Уники эса атиги олти мингта. Бундай

лаҳзаларда ҳар бир сўз ўйлаб айтилади. Ҳозир кўшиннинг руҳини кўтарадиган пайт.

Намозни бирга ўқидилар.

Кейин тушлик берилди. Дастурхон сархил мева-чева, ҳар хил таомга тўла: Бойсунда пиширилган тандир кабоб, Ҳузор амиркон қовунлари, тарвузлари, хусайни узумлар; гўшт, угра, ош, бедана шўрва, Термиздан келтирилган яхна баликлар; кўз қамашар даражада мўл-кўлчилик, кўп бўлса, кўз тўяди, кўпчилик бўлишларига қарамасдан таомнинг ярмиси ҳам та-новул килинмади.

Абул Маъали билан Али Акбар Саййидлар Темурбекнинг ўнг ёнидан жой олгандилар.

– Кеча бир туш кўрибмен, – деди Темурбек дастурхонга дуо ўқилгандан кейин. – Катта дарё бўйида эмишмен. Балик тутмоқ ниятида тўр ташламоқчи бўлсам, филдек балик менга ташланди. Қиличимни суғурдим-да, ҳимояга ўтдим. Кейин ҳамла қилиб, ҳар қилич урганимда, у кичрайиб бораверди. Охирги қилич урганимда, у бир қарич баликқа айланди. Уни ўлдиргум келмади, кўйиб юбордим.

– Ибн Сийрийн Раҳматуллоҳ алайҳиссалом айтибдурларким, – деди Абул Маъали, – дарёдан катта балик тутиб ўлдирилса, подшонинг душмани ҳалок бўлгай!

Темурбек «анча ўқиган кўринадур» дея кўнглидан ўтказди.

Абул Маъали давом этди:

– Сиз душманинғизни ўлдирмайсиз, локин анинг нуфузи камайиб, қайта подшоликқа даъво қилолмас экан!

Термиз воқеасидан олдин кўнгли безовта бўлиб, оёқлари увушган эди: бир фалокат бўлишини сезганди ўшанда. Ҳозир эса анча хотиржам, юз минг кўшинга эга амирдай ғалабага ишонч билан қарамокда. Тушида ҳам бунга ишора берилди. Ҳар нарсани кўнгил олдиндан сезади. Қандай сезади? Бунинг сир-синоати қайда? Шундай воқеалардан сўнг Аллоҳга ишонмай бўладими? Олти минг киши унинг амрига мунтазир. Улар ҳам одам: икки қўл, икки оёқ, икки кўзлари бор. Ақллари бу-

тун. Куч-кудратлари жойида. Валий эмас у, аммо унга итоат этадилар. Бу қандай сир, қандай мўъжиза?!

Ўрнидан тураётганда кўзлари юлдуздек чарақлаб, кайфияти баланд эди. Жангга тайёргарликнинг бориши ҳақида ўтказилган кенгашда ҳам, қўшин кўрик қилинганда ҳам ана шу кайфиятда юрди. Раият ҳам, ҳар бир навкар ҳам унга иппонади. Кешнинг қон тўкилмай қўлга киритилгани унинг обрўйини ошириб юборди. Аҳли мусулмон: «Темурбек – худо сийлаган одам, у Илёсхўжани енгишнинг бир йўлини топади», демокда. Шундай бўлади ҳам. Чунки Чингизхон эккан дарахт қариди, илдизига қурт тушиб, аста-секин куриб бормокда.

Расул оёк-қўллари бақувват, олача кўз сипоҳини бошлаб келди.

– Бухор-Зиндондан келишипти! – деди у.

Бу гапдан сал ранжиган Темурбек:

– Бухор-Зиндон эмас, Бухор-Баҳор, денг! Қишлоқнинг номи ўзгарганига анча бўлган. Бундан хабарингиз йўқ кўринади! – деди унга танбех берган бўлиб.

Сипоҳи тавозе қиларкан, деди:

– Узр, бек жаноблари, сал фаромуш бўлибмен! Қишлоғимизнинг мўътабар оқсоқоли Ҳожи бобомиз ман Холикбекни юз нафар навкар ила Сиз улуғ бек кўшинида хизмат қилишга жўнатган эдилар. Дуо-салом ва совғаларини қабул қилгайсиз!

Темурбек ўрнидан туриб, сипоҳини қучоғига олди. Бу шунчаки сипоҳи эмас, бу бахт, бу – ғалаба!

– Ҳожи бобомиз эсон-омонмилар?

– Шукур, бек жаноблари, у зот худо паноҳида соғ-саломатлар. Эрта-кеч Сизни дуо қилиб ётиптилар.

– Умрлари узоқ бўлсин, ул зотнинг! – Темурбек Расулга буюрди: – Холикбек инимиз юзбоши лавозимида кўшин таркибига киргизилсун. Навкарларга аср намозигача дам берилсун. Ҳар бирига биттадан от, ўн кепакийдан укулка инъом этинглар!

Расул таъзим қилди:

– Бош устига, аълоҳазрат!

Темурбек қовоғини уйди: «Кўзларини ўйнатгани недур? Аълоҳазрат, дейди-я! Шайтон!» Ҳаял ўтмай у яна кўриниш берди: бу сафар жиддий эди, кўзлари ташвишли боқарди. Қулоғини қашиди. Муҳим хабар дегани бу.

Темурбек «қулоғимга айт» дегандек имо қилди.

Расул ҳансираб шивирлади:

– Илёсхўжа Тошарикда пайдо бўлибди.

Эшик оға ичкари киришга мунтазир турарди. Темурбек «бери кел» дея имо қилгач, югуриб келди:

– Бек жаноблари! Яна хушхабар: мухтарама маликамиз саодатли фарзандингиз, Фотима синглимиз бирла йўлга чиқибдурлар!

ТЎРТИНЧИ БОБ

1.

1364 йил. Куз.

Қабаймитан.

Илёсхўжанинг олачипор оти бўйнини гоҳ ўнг, гоҳ чапга буриб, ирғишлаб безовта кишнайди. Жонивор бир нима-ни сезаётган эди. Хон отаси вафот этиб, кўнгли ғаш бўлса-да, отининг безовталигидан хира тортаётган фикр осмонини ўжарлик қуёши билан мунаввар этишга, албатта Темурни енгаман, дея қайта-қайта ўзини ишонтиришга уринарди. Енгилиши мумкин эмас! Сира ҳам. У ўттиз минг баҳодирга эга. Ўттиз минг... Бу ҳазилакам куч эмас. Унинг устига Амир Тўқа Темур Мўғулистондан келган. Қиличи қайрилмаган баҳодир! Амир Беккичик, Амир Ҳамидларнинг жангларида елкаси ерга тегмаган. Амир Темурда эса бор-йўғи олти минг киши бор. Унинг ярми ҳам – сойири сипоҳлар, ялангоёқлар.

Осмонни коп-қора булут забт этмоқда, шамол кучайиб боряпти. Майсарани хон ва Амир Ҳамид кўшинлари, Майманани Амир Тўқа Темур, Амир Беккичиклар бошлиқ кўшинлар эгаллашган. Бугун у бобокалони Чингизхон ҳарбий усулини қўллайди. Амир Тўқа ҳам унинг бу фикрини қувватлади. Шун-

дай тузоққа туширсинки, у чўлоқни, қайтиб ўзига келмасин! Келиб-келиб кимсан олий ҳукмдор билан, бобоси, бобокалонлари буюк лашкарбоши, жаҳонгир бўлган Илёсхўжахон билан ўзингни тенг кўрмоқдасанми? Папшадай эзиб ташлайди-ку сени, менинг ёвкур баҳодирларим!

От, биров қилич суққандек, ўкириб кишнаб, осмонга ирғиди, оғир зирх, жавшан кийган Илёсхўжанинг ағдарилиб тушишига оз қолди, ясовуллар икки ёндан ушламаганда, бир кори ҳол юз бериши ҳам мумкин эди.

– Шошма, жонивор, шошма! Жангга ҳам кирурмиз. Ўшал ғаддорнинг байтали билан сузишарсен хали!

Ясовуллар тиржайди.

Узоқда, ҳов кўприк ёнида Темурбекнинг қўшини кўринди. Суворийлар аста-секин сафлана бошлади.

Илёсхўжа мағрур эди. Чингизхон бобоси ёғийни дастлаб кучсизлантирар, ҳолдан тойдириб, кейин асосий ҳамлага ўтарди. У ҳам шундай йўл тутади бугун. Баҳодирлари уларга бир ҳамла қилади-да, сўнг чекинишади, улар тузоққа тушгач, кафт орасига тушган бир ҳовуч чивин каби эзгилаб ташлайди.

– Амир Ҳамид!

– Лаббай, аълоҳазрат?

– Чамала! Қанча ёғий бор?

– Суворийларму, аълоҳазрат?

– Ҳа.

– Бир ярим мингдан ошиқроқ.

Хон қиличининг олтин дастасидан қўлини олди. У қаршисида турган суворийларни ўзи ҳам чамалаб кўрди. Икки минг чикмайди. Бир ярим мингдан сал ошиқроқ. Буларни эзиб ташласа, Темурнинг тўрт мингдан ошиқ аскарлари қолади. Жанг тақдири ҳал бўлди деявер!

От яна безовта ирғишлади.

– Шошма, жонивор, шошма! – Илёсхўжа оёқлари билан унинг қорнини қисди. Амир Тўқа Темур – бало одам. Кўпни кўрган. У маслаҳат бермаганда, отасининг вафотини эшитиб,

боши айланиб турувди: Мўғулистонга кетиб қоларди. Тўка тўғри айтди, ўлган ўлиб кетди; хоҳ осмонга чиқ, хоҳ ерга кир, ҳаракатинг бир пул, уни тириштириб келолмайсан; аммо бурнинг остидаги душманни маҳв этмасдан кетиш мумкин эмас, сен келгунингча у кучаяди, илдиз отади, томирланади. Кейин сенга қийин бўлади. Кейин қаёққа борасан? Авлодларинг нима дейди?!

Кўкда Сардор калхат қарғаларни ортидан эргаштириб келар, Илёсхўжа бу ўлаксахўрларнинг қаёққа шошилаётганини билолмай анграйиб қолган эди.

Амир Ҳамид гапни ҳазилга буриб:

– Аълоҳазрат, улар Темурбек билан Амир Ҳусайнинг гўштларига маҳтал шекилли! – дея пикирлаб кулди.

Жануб томондан бургутлар галаси кўринди.

Илёсхўжа тиржайганча:

– Амир Ҳамид, кара, бургутлар ҳам ғанимларимизнинг гўштларини соғиниб келишмоқда! Уларни яхшилаб сийлашимиз керак! – дея қикирлади.

2.

«Турақол, ўғлим, ухлаб қолдинг!»

«Сиз?»

«Ҳа, мен Муҳаммад Тарағай, ўғлим!»

«Узр, падари бузруквор, мен касал эдим».

«Йўк, ўғлим, сен касал эмассен, турақол».

У кўзини очди, ковоғи ачишди. Қаерда ётибди?! Дарчадан ёришиб келаётган осмоннинг бир парчаси кўриниб турарди. Қаер бу? Кимнинг уйи?

Кимдир хуррак отади, Ким у?

У туриб ўтирди: юраги чўғдек ёнди.

– Сув! Сув беринглар!

Хуррак отаётган киши ўнг ёнга ағдарилди.

– Сув! Сув беринглар!

– Маматжон?

- Бек ака?
- Укажон! Ниҳоят! Ниҳоят! – Ҳамид уни кучоғига босди. – Кўп кўркитдинг, укажон!
- Сув, ака, сув! Юрагим ёниб кетяпти.
- Ҳозир, жон ука, ҳозир! Мана! – Ҳамид ўрнидан тура солиб, тоқчадаги кўзачани олди. – Мана, сув, Маматжон!
- Мамат кўзачага ёпишди. Сув ширин эди, жуда ширин эди. У тўйиб ичди.
- Худоба шукур! Жуда ширин сув экан, ака!
- Яна ичасанми?
- Йўк, раҳмат ака, тўйдим. Биз қаердамиз?
- Ҳузурда.
- Бу ер кимники?
- Табибникидамиз.
- Қачон келтиришган эди?
- Икки кун бўлди!
- Отам, акамлар топилдими? Усмонбой акам қаердалар?
- Уни мўғуллар олиб кетишган. Отам билан Нодир топилгани йўк.
- Сиз қандай?..
- Мани амирнинг одамлари қутқаришди. Шаҳрисабзда зиндонда эдим. Шаҳарни олишди улар.
- Отам билан Нодир акамни Ҳузурда дейишган эди.
- Қидираяпман, ука!
- Бек қаердалар?
- Илёсхўжа билан урушга кетганлар. Китоб томонга.
- Биз ҳам борамиз, ака.
- Сен?..
- Мен яхшиман, ака! Бек аканинг падари оталари тушимга кирдилар. Ҳози-ир. «Туракол, сен касал эмассен» дедилар.
- Майли, борамиз, ука. Табиб ҳозир намозга турадилар. Ман ҳам намозимни ўқиб олай бўлмаса.
- Бирга ўқиймиз, ака! – Мамат ўрнидан тураркан, боши гир айланди, лекин мувозанатини сақлади. «Уят бўлади, энди ўзингни тут, Мамат!» – деди ўзига далда бериб.

3.

Бугун кечагидек шамол йўқ, осмонда паға-паға булутлар; пастда Илёсхўжа ўз қўшини билан фавж-фавж бўлиб келяпти.

Тепаликда икки ракат намозни тутатган Темурбек дуога қўл очаркан, ўзининг бамайлихотир, совукқон, бепарво ҳолати кимларнингдир ғашига текканини калбан сезиб турарди. Баронғорда турган Амир Хусайн бетоқат типирчилар, ўзини кўрсатишдан фойда не, олифталиikka бало борми, дея дарғазаб бўляпти: бу аниқ, унинг одатини яхши билади, ўз манфаати олдида у ҳамма нарсани унутади ва шошқалоклик килади. Баён Сулдузнинг ўғли Шайх Муҳаммадга, қалин қора қош йигитга кўзи тушаркан, унинг ҳам босиб келаётган ёғий қўшинига қараб, безовталигини кўриб, ўзи ҳам ичидан эзилди. Жанг олдидан тирик жон талвасага, хаяжонга тушади. Лекин у на қилсин: руhini аллақандай сеҳрли куч хотиржам тутиб турибди, қандайдир овоз: «Сенинг ўйлаганинг эмас, менинг айтганим бўлади», демокда. Ўрнидан тураркан, бу сафар яна тангрига илтижо килди, илтижоси ақлхонасида қайта-қайта садо берди. Кейин бир лаҳза сукунат чўкди, нимадир майин садо бериб учиб кела бошлади ва лаҳза ўтмай майин овоз янгради: «Темурбек, сенга зафар инъом этилди!» Шундан кейингина отларнинг безовта кишнаши, ноғораларнинг ваҳимали така-тум-туми, ғала-ғовур овозлар қулоғига чалинди. Беихтиёр пастга каради, ёғий яқин қолган, ғанимнинг хар бирини аниқ таниш мумкин эди: хов ана — оқ тангача отда — Қорахўжа, ўзи миктигина, қўллари калта одам бўлса-да, яхши суқишади; буниси Амир Ҳамид, бироз қорин қўйибди. Эгнида багтар. Ух-ху, зўр-у. Заррин матога ўралиб олибдилар-ку! Бошида каскан! Тоза алмойи-алжойи, масхарабозга ўхшайди!

Шайх Муҳаммад, унга яқин келди, унинг камончилари ёғийни ўққа тутишга шай турарди.

Темурбек «ҳали эрта» дегандек қўлини кўтарди. Ёғийнинг мақсади нима, тўғри келиб, хужумга ўтишми?! Илёсхўжа асосий куч шу томонда эканлигини яхши билади. Нега у олчок бу икки амирни икки коц гўштдек шерлар панжасига ташла-

япти? Бу ерда қандайдир хийла бор. Агар Чингизхон усулини қўллаганда, дастлаб ён-атрофдаги қўшинни кучсизлантириб, сўнг хужумга ўтарди.

Амир Сайфиддин бошидаги эгилган касканни тўғрилаб қўйди. У ҳам бетоқат: ҳақиқий баҳодир, шерюрак йигит, душманни кўрса, ейман дейди.

– Бек, нак қопконга тушиб турибдур бул нобакорлар. Бир ҳамлада уларни кириб ташлашга қодирмиз!

– Фикрингиз тўғридур, Амир Сайфиддинбек, аммо олчок Илёснинг мақсади ёмондур! Шошилмайлик!

Амир Сайфиддин қўлини кўксига қўйди.

Икки томон қўшини наъра тортаётган шерлар мисоли бир неча лаҳза депсиниб турди: на у томон уруш очди, на бу томон.

Амир Ҳамид пешонасига қўлини қўйиб юқорига – уларга қаради, қуёш ёғдусидан кўзи камашди шекилли, юзини дарҳол чап ёнга бурди.

Темурбек бу усулдан кўп фойдаланади: жанг пайтида кўзига қуёш нури тушган навкар бир неча дақиқа хушёрликни қўлдан чиқаради, бундай қулай пайтдан мохирона фойдаланган баҳодир бир ҳамла билан душманини мағлуб этади.

Амир Ҳамид отини ўнгга бурди, Қорахўжа ҳам ортга бурилди: ёғий фавжлари орқага қайтиб кета бошлади.

Амир Сулаймон барлос – йўғон овозли киши:

– Ёғий кўрқди! Каранг қочиб борадур! – дея кичкирди чулдураб.

Темурбек индамади. Аслида, ёғий қочаётгани йўқ: уларни ялангликка тортмоқчи. Олти минг қўшин билан мўр-малахдай навкарга қарши кенг майдонда урушиб бўлмайди. Бу ерда фақат ақл қўл келади.

– Амир Сайфиддин жаноблари!

– Лаббай, амирим!

– Сезиб тургандурсиз, уларнинг максадлари ойдинлашиб борадур: Илёсхўжа бизни кенг майдонда янчимокчи. Нима дейсиз, сабр қиламизму?

– Сабр қиламиз, бек!

– Амир Ҳусайн не дейдилар?

– Шошган қиз эрга ёлчимас.

Амир ва сипоҳлар кулиб юборишди.

Темурбекнинг юзида ўзгариш сезилмади, у жиддий эди. Ҳозир куладиган пайт эмас. Ёғийнинг олти аскарига унинг бир навқари қарши турибди. Худо сакласину, банданинг бир ноҳолис кулгиси ҳам тангрининг ғазабини келтириб, ишни чаппага айлантириб юбориши мумкин.

Кечга бориб ҳаво айнади: осмон юзи корайди, совук, шамол эси; ёғий лашқари уларни тўрт томондан ўраб олмоқда эди, Темурбек Шайх Муҳаммадга қаради. У шерпанжа қўлларини чайир юзига суртди:

– Аллоҳу акбар!

Зувиллаган товуш ҳавонинг кўксини ёрди. Камон ўқлари шаррос ёмғир каби ёғий устига қуйилди; кўкни отларнинг жон ҳолатда қаттиқ кишнаши, навқарларнинг ноласи ларзага солди.

Нариги тепаликдан отилаётган камон ўқларининг зувиллаши Шайх Муҳаммад камончиларининг ўқ товушларидан фарқ қилар, у томондан отилаётган ўқларнинг биронтаси ҳам хато кетаётгани йўқ эди.

– Улар ким?

Шайх Муҳаммад елка қисди.

– Расулбек! – чақирди Темурбек.

– Лаббай, бек!

– Сенинг хабаринг бордур!

– Албатта, хабарим бор!

– Кимлигини аниқладингму? Ким у ўзбошимча баҳодурлар?

– Ўғлингиз Муҳаммад Жаҳонгир билан содиқ навқарингиз Маматбек!

– Қачон келган эди улар?

– Ёғий атрофимизни ўраб олмасдан бурун!

Темурбек ўрнидан туриб, баландроққа чиқди. Етти ёшли Жаҳонгир бўйи барабар камондан баҳодирлардек ўқ ёғдирарди. Сизмаган экан, бўйи Маматга тенглашибди. Етти ёшли деб ким айтади уни!

Мамат билан иккаласи баравар ўқ узди. Ҳаво боягидан кучлироқ зувиллади. Ёмон эмас! Темурбек ўқларнинг йўналишини кузатди. Қорахўжа ўзини ҳимоя этганча ўқ узишга шайланарди. Иккала ўқ ҳам унинг отига тегди; бири ўнг кўзига, иккинчиси пешонасига. Қорахўжа чакқонлик билан сакраб, ёнидаги навкарнинг отига ўтиб олди. Отлар оёғи остига тушса соғ қолмасди. Жуда чакқон экан. Уни шу даражада чапдаст деб ўйламаганди. Шу лаҳзада бир ўқ навкарнинг ўнг биқинига, иккинчиси Қорахўжанинг ўнг сонига қадалди; иккаласи ҳам отдан ағдарилиб тушди. Ё тирик қолади, ё йўқ!

Темурбек Мамат билан Жаҳонгирга ҳавас билан қаради. Фарзанд барибир ота дер экан-да. Бириси тутинган бўлса-да, из олиб келибди, иккинчиси ҳали мурғак, аммо ўлимни писанд этмабди. Бундай ўғилдан аллома инсон чиқади. Ота дуосини олган фарзанд кам бўлмайди.

Кеч тушди.

Темурбек ҳамма ерда, ҳамма жойда гулхан ёқишни буюрди. Навкар бўлмаган жойларда ҳам олов ёқилди. Лекин ўзлари ўрнашган ғулда олов ёқилмади.

Муҳаммад Жаҳонгир билан Мамат келгунча Темурбек юрагини ҳовучлаб ўтирди. Боя бу кўрқувдан дарак йўқ эди. Энди нима бўлади? Бирор заҳмат етмасин ишқилиб уларга!

Кечки кенгаш қисқа бўлди.

Кечаси тўрт фавжга бўлиниб, душманга шабихун уришга келишдилар. Темурбек ўзини катта тутаётган Шайх Муҳаммадни бунга рози бўлмайди, дея хавотирда эди. Ўтган галги кенгашда жангни менинг камончиларим бошлаб беради, дея тортишган эди. Биринчи бўлишга интиладиган одамнинг подшоликка интилиши табиий. Сут билан кирган жон билан чиқади.

Муҳаммад Жаҳонгир кела солиб, унинг кучоғига ўзини ташлади. Ундан тер аралаш ўткир хушбўй ҳид тараларди. Темурбек ўғлига тикиларкан, бир йилда бўйи шунчалик тез чўзилганидан, меҳр билан «ота» деганидан беҳад суюнди. Жасурликда, иззат-ҳурматда ўзимга тортибди. Кўз тегмасин шундай ўғилга!

Муҳаммад Жаҳонгир энтикиб деди:

– Падари бузруквор, суюнчи беринг!

Темурбекнинг кўзлари унга меҳрли тикилди:

– Не хушхабар, амирзодам?

– Мамат акамиз ўғилли бўлибдурлар!

Темурбек бир қадам олдинга юриб, Маматни бағрига олиб, чайир елкаларини отаси каби юмшок, оҳиста силади:

– Ўғил муборак, иним!

– Куллук, амирим, куллук! – деди Мамат шод-хуррам оҳангда. – Сизгаям фарзанд муборак!

Темурбек уни кучоғидан бўшатиб, севинчга тўлган кўзларига бокди:

– Сизнинг фарзандларингиз бизнинг ҳам фарзанд, иним! Илоҳо, зафарли кунларда бизга қувонч ҳадя этган ул норасида гўдак ўғлимиз Жаҳонгирдек қўлтиғингиздан кирсин, юртимизнинг озодлигини кўрсин ва танти элимизга содик хизматкор бўлсин!

– Айтганингиз келсин, бек ака! Султон Бахт бегимнинг қадамлари ҳам қутлуғ келди. Эртага биз, албатта, зафар кучгаймиз!

Темурбек ийиб кетиб, яна уни бағрига олди. Содик навкар, садағанг кетса арзийди.

У кечаси билан ухламади. Бундай пайтларда уйқу кишини тарк этади, энг уйқучи одам ҳам ухлолмайди, сабаби оддий: елкангда катта масъулият; шараф бор; ортингда катта эл, улугъ юрт қараб турганда, уйқуга қул бўлишни ор биласан!

Тонгта якин қўшин пастроққа тушди. Ёғийга ташланиш қулай. Навкарлари ўзини ўнглолмайди.

Ғира-шира пайт. Тепадан шамол эсмоқда. Худо қўллаётир. Ёғийни кўз очиргани қўймайди.

– Аллоҳу акбар!

Осмон ҳайқириқдан гумбурлаб кетди.

Бургут ва чумчуқлар бир томонда, иккинчи томонда қалхатчалар билан қарғалар ёвлашиб турар, уларга кўзи тушган навкарлар биз-ку озодлигимиз учун курашаялмиз, улар-чи?! Улар нима талашишади, дея ҳайрат остонасида турардилар.

«Мен сен огоҳ бўлмаган нарсадан огоҳ бўлдим ва сенга Сабаъ (шаҳри)дан аниқ бир хабар келтирдим. Дарҳақиқат, мен бир аёлни кўрдим. Уларнинг маликаси экан: унга барча нарсадан ато этилган бўлиб, катта тахти ҳам бордир. Мен у ва унинг қавми Аллоҳни қўйиб, куёшга сажда, ибодат қилаётганларини кўрдим...»

(Сулаймон) деди: «Сен рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми, кўрурмиз. Мана бу мактубимни олиб бориб уларга ташлагин, сўнгра улардан четланиб кузатгинчи, нима (жавоб) кайтарар эканлар». Качонки, ҳудуд Сулаймоннинг мактубини олиб келиб малика Билқисийнинг олдида ташлагач, у деди: «Эй, одамлар, ҳақиқатан менга улуг бир мактуб ташланди. Албатта у Сулаймондандир ва у (мактубда шундай битилгандир): «Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман. Сизлар менга кибр-ҳаво килмай, ҳузуримга бўйсунган ҳолингизда келингиз». (Малика) айтди: «Эй, одамлар, менга бу ишимда фатво – маслаҳатлар беринглар. Мен то сизлар гувоҳ бўлмагунингизча бирон иш ҳақида ҳукм қилгувчи эмасман». Улар дедилар: «Бизлар куч-қувват ва журъат-матонат эгаларидирмиз. (Қандай ишга) буюриш сенинг ўзингга ҳавола»... У айтди: «...Мен уларга бир ҳадя юбориб кўрай-чи, элчиларим нима (хабар) билан қайтар эканлар. (У оддий шоҳ бўлса, ҳадяни олади. Аллоҳ таоло пайғамбари бўлса, бундай йўл тутмайди, у ҳолда унга бўйсуниб лозим бўлади)».

... Билқисийнинг элчилари ... Сулаймон ҳузурига келгач, у деди: «...Балки сизлар ҳадяларингиз билан хурсанд бўларсизлар. (Лекин менинг унга эҳтиёжим йўқдир)».

Темурбек хаёлга ботди, на Расул, на Мамат, ҳатто Муҳаммад Жаҳонгир ҳам, амирлар ҳам унга халакит бермадилар, фақат майин эсаётган шамол унинг желаги этагини ва ёқаларини тортиб ўйнашар, «Нечун ўйларга ботиб ўтирибсен?» дея сўроқлаётгандек эди. Аммо унинг қалби бир илиқликни кутяпти, буни ҳамма ҳам билмайди, инсон

кўнглидагини сеҳргарлар ҳам пайқай олмайдилар. «Кутаверинглар! Мен ҳам Сизлар билан бирга кутувчиларданман», дейдиган ҳамфикрлар борми? Ўлжайдан бошқа ким ҳам унга қалбини беради. Фақат ўша, ўша меҳрибон аёл уни осмонларга кўтаради, худо деб билади, бутун борлигини инъом этишга тайёр туради. Ташна қалб чарчади, жуфтини деб эрта-кеч фирок ўтида ёнмоқда; хоҳ шох бўл, хоҳ гадо, ўзинг ёқтирган қалб билан дардлашиб чарчоғинг ёзилади, у ёнингда йўқ экан, тиканзорларда қалбинг тирналиб, ғам-андухга ботиб юраверасан. Ёринг дунё тиканзоридagi энг хушбўй лўппи гулга ўхшайди наздингда! Унга интиласан, уни соғиниб яшайсан!

Узоқдан келган садолар унинг хаёл оламида дилкаш куй чалиб ўтдилар. Дилкаш куй чексиз, худудсиз оламнинг турли қатламларига, туйғуларига тегиб, урилиб, қайта-қайта садо берди. «Яна ўзингни синаб кўр, бандаи ожиз, агар чиндан сен кўк истаган инсон бўлсанг, у меҳрибонингни ҳузурингга йўллайди».

«Юр, юр! Намунча танноз хотинга ўхшаб ноз қиласен!» — Амир Сайфиддиннинг овози! Кимни тергаяпти? Тўрт-беш зодагон мўғул асирлари. Оқимтир тошсуна устида амир ва беклари билан ўтирган Темурбек уларга синчков назар солди. Ҳар бир асирни икки ясовул қўлтиғидан ушлаб тиз чўқтирди. Бу Амир Беккичик... кейингиси — Искандар ўғлон, униси — Амир Ҳамид... — аслзода наҳанглар илинибди. Униси ким экан? Амир Юсуфхўжа эмасми?

Қора мовут коплаган бағтар кийган мўғул тиз чўкишни хоҳламади. Бу ким бўлди? Мўғулнинг бошидаги каскан бурнига тушиб турарди. Илёсхўжа эмасми? Унинг қўли боғлиқ эди. «Ечинглар! — буюрди Темурбек. — Илёсхўжами?»

Расул унинг қўлини ечди. Илёсхўжа жаҳл билан бурнига тушиб турган касканни кўтарди. «И-и, муҳтарам Хон, хуш кўрдик! — Темурбек истехзоли кулди. — Хуш кўрдик! Илёсхўжа бўйнига ёпишиб турган ошқовокдек калласини баланд кўтарди: «Сен мени ҳийла билан мағлуб этдинг. Очик майдонда кучинг етмас эди». «Сен ўзингни мард санамоқдасен! — деди Темурбек совук оҳангда. — Мард эр

олти минг фидойига карши ўттиз минг қўшин жамлаб келурму? Сен мени яккама-якка курашга чорлаганингда, енг шимариб чиқур эдим. Сен эса хийла ишлатиб, мени очик майдонга олиб чиқиб, номардларча янчмоқчи бўлдинг! Ким марду ким номард? Қани айт-чи?!»

Илёсхўжа копагон итдек ириллади: «Мен хонмен! Мовароуннахр хони! Сен менинг амримга бўйсунинг керакдур!», Темурбек захархандалик билан: «Сен Мовароуннахр хони?! Сен хон эмас, боскинчисен! Аждодларинг ва сенинг зулмингдан халқим кон қакшади! Ҳатто чакалоғимиз, гўдакларимиз ҳам сен зулмкорларга нафрат билан қарайдур. Уялмай-нетмай хонман дейсан! Сенинг кунинг битган, сенларнинг давронинг аллақачон ўтиб бўлгандур!» – дея унинг ваколоти тамом бўлганига катъий ишора қилди. Илёсхўжа бу сафар ҳам ён беришни истамай: «Қўрқитма мени, ўлим билан қўрқитолмайсен!» – деди «сен номард олдида тиз чўкмаймен!» деган ёвқараш билан.

Темурбек унга бошдан-оёқ назар соларкан, икки шамдек кўзидан яшин нур отилди ва сўнгги ҳукми билан уни адои тамом қилди. Бошини баланд кўтариб, жарангдор овозда: «Бизда подшо, хонларни ўлдирмайдурлар! Тўрт томонинг қибла! Кетавер!» – дейиши билан Илёсхўжани пичоқсиз сўйганини барча бирдек англаб: «Воҳ, ана адолат!» деган ҳайкирик кўкка учди ва кучли тўлқин каби Илёсхўжанинг лол қолган танасига зарб бўлиб тушди-ю, уни ортга итқитди.

Шайх Муҳаммаднинг кўзларида ғазаб чақнаб, тишлари пушаймон такиллади, этига совук киргандек қалтираб, Амир Сайфиддинга «бул ёвузни шундок қўйиб юборамизми?!» деган маънода у билан кўз уриштираркан, залворли мушт тугилган ҳар икки қўли ҳам қалт-қалт титради. «Бу бўри боласи яна бўрилигини қилур!» – деди у сабри чидамай.

Хонлик салоҳиятидан йирик Илёсхўжанинг тиши тўкилиб, фақат сумбати қолганини аниқ кўриб, ҳис этиб турган Темурбек: «Хоннинг мағлуб бўлгани унинг ўлганидур! У ўзини қайта ўнглолмайдур!» – деди «қўйинглар, ўлган кимсанинг устидан тепмайлик», деган истехзоли ўй билан.

Япаски, пачак юзида нақ қаҳратон киш совуғи акс этган Илёсхўжа куйдирган калладек тиржайганда, ён-атрофдагиларнинг юраклари музлади, у эса худди яна яшаришни хом хаёл қилиб, қариб қуйилмаган бедаво чолдек, истехзо аралаш тиржаяр экан: «Сен пайғамбар эмассен!» — дея оч бўридай хунук увуллади. «Даъво ҳам қилмасмен!» — шарт жавоб қилди Темурбек. — Лекин сени мағлуб этганим ҳақиқат эрур: сен Амир Тўқа Баҳодир, жанг денгизининг наҳанги Дўмасо, Давлат шоҳларнинг умрига завола бўлдинг. Белинг синди. Сен энди ҳеч кимсен!». Тирик мурда Илёсхўжа жони омонлигини пеш қилди. «Мен ҳали тирикмен!». Унинг билан пачакилашишни ортиқча билан Темурбек: «От келтирингиз хонга!» — дея кескин буйрук қилган эди, зинбардор эгарланмаган саман отни келтирди. Нигоҳларда истехзо кўриниб, кимдир пиқ кулди ҳам.

Амир Беккичик оқариб қолган лабини тишлади. Илёсхўжанинг кутулиб кетаётгани унга алам қилаётганди. Темурбек унинг қўлларини ҳам ечишга буюрди.

Илёсхўжа ирғиб отга минди. От қаттиқ кишнаб, турган жойида гир айланди: ер кўкси титради, қамчи ўйнаб, зувиллаган товуш ҳавони кесди, жонивор жон ҳолатда кишнади-да, ўқдай олдинга учди.

Ўнг томондаги адирлар ортидан отлиқлар кўринди. Ортдан иккита туя келмокда. Ўрқачларидаги оппоқ харир пардалар орасидан аёллар кўзга ташланади.

Темурбекнинг кўзлари ёнди. Хаёл оламидаги саволларига жавоб излади. Қайси бир тарафдан аниқ билолмади, садо келди: «Сен кўк хушлаган фарзанд эурсен!» Хумо куши боши узра айланаётганини кўриб, нечундир гўдакнинг ёқимли ҳидини туйди. Беҳуда эмас экан, куёш янада чарақлагандек бўлди-ю, унинг олдида неча кўшкли туялар бўйниларидаги митти қўнғироқчаларини жиринглатганча оҳиста чўкди. Ма-шойихлар айтмишлар, «бахт келса, кўша келади!», Ўлжай оқа! Қўлида, оппоқ йўрғакда чақалоқ. Эгнида этаги узун кизил мовут кўйлак. Югуриб келган тўрт канизак унинг этагини қўлларида тутди. Темурбек илдам юриб, унинг кўлидан

чақалокни олди. Оппоқ тўр матони оҳиста кўтарди. Қош-кўзлари коп-қора, оппоқ юзли Султон Бахт бегим қикирлаб кулди.

– Пучукқинам! – шивирлаб деди Темурбек ва оппоқкина, миттигина пешонасига лабларини оҳиста босди.

Ўлжай Туркон оқа таъзим қилди.

Темурбекнинг кенг елкалари билинар-билинемас титради:

– Аржуманд фарзанд муборак, маликам!

– Куллуқ, бегим! – Ўлжай оқа кўзлари жавдираб турган Жаҳонгир Мирзони бағрига босди. – Омонмисиз, амирзодам?

Муҳаммад Жаҳонгир энтикди:

– Сизни беҳад соғиндим!.. Беҳад!

– Мен ҳам, амирзодам, мен ҳам сизни беҳад соғиндим!

Иккинчи туядан Фотима тушди. У оппоқ кўйлақда. Ми-соли фаришта. Лўппи юзлари Зухро юлдузи каби нур сочади.

Темурбек унинг кўлидаги чақалокни ҳам бағрига олди.

– Кўш фарзанд! – Темурбек чақалокнинг митти юзларига, дўнг пешаналарига, пучук бурунларига оталик меҳри билан бокди. – Бул икки бахтнинг пойи кадамлари коронғи кўнгилларимизни нурафшон айлади. Маматбек, Фотима синглим, хўп десангизлар, рози эрсангизлар, фарзанду муборакларингизнинг исмларини Зафарбек деб атасак! Бундан сўнг ҳам барча ишларимиз зафарли келсин!

– Куллуқ, бек ака! – деди Мамат кулиб.

Чақалок инга-ингалаб йиғлаб юборди.

Гуррос шамол эсди. От кишнади ва шу онда ўша ўзига таниш булбул оҳанги юрагини дилбар навога тўлдирди. Гўё оламча бахт унга эш бўлгандек, дунёда ундан шод кимса йўқ эди.

– Ушла! – деди кимдир важоҳат билан.

Мамат Амир Беккичикни от устида кўрди. У Темурбекка қараб камондан ўқ узаётган эди.

– Бек ака, эҳтиёт бўлинг! – Мамат кўкси билан Темурбекнинг олдини тўсди.

Муҳаммад Жаҳонгир Шайх Муҳаммаднинг кўлидаги камонни юлиб олди. Ҳайт дегунча, учкур от Амир Беккичикни

улардан анча олиста олиб кетиб қолди. Камон зувиллади, отлар кишнаб юборди, виз учган ўқ амирнинг бўйнига қадалди.

Фотима дод солиб, суюклисининг бўйнидан кучди, Маматнинг қўллари ҳеч қачон шалвираб тушган эмас, шу дамга-ча чайир оёқларини бундай узатгани ҳам йўқ эди, кундузлари ўткир кўзларини бирор марта юмганини ҳам кўришмаган, котма лаблари ҳам ҳеч қачон ҳозиргидек кўкармаган эди.

Булбул хонишини ким яхши кўрмайди, ким унинг навосидан роҳат олмаган, бирорта одам борми, унга тош отган?! Аммо ҳозир унинг овози бирдан тиниб, кенг осмонни қарғаларнинг хунук қағиллаши ваҳимага тўлдирган пайтда, уни унутганлари учун афсусланишнинг ҳожати йўқ.

Ҳумо куши пастлаб учиб келиб, Маматнинг боши узра ҳўл қанотларини силкитган эди, у сесканиб кўзини очди. Ана шу пайтда Сардор калхат шитоб билан шўнғиб, унинг устига ўзини ташлади.

5.

Куз олтинранг либосда кезади, пайкаллардан, далалардан қовун хиди таралиб, пишганларининг тарс-турс ёрилгани баралла қулоққа чалинади. Ҳаво майин ва ёқимли. Балх, Термиз, Кеш, Самарқанд бозорлари гавжум. Карвонсаройлар савдогарлар билан лик тўла. Ҳамма Илёсхўжанинг мағлубияти ҳақида сўзлайди. Балхлик савдогар: «Амир Ҳусайн тахтга муносиб», деса, Хоразмлик бурнини жийиради. Хуросонлик: «Тахтга бизникилар муносиб», — дея ўзлариникини маъқулламоқчи бўладилар. Қариялар: «Юртга бирорта амирни бош қилиб, пароканда мамлакат тезроқ тартибга келтирилмаса, тинчлик бўлмайди», деган гапларни айтишади.

Амир Ҳусайн Жиззахда қандайдир режалар тузиш билан овора.

Темурбек Хўжандда бир неча кун ов билан машғул бўлди. Хоразм йўлидаги сарсон-саргардонликлар, туркманлар қўлидаги оғир тутқинлик, Илёсхўжа билан кечган жанг давомида анча толиққан эди. Бундай узок қийинчиликлар ҳар

кандай темир иродани ҳам букиб кўяди. Ҳаммасига чидади, сабр-тоқат қилди, орзу умидларини ишончсизлик денгизларига фарқ этмади. Бирор дақиқа бўлса-да, Мовароуннаҳрда бўлаётган воқеаларни, Амир Ҳусайннинг хатти-ҳаракатларини назардан қочирмади, шаҳар, қишлоқлардан келаётган воқеаларни ўзича таҳлил этиб борди. Қарияларнинг фикрини эшитиб «маъқул», деди. Аммо балхлик, хоразмлик, хуросонликларнинг гап-сўзлари қош-қовоғини осилтириб юборди.

– Бу парокандаликка олиб боради, бир қозонда икки кўчқорнинг боши қайнамас, низо кўпаюр, халқ бундан яна озор кўрур, – деди.

Хос навқари Мамат Чағониёндан қайтганда, у Хўжанднинг «Қатта қоя» дарасидаги сўлим боғда шатранж билан машғул эди.

Мамат Соҳибқироннинг: «Шатранж фикрни чархлайди», деганини уч-тўрт бора эшитган. Мен ҳам шатранж ўйнашни ўрганишим керак, дея орзу этади-ю, аммо қунт қилмаяпти, вақти ҳам етишмайди, чоп-чоплар унинг силласини қуритмоқда.

У Темурбекнинг оромини бузишни истамай пешиндан буён пастдаги супада дам олаётган эди. Кўзи илинган экан, қадам товушидан чўчиб бошини кўтарди, Темурбек бир неча хос навқарлари ҳамроҳлигида у томонга келмоқда эди.

– Иним, Маматбек! – Темурбек уни қучоғига олди. – Омонмисиз?

Унинг «иним» дея ўзига яқин олгани, шикаста овозда эъзозлагани Маматнинг иликиб турган кўнглини шод этди.

– Мен яхшиман, бек! – содда, беғубор оҳангда жавоб қилди Мамат энтикиб. – Ўзингиз яхшимисиз?

Улар Илёсхўжа билан бўлган жангдан буён юз кўришмаган эдилар. Ўшандан буён қанча сувлар оқди, қанча куну тунлар алмашди. Насиб этган экан, пешонасида шу ёруғ кунлар ёзилган экан, учрашиш, юз кўришиш насиб этди. Бу кандай яхши, кандай ажойиб учрашув!

Мамат ўтган кунларни эслади. Амир Беккичик отган ўқ унинг ўнг кўлини яралаган, жароҳат анча оғир эди. Темур-

бек уни Самарқанднинг энг қўли енгил табибларига кўрсатди. «Қандай бўлмасин унинг ҳаётини сақлаб қолингизлар, бундай мард йигитлар она Туроннинг корига хали кўп ярайдур», дея уларга қайта-қайта тайинлаган ва бунинг учун керакли маблағни ажратган эди. Мамат Қутлуғ Туркон оканикида тўрт ой қолиб кетди. Хонадон соҳибаси анча доно, одамохун аёл эди. У Фотимага меҳрибон қайнона, Маматга суюкли она бўлди, уни ўз ўғлидай парваришлади. Яраси битгач, Мамат кампирнинг ҳай-ҳайлашига карамай йўлга отланди. У ҳозир Темурбекнинг «иним» деганидан бир газ ўсди, юраги, қалб жами севинч майларига лиммо-лим тўлди.

Темурбек уни кучоғидан бўшатиб юзига тикилди:

– Анча тузуксиз, Маматбек, афт-ангорингиз айтиб турубдур.

– Сизга минг ташаккур, амирим! Туғишганим кўрсатмаган яхшиликлар қилдингиз. Опангиз ҳамда Махди улё Ўлжай эгачимиз Сизга кўпдан-кўп саломлар йўлладилар. Султон Бахт бегим ҳар тонг йўлингизга интизорлар. Жаҳонгир Мирзо, Ока бегим саломлар айтишди. Мен Сизга яна хушхабар олиб келдим. Мухтарам Менглибек оқанинг бағрилари тўлди, – Мамат ғоят тиришиб, аслзодаларга хос сўзлаганидан кўнгли ёришди, хабарни қойилмақом тарзда етказдим, ифодам ёмон эмас, деб суюнди ўзича.

– Муборак, муборак! – деди Темурбек. Менглибек оқа Жон Қурбоний оғир оёқли эди, эсон-омон кутулибди, худога шуқр. – Самарқандда не гаплар?

– Самарқанд аҳли Сизни ёклайдилар. Нуронийлар, оксоқоллар, ёшлар келажак умид юлдузларини Сизнинг нигоҳингизда кўрмоқдалар.

Темурбек Маматнинг тўрт ой давомида Самарқанд илм аҳллари даврасида тез-тез бўлганлигини, оҳ-воҳ қилиб уйда ётмаганлигини ҳис этди. Ҳис этди-ю, тиниб-тинчимас бу йигитга меҳри янада ошди. Анча ўқибди, бийрон сўзлашни ўрганибди. Гапларидан аслзодалар ҳиди келади: «...Умид юлдузларини Сизнинг нигоҳингизда кўрмоқдалар». Бинойидек

элчи чиқади бундай навкардан. Турон истикболи учун бундай хос кишиларнинг кўпайгани маъкул.

– Яна бир муҳим гап айтмоққа ижозат беринг, бек!

– Сўйланг, Маматбек!

– Юртга Сиздек Соҳибкирон бекнинг подшолик қилишини истамокда одамлар. Баъзилар, ҳатто меҳрибон Қутлуғ Туркон оқамиз ҳам бундан хайрон эрурлар!

Темурбек оғир тин олди. Бу мураккаб масала! Подшоликка давогармиз, деса кулгига колади. Аҳли юрт не дейди?! Донолар, оқсоқоллар, амирлар, Ҳусайнбек билан кенгашмоқ лозим!

Тоғ ҳавоси – таннинг роҳати. ماشойихлар кўп доно одамлар? Доно эрурларки, хилватгоҳ, тинч, осуда маконлардан бошпана топадилар. Арча ҳидлари дилни яйратиб, зилол сувлар кўзга қувват беради.

Амир Ҳусайн оёғи остидаги ок, кўк, жигарранг тошларга боқди. Бу тошлар зарга айланса борми, ҳаттоки Темурбекни ҳам тиз чўктиради. Тахтга эришиш учун фақат кучнинг ўзи камлик қилади. У қўлидаги нон ушоғини сувга ташлади. Майда-майда балиқлар оҳанграбо атрофига йиғилган кичик қора зарралардек тўп бўлди. Нон ушоғи тип-тиниқ сув юзида лип-лип ўйнар, уни балиқлар ҳар томондан торткиларди. Катта ок харсанг остидан билак йўғонлигидек катта балиқ зув чиқдида, бир сакрашда нон ушоғини илиб кетди.

Амир Ҳусайн ҳомуза тортди. Ҳаёт деганлари шу: дунё кучлиники. Кучли бўлмоқ даркор. Билакда қувват, чўнтакда олтин. «Зари борнинг зўри бор».

У ҳозир икки ўт ўртасида: Мовароуннаҳрда Темурбекнинг обрўйи Помирдан баланд, бир жиҳатдан яхши бу, аммо бошқа жиҳати – унинг йўлига ғов турибди, шуниси ёқмаяпти. Унга қарши борай, деса, уят, синглиси не дейди? Одамларчи?! Э Худойим-ей, ўзинг бир йўл кўрсатсанг-чи!

Тоғ тепасида турган ясовуллар узоқдан шу томонга шитоб билан келаётган отликни илғаб, безовта ҳолга тушдилар. Яна не гап? Яна Илёсхўжа босиб келаётганмикин?

Амир Хусайн яна нон ушоғини сувга ташлади. Баликлар оч экан, деб ўйлади аввалига, сўнг қўлида қолган ушокни хидлаб кўриб кулди: нон хуржунда зиравор гўштнинг орасида эди, баликлар ҳам анойи эмас, хидидан билади ҳар нарсанинг: куруқ нон бўлганда, бунчалик ёпишмасди. Бояги катта балиқ нон ушоғини яна ҳалоллаб кетди.

Амир Хусайн шахт ўрнидан турди. «Хотиржам бўл, амир!» – деди ўзига. Хотиржам бўлишга ҳаққи бор, нега ҳаққи бўлмасин: Туркистон уники: бобомерос! Темурбек эса оддий амирнинг ўғли! Унга ҳам, синглисига ҳам ўзи тушунтиради, тушунтириб қўяди. Ё Аллоҳ, ўзинг мадад бер!

Бош ясовул унинг ёнига келди.

– Бек?

– Сўзла!

– Хўжанд томондан отлиқ келмоқда.

– Кутиб олинг. Темурбекдан бўлса керак.

6.

Жаҳонгир Мирзонинг думалоқ оқиш юзида, ёйсимон қора қошларида, мулойим, аммо яшин нуридек ўтли кўзларида ақл жилоси бўй кўрсатади, ҳар бир қараши бир маъно зоҳир айлайди. Падари бузруквори билан бирга пешвоз чиқиб, Амир Хусайнни кутиб олар экан, бошқалар сингари хомтама бўлиб, унга кучоқ очмади. Амир Хусайннинг нигоҳида соҳталиқ кўрди, кўринишини ўлжа учун ташқарига кўрка-писа қараётган олазарақ сичқоннинг ҳолатига ўхшатаркан, ундан жирканиб, ўзини четга олди.

– Чопарингиз борган заҳоти йўлга чиқдим, Темурбек!

Амир Хусайннинг гапи унинг энсасини қотирди. Ўзининг чин дўст эканлигини изҳор қилаётгани яхши. Лекин аслида нима демоқчи? Бу билан мендан кўнглингиз хотиржам бўлсин, дейдими? Шартми шу гапни изҳор этиши! Изҳор этдими, билъақс, унинг тагида яна қандайдир ясамалик бор.

– Амирзода! – Амир Хусайн Жаҳонгир Мирзога қараб юрди. – Баҳодир бола... алпомиш жияним!

Жаҳонгир Мирзо у билан совуккина сўрашди. Амир Ҳусайн бунга эътибор бермади. «Бола-да, – деб ўйлади ичида, – бола шундай сўрашади». Темурбекка юзланаркан:

– Мовароуннаҳрда тахтга эгалик қилмагуниimizча тинчлик бўлмайдур, бек! – деди.

– Орий, рост сўзлайдурсиз, юртнинг осойишта топмоқлиги ҳар биримизга мисоли суву ҳаводай зарур. Бул хусусда кенгашимоқ учун чопар юбортурдим. Келганингиздан бағоят мамнунмен!

Амир Ҳусайннинг чувак юзида истехзо аралаш совук рутубати кўринди:

– Ташвишга ҳожат не, бек! – деди у бир парда баланд оҳангда. – Юрт олийҳиммат бобомиз илкида бўлган. Биз қароқчилик қилаётганимиз йўқдур.

Жаҳонгир Мирзо ташвиш билан падари бузрукворига боқди: Темурбекнинг сал кизғиш аралаш очик юзида хотиржамлик муҳрлангандек собит эди. Ул зот унча-мунчага ўзларини олдириб қўймайдилар. «Бу юрт олийҳиммат бобомиз илкида бўлган». Тахти олийга ёлғиз даъвогар менман, дея очикчасига пеш қилди. «Қароқчилик қилаётганимиз йўқдир». Темурбек тахти олийга сиз қароқчилардек беҳудага кўз олайтирманг, демоқчи афтидан.

– Ташвишга ҳожат йўқ, – унинг гапини маъқуллади Темурбек. – Қароқчилик қилишдан ҳам маъни топиш қийин. Бир кўғирчоқ хон сайлаб, Мовароуннаҳрни илкимизда сақлаб туриш лозимдур.

Жаҳонгир Мирзо падари бузрукворим танг ҳолатдан қандай халос бўларкинлар, деган хаёл ила хавотирда эди. Соябонининг кейинги сўзларидан хотиржам тортди.

– Хон? – Амир Ҳусайннинг тор пешонаси тиришди.

– Шундай, Ҳусайнбек! Чиғатой наслидан бир хон кўтармоқ лозимдур. Ўзингиз изҳор этганингиздек, қароқчилик бизга ярашмас.

Жаҳонгир Мирзо маза қилиб кулди ичида. Қармоққа илинди, ўз оғзидан. Падари бузрукворини гўл деб хаёл қилганди ўзича.

Темурбек темирни иссиғида босди:
– Яқин орада курултой чақирсак, не дерсиз?
Амир Хусайн «ҳали имкон бор экан» деган ўйда:
– Мен розидурмен! – деди шалвираб.

7.

Қишга яқин қолган, аммо ҳали ҳаво иссиқ. Бир ҳисобда шунисига ҳам шукр! Далаларда ҳосил мўл, деҳқон зоти ризқ-рўзни йиғиш билан овора.

Темурбек тепаликдан олтинранг далаларга ҳавас билан бокди: юрт тинч бўлса, эрта-кеч элнинг фаровонлигини ўйлашдан бошқа ташвишинг бўлмаса! Ўшал кунлар келармикин?

Самарқанд тош йўлида оқ, жигарранг, кўк тусли катта-кичик, ориқ-семиз от минган йўловчилар, кетма-кет чўзилган туя-қарвонларининг ажабтовур майин қўнғироқ оҳанглари, туёқ товушлари, одамларнинг ғовур-ғувур сўзлари қулоққа чалинади.

Оқар мавзесида чодир тикди. Кўкбулоқдаги воқеадан сўнг навқар зотини хонадонларда кун кечиришлари бекор этилган. Ўшанда субҳидам эди. Темурбек барвақт туриб, бомдод намозини ўқиган, атрофга разм солиб, ҳаёлчан ўтирарди. Қушлар шўх-шўх чуғурлаб, булбуллар майин сайраб, ғир-ғир шабада эсиб турган ҳавасли лаҳза. Тоза ҳаво танни яйратади, Шарқ осмони қизғиш тус олган, ундан юқори оч сиёҳ рангда; мовий самода Зухро юлдузи бир томчи олтин кўз ёшдай милтираб, ҳаёлни ўзига тартади. От дупури ҳаёлни бузди. Қора камзул, қизғиш кўйлакли аёл отни ариқ томон етаклаб кетмоқда эди. Темурбекнинг орияти кўзгади. «Эркакнинг иши-ку, бу? Ё эркаги йўқмикин?» У ясовул йигитларни чакириб, аёлнинг эрини зумда ҳузурига келтиришни сўради. «Қанақа эр у, ожизасига зуғум ўтказишдан оранмайдиму?! Ёки ори йўқму?!»

Ясовул йигитлар мўйловли девдай йигитни олдиларига солиб ҳайдаб келишди.

– Ассалому алайкум, бек!

Темурбек алик оларкан, унга бошдан-оёқ разм солди. Бинойидек йигит. Одоби ҳам жойида кўринади.

– Нечун завжангизни от суғорғали йўллайсиз? От суғормок эркак кишининг вазифаси эрур.

Йигит унга тик бокди.

– От боқиш ҳам, от суғориш ҳам эр кишининг вазифаси эканини биламен. Аммо уйимда тўрт навкарингиз тушибдур. Уларнинг ниятини билмасмен. Шул боисдан жуфту ҳалоломни от суғормокқа йўллаб, уйдаги икки бўйдор кизимни кўрикламоқ истадим.

Темурбек хижолатдан дув қизарди. Рост сўзлайди: бадкор навкарлардан ҳар нимани кутиш мумкин.

– Хўб доно йигит экансен. Бул тадбиринг менга маъкул. Ижозат сенга, бориб юмушларингни бажар. Навкарларимга айт, тезда ҳузуримга келишсин.

Йигит бош эгиб таъзим қилди.

Темурбек ясовулларга буюрди:

– Барча навкарларни кишлокдан олиб чиқинг, далага чодир тиксинлар.

Булбул наво қила бошлади. Бу яхшиликдан дарак эди.

Қуёш тик келиб, кун кизий бошлади. Қобулшоҳни излаб кетганлардан ҳали дарак йўқ. Ноғора гумбурлайди, дошқозонларда овқат биқирлаб кайнайди, навкарлар кенг майдонда от суришмоқда.

Темурбек суюкли қизи, гўзал Оқа бегимнинг от устида тик туриб чапдастлик билан қилич ўйнаётганидан завқланди. Қизи тушмагур жуда шаддод. Қуралай кўзлари мовий дубулға остидан ўтдек чакнайди, хушбичим юзида ним табассум. Икки нафар навкар унга найза ўқталди. Уларга тенг келиш қийин. Эркатоилик кетмайди жангда. Хай, шаддод қизалог-а!

Оқа бегим эгарга ўрнашиб ўтирди, жангда қай ҳолатда бўлмасин мувозанатни йўқотмаслик ва ҳар бир ҳолатдан усталик билан фойдаланиш, чакқон ҳаракат ила душманга қашатқич зарба бериб, қийин вазиятдан бешикаст чиқиб кета билиш – бош масала; жон дегани – икки нафас орасида

турувчи нозик хилқат: таҳликали онларда бир лаҳза фаромуш бўлсанг, бу ноёб гавҳарни сендан олиб кўядилар.

Шаддод фарзандининг дадиллигидан фахрланган, шу билан бирга унинг бирор жойи шикастланишидан чўчиб, юраги зада бўлаётган Темурбекнинг бутун фикру зикри мусобакага қаратилгани боис ордан келаётганларни сезмади. Ота-да! Ота жигари учун ёнади, изтироб чекади, лозим бўлса, жонини жабборга беради. Фарзанд – ўз этинг: бармоғингни тишласанг, оғрийди, бармоқ – фарзандинг, унинг оҳ дегани – юрагингни тешгани. Фарзанд охини эшитмасин ҳеч ким!

Ока бегим қўлларидаги қиличларни баланд кўтариб зарб урди: ҳаво зириллади.

Темурбек Маматни кўриб жилмайди:

– Бул фарзанди аржумандимиз қирққизлар бирла баҳсга чиқмокни ихтиёр этганга ўхшайдур.

– Шу ёшда икки навкарни ордан қулатибдим, кўз тегмасин, амирим, қирққизлардан аълороқ иқболли баҳодур бўлишига ишонаман унинг!

Булбул овози бир лаҳза тинди.

Ока бегим югуриб келиб падари бузрукворига таъзим этган захоти, у яна майин сайраб юборди. Қиз кишилар кўз ўнгида ҳансираётганини, зўрикқанлигини билдирмаслик учун калта-калта нафас олар, бек кизига хос баҳодирона кайфиятда туришга тиришарди, эғнидаги жанговар кийим ўзига ярашган; юзлаб ўткир нигоҳлар миттигина паҳлавонга болаликча маъсумона жилмайиш, ички ҳавас, эрка қараш билан боқарди.

Темурбек ҳам унинг сал бўғрикқан оқиш нимпушти рангига зимдан нигоҳ ташларкан:

– Ҳарбу зарб илми ҳавосига ҳавасингиз баланд кўри-нур, – деди мактов айтиш ўрнига бир оз ранжиган бўлиб. – Устозингизнинг ҳам таъби баланд экан.

Падари бузрукворининг мактовни унчалик хушламаслигини Ока бегим яхши билади. Ўлжай Туркон ока бу тўғрида унга кўп гапирган. Ҳозир уни мактов эмас, ул зотнинг фикри кўпроқ қизиқтиради. Сезиб турибди ва англадики, олийҳиммат амир унинг устозидан мамнун.

– Муҳтарама Ўлжай оқачимнинг сабоқлари зое кетмаганидан бениҳоя хурсандмен, падари бузруквор! – Оқа бегим кўзларини ердан узмади.

Темурбек эркатой қизининг хушқамолидан мамнунлик сизди. Ўлжай Туркон оқа унга тил борасидаги одоб-ахлоқни ўтай кўрмабди. Насиб этиб, юз кўришсалар, ул муҳтарамага ташаккурини изҳор этади.

– Устозингиздан бошқа сабоқлар ҳам олдингизму? – синамоқ оҳангида сўради Темурбек.

– Ул муҳтарама бекачим илми адаб, хандаса, жуғрофия ва мозий сир-асрорларидан ҳам ташна дилимнинг даштларини оби-ҳаёт ила чаман этдилар! – чучук тилда жавоб қилди Оқа бегим.

– Тириклик мақсад ила зийнатланур!

Қиз илмоқли гапнинг маъносини дарҳол мушоҳада этди: у зотнинг «бу шижоатингизда мақсад недур, мақсадингиз борму?» дея қизиқаётганидан дарак эди.

– Илоннинг пўст ташлашдан мақсади тирикликдур!

Мамат бу сўзнинг маъносига етмади. У кўп ўқимаган. Кўп ўқимаганлиги бу ерда панд берди. Бир кун Тоғайшоҳдан бу тўғрида, албатта сўраб, билиб оларман, дея кўнглидан ўтказаркан, кўзининг қароси, суюкли фарзанди Зафарбекни ҳам шундай доно ва баҳодир этиб тарбия қилишини кўнглига тугди.

Темурбекнинг яшин нигоҳида мамнунлик қуёши юз кўрсатди:

– Ул зоти муборак Қул хожа Аҳмад бобойингиздан нур ёғилибдур қалбингизга! «Анал-Ҳақ»нинг маъносини билмас нодон».

Булбул навосидан тобора завқланаётган Оқа бегим чиройли таъзим бажо айлади:

– «Доно керак, бу йўлларда поки мардон!»

Темурбекнинг қалб кабутари қизиқиш водийси томон талпинди:

– *Фиръавн, Қорун шайтон сўзин маҳкам тутди,
Бул сабабдин ер ёрилди ани ютди!*

Ока бегим ҳам жавоб отини камчилади:

*– Мусо калим носих бўлиб сўзлар айтди,
Қулоқ тутмай ул иккиси бўлди мурдор.*

Баҳсининг қизиётганидан баҳра олаётган Темурбек суюкли қизининг шаштини синдиришни истамади:

*– Гуноҳингга тавба қилиб йиглаб юргил,
Кетарман деб йўл бошига бориб тургил!*

Ока бегим бир нафас тин олди, юзига қизиллик югурди. Мамат уни мағлуб ҳолда кўришни истамасди. «Бўлақол, қизалоқ! Миянгни ишлат!» – деган тўпори ўйда жойида депсинди.

Қиз икки қўлини кўксига қўйди:

– Узримни қабул қилгайсиз, падари бузруквор. Табаррук пойи остонангизда Сизга қарата «сен» айтиш менга оғирлик қилур.

Мамат яна тушунмади. Нима демокчи бу! Ух, шаддод қиз-а!

Темурбек ок рўмолчасини силкитди:

– Давом этинг, мингта беҳуда Сиздан битта «сен» каломи афзал.

Ока бегим ўзига қараб турган нигоҳларга бокди.

– Изн бўлди, она қизим, сўзланг, – далда берди Мамат.

Овозлар жўр янгради:

– Сўзланг, оппоғим!

– Тортинманг, она қизим!

Ока бегим атрофда турган хайрихоҳ одамларнинг сазасини ўлдиришни истамади. Лекин барибир падарига қарата «сен»ни ишлатишга тили бормади.

*Кетганларни кўриб Сиз ҳам ибрат олинг,
Ибрат олсангиз, етмиш ерингиз бўлур гулзор!*

Темурбек қизининг ўзига нисбатан ҳурматидан ич-ичидан суюнган бўлса-да, Яссавийдек улуғ шайхнинг пурмаъно сатрлари кўз ўнгида бузиб талаффуз этилганидан андак ранжиди. Шайх машойих руҳини безовта этиш кўзи очиклар учун гуноҳи азим. Унинг олдида у ким? Худонинг кули, ночор бандаси Темурбек! Буни эшитганлар олам бошига ғавғо солишлари, Темурбек Шайх ҳазратларининг сатрларини бузиб талкин этишга изн бермоқда, ўз обрўсини ҳазрати олий лутфидин устун қўймоқда, дея ғавғо соладилар. У қизининг ҳилол ой нуридек бокира юзига боқаркан, «Йўк, бул гўдакдин нолиш, ранжиш беҳуда», деган фикрда тўхтади ва деди:

– Бегойим, менга бўлган бунчалик юқори иззатингиз учун миннатдормен сиздан. Аммо бундан сўнг хатто подшолар хузурида ҳам шайх ҳазратларининг сўзларини бузиб айтманг. Бунинг фойдасидан зиёни кўпдур.

Булбул пир этиб учиб кетди.

Салкин шабада эсди. Оппоқ пахталарни титиб-титиб, шиша зангор осмон равоқларига илиб қўйганга ўхшайди. Булут йиғила бошладими, ёмғир ёғиши эҳтимолдан холи эмас.

– Қобулшоҳни олиб келишяпти! – Ясовулнинг овози эшитилди. Қурултойни ким очади? Темурбекми? Амир Ҳусайннинг жаҳли чикди. Унинг ота-боболарига фақат Кеш вилояти тегишли! Бутун Чигатой улуси эса, уникидир! Чигатой тахти ҳам уники бўлиши керак.

Қобулшоҳни оқ ўтовга олиб кирдилар. У барваста гавдали, мўғул кўз йигит. Буғдойранг башарасидан маъно ўкиш қийин. Ёғочга ўхшаш юзини офтобга тутиб кўрсангиз, бирор маъно ўкиёлмайсиз.

Амир Ҳусайн кўғирчоқ хонваччани итидан ҳам ёмон кўрсанда, ҳозир тишини тишига қўйишга мажбур. Мовароуннаҳрлик билан туркистонликлар подшолик қонунларини Оллоҳнинг каломи, деб билишади. Ёсо ва Юсуннинг жодусида сеҳрланиб қолишган. Уларни бир гапга кўндириш қийин. Бир чизик чизиб, «Шундан ўтсанг, иймонинг бузилади», десангиз бас: ундан ўтиш у ёқда турсин, яқинига ҳам келишмайди. Тахтга фақат Қобулшоҳ муносиб эмиш!

Оқ ўтовдан ясан-тусанган бир гуруҳ кишилар чиқишди. Тўғридаги катта оқ ўтовнинг олди очилиб, олтин-кумушдан ясалган тахт ўртага қўйилди. Гулдор кигиз поёндозлар ерга тўшалди. Қалин оппоқ кигизни ўтов олдига ёзиб қўйдилар.

Ноғора, сурнайлар чалинади. Чор атрофда ғала-ғовур, кулги, қахқаҳа янграйди. Осмонда кушлар чарх урар, дошқозонлардан оппоқ буғ кўтарилар, ошпазларнинг кўли-кўлига тегмас, даланинг четида кассоблар уймалашиб юришади. Бугун қанча новвос, қанча қўй ва қанча от сўйилади, биров хисобини билмайди. Оқсоқоллар «Хон тахтга ўтираяпти, тўй-тўйдек бўлсин», дейишди.

Ўтов атрофида балхлик, хуросонлик, хоразмликлар — барча элу улуснинг аслзода вакиллари қўл қовуштириб турар, Амир Ҳусайн балхлик аслзодалар қуршовида коматини тик тутган ҳолда атрофга ўғринча назар солар, қарама-қарши томонида турган Темурбекка, унинг ёнидаги оппоқ кийинган мўйсафидни кузатар, уларнинг суҳбатларига қизиқиб кулок тутар эди.

Дурчихонни Амир Ўлжайту Аперди бошлаб келди. Амир анча кексайиб қолган. Кейинги беш-олти йил ичида тез қариди: мошкичири соқоли қордек оқ тусга кирди, қисик кўзлари хиралашди. Лекин гап-сўзлари ўша-ўша: донама-дона гапиради, шошилмайди.

Ҳамма жамулжам бўлгач, карнай-сурнай, ноғоралар овози тинди. Самаркандлик болалар, чоллар ҳам даврага яқин келишди.

Даврани ким очади?

Нигоҳлар гоҳ Темурбекка, гоҳ Амир Ҳусайнга қадалди. Ҳар иккиси ҳам элда таниқли амирлардан. Халққа қолса, даврани бирор оқсоқол очгани маъқул. Бу юртда қадимдан удум шундай. Каттанинг олдида ёш йигитнинг билағонлик қилиши уят. Хоҳ шох, хоҳ гадо бўлсин, нуроний олдида иззатини билиши керак. Бу давра, сарой ёки калъа эмас. Давра — халқники. Халқ учун оқсоқолнинг хурмати ҳар нарсадан баланд ва юксак.

Амир Ўлжайту Аперди бу удумни бирор-бир даврада бузилганини кўрган эмас. Аммо у ҳурмат юзасидан аввал Темурбекка, сўнг Амир Хусайнга «бошлайму?» деган савол назари билан бокди.

Темурбекнинг беғубор кўзларида кекса амирга нисбатан ўзгача меҳр зоҳир эди. У «Сизга изн бериш бизга уят!» деган маънода қаради.

Амир Хусайн икки ўртада бўлаётган муомалани назардан қочирмай кузатар, қурултойни Амир Ўлжайту очаётганидан ранжиб турса-да, кишилар кўз ўнгида қалбидаги норози ҳолатни билдириб қўймаслик учун тиржайиб қўярди.

Амир Ўлжайту Аперди даврага бир кўз югуртиргач, енгил тин олиб, Қобулшоҳга қаради ва:

– Бул зотни танийсизларму? – деб сўради.

– Таниймуз! – давра орасидан бир-икки овоз янгради.

Амир Ўлжайту Қобулшоҳнинг ёнига келди:

– Насл-насабингизни, ўзингизни элга танитинг, бўтам!

Қобулшоҳнинг совуган ноғорадек дўриллаган овози кўнгилларни оғритиб қитиклади:

– Менким Қобулшоҳ – ўғлон ибн Ҳоқон Дуржихон ибн Илчигдой ибн Дувахон ибн Чигатойхон ибн Соҳибқирони аъзам Чингизхондурмен!

– Бул зоти олийни хонлик маснадига ўтқазишга розимусизлар?

Боягидек енгилгина ҳайкириқлар янгради:

– Розимиз!

– Рози...м...миз!

Қобулшоҳ аҳли жамоага бош эгиб таъзим қилди. Минглаб қора кўзлар кўғирчоқ хонга истехзо аралаш қарар, кечагина саёқ юрган кимсанинг бутун хонлик маснадига ўтирганидан ажабланишар, бу кажрафтор фалакнинг букаламун ўйинларидан бири эканлигини ҳис этиб туришар ва шу баробарида бунга омонат воқеа сифатида қарашарди.

Қадимги урф-одад бўйича барча оксоқоллар, амирлару аҳли жамоа тўққиз бора тиз чўкиб, унга содиқ эканликларини

изҳор этдилар. Сўнг уни оқ кигизга ўтказиб уч бора кўтариб кўйдилар.

Қуёш юзини булут тўсди, қўрғошин нусха соя куннинг кўзига совук тўр ташлади, этни жунжиктирувчи изғирин шамол эсди.

8.

Тош йўл сирпанчик. Кечаги ёмғирни айтинг: тинмай ёғди-я. Бу йил ссрёгин келади-ёв! «Муллонинг бисмиллосидан маълум».

Учкур отларнинг нағаллари кулча тошларга урилиб, ажаб-товур тарақлайди. Мамат арава ёнида отини жадал ҳайдаб борар, оқ ўтовли аравада тирсаги билан қизғиш лўлаболишга ёнбошлаганча қандайдир китобни берилиб ўқиётган Темурбекка ўқтин-ўқтин назар соларди. Амир кўп ва хўб ўқийдилар. «Мозий – ойна, бу ойнанинг жавохирларини териб олган киши ҳаётда қийналмайди», дейдилар кўпинча.

От ўйноклаб кишнади. Оқа бегим унга якин келиб қолганди.

– Бекачим?

– Лаббай, Мамат ака?

– Орқада қолиб кетдингиз?

– Эгар бўшаб қолган экан, айилни тортдим.

– Бу одатингиз мактовга сазовор. Ҳақиқий чавандоз айилни доимо маҳкам тутди.

Оқа бегим ҳам падари бузруквори каби мактовни хуш кўрмайди.

Мамат кейинги сўз ортикча эди, дея ўйларкан, ота-бола суҳбати эсига тушиб, гапни ўша ёққа бурди.

– Бекачим, Сиздан сўрамокчи эдим...

– Нимани? – қизнинг момик юзида ҳайрат сурати кўринди.

– Сиз «Илоннинг пўст ташлашдан мақсади тирикликдур», дедингиз. Содда акангиз бунинг маънисини чақолмади.

– Ҳолва-ку бу, бек ака! – шаддод жавоб қилди Оқа бегим. – Илон пўст ташламаса, ўлади.

– Тўғри, бекачим, Сиз учун ҳолва, – Мамат аравадан ортда қолмаслик учун отини жадаллатди, – чу жонивор, чу!.. Аммо биз каби оми одамлар учун бу гўёки сирли жумбоқ.

– Жумбоқнинг сирини ечиш осон, Мамат ака.

– Қандай?

– Хуржунингизга китоб солиб юрсангиз бас, илмингиз кундан-кун ошиб боради.

– Шаддодсиз, аканинг бек қизи!

Жаҳонгир Мирзо отининг жиловини тортар экан, сингли-сига танбех берди:

– Шаддодликдан йироқ юринг, ҳурматингиз бор эл орасида.

Мамат сабри чидамай гапга қўшилди:

– Бегойим, тўғри айтдилар: биз кабилар китобни кўп ўқимоклари керак. Сиз оғочингизнинг таъбини беҳудага хира қилманг, Мирзо йигит.

Хузорга етгач, карвон тўхтади. Отларга дам берилди. Баланд адирлик ёнбағрига ўтов тикилиб, бу кечани шу ерда ўтказадиган бўлдилар. Тонгда Соли саройдан чопар келди. Қизғишга мойил ингичка мўйловли йигит ҳансираб нафас оларкан, кенг елкалари тез-тез кўтарилиб тушар, юпка лаблари билинар-билинемас титрар эди. Уни тўхтатмай Темурбек ўтовига олиб кирдилар. Ўтов ичи иссиқкина, хушбўй гулоб ҳиди димоққа урилади. Оёқ остида гулли кўкимтир кигиз. Темурбек икки қават шоҳи кўрпача устида мук тушганча Қуръони каримни тиловат қилаётганди. Чопарга кўзи тушгач, китобни ёнидаги қизғиш бахмал ғилофга солиб, илгакка осди.

– Амир Хусайн ўрнашдимۇ?

– Ўрнашди.

– Бизга бирор нома юбордимۇ?

– Йўқ, юбормади.

– Йўлга чиққанингни кўрдиму?

– Кўрди.

– Асирларни қўйиб юбордимۇ?

– Ёмон хабар келтирдим, Амир Искандар ўғлонни бул ёруғ дунёдан маҳрум этди.

Темурбекнинг маънодор нигоҳи қарайди:

– Бу не шаккоклик?! «Соли Саройга боргач, тафтиш ўтказиб, сўнг қўйиб юборурмен», деган эди-ку!

Маматнинг нафаси ичига тушди. Хунук воқеа. Бу яхшиликдан нишона эмас. Икки амир ўртасига совуклик тушса, Мовароуннаҳрда тинчлик бўлмайди.

9.

Шаҳрисабз тонги.

Мовий осмон беғубор қалблар билан туташади, гиштин уйлар, эндигина барг ёзаётган катта-катта дарахтлар ортидан, Шарк томондан кўтарилаётган қуёш кўк этакларини алвон рангига бўямокда. Дарвоза остоналари ойнадек тозаланган, бирор жойда, бирор ерда гард кўрмайсиз. Ҳали ҳам супур-сидирни давом эттираётган битта-яримта келинчак, кизалоклар кўзга ташланади. Келинчакларнинг эғнида коматига мос зарбоф камзул, бошларида хошиялари узун ипак оқ шоҳи рўмол; кизлар қизғиш шоҳи қўйлак кийганлар, қошларига ўсма қўйиб, тим қора кўзларига қуюк сурма тортганлар. Ўчоқларда нон ёпилмокда. Қуёшга ўхшаш нон. Ўзиям, тандирдан қуёшдек қизариб, ялтираб, нур сочиб чиқади... Нон хиди... нон хиди чор-атрофга ёйилади.

Тошбобо карнай Шаҳрисабз дарвозаси тепасидаги айвондан туриб шаҳарни кузатаркан, ана шу хаёллар билан банд эди.

Пастда турган зарбоф тўнли киши шаҳар кутволи хабарчиси:

– Бошланг, Тош! – дея қичқирди.

Уни Темурбек карнайчи ва ноғорачиларнинг етакчиси этиб тайинлаган. Шаҳарда карнайни ундан ўтказиб сайратадиган кишининг ўзи йўқ. «Карнайини ноғора оҳангига жўр этганда булбул ҳам тинади», дейди одамлар унинг ҳақида гап кетганда. Қаерда тўй, сайил, базм бошланса, дарҳол уни чорлайдилар. Камсукум Тошбобо карнай хоҳ чўпоннинг, хоҳ бойнинг тўйи бўлсин, асбобини қўлтиғига қисиб, айтилган

жойда белгиланган вақтда ҳозир нозир туради. Давраларда «Темурбекнинг карнайчиси» келибди деган овоза тарқалиб, фақирлар беҳад суюнишса, боши осмонга етган тўй эгаси эса ўзини кўярга жой тополмай қолади. Бугун шаҳар аҳлини Тошбобо карнайнинг хониши Наврўзга чорлайди. Шаҳар маркази томон ошиқаётган ёшу қарига, уларнинг байрамона либосларига боқаркан, хабарчининг «Бошланг, Тош!» деган хитобидан кўнгли тоғ каби кўтарилди. Эл учун жонингни жабборга берсанг арзийди. Сени бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам шу эл. Неча йилдирки, шу элнинг кўнглини олиб, ризқ-рўзини териб юрибди. Бугун кимсан Темурбекнинг хос карнайчиси. Халқ орасида ўзига яраша обрўси, иззат-хурмати бор. Ўтаётган умридан нолимаса ҳам бўлади.

Қалъа минорасига кўнган булбул бизга таниш дилбар хонишини ундан олдин бошлаб юборган эди, Тошбобо карнайчи:

– Булбулигўё чаккон чиқиб, отни эрта қамчиладилар-ку! – дея кулумсиради ва карнайини астойдил бир-икки пуфлади, шунчаки пуфламади, ички бир меҳр, иштиёқ билан пуфлади, шу бир тирсак ёғоч орқасидан кун кўраётган, иззат-обрў топаётган экан, нечун созини ардоқламасин: бандаки, эгасининг берганини қаноат, сабр-тоқат билан ардоқлар экан, ундан-да бахтли одам бўлмайди. Бир лаҳзадан сўнг «Наврўз тонги» куйи яшил шаҳар узра оҳиста қанот қоқа бошлади. Қалб торини нозик-нозик чертувчи жозибадор куй бу! Ҳов ана у, баланд, ғадир-будир, кўк тоғлар кўйнидан отилиб тушаётган оппоқ шаршаранинг шовуллашларига, яшил шаҳарнинг беғубор осмони узра чарх ураётган қалдирғочларнинг майин товушларига, кенг боғу роғлар, ястаниб ётган далалар кўйнида кезиб юрган баҳор шамоли овозларига уйғун ва ҳамоҳанг бўлган дилбар мусиқа бу! У одамларни байрамга чорлайди, боланинг кўнглига шодлик солади, беморнинг лабларига табассум ҳадя этади. Ана, бемор бошини кўтарди, ташқарига қараб: «Шу кунларга етдим, худога шукр! Бормисиз, Тошбобо!» деди баралла товушда. Унинг ёнида ўтирганларнинг юзларида баҳор қуёшининг қирмиз жилолари акс этди. Ёғоч нақшли дарвозадан чиққан момо ҳам бошидаги янги шоҳи рўмолини

тўғрилаб, ясаниб олган неварасини етаклаганча шаҳар маркази томон ошиқяпти.

Югур-югурлардан чарчамайдиган аёли – Фотима кампир бир ҳафта бурун оппок тонгда бир патнис буғдойни тозалаб ювиб, уч-тўрт тахта сарпичлар устига қалин ёйиб, офтобга қўйган эди. Сумалак пиширилган хонадонда йил бўйи кут-барака ёғилиб туради. Бобо танмахрамига шуни эслатиб, сумалак қўйгани учун уни мактаган эди. Бир оғиз ширин сўз ҳар қандай аёлга етти от кучини беради. Фотима кампир сумалак буғдойига қалб кўрини тўкди: эрта-кеч сарпичлар атрофида ўралашиб қолди, эрталаб ҳам сув сепеди буғдойга, кечкурун ҳам. Бобо гоҳо: «Меъёридан ортиқ сув сепма», дея огоҳлантирса ҳам билганидан қолмайди. «Бунақада буғдой моғорлаб қолса керак», деб ўйлаган эди, аммо ният холис эканми, ҳайтовур, бир ҳафтада буғдой тевона бўйи кўтарилиб, кўзни қувонтирди. Бундан хурсанд бўлган Фотима кампир кўни-кўшнларини тўплади. Уч-тўрт ўхор¹ келтиришиб, буғдой майсасини янчишга киришдилар. Шираси тайёр бўлгач, докадан ўтказишиб, қатор чинни косаларга солдилар. Тошбобо қарнай ўчоқ казишга хизматкор чакиришни ор билди. Савоби хонадонимга, ўзимга тегсин, деб эринмай бу ишни ўзи бажарди, дошқозонни ҳам ўзи ўрнатди, кейин олов ёқди. Кампирлар қозонга ойжувоз ёғини солиб қиздиришди. Сумалак пишириш осонми? Ташвиши бир олам. Лекин шу пайтгача шаҳарда бирорта аёлнинг сумалак пишириб нолиганини ҳеч ким эшитган эмас. Аёллари окила юртнинг эрлари роҳатда яшайди. Шу йил кампирини сумалак қўймаса керак, деб ўйлаганди. Ёйқ этгани йўқ. Қаридим, деб баҳона қилмади. Жонингга балли!

Тошбобо қарнай уй ичидан асраб қўйган бир ҳовуч ёнғоқни олиб чиққанда, кампирлар қозонни совутиб, уни буғдой шарбатига тўлдирган эдилар. Оч кўкимтир шарбат биғ-биғ қайнар, уч-тўрт кампир ёғоч чўмичлар билан қозонни қовлашар, ўлан айтишиб, даврани қиздирмоқда эдилар.

¹ Буғдой янчадиган асбоб.

*Сув хотин – султон хотин,
Кўланкаси майдон хотин.
Сув хотин – сувсиз хотин,
Кўйлаклари бўз хотин.*

Бобо яна уйга кирди: кариб қолди, оқ соқоли билан кампирлар орасида куймалашиб юриши уят. Тиши тушган кампирлар ўлани юракни сел қилди. Аёли билан чимилдикқа кирган онларни эслади. «Такдир экан, онаси, – деган ўшанда илк оқшомнинг ўзида, биринчи сўзданок «онаси» деб гапириши Фотимага ғалати туюлганини сезиб, – ҳурматда бу Фотима, – дегани ҳам эсида, – онаси, деймиз бундан кейин! Гап шу, онаси, мен сизни умр бўйи бошимда кўтариб юраман. Ўрган, номард!» – Йигит эди ўша пайтлари, жўшиб кетди. Озгина соддалиги ҳам бор эди.

Фотиманинг табассуми тўлишган ойдай юзига жозиба берди: тимкора кўзлари биллур нур сочди...

– Бўлди, тушинг! Ҳов бобо, тушинг деяпман! Амирни маҳтал қилмайлик!

Ортда турган ноғорачи – қориндор йигит унинг бахмал камзули этагидан тортди:

– Ҳей, бобо!

Тошбобо карнай унга ялт каради, лунжларини шишириб ўзи яратган «Наврўз тонги» куйини авж пардаларда чаларкан, бошини қимирлатиб «ҳозир, ҳозир» дея ишора қилди.

Хабарчи бир ирғиб отга минди:

– Ҳой яхшилар, бўлсанглар-чи! Кеч қоляпмиз!

Тошбобо карнай куйини якунлади. Қуюк терга ботган ноғорачи:

– Бобо, кеч қолдик-ку! – деди бўғриқиб.

– Ҳе, боласи тушмагур-а, ҳеч қачон машшоқ куйини авж пардада тўхтатганми? – кулдилар бобо.

– Бек кутиб қолдилар, энди нима деймиз!

– Темурбек ўзини ҳурмат қилмайдиган чала машшоқларни ёмон кўрадилар.

Тахти Қорача тоғидан бир майин шамоллар эсди.

Улар шаҳар марказига етиб боришганда, Темурбек сайилга келганларни Наврўзи олам билан муборакбод этаётганди.

– Бекнинг овози ҳам жарангдор! – деди бобо шод овозда. – Худо бунақаларга ҳар нарсани қўшқўллаб беради.

– Ҳавасингиз келяптими, бобо, бек бўп кетмасайдингиз! – ҳазиллашди ноғорачи йигит.

– Биз қаридик, болам! Соқолли оқи билан қаёққа ҳам борардик. Сен ҳавас қилсанг бўлади. Тоғни урса, толқон қиладиган йигитсан!

– Менга шу пақ-паким ҳам етади, бобо!

– Баракалла, болам! Берган ризқидан айирмасин!

Шамсиддин кулол дуо қилди.

Темурбекнинг салобатли овози ҳавони кесди:

– Пиримиз лутфи эҳсон айлаганларидек, Наврўзи олам юртимизга қут-барака келтирсин. Амр қиламиз, бутун элу улус бир ой мобайнида шод-хуррамлик қилсинлар, Наврўзи олам кенг далаларимизда, ҳар бир хонадону боғларимизда шод кезиб юрсин.

Тошбобо карнай пирлар, саййидлар, уламолар, амирлар қуршовида турган Темурбекка яқин борди. Темурбек унга кўзи тушиб:

– Бобо, «Наврўз тонги» куйингизни бағоят шодлик ила тингладик. Бизга бугун қай бир янгисини тортиқ этасиз?

Бобо жилмайдилар майингина:

– Шарсавзини, болам!

Ёш йигитлар қийқириб кулишди. Бобо ҳеч қачон «Шахрисабз» демайдилар. Қийқирик, култи юракларини жўштирди, амр бўлмасдан бурун, тоқатлари чидамай нағмо куйни бошлаб юбордилар. Ноғоралар гумбурлади, бурғулар ғат-ғатлади.

Шаҳар бош кўчасининг икки томони кета-кетиш турли шоҳона либослар, оғизда эриб кетадиган хушбўй қандолатлар, ҳолва, майиз, ёнғоклару кавуш-маҳсилар билан тўла: қандолатпаз бир ҳафта давомида бор илмини, маҳоратини ишга солиб, қанд-курс, турли ширинликлар тайёрлаган: «амирқанди» ялтироқ қизғиш қоғозга ўралган, ширинлиги

тилни ёради; ҳолвапазнинг сара ёнғок мағизлари қўшиб пиширилган ҳолвалари асалдан ширин; мато бўёқчи камалакни матоларига туширган, чармфурушнинг моллари пишиқликда ундан қолишмайди, кавушу маҳсиларга этикдўзнинг қалбидан нур берилган.

Темурбекнинг ёнида карнайини сайратиб бораётган бобо турли-туман расталарга сукланиб қарайди: юртда тинчлик бўлса, эл осойишта яшайди. Илёсхўжа яна нағма кўрсатса борми, Шаҳрисабз осмони яна қораяди, эл-улуснинг аҳволи ёмонлашади.

Темурбек бўйрапушлар ёнида тўхтади. От юзли бўйрапуш бир кучоқ қамишни ерга ёйиб, бирпасда катта отлик ясади, бироз ўтмай унинг қўлида аслидан қолишмайдиган камон намоён бўлди, ёнидаги шамшир ҳам ҳақиқийсидан қолишмайди, қамиш отлиқнинг қоп-қора киприклари бир текис териб қўйилган, қора кўзлари қувноқ чарақлар эди.

– Исмингиз надур, усто? – сўради Темурбек.

Ингичка соқоли ўзига ярашган уста қўлини кўксига қўйди:

– Мени Пирсайд Аҳмад дерлар!

– Бағоят нозик усто экансиз! – Темурбек белидаги кумуш камарини ечди. – Бу Сизга, усто! Ҳали Сиз билан улуғ қасрлар бунёд этурмиз. Яна не касбингиз бор?

– Бўйрапушлик бирла мусаввирлик ҳам қилурмен! Ота касбимиз!

– Падари бузрукворингизга тасаннолар бўлсин!

– Қуллук, бек!

Кечкурунга бориб, бу гап бутун шаҳарга овоза бўлди. Пирсайд Аҳмаднинг хонадони Наврўз окшомида дўсту ёрларига тўлиб кетди.

Мамат Шаҳрисабз четидаги чоғроққина ҳовлида турарди. Уйга кирганда, Зафарбек, ортидан Фотима югуриб чикди. Ўғлини кўтариб оларкан:

– Сен ҳам ўғлим бек аканинг тилига тушсанг, бошим осмонга етарди, – деди уни эркалаб.

Фотима ҳамма гапдан хабардор эди.

– Пирсайд Аҳмад бугун Сизниям лол этган кўринади, отаси?!

– Бўлмаса-чи! Ман унга қойил бўлдим.

Фотима унинг кийимларини – оқ кўйлаги ва йўл-йўл яшил желагини келтирди. Елкасидаги жароҳат ўрни оқ тугма қадалгандек буришиб чандиқ ҳосил қилганди.

– Оғримайдими? – сўради Фотима эрининг чандиқ ўрнини оҳиста силаб кўйганини кўриб.

– Совукда билинади, – жавоб қилди Мамат, – ҳайтовур ёмғир ёғадиганга ўхшайди.

Фотима яна боягидек хузувланиб табассум қилди, эрининг сўзлари, гапириши бирам ёқимлики... бирам ёқадики... бошлари тошдан бўлсин, соябонимнинг!.. Ўшанда... ўшанда, худо бир асради у кишини! Бек ҳам яхши қарашди: ман-ман деган табибларни юбориб турди, қўллари енгил экан. Суюклиси ҳам дардга чидамли, унча-мунчага бўйин эгмайдиганлардан, хай-хай дейишларига қарамасдан бир ҳафтада ўринларидан туриб кетдилар.

Дарвоза томондан ёш боланинг кўнғироқдек овози эшитилди.

– Мамат ако-о-о!

– Келаверинг, – товуш қилди Мамат ва желагини кийиб ташқари чикди. – Ғира-ширада оёғига амиркон этик, эғнига калта гулдор камзул кийган ўн бир-ўн икки ёшлардаги бола кўлида оқ чит рўмолга ўралган косани унга узатаркан:

– Бобом бериб юбордилар, сумалак, – деди.

Мамат жилмайиб тугунни оларкан:

– Бобонгиз ким? – деб сўради.

– Карнайчи! – жавоб қилди бола.

– Тош бобо бизниям унутмабдиларда. Катта раҳмат! Бобога салом айтинг!

Уйга кирган заҳоти Мамат тугунни очди: сарғиш-жигар тусли сумалак чирок ёруғида сарғиш олтиндек жило бериб, хушбўй буғдой хиди димоғига урилди.

– Онаси, Зафарбекка ялатинг сумалакдан!

Фотима ўғилчасини кўтариб келди. Кичкина ёғоч қошикка сумалак олиб боланинг оғзига тутди, гўдак қикирлаб кулди.

– Ёқдимми, қўзичоғим?!

– Яна лаълайман, – бийрон тилда деди кичкинтой.

– Ош бўлсин, болам. Илойим, ризкинг бутун, умринг узок бўлсин.

Алламаҳалда дарвоза тақиллади. Мамат яна кимдир сумалак олиб келди-ёв, деб ўйлаган эди, лекин дарвоза ёнида отлиқ навкарни кўриб хавотирланди. «Тинчликмикин?»

– Хўп, ҳозир! – Мамат кийимини алмаштириб чиқиш учун уйга кирди.

10.

Осмон ковоғини уйган. Неча кунки, чор атроф зулмат қўйнида: эзиб ёмғир ёғади. Баҳор серёгин келса, чорвадорнинг кўнгли ёришади: кир-адир тиззабўйи ўт-ўланга тўлади, ем-хашак кўпаяди. Лекин унга нима, ҳозир шу эзма гапларни эшитган билан ошиғи олчи бўлиб колармиди?! Илёсхўжа Кепак Темурнинг чорвадорлар ҳақидаги сўзини беписанд эшитди. Алам ўтида жизғанақ ёнаётган пайтида бу гаплар қулоққа ёқармиди?! Мовароуннаҳр қўлдан чиқса, ҳоли не кечади? Марду майдон деб ном олган Темурбек билан ўзига бино қўйган Ҳусайнни орадан кўтариш масаласи ҳамон орқага сурилиб келмоқда. Қўғирчок Хон ҳам ярасига туз селгандек, танасига оғриқ беради. Бунга тоқат қилиб бўладими?! Аввал иккита аждаҳо эди, энди учта бўлишди, учта бадкор салтанат денгизини лойқалатиб юрибди. Ёз яқин... Уларга қарши қайтадан хужум бошлаш даркор. Ғанимни жойида маҳв этган ютади, акс ҳолда, унинг ўзини дўзахга жўнатишлари мумкин.

У ичида уф тортиб, «бунча хотинчалиш бу, найнов, хукмдор олдида нима гапиришни ҳам билмайди», дея хаёлидан ўтказаркан, унга ковоғини уйди, шаррос ёмғир юрак даради устига қайноқ ёғаётгандек, дўнг пешанаси тиришиб, кисик кўзлари қичишиб оғриди.

– Амир Холид билан Искандар ўғлонни ул бадкор Хусайнбек йўқ қиладими йўқми? – деб сўради атайин, зарда билан.

Фаҳм-фаросатдан анча орқада бўлган Кепак Темур унинг зардасини тескари тушуниб, «Хон шу икки муртадни деб ўзини бунча қийнамаса», дея ўйлади ва патак соқолини силаркан, шунча катта бойлик ва сон-саноксиз кўшинга эга хукмдорнинг бор-йўғи бир марду майдон бегу, хотинчалиш Амир Хусайндан бунчалик чўчишини хазм қилолмади. Иккита каллакесарини юбориб, иккисини ҳам бир кечада молдек бўкиртириб сўйиш мумкин-ку, шунга ҳам «ота гўри – козихонами?!»

– Аълоҳазрат, улардан сира чўчиманг, чумчукчалик кудратлари йўқ, Сиз мисоли улкан филсиз, улар ким? Бор-йўғи сичқонлар, холос! Ҳе-хе-е-е!!!

Илёсхўжа унинг бефаҳмлик қилганини ногўғри қабул қилиб, мени мазах қиляптими, деган ўйга борди-да, устидан бир челақ муздек сув ағдарилгандек, яна калт-калт титради. Фил деган жониворнинг шунча улкан бўлса-да, миттигина сичқондан кўрқишини кўп эшитган. Сичқон филнинг кулоғига кирса, ўлиши тайин экан. Бу баччағар нималар деб алжираяпти ёки уни ҳам ўзидек калтафаҳм ҳисоблаяптими?!

– Бас! – деди у бўғриқиб. Сўнг ўзининг жаҳлдор овозидан ўзи чўчиб, уни ҳам хафа қилиб, яна битта душман орттирмай, деган ўй билан: – Уларнинг ажали етган! – деди гапни бошқа ёкка буриб. Сўнг бу ҳам етмагандай: – Ул баднафс Хусайнбек ҳали ҳам Соли Саройда эканму? – деб сўради ошиғич оҳангда. Хукмдор учун ҳар битта хабарнинг филдек кучи бор. У хомуза тортди ва шу дамда Кепак Темурдан дилига мос хабар кутди.

Кепак Темур:

– Айшини суриб ётибди, у дабба, – деди бамайлихотир оҳангда ва аввал патак соқолини, сўнг елкасини қашиди.

Илёсхўжа уни кичима бўлганидан хавотирланиб, гавдасини орқага тортди. Мингта ҳаром жойларда юради, кўчадаги искирт аёлларга ёпишишдан сира тийилмайди бунакалар.

Айтиб бўладими, бирор касофатга, балога йўлиққан бўлса, бошқаларга ҳам юктириб юргандир. Лекин унинг Амир Хусайнни «дабба» дея ҳақорат қилганидан бир оз сўлиш олиб, ичида маза қилиб кулди. «Дабба» — муносиб лақаб. Аммо бу ҳам анойи эмас, лақаб топишга уста экан. Унга ҳам лақаб қўйганмикин?!

— Темурбек билан кўришибдими? — деб сўради тезроқ суҳбатни тугатиш учун.

Кепак Темур белидаги кумуш ханжарининг бўш ғилофини силади. Илёсхўжа ҳар эҳтимолга қарши ҳузурига келган ким бўлмасин, қурол билан киришга йўл бермайди. Соясидан хавфсираб, ҳатто хос кўрикчилари учун орқа хонадан махсус туйнук ҳам очтирганки, жонига суиқасд қилувчи бўлса, камон билан отиб ўлдиришлари ҳам мумкин.

Томок қирган Кепак Темур:

— Олти ойдирки, улар бир-бирларидан узоқда, — дея жавоб қилди яна ўша сўниқ, мажҳул овозда.

— Алардек қашқирларни ўз уясида битта-битта енгмок лозим. Аммо бундай ҳавода жанг олиб бориш ҳийла қийин. Сиз қўшинни кигиз уст-бош билан таъминлашга бош бўлинг.

Энди Кепак Темурнинг шилпиқ кўзлари ярқ очилиб, руҳи тетиклашди.

— Ёмғирда кигиз жуда асқатади, — деди бир кадар жўшиб.

Илёсхўжа уни огохлантирган бўлиб:

— Лекин бу тадбиримиз ул қашқарлар қулоғига етмасин, — деди «сотқинлик қилсанг, калланг кетади» деган дағдаға билан.

— Етмайди, — ишонч билдирди Кепак Темур.

Илёсхўжа унга ишонса бўлади шекилли, деган қарорга келди. Вазифа тайин этса, наъша қилди. Демак, бу қашқир садоқат билан хизмат қилиши мумкин.

— Темурбек билан Хусайннинг орасини бузиш учун барча усуллардан фойдаланингиз. Ундан Ўлжай оқанинг кўнглини совутсангизлар, биз руҳан устунликка эришамиз.

Кепак Темур илжайди:

– Ўлжай оқани унинг юраги дейдилар. Юрагига тиг урсак, тез синади.

Илёсхўжа тиржайганча уни мактади.

– Сиздан ҳам тузуккина фикр чиқар экан!

11.

Токчадаги йўғон катта иккита шам липиллаб ёнар, сержило нақшинкор деворда олов шуъласи шайтон рақсга тушгандек, липиллаб ўйнайди. Хўроз чўзиб-чўзиб қичкирди. Ўлжай оқа ҳали ҳам уйғоқ, уйқуси қочган. Оғасининг ўзибўларчилик қилаётгани, Соҳибқирон ҳазратлари билан чиқиша олмаётгани уни кўп куйдирмоқда. «Нечун бундай йўл тутадилар? Биргалашиб, бамаслаҳат иш қилсалар, давлат ҳам, бойлик ҳам иккалаларига етиб ортади! Нечун керак ортиқча ғалвалар?!» У кўз ости билан соҳибига қаради. Темурбекнинг пешонаси тирришган, йирик кўзлари ўйчан. «Ул зот ҳам озор чекмоқдалар. Оғамнинг найранглари юракларини беҳад катта алам, изтиробга солмоқда».

– Мен бор эканмен, оғам доимо Сиз билан бирга бўладилар! – деди унга далда бермоқ ниятида.

Темурбек анчагача индамай ётди. Сўнг ўрнидан туриб:

– Биламен, Сиз ҳам икки ўртада қийналадурсиз. Неча ойларки, икки ўртада жонингиз ҳалак. Мамат хабар етказганда, оғангиз тезда бораман, дея ваъда берган эди. Ҳалигача дарағи йўқ. Илёсхўжа босиб келса, унга қарши ёлғиз чиқишга чўчийдурмен. Оғангиз шуни билиши керак эмасму?!

Ўлжай оқанинг алам ўтида ёнаётганини Темурбек сезиб турар, сезиб туриб, унга юраги ачир эди. Лекин бир оғиз ширин сўз айтиб, кўнглини кўтаришга ботинолмас, гўёки бунга кучи ҳам, қурби ҳам етмасди. Инсон ҳаётида шундай лаҳзалар ҳам бўладики, бировга айтсанг, ишонмайди.

Ўлжай оқа ўрнидан туриб, токчадаги сандиқчани қўлига олди:

– Бугун термизлик қирқкизлар келишган эди. Бирови менга мана бу хатни тутқазди. Чарчаб келганингиз учун бир оз

дам олганингиздан сўнг бу тўғрида билдирарман, деб турган эдим.

Темурбек хатни олди-да, қоғозни очиб, уни Ўлжай Туркон оқа номига ёзилганини билгач, дархол қайтарди. Бировнинг хатини ўқишни ор биледи, бу эр кишининг иши эмас, деб ҳисоблайди.

— Сизга экан, маликам!

Ўлжай Туркон оқанинг нафис қошлари оҳиста тўлқин уриб, йирик, қора кўзларида «шундай эканми?» деган ўй акс берди. Хатни паришон ҳолатда олди-да, Темурбек сўрамаса ҳам овоз чиқариб ўқиди. Ҳусайнбек аввал унинг ҳол-аҳволини, жиянининг қандай ўсаётганини сўраб, соғ-саломатлик тилаган, сўнг Темурбекнинг ишларини суриштириб, ҳар қандай курашда доимо бирга бўлишини таъкидлаб ўтган. Аммо қачон келишини айтмаган. Фақат Султон Бахт бегимга совға-саломлар жўнатганини қистириб ўтган эди.

— Тоғойиси Сиз каби қизимизни жуда яхши кўрадилар, — деди Ўлжай оқа, акам бир сўзли дегандек писанда қилиб.

Темурбек индамади. У ҳозир Амир Ҳусайннинг нега унга эмас, Ўлжай оқага мактуб йўллагани ҳақида бош қотирмоқда эди. Нечун бу йўлни тутди? Ёки ўзини баландроқ эканини пеша қилиш учун номани атайин Ўлжай оқа номига битдимикин?

Султон Бахт бегим ғингшиб уйғонди. Ўлжай оқа унинг елкасини оҳиста силади.

— Алла, она қизим, алла!

Хўроз яна чўзиб-чўзиб кичкирди.

Тун ваҳимали эди. Гуррос шамол эсар, аллақердан тараклаган товушлар эшитилар, Темурбек юраги ғашланаётганидан безовта эди. Илёсхўжа сон-саноксиз лашкар билан тунда босиб келса-чи?! Ясовуллар хабарсиз қолишса нима бўлади?

Шу лаҳзада у Тошбобо карнайчисини эслади. Сумалакнинг мазаси оғзида қолди. Йил яхши бошланди. Худо хоҳласа, бу йил ишлари юришиши керак.

12.

Дераза ва туйнуклар ланг очик, оқ ҳарир пардалар ҳам тортиб қўйилган, қуёшнинг илиқ чароғон нурлари хона ичида олтиндек жило бериб, кўзни қамаштиради, зардоли дарахтига қўнган булбул сайрагани-сайраган. Кейинги пайтларда илмга қизиқиб, Жаҳонгир Мирзо ёнидан бир қадам ҳам нари жилмаётган бизнинг Мамат уни кузатгани-кузатган. Ҳозир булбул навоси ҳам қулоғига кираётгани йўқ, эски китобдаги турли чизмаларни хайрон кузатиш билан овора.

Жаҳонгир Мирзо китоб варақлашдан тўхтаб, булбулнинг ажиб хонишига маҳлиё бўлганча кулок тутди. Худди отасиникидек, қора кўзлари икки шамдек ёниб, кулча юзида ажиб шодлик барқ урди.

– Жуда яхши хониш қилмоқдадур, – деди у завқланиб.

Китобдан кўз узмаётган Мамат унинг гапига эътибор бермади ва қўлини биғиз қилиб:

– Нималар деб ёзилган унда, амирзода! – деб сўради ички қизиқиш билан.

Жаҳонгир Мирзонинг қон гупираётган лабларида илиқ табассум ўйнади.

– Бундами?! – деди у сергак тортиб. – Бунда Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида ёзилган.

– Буларни тушунасизми?

– Падари бузрукворим Ой ва Қуёш, юлдузлар ҳаракатини билиш, илми нужумни ўрганиш инсон учун энг фойдали илм дерлар.

– Бу китобни ким ёзган?

– Аҳмад Фарғоний деган олим ёзганлар!

– У кишининг китоблари кўпми?

– Жуда кўп. Мен ул зотнинг «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум» китобларини ҳам кўрганмен. У кишининг асарларида етти иклим мамлакатлари, вилоятлари, шаҳарлари ҳақида батафсил маълумотлар берилгандур. Падари бузрукворимиз бул асарларни синчиклаб ўқийдурлар.

– Аҳмад Фарғоний қайси даврда яшаганлар, амирзодам?

– Абдуллох Маъмун даврида Бағдодда истиқомат қилганлар. Мусо Хоразмий билан бирга «Байт ул-ҳикмат»да ишлаганлар. Европада ул зотни Алфраганус деб атайдилар.

Мамат Жаҳонгир Мирзонинг бийрон-бийрон сўзлашига кулок тутар экан, «биз ҳам юрибмиз-да таёқ судраб», дея кўнглидан ўтказди. Ўша кунни Темурбек уни хузурига чорлаганда, Амирзода худди шундай китобни варақлаб хаёлга чўмганча мутолаага берилган эди. У қандай китобки, Мирзо йигит мук тушиб ўқияпти, деб ўйлаган, аммо сўрашга ботинолмаган эди. Соли Саройдан қайтганда ҳам уни шу китоб билан машғул бўлаётганини кўриб, янада қизиқиши ортди. Бугун шу қизиқиш уни бу ерга етаклади ва вақти беҳуда кетмаганидан суюнди. Аҳмад Фарғоний! Чағонада ҳам бу номни эшитган эди. Шундай буюк одам экан у. Билиб олгани яхшида. Юрт кезиб юрибди. Эртага Ироку Шомга ё Бағдодга бориб қолганда, битта-яримтаси олим ҳақида сўраса, оғзига мум тишлаб тош қотадики? Кимсан фалон юртидан бўла туриб, битта олимнингни танимасанг, нима қилиб юрибсан, дейишмайдими?

Хўжанддан чопар келганда, суҳбат айна авжига чиққан, Жаҳонгир Мирзо Фарғонийнинг «Етти иқлимни ҳисоблаш» китобини овоз чиқариб ўқир, Мамат мук тушиб, хаёлини бўлмасдан, ҳар бир сўзни илиб олишга ҳаракат қиларди.

Бурғу чалинди. Ташвишли оҳанг.

– Не гап? – Амирзода ҳаворанг деразадан ташқари каради.

– Тинчлик эмасга ўхшайди! – Мамат ўрнидан турди. – Ҳай аттанг-а, энди маза қилаётган эдинг-а!

Икковлашиб ташқари чикдилар.

Темурбек Маматни кўриши билан:

– Соли Саройга отланинг, иним! – деди, овози ташвишли эди. – Амир жаноблари лашкарлари билан тезда келсинлар. Биз Сайхун бўйида кутиб турамыз. Илёсхўжа мўр-малахдай очофатлари билан юртимизга ёпирилиб келмоқда.

Кенг осмонда парвоз этаётган она бургут уни кузатиб турган эди.

Фотима бу хабарни эшитиб, яна юраги така-пука бўлди-ю, кўз ёши ва дийдиё қилишдан ўзини тийди. Неча марта не-не ўлимлардан колдилар. Ишқилиб, Худонинг ўзи паноҳида ас-расин. Уйи куйсин одамзод учун урушни ўйлаб топганнинг! Ҳар ким ўз юртида тинч яшаб, капалакдек қисқа умрини роҳатда ўтказса, бирор жойлари камайиб қоладими?!

У кеча пиширган сутли кулчаларни бўз рўмолга туғиб, ола хуржунга тикди. Яна бир тугунча қилиб, унга майиз, ёнғок ва қуритилган гўшт тугди. Йўл-чўлда тановул қилиб оладилар, оч-наҳор юрмасинлар, деди ўзича.

Мамат бир ҳафта ўтар-ўтмас соғ-саломат қайтиб келди, лекин у анча озган, кўзлари киртайиб, қовоқ суяклари бўртиб чиқиб, бир оз қорайган эди. Келган куннинг ўзида ҳаммомга тушди, сўнг табибга учраб, дори-дармон олди. Фотиманинг хавотирлангани шу бўлдики, йўлда бир қори ҳол рўй берган ёки яна ёғий қўлига тушиб, бир-икки кун асирликда қийналган. «Йўқ, ундай эмас, — деди Мамат кескин бош чайқаб аёлининг ташвишларини эшитаркан. — Мен қушдек елиб, зув бориб, зув келдим. Йўлларда тузукрок овкатланишга вақт ҳам бўлгани йўқ. Душман қўлига тушмаслик учун нукул сўқмоқ ва кимсасиз жойлардан ўтдим. Одам тош эмас, илким қуриб, юрагим ўйнайдиган бўлиб қолди. Озиб кетганим ана шундан. Лекин йўлда қизиқ воқеа рўй берди».

Ўша куни йўлга чиққанда, бургутларнинг изма-из келаётганига аввалига унчалик эътибор бермади, аммо учинчи куни кечаси совуқдан жунжиккан ҳолда қорли тоғ ошиб ўтаркан, оти олдинга қадам босмай, ниманингдир хидини олиб, орқага тисарила борди, чу-чулаб, қамчи босиб, нуқилаб, зўрға хайдади ўзиям. Ёғий ортимга тушган бўлса, шу овлоқ жойларга қўлга туширармикин, деган хаёлга бориб, қиличини қўлида маҳкам тутди, тун ваҳимали, қор қалин, кўр ойдин эди. Бир гала бургутлар осмонда парвоз қилиб, бўғиқ овоз чиқарар, йўлга чиққаники, ортидан кузатиб келишяпти, нима гап, не ходиса бу ўзи, дея гоҳ ташвишга ботди, гоҳ йўлдош бўлиб келаётганлари учун шукрона ҳам айтди, аммо бунинг беҳуда эмаслигини, ҳали замон бирор воқеа содир бўлишини

кўнгли сезиб турарди. Тоғ тепасида йўл қалин арчазор ора-
лаб ўтар, киш чилласида унча-мунча одамнинг бу томон-
лардан юришга юраги бетламасди. У боши узра қараркан,
бургутларнинг энди жуда паст учаётганини кўриб, ҳарқалай,
йўлдошларим бор-ку, нимадан кўрқаман, деган хаёлда отига
камчи босди. Ҳаво жуда совиб, юзлари, қўллари тиришиб
қолди, отнинг ҳам, ўзининг ҳам оғзи-бурнидан иссиқ қуюқ
буғ чиқаётганини ойдинда аниқ кўриб бормоқда эди. Арча-
зор тугаб, қорли адирлик бошланди. Изғирин авжига чикқан,
кўз очиб бўлмасди. Бўри увлаб, у ваҳима билан қиличининг
муз дастасини маҳкам қисди. Бургутлар энди унинг бошидан
тўрт-беш тирсак баландликда уча бошлади.

Фотима ўнг қўлини иягига қўйганича унинг ҳикоясини
берилиб тинглаётган эди.

– Бирдан чор томондан бўрилар ҳужум қилса бўлади-
ми, – деди у ҳаяжон ва эҳтиросли овозда. Фотиманинг қад-
дини кўтариб, кўксига туфлаганига кўзи тушиб, бир оз кулги-
си қистади. – Суғун де, отим хуркиб, қаттиқ пишқирди. Кат-
та бўри ташланган эди, пешасини мўлжаллаб қилич солдим,
тарс этди-ю, калласи иккига бўлиниб кетди, суғун...

– Вўй-й-й!!! – деди Фотима юзини қўллари билан тўсиб.

– Суғун ҳар бири кўчқордек йирик бургутлар қашқир
бўриларнинг устига ташланди-ю, икки ўртада даҳанаки жанг
бошланиб кетди. Э, сен у жангни кўрсайидинг, Фотима...

– Худо кўрсатмасин, жинни бўлиб қолармидим?! – эри-
нинг гапини бўлди у.

– Сен билан Ўлжай оқадек жанговар аёллардан
бўриларнинг юраги ёрилиб, қораларингни кўришлари билан,
тумтарақай қочиб қолишмаса ман кафил! – дея гапни ҳазилга
бурди Мамат.

– Суғун нима бўлди? – сўради аёли унинг «суғун» шева-
сига урғу бериб.

– Суғунми? Суғун қор қип-қизил қонга бўялди, бўрилардан
ўлгани кўп эди, бургутлардан ҳам!

– Суғун-чи?

– Эҳ, онаси-я, намунча суғунламасанг!

– Сиздан юккан-да, нима килай!

– Суғун десанг, бўриларнинг қолган-қутгани ура қочди. Суғун десанг, келишда ҳам бургутлар менга йўлдош бўлиб қайтишди. Йўлда келгунча, Фотимамга ана шуни гапириб берсам, роса маза қип эшитади ўзиям, деб ўйлагандим!

– Роса маза қип эшитдим, Худойимга шукур! Бургутларга раҳмат! Одам одамни маҳв этиш билан овора, қаердаги бургутлар уларни ҳимоя қилиб юрибди. Ўшалардан ўртак олса бўлмайдами, тузлиғига тупурганлар ҳам?!

Мамат бир нима демади.

Орадан икки кун ўтиб, қўшиннинг йўлга чиқишини эшитган Фотиманинг яна фиғони фалакка чиқди:

– Илоҳим, тинчимизни бузган ажи-бужиларнинг кўзлари тешилиб, оғизларидан қонлари лахта-лахта оқсин. Одамнинг ҳаловатини бузишади-я нуқул!

– Яхшилик тила, онаси! – деди Мамат «соғ қайтай ишқилиб» дегандек.

Фотима уйга кириб, бир ҳовуч оқ ун олиб чиқди-да, унинг елкасига сепди:

– Ой бориб, омон келинг, дадаси! Сиз суянган, ишонган тоғимизсиз, ўзингизни эҳтиёт қилинг!

Юраги шув этган Мамат киприкларининг намланганини сезиб, «кўз ёшига бало борми?» дея кўксини тўлдириб нафас олди, аммо ўксиниш қалби тубига чўккан эди.

13.

Илёсхўжа ям-яшил адирлик тепасига тикилган кигиз чодирдан ташқари чиқиб, эрталабки қуёш нурида ажиб товланаётган ям-яшил далаларга, муштдек кўкка ўқталиб турган дов-дарахтларга, кумуш тасмадек товланиб, илон изидек буралиб-буралиб оқаётган Сайхун дарёсига, тип-тиник беғубор осмонга боқаркан, «Бу гўзал мулк меникидур», дея ўзича завқланди. Гоҳида девона қалбида шундай завқ тўлқин урадики, ҳисларини шундай китиклайдики... Қайси куни кўчма хазинасидаги дуру жавоҳирларни кўрганда ҳам юраги шундай

жўшганди. Улуғ ҳукмдор Чингизхони соний каби буюк салтанат тузиш орзусида яшайпти. Улуғ давлат барпо этмоқ учун катта хазинага эга бўлиши даркор: ана улкан хазина, пойида мунтазир; ул қароқчи амирларни йўлидан супуриб ташласа, яна не-не ўлжаларга эга бўлади, сўнг хотиржам иш юритиб, сўнгги денгизгача боради, улуғ бобоси давлатини бир бутун қўлга киритади.

Амир Ҳожибекнинг ўғли Анқаржақ унинг пойида тиз чўкди:

– Йўқлаттирган экансиз, хон ҳазратлари, не юмуш буюрадурлар?

– Сизга, буйруғимиз шулдирким, тезда Шеровул ва Кепак Темур навкарлари бирла Самарқанд томон юринг! Кеш ва Балх тарафларда не ҳодиса, кўз-қулоқ бўлиб туринг! Мухим хабар бўлса, тезда бизга етказурсиз!

– Хон ҳазратлари?

– Хўш?!

– Самарқанд бекларининг Темурбек билан Амир Ҳусайнга унчалик рўйхушлари йўқ кўринадур.

– Биз учун бу жуда муҳим!

– Самарқандликлар аларни қанчалик ёмон кўрсалар, бизга шунчалик фойда. Одамларимизнинг ишончли хабарларига кўра, улар мударрис Мавлонзода отлик бир кишининг атрофига жамулжам эрмишлар.

– Ялангоёқлар атрофида, денг! – Илёсхўжа Самарқандда бўлаётган воқеалардан хабардор эди. – Қўйиб берайлик, бир-бирларининг силлаларини қуритсинлар. Андин сўнг боскин қилурмиз.

Анқаржақ Илёсхўжанинг кўнглига кўл солди:

– Қўшинга улуфа бериш масаласини ҳам ҳал қилиб берурсиз, деган умиддамиз, аълоҳазрат!

– Улуфа? – Илёсхўжанинг тишлари ғижирлади. Анқаржақ ўзини орқага олди:

– Хон ҳазратлари, қўшин орасида норозилик...

– Норозилик?... Ким норози?..

– Ҳеч ким норози эмас, хон ҳазратлари!

Якин орадан калхатнинг ваҳимали қичқириғи, қанотларининг патиллагани қулоққа чалинди. Бу юртнинг қушлари ҳам безовта. Шу жангла ғалаба қозонса, ўзига овчи калхат буюради. Илёсхўжа гапни қисқа қилди:

– Ҳадемай ёғий билан жангга киришурмиз. Самарқанд, Кеш, Балх қўлга кирса, ҳар бир навкар ўлжасини олур. Боринг, йўл ҳозирлигини кўринг, Самарқанд томон отланишга шайланинг!

14.

– Яна кетасизму, бегим? – Ўлжай оқа Султон Бахт бегимни бағрига босаркан, кўзларидаги чарос нур ўрнини безовталик, ташвиш туманлари эгаллаб олди, унинг ҳозирда калби ҳам титраб, гўёки ундан абадий узилиб қолаётгандек, ваҳима, ташвишга ҳам тушди.

Жаҳонгир Мирзонинг ҳам юзи сўлғин эди, ҳали гўдак нуқси зоҳир нигоҳига айрилиқ ташвиши соя ташлаган эди, лекин остонада итоаткорона қўл қовуштириб уларни кузатишга чиққан, бу итоаткорлик оила тарбияси маҳсули бўлиб, унга «ота сўзи ўқ» деб таълим берганларининг натижаси эди, лекин айни дамда отасидан ортда қолгандан кўра, у зот билан кетишни ич-ичидан орзиқиб хоҳлар, гар ҳозирда бир имо бўлса, етарли эди. Унингча, камон отиш, душманнын отдан қулатиш писта пўчоғини чаққандек бир гап. Отаси сингари баҳодир деган номга сазовор бўлиш юрак тубида қайнаётган орзу бўлиб, кўпдан буён унга тинчлик бермасди.

– Амирзода Сизлар билан қолур! – деди Темурбек ҳаммага эшиттириб ва зимдан ўғлини кузатди.

Жаҳонгир Мирзо ҳали мурғак юзидан тун бағрини тилиб учган юлдуздек нур таралиб, чехрасидаги сўлғинлик ўрнини оловранг шиддат эгаллади. Ота буни сезди ва «дуруст, шашти баланд, жангга отланишга шай. Аммо ҳали суяги қотганича йўқ. Бирга олиб кетиш хавфли. Ҳаво ҳам совуқ. Йўлда қийналиб қолади» деган ўй билан Ўлжай оқага тикилди ва:

– Амирзода Сиз энди катта йигит, баҳодир унвонига номзод аллсиз! Мухтарамалар ёнида тиргак бўлсалар, шояд хурсанд бўлардим, – деди кўнглини кўтариш учун.

Жаҳонгир Мирзода қайсарлик одати йўк эди. Лекин у ҳам яна отасининг фикрини билмок учун:

– Падари бузруквор, Сиз не десангиз розидурмен, – дея масалани ҳал этишни очик қолдирди.

– Амирзодам, – деди Темурбек унинг фикрини илғаб, – биз зиммангизга ғоят масъулиятли вазифа юкламоқдамиз. Ишонурмен, Сиз ишончимизни оқлайдиган баҳодурсиз! Ҳали Сиз бажарадиган катта юмушлар олдинда, – дея кўшимча қилди, «сабр килинг» деган оҳангда. – Биз тоғойингиз билан бажаришимиз керак бўлган юмушлар эса анча хатарли.

Зийрак Жаҳонгир Мирзо гап нима ҳақида бораётганлигини дарҳол англади:

– Сизга зафар ёр бўлсин, падари бузруквор!

– Балли, амирзода! Беғубор тилагингизнинг ижобати менинг ҳам орзумдур. Аллоҳим бизни сизга шод хушхабар ила рўбарў қилсин!

Ўлжай оқа Жаҳонгир Мирзонинг юзида бояги сўлғинлик ўрнига хотиржамлик ва олиҳимматлик нурлари жило қилганини кўриб, ҳар тугул амирзоданинг кўнгли синмаганлигидан шодланди, падари бузруквори ҳам айни гапни айтиб, ҳовуридан силлиққина тушириб, елкасига муҳим вазифа юклаб кўйгани яхши бўлди. Ўсмирнинг кўнглини синдириш уни бир умрга майиб қилиш деган гап. Ваҳоланки, Жаҳонгир Мирзо – тўнғич ўғил, ақлли бола, эртага ота ўрнини босадиган йигит.

Темурбек кўк тулпори – дулдул отга ирғиб минди.

Кечагина Соли Саройдан хушхабар билан қайтган Мамат ҳам суюкли ёри Фотима ва арзанда фарзанди Зафарбек билан хайрлашаётган эди.

– Болани эҳтиёт қил, Фотима, – такрор тайинлади у. – Ҳаво совук, шамоллаб қолмасин.

– Хавотир олманг, эрта-кеч бошида парвона бўлурмен, – Фотима кўзига куйилиб келаётган ёшни тийиш-

га ҳаракат қилди. – Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Биз Сизни соғиниб, орзиқиб кутурмуз.

– Худо насиб этса, яхши кунларда учрашамиз, Фотима. Амир Ҳусайнбек ҳам ёнимизда. Икки амир бир мушт экан, мушқулимиз енгил кўчади, ишонаверинг.

Амир Ҳусайнбек Маматни бу гал илиқ кутиб олган, Илёсхўжанинг бостириб келаётганини эшитиб унинг ортидан йўлга чиққан эди. Ҳадемай йўлда икки кўшин бирлашади. Мамат амирларнинг шод учрашишларини кўриш орзусида ёнарди. Қанча меҳнат қилди. Жонини аямай елиб-югуриб бориб келди.

Отлар кишнади, яроғларнинг шакир-шукур овозлари эшитилди.

Мамат қирчанғи тўқ қизил отга минди.

– Сизларни худойим паноҳида қолдирдим, кутинглар, Фотима, биз тезда қайтамиз.

– Зафар ёр бўлсин!

– Хўп, Фотима, яхши қолинглар! Зафарбек! – Мамат қўл силкиди.

15.

Бир-бирига зич боғланган аравалар атрофида ўрмалашиб юрган Чиноз қишлоғи болалари белларига узун қилич осган навкарларга гоҳ кўрқув, гоҳ ҳавас ила қарашади. Уч кун бурун қишлоқ яқинидаги кенг далага аллақачондан келган суворийлар қатор-қатор оқ ўтовлар қуришиб, атрофларини билан йўғонлигидаги арча ёғочлар билан тўсиб олишди, сўнг гир айлантериби зовур казиб, соябонли араваларни айлантериби, бир-бирига боғлашди. Бугун эрталабдан ноғоралар гумбурлади, карнай, сурнайлар чалинди. Болалар ўтовга ҳадик билан бокди, нигоҳларида «Яна нима бўларкин?» савол аломатлари кўринди. Уч-тўрт мўйсафид уларни уйига ҳайдади:

– Ота-оналарингиз хавотир олиб қидириб юргандир, борақолинглар, болаларим, бу ерда сизлар қиладиган иш йўқ.

Гулдор кулоҳ кийган дарвишсифат ўсмир:

– Бобо, ҳайдаманг, навкарларни томоша қилайлик, қаранг, уларнинг совутлари қанақа чиройли?! – деди уйга кетишни истамай.

– Сен дарвиш бобонгга тортмабсан, ўғлим, бобонгни жангу жадалга ҳуши йўқ.

– Бобомдан сўраганман.

– Бобонг?.. Бобонг рухсат бердими бу ерга келишингга?!

– Рухсат бердилар.

– Ур-йикит бошланса, сичқоннинг ини минг танга бўлади, болам, сизларга бу от ўйини эмас.

– Уруш бўлмаяпти-ку, бобо.

– Уруш сендан сўраб ўтирмайди, болам. Боринглар уйларингга!

Болалар истар-истамас тарқалишди.

Қундуз телпак кийган мўйсафид шериклари билан бир тўп навкар томонга қараб юрди. Бир ёнда қассоблар от, қўй сўйишмоқда, икки ёш йигит териларни саралаш билан овора, афтидан, чармдўзларга ўхшайди: ҳар бир терининг олди ва орқасини ағдариб кўришади, юнгларининг орасини очиб, кўзларига яқин тутиб текширишади, нималарнидир талашиб-тортишади.

Чолларни олимсифат хушрўйгина киши – Амир Сайфиддин қаршилади:

– Ассалому алайкум, отахонлар! Хуш кўрдик, келинглари!

Улар билан қўшқўллаб кўришаркан, ҳар нарсага мулоҳаза билан қарашга ўрганган амир синчков бокди. Не юмуш билан келишдидейкин?!

Араваларга ўрнатилган темир ҳалқали оғир эшикдан ўтиб, катта чодирга кирдилар: ичкари кенг, ёруғ; тўрда баланд жой қилиниб, қалин гулдор гилам солинган, юмшоқ тахта ўриндиқлар кетма-кет териб қўйилган; деворларга оқ, хаворанг матолар илинган. Бу нуфузли амирнинг хонаси эканлиги дабдабасидан ҳам маълум.

Чоллар бир муддат ҳайрат билан хонани кўздан кечирдилар. Ўтирдилар, омин қилдилар.

– Хуш кўрдик! – амир Сайфиддин ёқимли жилмаяркан, кўлини кўксига қўйди.

Қундуз телпакли чолнинг кумушранг қуюқ қошлари пир-пир учди:

– Биз чинозликлар номидан вакил бўп келдик, ўғлим! Мани Сулаймон оқсоқол, дерлар. Бул киши, – оқ қизғиш юз шеригига ишора қилди, – Нодир этикдўз, ул киши, – бароқ қош, ингичка мўйловли йигит кўлини кўксига қўйди, – Шо-мурод полвон!

– Бағоят хурсандмен, – деди Амир Сайфиддин.

Сулаймон оқсоқол давом этди:

– Уруш, жангу жадаллардан, юртимизнинг нотинчлигидан безидик, ўғлим. Чингизий мўр-малахларнинг жабридан пичок суягимизга ботди. Хабар бердиларки, Илёсхўжа бадкор ёпирилиб келаётган эмиш. Темурбек Соҳибқирон билан Амир Хусайнбек жанобларининг келаётганлигидан ҳам хабаримиз бор. Қачон бу юрт тинчийди, ўғлим?

– Аллоҳ насиб этса, яқин орада осойиш топамиз, отахон.

– Култегин айтмишким, бу халқ оға-инини бир-бирига қайрагани, хонига хоинлик қилгани учун халқига бек бўладиган ўғил боласи кул бўлди, сулув қизи чўри бўлди. Ўз отини ташлаб, табғачча отини қабул қилиб, табғач ҳоконига қарам бўлди. Хоразмшоҳ кўрқоқлик қилиб, бекларини бўлиб юбормаганда, биз чингизийларга кул бўлармидик?!

Амир Сайфиддин улкан тоғга рўбарў бўлгандай ўзини хийла ожиз сизди:

– Юрагимни сел қилдингиз, отахон.

– Бу юртда кимнинг юрагида дард йўқ, дейсиз, ўғлим. Ўзингизни таништирадингиз?

Амир Сайфиддин кизарди, узр сўраб, отини айтди.

Сулаймон оқсоқол унга синчков бокди:

– Сиз ҳақингизда эшитганмен, ўғлим.

Бу гап Амир Сайфиддинга хушбўй олмадай ширин туюлди. Хива ҳокими Тўкалнинг ғаддор ва кўрқоқлиги, сотқинлик қилиб, уларни қатл этмоқни кўзлагани-ю, Темурбек ва Амир Хусайннинг олтмиш кишилиқ қўшинига қарши минг отлик

юборгани, тенгсиз жангда Тўкалнинг бор-йўғи эллик одами, ўзларидан етти киши қолганини эслади. Бир хўрсиниқ келди бўғзига. Кураш осон бўлмаганди ўшанда. Ҳаёти қил устида қолиб ўлим билан юзлашганди. Темурбек ҳақидаги ривоятлар ҳақиқат эканлигига имон келтирди. Бу зот бир қуёш. Унинг иссиғига, нурига тобланиш мумкин. Лекин уни маҳв этаман, деган бебурдлар куйиб кул бўлади.

Сулаймон оксокол уни ўзига қаратди:

– Нукузликлар бир сўзли бўлади.

Амир Сайфиддин бояғи хижолатликдан халос бўлгандек, енгил тортди. Нукуз уруғидан эканимни билар экан.

– Сизнинг илми нужум ва фол очиш сирларидан дурустгина хабардор эканлигингизниям биламиз.

Амир Сайфиддин биров хижолат чекди. Бор сифатимни юзимга солишдан мақсадлари не?

Сулаймон оксокол Нодир этикдўзга қаради:

– Темурбек жаноблари қачон келадилар?

Амир Сайфиддин сирни ошкор этишни истамади: чол ва унинг шерикларига биров шубҳа, ҳадик билан назар ташларкан, Илёсхўжанинг айғоқчилари эмасмикин, дея хавотирланди. Илёсхўжа Темурбекнинг боши учун катта мукофот ваъда қилган. Вазият қалтис. Кўзи оч бандалар ҳар қандай ғаразликлардан қайтмайдилар.

Нодир этикдўз тилга кирди:

– Амир жаноблари, биз чинозликлар ҳам бир сўзлимиз.

– Шунини айтмайсизми, – унинг гапини илиб кетди, – бизни сизлардан умидимиз катта. Шул боис, агар рози бўлсангизлар, йигитларимиз навкарларингиз сафидан ўрин олиш истагидалар.

Шу пайтгача жим ўтирган Шомурод полвон:

– Мани уч юз йигитим жангга шай турибди, – деди биров қизикқонроқ оҳангда.

– Бул шижоатингиздан ғоят хурсандмен, – Амир Сайфиддин мамнунлигини изҳор этди. – Аммо бу масала амирлар келгандан сўнггина ҳал этилур.

Ёмғир кўз очиргани қўймайди, челақлаб қуймоқда. Бунақада қандай жангга киришади? Дала лойқа сувга тўлди, отлар ботиб қолмайдими?

Маматнинг юраги кисилиб, аъзойи баданига қўрқув кирди. Бугун жанг бўлиши аниқ. Чингизийлар қарши томонда саф тортган. Буйруқ кутиб туришибди.

Тонг ёришиб қолган. Узоқдан итларнинг ваҳимали акиллагани эшитилади, юраклар увишади.

Темурбекнинг чодирда кенгаш бўляпти.

– Сиз Тилончи орлот?

– Лаббай, бек жаноблари?

– Баранғор канбул¹ини эгаллайсиз!

– Бош устига.

– Сиз оқсоқол, – Темурбек Амир Ўлжайту Апердига қаради, – хировул²га тайин этилурсиз.

– Маъкул, ўғлим!

– Шер Баҳром, Пўлод буғо, Фарҳод Аперди Малин баҳодур! Сизлар ҳам амир жаноблари ёнида бўлурсизлар.

– Маъкул!

– Бош устига, бек жаноблари!

Темурбек мамнун ҳолда давом этди:

– Амир Сор Буғо?

– Лаббай, бек?

– Сиз жавонғор канбулига.

– Темурхўжа ўғлон?

– Сиз хировулга.

– Хўп бўлади, бек!

Ғулга кимни тайинлаш борасида Темурбек иккилангани учун Амир Хусайнга мурожаат қилди:

– Ғул³га кимни тайин этурмиз, Хусайнбек?

¹ Канбул – кўрикчи аскарый бўлинма.

² Хировул – қўшиннинг илғор қисми ортидан боровчи бўлинма.

³ Ғул – мунтазам қўшин маркази.

– Ғулгами? – Ҳусайнбек юрт амирларига зимдан нигоҳ ташларкан, Амир Жоку барлосга қарата деди: – Амир, Сизнинг навкарларингиз ғулнинг об-ҳавосини яхши олишган. Бу гал ғулда турсангиз! Не дейсиз?

– Сизлар шуни раво кўрган экансизлар, бизда эътирозга ўрин йўқ.

Амир Ҳусайн сўзининг икки бўлмаганидан мамнун бўлиб, давом этди:

– Амир Сайфиддин, Амир Мурод барлос, Аббос баҳодурлар Сизга кўмак берурлар. Биз боронғор¹ да турурмиз.

«Хайрият, ёрилди». Темурбек енгил нафас олди. Ҳаммадан оғири шу эди. Ўзи кўнди, худога шукур!

Чошгоҳга яқин ёмғирнинг шашти қайтди. Ноғоралар така-тум-туми кулокларни қоматга келтирди. Ҳар икки томон гуриллаган оловдек ёнмоқда. Юракларга ўт кетди, энди ҳеч кимни орқага қайтариб бўлмайди.

Мамат отига қамчи урди. Жонивор бўзлаб кишнади. Оёқ ости лой, кўлмак. Ҳар томондан лой сачрайди, кўлмак суви юз-кўзга отилади. Сирпанчик адирдан елиб тушаётган отлар бирин-кетин қулади, далани бакир-чақириклар, қиличларнинг шарақ-шурук овози босиб кетди.

Темурбек икки томондан босиб келган уч чингизий навкарни бир ҳамлада қулатди.

Мамат пучук бурун мўғулнинг ҳамласига чап берди: отнинг ўнг томонига ётиб олмаганда, олмосдек нафис қилич бошини сапчадек узарди. У отининг юганини зарб билан тортди.

Мўғул қилич солишга улгурмади, Мамат унинг отини қилич солиб оёқдан йикитди. Пучук от устидан камон ўқидек отилиб, балчикка юзтубан тушди.

Жарчининг овози Маматни сергаклантирди:

– Ёв қочди! Ёв қочди!

Мамат тепаликнинг ёнидан орқа-олдига қарамай қочаётган чингизийларни кўриб дадилланди. Кунинг битди ҳаммангни, куён юраклар!

¹ Баронғор – қўшиннинг ўнг қаноти.

Тепаликдан чор атроф кафтдек кўринади. Мамат кўшиннинг барангор қисми ўрнидан кўзгалмаганини кўриб аччиғи чиқди. Амир Ҳусайнбек нега журъатсизлик қиляпти? Навкарлари бошларига кигиз ёпиб, бамайлихотир туришибди. И-и, бу қанақаси?

Шивалаб турган ёмғир бирдан селга айланди. Ол-а, бу ёғи расво бўлади энди!

Пастда, кўлмак сув атрофида Темурбек чингизийларни тутдай тўкмоқда. Мамат отининг бошини пастга қараб бурди.

Узокдан Илёсхўжа жарчисининг хириллоқ овози эшитилди.

– Барангор чекинсун!!!

Темурбек Тобон баҳодирга кўзи тушиб, юзидаги лойни артаркан:

– Амир Ҳусайнга етказинг, тезда ҳужумини бошласин! – деди хансираб.

Тобон баҳодир адир устидан ўтиб, Амир Ҳусайн турган тепаликка яқинлашди. Отдан тушиб, унинг олдида тиз чўкди.

– Амир жаноблари, ҳужумни бошлар экансиз!

Амир Ҳусайнбек аччиғи чиқиб, ер тепиниб сўкинарган, уни тепиб юборди.

Мамат адир устидан от чоптириб тушаётганда, икки мўғул олдини тўсди.

– Ака, эҳтиёт бўлинг! – бақирди куюқ қора қошли, келбатли чинозлик йигит ва япалоқ башара мўғулга ташланиб, қилич солди.

Мамат норғул мўғулни ўнг елкасига қилич урган эди, «Оҳ» дея отдан йиқилиб тушди, Амир Ҳусайн олдидан тепки еб, жазавасти тутиб қайтган Тобон баҳодир жон аччиғида икки мўғулни чошиб ташлади.

Ёмғир қаттиқ шамол аралаш гоҳ ўнгдан, гоҳ чапдан сава-лаб, кўз очиргани қўймас, отлар тиззагача лойга ботиб қолар, кўлмак суви юзи кип-қизил қонга тўлган эди.

Темурбек Амир Ҳусайн томонга тез-тез кўз ташларкан:

– Айтдингизму? – деб сўради.

– Айтдим, айтдим, ака, айтдим! – жавоб қилди Тобон баходир.

Девсифат мўғул чинозлик йигитлардан бирининг белига қилич солди. Бечора йигит жон ҳолатда қичқирди, қон отилиб ерга окди. Мўғул унинг бўйнини шарт узиб туширди.

Мамат отини жадаллатди.

– Чу, жонивор, чу жонивор!

Темурбек унинг олдидан кесиб чикиб, девсифат мўғул билан савалаша кетди. Ёндан келган кўса мўғул қилич солди, Мамат ҳамлага чап бера туриб, мўғулнинг юраги томонга зарба урди. Карт этган овоз эшитилди, қилич қип-қизил қонга бўялди.

Темурбек девсифат мўғулни икки-уч ҳамлада отдан ағдарди.

– Ҳамид баходур! – овоз берди сўнг. – Амир Ҳусайнни ўзингиз бошлаб келинг! Тез!

* * *

Бугун ҳам Темурбекнинг қовоғи очилмади. Бечора Ўлжай оқа ўзидан кўра, ҳазрат Соҳибкиронни деб оҳ урди. Бугун ҳам кун бўйи амирнинг ғамгин юзига қарай-қарай ранги сарғайди. Номард оғаси дўст бошига кулфат тушганда, ўз жонини ўйлаб жанг майдонини ташлаб кетди. Бу юзсизликка қандай чидайдди? Қай кўз билан тани маҳрамининг юзига бокади? Устига-устак, оғасининг уялмай-нетмай: «Темурбек, мен Соли Саройга кетмоқ ниятидадурмен! Аммо ўзингиз билурсиз, хазина бўшаб қолган. «Лой жанги»да анча талафот кўрдик, тўйларингизга уч минг динор сарф этган эрдик», – дея таъмагирлик қилгани дард устига тепки эмасми?!

Темурбекнинг ўзи ҳам маблағга муҳтож эди, лекин амир ёрдам сўраётган экан, айтганини бажо айлаши шарт, уни Соли Саройга қурук жўнатиш уят. Жанг майдонини ташлаб кетганини юзига солишнинг ҳам хожати йўқ.

– Сизни бул ерга мен чақиртирган эдим, бек, – деди у кўнглида жўш ураётган шайтоний васваса оловини олижаноб-

лик сувлари билан пасайтира туриб, – шундай экан, хотиржам бўлинг, Сиз айтган маблағни муҳайё этурмен!

Бу гап-сўзларни эшитиб турган Ўлжай оқа изтироб ўтида титраб-қақшади. «Оғаси уялмайдами? Уят эмасми бу? Жангда бир каромат кўрсатганларида ҳам бошқа эди». У қизарди, бўзарди. «Бу уят! Бу уят!» Кечгача минг марта такрорланди бу гап. Боши кизиди, танаси лов-лов ёнди. Шу ёшга кириб, бундай уятга қолмаган эди, бундай шармандаликни кўрмаган эди. Э Худо, бу азоб-уқубатларга қандок чидайди? Қандок? Бардоши етармикин?

Темурбек алламаҳалда қайтди. Кайфияти яхши эди. Ўлжай оқа буни дарҳол сездди. Уни зўраки бўлса-да жилмайиб қаршиларкан:

– Яхши келдингизми, бегим? – деди хавотирли оҳангда.

Кийимларини ечиб, юз-қўлини ювиб олгач, Темурбек ором олаётган кизчаси Султон Бахт бегимнинг олоқ, дўмбоққина юзига меҳр билан бокди-да, сўнг:

– Ёғий юртига қайтибди, бекачим, хавотирсиз яшайверинг, – деди унга таскин бермоқ учун.

Ўлжай оқа:

– Нахотки, бегим?! – деди биров хаяжонга тушиб.

– Бегуноҳ ўн минг одамимизни қиличдан ўтказганлари учун Аллоҳим уларни ўлатга гирифтор этмиш.

– Демак, Самарқандга талафот етмаган?

– Шундай, маликам! Самарқанд аҳли мавлонзода Самарқандий, мавлоно Хурдак Бухорий ва Абубакр Калавий наддофлар бошчилигинда уларга қарши турганлар. Бизнинг амирлар сотқинлик қилганларида, улар юрт учун, эл учун жонларини тикибдурлар.

Ўлжай оқа кўп воқеалардан хабардор, хусусан, Жовурчининг хурмача қилиғи-ю, Темурбекнинг етти қўшинни тартибга келтириб, Темурхўжа ўғлон, Аббос баҳодир ва Жовурчи бошчилигида манғлой сифатида Самарқандга жўнатгани хақида ҳам эшитган. Жовурчи кўп ичган ва кайф устида Довудхўжа билан Ҳиндшоҳни кўрқитиб, «Соҳибкирон сизларни тутиб Амир Ҳусайн ихтиёрига юбормоқчи», – деган

эмиш. Инсон-да, хом сут эмган банда, уларнинг юраклари ёрилаёзган. Тигиз пайтларда ақл-идрокка суяниб иш кўриш лозим. Аммо улар хис-хаяжон домига тушиб қолиб, душман томон юзланганлар. Йўлда жата лашкарлари уларни батамом тор-мор этган.

– Бегим, Аллох Сизни яна синаб кўрмоқда, – деди у Соҳибқиронга далда бериб. – Ёғий кўшинига ўз-ўзидан ўлат теккани йўқ. Яратган эгамнинг даргоҳи кенг. Бу даргоҳ саодатманд кишиларни қўллайди. Ёғийнинг қайтиши – Сизнинг галабангиз. Оғамга келсак, кўп кайғуга ботманг. Сизнинг шодлигингиз – менинг бахтим, аржуманд фарзандларингиз кувончи, – Ўлжай оқа тоқчада турган жавоҳир тўла қора чарм сандиқчасини олиб, Соҳибқироннинг олдига қўйди. – Жон омон бўлса, мол топилади. Мен розидурмен, кўшинг буларни хам.

– Бекачим, ожиз бандангизни уялтирманг! – деди ори келиб.

– Сиз бир кун келиб юртга эга бўласиз. Ана ўшанда қайтарарсиз!

Куёш тик келди. Далалардан оппоқ ҳовур кўтарилади. Ям-яшил дарахтлар, кўм-кўк майсалар юзини ювган келинчакдек бокира товланиб, кўзни қамаштиради. Зиёфат охирлаб қолган, дастурхонда бўрсилдок нон қолдиқлари, қўй оёғи, кўкрак суяклари қалашиб ётибди. Нафис сопол кўзачаларда, чинни косаларда жигар тусли шароб жимирлайди. Ғўнғир-ғўнғир гурунғ авжида.

Темурбек Амир Ҳусайнни деворларига зар сўзаналар, ипак матолар, оқ ҳарир пардалар осилган хонага бошлаб кирди.

– Бек?! – деди у тўрда турган катта темир сандиқни очиб, – айтганларингизни бажо айладик, бизники-сизники, сизники-бизники!

Амир Ҳусайн сандиқдаги дуру жавоҳирлардан бир ҳовуч олиб, кўзига яқин тутди. Сернақшли, жимжимадор, қалин билагузук, қимматбаҳо олтин исирға унга таниш туюлди. «Буларни Ўлжай оқага тақдим этган эди. Қайтарибди-да!»

Темурбек тик қотди. «Ўлжай оқанинг, жон синглисининг қимматбаҳо дуру жавоҳирларини, тақинчокларини таниди, шекилли. Қайтарса бўларди?»

Амир Ҳусайн кўлидаги қизғиш гулдор хошияли оқ рўмолча билан пешонасидаги терни артаркан:

– Беҳад миннатдормен, бек! – деди ва сандиқни ёпди.

Темурбекнинг кўнгли тирналди. «Олди! Уялмади!»

– Уч минг диноҳ етмай қолди, бек. Аларнинг ўрнига энг учқур отларимни берурмен, – деди ундан нафратланиб.

– Йўқ-йўқ, бек жаноблари, отларингизни олмаймен, – кескин ҳолда бошини сарак-сарак қилди Амир Ҳусайнбек. – Аммо Хоразмга, Ҳусайн Сўфи қошига қизининг кўлини сўраб, арзигулик миқдорда тўёна юбормоқни кўзлаб турибмен. Ўйлайменки, қолганини Соли саройига ортимдан жўнатурсиз.

Темурбек дилида тўпланиб қолган ҳақ гапларни айтишга имкон келганини англаб самимий оҳангда деди.

– Маблагни топамен, хизматингиздан ҳам бош тортмаймен. Кимда-ким ўз амиридан айрилса, душманлар пайт пойлаб, унга ташланадилар ва номини бадном этадилар. Мен бунга тоқат қилолмайман. Мабодо, менинг хизматимни ис-тамасангиз, жавобимни беринг, ҳали ҳам кеч эмас, барча гуноҳлардан пок бўлиш учун муборақ Каъбага юз тутай ва қолган умримни тоат-ибодатда ўтказай.

– Бу гапларни қўйинг, Темурбек!

– Йўқ, Амир Ҳусайнбек! Мен фирромлик ва худбин-ликларга чидай олмаймен. Яхшиси, бу саҳнадан кетганим маъкул! Жуда чарчадим.

– Бу фикрингизга сира қўшилмаймен, Темурбек. Сиз олиҳиммат бек ўғлисиз. Падари бузрукворингизга муносиб ўғил бўлишингиз лозимдур.

– Тақводор бўлсам, орий падари бузрукворим сира хафа бўлмайдурлар.

– Йўқ, йўқ Темурбек, Сиз бошқа дунёсиз, бошқа оламсиз. Сизга Кешни инъом этурмен. Кеш Сизга мунтазир.

Темурбек «кераги йўк» дейиш учун оғиз жуфтлаган эди, Амир Хусайн:

– Йўк, десангиз, гуноҳга ботасиз, – дея уни шаштидан туширди.

Темурбек ноилж рози бўларкан, кейинги ҳаёти нима бўлишини билмаса-да, таваккал қилишдан бошқа иложи йўк эди. Гоҳо таваккалчилик ҳам кишига зафар келтиради. Аммо нечун у бунчалик омадсиз? Кейинги мағлубиятни эсласа, товонигача зирқирайди. «Лой жанги»да Илёсхўжадан енгиламиз, деб сира ҳаёлига келтирмаган эди. Нимага эришди? Обрўси тушиб кетди. Неча минг бегуноҳнинг умрига завола бўлди. Ўшандан буён ўликлар тушига кириб чиқади. Кундан-кунга руҳи сўлиб борапти. Эртаси Амир Хусайнни Соли Саройга жўнатаркан, ковоғи очилмади, ўзини ҳаммадан четга олиб қочишга, одамлардан узоқроқ овлоқроқ жойга ошиқди. Орадан бир неча кун ўтгач, кўнглини ёзиш учун овга жўнади. Дала-дашт, тоза ҳаво, овнинг ўзига хос ширин лаҳзалари уни ғам-ғуссадан четга тортди. Кўнгли ёзилиб, тезда қароргоҳига қайтди. Ўлжай Туркон оқа уни очик юз билан қаршилади.

– Яхши кунлар олдинда, деган эдим-ку, бегим, – деди у кўзлари ёниб. – Ранг-рўйингиз анча аслига қайтибди.

Темурбек жилмайиб Султон Бахт бегимни бағрига босди. Ўлжай оқа унинг кайфияти жойида эканлигини кўриб, чуқмоли воқеасини эслатди. Темурбек «ҳ-ҳа» дея хомуза тортди, лекин бир нима демади, фақат эртаси дастурхон бошида овкатдан сўнг: «Инсон гоҳо тушқунликнинг туб-тубига чўқар экан, мен ҳам буни бошимдан ўтказдим, билъакс, «Лой жанги»дан сўнг ўзимни бир чақага арзимас кишидек нотавон билдим ва ҳатто беклигим ҳам ҳеч нимага арзимади, деган ўйда тамом ғурбатга ботдим», деди.

Ўлжай оқа гапни илиб кетди:

– Инсон ҳаётида шундай оғир дамлар ҳам бўлади, бегим! Аммо мен ожизангиз Сизнинг доимо зафар илкида туришингизни истармен.

Темурбекка бу гап ёқди. «Садокатли аёлгина шундай эҳтирос билан сўзлайди. Унинг менга бўлган меҳри бекиёс.

Шундай меҳрибон ва мунис йўлдошим борлигидан фахрлансам арзийдур». Ўлжай Туркон оқа эрта баҳорги оппоқ гулдай мафтункор ҳолатда эди. Шунча йиллардан буён ёнида юрибди, не-не азобларни кўрмади, Сарой кизи бўлса-да, эрка ўсмаган экан, бошқа аёл бўлганда, аллақачон ўз роҳатини ўйлаб, ундан воз кечган бўларди. Битта аёл садокати шунчалик бўлади-да! Бугун – менинг шодлигимни ўзининг байрами сифатида қабул айлаб, гул-гул яшнаб турибди. У ҳам маккор оғасининг найрангларида кўп озор чекди. Оғойим тинчисин, икки ўртадаги муносабат яхшилансин, деб ҳатто дуру жавохирларидан ҳам воз кечди. Қайси аёлдан шунчалик сахийлик чиқиши мумкин? Фақат ана муҳтарама, мушфик аёлдан, унинг меҳрибонидан! Шундай бебаҳо ёрни азоб ўтига ташлаш, қийнаш инсофданми? Мени деб қийналмоқда у? Мен уни қийнамоқдамен! Бунга чек қўймоқ фурсати етмадимикин? Балки... балки, ҳақиқатан муборак Каъбага юз тутмоқ лозимдир.

– Бегим? – деди Ўлжай Туркон оқа унинг фикрини бўлиб. – Худо хоҳласа, энди роҳатбахш кунлар бошлангай. Яшил шаҳар Кешда, насиб этса, тўю томошалар килурмиз. Болалар ҳам бирин-кетин катта бўлишмоқда.

Темурбек ўйга ботди. Ҳар қаллада ҳар ҳаёл. Мен... мен нималардир деб ҳаёл сурмоқдамен?! Каъбага кетиш... юртининг эртаси... Ўлжай оқанинг кўнглига қарши... бош қотади бундай пайтларда. Аммо аёлини хафа қилиш қўлидан келмайди. Уларнинг ҳам эртасини ўйлаш лозим.

Ўлжай оқа ундан жавоб кутмоқда эди.

– Тўғри айтурсиз, маликам! – деди у ниҳоят бироз кўтаринки оҳангда. – Бизлар ҳам тўйлар кўрайлик. Етар энди шунча ғурбат кўрганимиз. Менга қўшилиб, Сиз ҳам анча озор чекдингиз. Сизни беҳад қийнаб юбордим.

– Асло, бегим! Асло қийнаганингиз йўқ. Сизнинг ғамингиз ҳам, шодлигингиз ҳам ўзимники. Умримни Сизга бахшида этганимдан мамнунмен!

Ҳароратли дил сўзлари Темурбекнинг шу кунларда бир оғиз ширин сўзга муҳтож ташна кўнглини эритиб юборди.

– Сиздек аёл минг йилда бир келадур. Айтингиз, кай хизматим билан кўнглингизни шод этмоғим мумкин?

– Сиз соғ бўлсангиз, бошимда омон бўлсангиз бас, амирим. Бундан ортик бойлик керак эмасдур менга.

– Бу сўзларингиз менга канот бағишлайдур, бекачим.

– Бундан сўнг Сизга фақат зафар ёр бўлгай, бегим, илло ўша зафарли кунларни кўриш иккимизга насиб бўлишини орзу этадурмен.

– Иншооллох! – Темурбек чайир кўлларини юзига тортди. – Иншо-о-оллох! – Бу сафар сўз тилидан эмас, калбидан майин сирғалиб чиқди.

Яшил шаҳар Кеш ҳар тонгни файзли қаршилайди: эрта-лабдан катта-кичик бозорлар вағир-вуғурга тўлади, бўрсилдоқ иссиқ нонлар, кулчалар, патирлар, минг бир тусдаги ранг-баранг қандолатлар пештахталарни тўлдирган; катта-катта қозонларда серсабзи ошлардан майин оқиш буг кўтарилиб, хушбўй зира хиди димокка урилади. Талабалар бир-бирлари билан сўзлашганча мадрасага пиошиладилар. Оқсоқоллар олдидан ўтаётганларида йўлдан четлашиб, кўлларини кўксига кўйиб салом берадилар. Ҳозиргина манти ё бир табоқ ош еб, корнини тўйгазган деҳқон йўл четидан тўлиб оқаётган ариқ лабига ўтиради-да, кўлидаги чинни пиёлани муздек сувга ботиради. Ёнидан ўтаётган шаҳарликлар ундан кулган бўладилар. Деҳқон уларга парво ҳам қилмайди, кизғиш белбоғи билан сув теккан қоп-қора мўйловини артаркан: «Худога шукур! Яратганга шукур!» – дейди содда, тўпори оҳангда. Сўнг қўшқаватли иморатларга, тош йўлларга, дов-дарахтларга боқиб:

– Лекин Темурбек шаҳарни анча файзли кипти. Отасига раҳмат! – деганча бозор томонга йўл олади.

Ўлжай Туркон оқа ташкарида бўлаётган гап-сўзларни эшитиб, кўнглини ғашлик тумани қоплади.

Темурбекнинг ташвишли овози эшитилди:

– Нима қилишибди?

– Хиёнат, бек ака! – Бу Маматнинг овози эди. У ҳансираб гапирди. – Хиёнат! – такрорлади серташвиш оҳангда. – Шу

халиги... халиги... Амир Мусо, Ўрду хотин, Али Дарвиш ва Фарход... бетавфиклар, соткинлар, ўзларича маккорона режа тузишиб, Сизга қарши тиш кайрашибди. Гап шуки, улар Амир Ҳусайнга сохта мактуб битишиб, гўёки Сиз унга қарши душманлик-йўлига киргансиз-у, бу тўғрида улар хайрихоҳликлари туфайли буни маълум қилишган... воҳ, муттаҳамлар-е! «Кўр-кўрни қоронғида топар экан-да!»

Анча кун дам олгани, рухий азоблардан қутулиб, бироз ўзига келгани боисми, бу шум хабар Темурбекни унчалик ташвишлантормади. Иккинчи томони, Амир Ҳусайн бу миш-мишга ишонмайди, деган фикр кўнглига хотиржамлик уруғини сочди. «Барибир ишонмайди», – ишонч билан такрорлади у ва ўзи топиб келган миш-мишдан ғазабланиб турган Маматга боқар экан, унинг чағониён шевасида гапирмагани унга қандайдир эриш туюлди.

Лекин «Равон сўзлашни ўрганмоғи лозимдур, билъакс, пешонасида бўлса, бир кун келиб, подшолик одами бўлур», дея бу масалада ҳам ўзини хотиржам тутди.

Самарқанд кўчаларида баҳор кезади: тош йўл четларидаги ариқларнинг сувлари гоҳ кулранг, гоҳ лойкаланиб оқади, куёшнинг заррин нурларида ям-яшил майсалар ажиб товланиб кўнгилни юмшатади, жажжи ним кўк барг ёзган ялчизларнинг хидлари димоқларни қитиклайди. Кенг осмон тушгача лўппи қизчанинг тиниқ кўзидай шаффоф, бегубор тусда, пешиндан сўнг ялмоғизнинг олачалпоқ юзига ўхшаб, кўнгилларни хира қилади: кимнидир нуқул уйқу босади, кимнингдир боши оғрийди, бошқа бировнинг юраги сиқилади.

Эрталабдан Амир Мусонинг гоҳ боши оғриб, гоҳ юраги қисилади, гўёки кунни эмас, кўнглини қора булут босаётганга ўхшайди, тузган режаларининг Ўрду хотин айтганидек, ўнгидан келишига унчалик ишонмайди, ичида биров: «Бу ёмонликдан қайт», дея юрагига тиг санчмоқда, ўз-ўзидан оёғига дард кириб, аъзойи баданига қаттиқ азоб беряпти. «Э худойим-ей, ўзинг яхши йўлга бошла!» дея нола қилади гоҳо.

– Амир Ҳусайннинг жаҳли тез, ўз куёвига қарши қўшин тортиши аниқ, – деди Али Дарвиш.

Ўрду хотин кескин оҳангда унинг гапини бўлиб деди:

— Бу нақ гап! Аммо биз уларни боғлаб турган занжирни шарт узишимиз керак. Ҳамма гап ана у илонни ёғини ялаган Ўлжай-да! Беҳудага уни Ўлжа ой демайдилар. Биз айёр тулкининг бошини янчмас эканмиз, мақсадга эришолмаймиз.

— Бунинг йўли кўп! — деди Али Дарвиш кўпчилик олдида изза бўлиб қолмаслик учун. — Масалан, барча ғаддорликларни Амир Ҳусайннинг қўли билан амалга оширмоқ лозимдур. Шундай килайликки, гўё у ўз қўли билан синглисини маҳв этсин. Ўлжай оқа ўртадан кўтарилгач, ростдан ҳам занжирлар узилади ва икки кўчқор бир-бирига қараб тиш қайрайди.

Шерикларининг катъий, ладил фикрларини тинглаб турган Амир Мусо ўзининг бебурд ўйларидан уялди. «Бошимга бахт қуши кўнай деб турганда, руҳимни чўктирганим нима-си?»

— Бу бошқа гап! — бўйнини ғоз кўтариб деди у. — Энди вазиятни кўздан қочирмайлик. Шу туришда катъий ҳаракат қилсак, албатта, мақсадга эришурмиз.

Майин шамол эсди, ичкарида хушбўй гулнинг ҳиди таралди. Ўрду хотин ҳавони искади.

— Бу яхшиликдан нишона! — деди у тиржайиб.

Акасининг ўжарлиги туфайли қандай ноқулай ҳолатда қолган Ўлжай Туркон оқани тушунса бўларди, бу томонда — сўзида собит эр, у томонда — нағмалар кўрсатаётган Амир Ҳусайнбек, икки ўртада гуруллаб ёнаётган олов атрофида парвона бўлиб, ҳар икки томонни ҳам ёниб кетмаслиги учун жон куйдираётган ожиза: қахратон киш совуғига ҳам, саратоннинг жазирамааларига ҳам сабр-бардош қилиши, чидаши мумкин, аммо қайноға-куёв орасининг бузилишига сира-сира тоқат қилолмайди:

— Оғайимнинг ҳузурига ўзим борурмен!

Бу унинг катъий сўзи эди. Бу сўз токка отилган ўкдек садо берди. Темурбекдан йўлга чиқишга розилик сўраётганини англади, эр рухсат берса, боради, бўлмаса йўк. Йўк, дея олмасди, лекин дабдурустдан бир нима дея олмай, бир лаҳза жим қолди.

Ўлжай оқа уятдан, хижолатга қолганидан изтироб ўтида ёнар, титрар, калтирар эди.

– У киши сал кизиққонроқ, атрофларидаги иғвогарларнинг сўзларига кириб, ўртадаги иноқликка путур етказишлари мумкин, – деди у титроқ овозда.

Ожизасига қийин. Шунча сарсон-саргардон юриб, чўлу биебон, тоғу тош ошиб, гоҳ тўқ, гоҳ оч қолиб, тутқунликда яшаб, ғик этмаган Ўлжай оқанинг қалби бугун зор-зор қақшаётган эди.

– Мен яхшилик тарафдориман, маликам, – деди Темурбек «айб менда эмас» дегандек. – Мен оғайингизга ўла-ўлгунимча хизмат қилишга тайёрман! – Унинг ҳам овози титради ва чи-долмай бўғзидаги сўзни озод қўйиб юборди. – Майли, боринг! Акангизнинг хузурига ошикинг, розиман. Факат ўзингизни эҳтиёт қилинг, Сиз менга ҳали кўп кераксиз. Сиз мен учун кўнглимга муносиб умр йўлдошсиз. Яғонасиз, унутманг!

Дунё сукут ичра колди, шаршаралар ҳам бир лаҳза тин олди, ариқ сувларининг шилдирашлари ҳам эшитилмади, на бургут канотларининг патирлаши ва на булбулнинг овози ва на какликларнинг сайраши ҳам тўхтаган эди.

Темурбек уни ёлғиз юборишни хоҳламаётган эди, хатто қалби ҳам «қўйиб юборма!» деб типирчилади, лекин бир ожизанинг ҳаёт-мамот жанги бу, уни қандай йўлдан қайтара олади?! Бунга кучи ҳам, руҳи ҳам етмайди. У тор қоя ўртасида қисилиб қолган йўловчидек, нафаси қайтиб, барваста елкалари хорғин кўтарилиб тушди.

– Майли, боринг, – такрорлади у ўртаниб, – Мен эрсам, Самарқанд боргаймен. Амир Мусо ва унинг гумашталари билан юзма-юз бўлиб, орани очик қилгаймен, – У яна хорғин нафас олди. «Ўлжай оқа бунга нима дейди? Бирор фикр билдирадими ёки сукут сақлайдими?!»

– Эҳтиёт бўлинг, бегим!

Темурбек ўз жуфти ҳалолининг юрак тубидан чиққан тилагидан кўнгли жойига тушган бўлса-да, ўртаниш азоби уни тарк этмади. «У мен учун ўзини ўтга урмоқда. Эҳ, Камолой, жонингизни шунчалик жабборга беришингиз шартми?! Ка-

молой ўсмир киз эдингиз, бугун Ўлжай оқа деган улуг ном-га сазовор аёлсиз! Мен сизга бунақа қалб азобларини раво кўрмаймен. Сиз каби менинг қалбим ҳам озор чекмоқдадур».

Хиёнатдан ғазабланиб, титраган юраги беихтиёр яна ўртанди. «Мамат шум хабарни етказган пайтда бамайлихотир эди, энди эса мурдорларнинг тухмати етмиш икки томирини куйдириб, алам азобида ўртамоқда. Одам ҳам доимо бир хил турмас экан-да!»

Қуёш чараклаб, уй ичи зарҳалдек ёришди.

– Маматбек! – чақирди Темурбек бироз юмшоқ оҳангда.

Содик навкар шу захоти кўриниш берди. Унга бошдан-оёқ разм соларкан, Темурбек Ўлжай Туркон оқа томонга имо килиб деди:

– Ўзингизга маъкул юз нафар навкарни йўлга ҳозир этинг, Маҳду олиялари билан Балхга бориб келгайсизлар.

16.

Аввалгидек файзи қолмаган Балх шаҳри қандайдир ғарибона ҳолатда эди, хавоси ҳам совуқ, одамларнинг кўзларида ғам-ташвиш ўз муҳрини босган эди. Узоқ йўл босиб, дашту биёбон, чўлу саҳролардан ўтиб келган, ҳар жойнинг хавосини олган, бир кунда ҳам иссиқ, ҳам совуқни кўрган Ўлжай оқа ўзидан эмас, кизидан, Султон Бахт бегимдан хавотирланиб, унга совуқ ҳаво ёмон таъсир этмасмикин, дея бирров ваҳимага ҳам борди. Она-да! Оналар жонини эмас, аввало фарзандларининг соғлиғини ўйлашади. У ҳам фарзанд кўриб, она бўлиб, бунинг моҳиятига тушунди. Кечаси қизчасини энагаларга ҳам ишонмай ўзи иссиқ бағрида олиб ётди.

Хумо куши Она бургут ва бургутлар галаси билан шаҳар узра айланиб юрар, сезгир Мамат йўлга чиққанданок уларнинг йўлдош бўлганини сезган ва кела-келгунча саъй-ҳаракатларини кузатиб, «бу сафар ҳам илоҳий ҳамроҳларимиз бор» дея хотиржам тортган эди. Фақат у ўтган гал ўзини фақат бургутлар кузатганини ўйларкан, бу гал Хумо кушининг ўзи улар билан бирга келганига унчалик тушунолмаётган эди.

Ўлжай оқа билан шу тўғрида сўзлашмоқчи бўлиб, бир-икки бор уриниб кўрди, аммо ҳар гал унинг ўз боласи – қизи билан андармон бўлаётганини кўриб, «шу гап билан бошини котиришим шартми?» дея шаштидан қайтган эди.

Нонуштадан сўнг Амир Ҳусайн у билан якка қолди.

– Келганинг яхши бўлди, синглим! – деди уни сиртдан қутлаган бўлиб. – Мовароуннаҳр тахти учун оғир кураш келтиётган шу лаҳзаларда менга ҳам ниҳоятда оғир. Ғанимлар ҳар томондан ҳужум қилишни кўзлайдурлар! – У айёрона кўзларини ерга тикди, лаблари билинар-билинемас титради. – Темурбек яхши беккуя, синглим, лекин... – у ялт этиб қаради-ю, нигоҳидаги сохталиқни самимийликка алмаштиришга ўлгурмаёқ тили айланиб кетди: – Шу халиги, ўзинг ҳам биласан, манимча, куёвимизнинг ҳам нияти бузук кўринадур!

– Нечун бундай ўйлайсиз, соябоним?! – деди Ўлжай оқа «бу тухмат-ку» деган қалб оғриғидан инграб.

Амир Ҳусайннинг гаши келиб, «мияси айниганму бунинг, эрни деб келган экан-да», дея ўйлади-ю, юрагида хусумат ўти аланга олди. Тишлари ғижирлагани аниқ эшитилди, қалбидаги одам: «Йўқ, йўқ, қизишмаслик керак!» дея унинг нафратини ичкари тортди.

– Суюкли синглим, мен сенга бир сирни айтамен, – деди у «бу ношукурнинг қанотини усталик билан синдириш керак» деган ўйда. – Жон синглим! – такрорлади у бир оз ширин тилда, ўзини яхши кўрсатиш учун. – Атрофимдагилар буни билмасликлари керак: куёвимиз ғаддорлик йўлига ўтиб, Баҳром Жалойир, Амир Жоку ва Аббос баҳодирлар билан тил бириктириб, бизга қарши тиш қайрайдур. Ясовурийлар ҳам тўнларини тесқари қийиб турибдурлар. Амир Сулаймон биз томон йўлга чиққан, эрта-индин етиб келур.

Ўлжай оқанинг нафис қора қошлари қуш қанотларидек титради:

– Бу гаплар фитнага қўл берган фосиқ кимсаларнинг уйдирмаларидур, оғайим, буларга сира-сира ишонманг!

Амир Ҳусайннинг қаҳри келди, синглиси эмас, бошқа аёл бўлганда, ҳозир бир уриб қулатган бўларди.

– Биламен, сени ишонтириш қийин, аммо бу бор ҳақиқатдур, жон синглим! – деди у ҳамон кўнглидаги қаҳрни тиш қавагида қаттиқ тутиб. – Ёв ичимиздан чиқди! Қўйнимизда илон асраган эканмиз. Энди илоннинг бошини янчмоқ гали келганга ўхшайдур. Менга ёрдам бер, уни даф этайлик, сен эса доимо қанотим остида бўлурсен!

Ўлжай оқанинг оқиш юзи куйган қоғоздек бужмайди.

– Оға?

Амир Хусайн «темирни иссиғида босиш» пайида эди.

– Жон синглим, тирноқча нарсa бирла олчок ёвдан кутулурмиз. Ул бадкорга бир чойнак кифоя!

Ўлжай оқа нима ҳақида гап бораётганини англаб, ўзини орқага олди. «Ўз кўли билан... ўз кўли билан вафодор ёстикдошига захар бериши керакму? Оғаси шунчалик қабихликка судрамоқдаму уни?! Оғаси-я!»

– Мени хароб этманг, оға! Мени хароб этманг!

Амир Хусайн синглисининг келганини қанчалик қувонч билан кутиб олиб, мени деб келди шекилли, ғанимни даф этишимга ёрдам беради, афтидан, Темурбек билан гап талашиб қолган кўринади, қандай яхши», дея терисига сиғмай суюнган бўлса, ҳозир шунчалик қаҳрга миндики, асаб торлари бардош беролмай, аччиқ сўзлар тўла халтаси оғзини очиб юборди.

– Нечун титрайсан? Ўша ёв мендин афзалму? Ўз оғангдан-а?! – деди у тишлари орасидан кўпик сачратиб.

Ўлжай оқа йиғлоқи овозда илтижо қилди:

– Мендек ожизани қийнаманг, бу иш кўлимдан келмайдур. Синглингиз шунчалик манфур эмасдур.

«Ҳали шунақами?!» Амир Хусайн «Ўша қайсарлиги, ўша қайсарлигича қолибди» деган гапни хаёлидан ўтказаркан, бу тўғрида гап очгани учун ичида ўзини «ғирт аҳмоқ экансан» дея қаттиқ койиди. «Қондош, жондош акадан кўра, эрни афзал санайдур. Унинг нимасига бунчалик меҳр кўйди?! Эҳ, энди сир очилди. Аёлнинг оғзида гап турмайдур. Амир Хусайн ўз қайноғаси Темурбекни захарламоқчи экан, деган гап-сўзлар раиятнинг қулоғига етса, не деган одам бўлур?!»

– Синглим? – Амир Хусайн ўз сўзини ўтказишга яна бир карра уриниб кўришни кўзлади. – Камолой! – У атайин синглисининг қиз номи билан атадики, зора шу билан ёшлик йилларини, бобосини, саройда ўтказган кунлари эсига тушиб гапимга кўнса, деган хаёлга борди. – Камолой, яхшилаб ўйлаб кўр! – Яна атайин юмшоқ гапирди, юмшоқ гапирсам, балки ўзига яқин олар, деган ўйга ҳам борди. – Мен оғангман! Эр бир кун келиб душман бўлиши мумкиндур. Аммо оға оғалигича қоладур.

Ўлжай оқа кескин бош чайқади:

– Оға, пок кўлимни гуноҳга ботирманг! Ўзингиз ҳам бу йўлдан қайтинг! Аллоҳнинг ғазабидан кўрқинг!

Амир Хусайннинг қорамтир жун босган кўллари мушт тугилиб, яна ғазабдан дир-дир титрар экан, боягидан буён кўнглида ғалаён қилаётган ғазаб тилига кўчди:

– Ўз синглим бўла туриб, ғанимимга ён босмоқдин уялмайсанму?! Мен... мен кимсан Амир Хусайн – Мовароуннахр хукмдорига заррача меҳринг, эътиқодинг йўқму?!

– Оға?... Соябоним? Сиз нотўғри йўлни танлагансиз?

Бу гап Амир Хусайннинг баттар жазавабини кўзғади. Унинг митти сичқон кўзлари кўпчиб турган балғам тусига кирди, чувак юзи коп-қора булут соя солгандек қорайди:

– Ме-е-ен нотўғри ўйлар эканманму?! Мен-а?

Ўлжай оқа энди бор ҳақиқатни айтишга мажбур эди:

– Оға, бу йўл билан мақсадга эришолмайсиз. Келажагингиз бошқа томонда. Менга кулоқ беринг. Куёвингиз Сизга ёмонликни хоҳлаётгани йўқ.

Амир Хусайн тишларини ғижирлатди:

– Қайсар эдинг, қайсарлигингча қолибсен! – у шарт ўрнидан туриб, кимхоб камзулининг зарҳал этагини қаттиқ-қаттиқ қоқиб, чиқиб кетди. Оёқларининг гурс-гурс зарбаси Ўлжай оқанинг кулоқларини қоматга келтирди. Кўллари билан кулоқларини беркитар экан, «ҳаммаси тугади» деган ваҳимали ўйда ҳансираб нафас оларкан, оёқларидан бошланган калтирок бир зумда бутун аъзойи баданига тарқалиб, пешонаси аввал зим-зим қизиди, сўнг куюк тер чикди. «Энди

тамом! Ҳаммаси тамом!» Ўлжай оқа ўрнидан турди. «Бу файзсиз жойдан тезроқ кетмоқ лозимдур».

Амударё узокдан кенг кумуш тасмадек ялтираб кўзга ташланади. Ҳаво иссик. Гоҳ енгил шабада эсади, гоҳ гармсел шамол, чанг-тўзон кўтарилади.

Ўлжай оқа азим дарёдан кўз узмайди. «Суюкли, қадрдон, Она Аму, жаннат дарёси! Сенга етдим. Шукур! Эсон-омон ўтказиб кўйсанг, бегим ёнига шамолдек учамен. Ул зот ҳам йўлимга интиқ-интизор кўз тикмоқдалар!»

Туя бўйнини чўзиб-чўзиб, олдинга томон тикилади.

Султон Бахт бегим пишиллаб ухлайди. Оппоқ юзига офтоб тушган: киприк, қошлари коп-қора ипакдек ялтирайди, жажжи лаблари ёмғир сувига чайилган гилосдек қип-қизил. Ўлжай оқа ҳарир пардани оҳиста суриб кўйди. «Падари бузруквори уни ҳам соғинганлар! Мен у кишини соғинганим каби!»

Кўкда кушлар чуғурлайди. Ўлжай оқа ҳам сезгир аёл: келаётганларида Ҳумо куши ва бургутлар бирга эди, у бургутлар орасидан Ҳумо кушини кидирди, лекин бугун у кўзга ташланмаётган эди. Қаёққа кетди? Ё ўша томонларда қолдимиз?!

Мамат кечаси яхши уйқу олмаган, ҳозир от устида мудраб кетмоқда эди, эрталабгача Ўлжай оқанинг хос хонаси яқинида яширин бир тарзда ўзича қоровуллик қилди. Темурбек жаноблари унга ишонгани учун тан-махрамининг йўлбошчиси сифатида жўнатди. Бу катта ишонч. Ишончни оқлаши керак. Бир неча кун уйқудан қолса, ўлиб қолмайди. Ҳусайннинг одамларига унчалик ишонмагани учун ҳам кечалари шахсан ўзи Ўлжай оқанинг ётоғи олдида қоровул турди. Ким биларди, балхликларнинг қандай ниятлари бор? Вазият ойдин эмас. Бу ерликларнинг қўпол-қўрс муомаласидан билдики, улар Темурбекни ёмон кўрадилар. Келган кунларидан буён тузукроқ меҳмон ҳам қилган эмаслар. Юз навкарни шаҳардан ташқаридаги қаровсиз боғда сақладилар. Ёйиш-ичишларига ҳам яхши қарашмадилар. «Меҳмон – атойи худо». Бу кофирлар муқаддас удумга оёқ қўйдилар. Шундай бўлгач, улардан яхшилик кутиб бўлармиди?!

От кишнади. Мамат чўчиб кўзини очди. Елкалари кенг, кўллари барваста, кенг юзли йигит отининг жиловини тортаркан, Маматга ишшайиб қаради:

– Узр, ака, уйқунгизни буздим шекилли?!

Мамат чапанасига кўл силкиди:

– Ҳечкиси йўқ!.. Хизматлари борму?

Йигит ён-атрофга олазарак боқиб:

– Бор, ака, бор! Зўридан бор! – деди шивирлаб.

– Хўш, нима экан?

– Хуржунимга бир назар ташланг!

Мамат баҳайбат дулдул отга ортилган йўл-йўл жигар тус хуржунга боқди:

– Хўш?!

– Агар бизнинг шартга рози бўлсангиз, шу бойлик сизники бўлади, яъни бир хуржун олтин!

– Шарт нима экан?

– Шарт шуки... – йигит яна атрофга олазарак боқди, Ўлжай оқа кетаётган туя томонга ишора қилиб деди: – Ана у ойим-тиллани Амунинг наҳангларига ем қилиш керак, холос.

Бундай таклиф бўлишини етти ухлаб тушида кўрмаган Маматнинг боши чирпирак айланиб, фикрлари айқаш-уйқаш чувалашди. «Нима дейди? Нима дейди?» У навкарнинг ба-шарасига камчи солиб қолишни ҳам кўзлади. Аммо ҳозир унинг шошқалоқлик қилишга ҳаққи йўқ эди: қош қўяман, деб кўз чиқариши мумкин. Бундай пайтларда «етти ўлчаб, бир кесилади». У навкарга ғазаб билан тикилди. Ҳозир уни кўлга олмоқчи бўлса, тўс-тўполон кўтарилиши аниқ, ордан катта карвон келяпти, қўриқчилари ҳам кўп, балки бу ҳам ўшалардандир.

– Бўпти, ўйлаб кўрармиз, – деди зўр-базўр жилмайиб.

Қуёш тик кўтарилган сайин ҳаво исий бошлади, лаблар қуршаб, оёқлардан мадор кетди, устига-устак, туяларнинг кавшаниши, отларнинг кишнаши, араваларнинг ғижирлаши, одамларнинг ғўнғир-ғўнғир овозлари – дала-даштни ваҳимага тўлдириб келаётган шовқин-суронлар ҳам кишини тезда толиқтирар эди.

Мамат узунчоқ юз навкарини имлади. Навкар отининг бошини буриб, унинг ёнига келди.

– Хуржунли гўрсўхтани назардан қочирма!

Навкар бош эгди:

– Хўп бўлади, хўжам!

Амударё бўйига келиб тушган одамлар салқин ҳаводан баҳра олдилар. Тепаликдаги тўрт куббали карвонсарой йўловчилар билан тўла. Ён-атрофда турли-туман аравалар, той-той пахта, мато-ю, кўзни қамаштирувчи нақшинкор сандиклар, катта-кичик қоплар устма-уст, териб қўйилган. Ҳаммоллар, хизматчиларнинг бир гуруҳи ҳозиргина келган карвондан юк туширмоқда, бир гуруҳи эса юк ортиш билан машғул. Тахта сўриларда, ранг-баранг соябонли шийпонларда қаҳқаҳа, суҳбат, гурунг авжида. Оқ қўлқоп кийган қовурдоқчилар оппоқ чарм дастурхонларда тандир гўшти, қовурдоқ кўтариб, хўрандаларнинг олдидаги чинни, сопол товоқларни ё қовурдоқ, ё тандир гўштига тўлдириб кетишади. Офтоба, елкаларига сочик осган ёш-ёш йигитчалар келганларни ҳам, овқатланиб бўлганларни ҳам қўлларига сув қуйиб, ҳам савоб, ҳам тирикчилик билан машғул юрадилар.

Мамат овқатга қарамади, ҳозир томоғидан қил ҳам ўтмайди. Ўлжай оқанинг ҳаёти қил устида. Агар унга бир гап бўлса, бек олдида не деган одам бўлади? У хуржунли навкарни кидирди. Қаёқда қолди? Ошхоналарнинг атрофини, карвонсаройни қаради, ҳеч жойда йўқ. Ерга кирганми, осмонга чиққанми? Ё қочиб қолганмикин? Ҳали тўлиқ гаплашмади-ку! Факат таклиф бўлди, холос!

Бир соатлардан сўнг уларнинг навбати етди. Катта кема оч тўлқинлар узра қалқиб турар эди. Мамат кемага саралаб-саралаб энг ишончли одамларини олди. Ўлжай оқани ўртадаги хонага жойлаб қайтгач, кема соҳибини чақириб, ҳар эҳтимолга қарши у ёқ-бу ёқни текшириб кўришни, «нариги қирғоққа ўтгунча бир кори ҳол рўй бермасмикан?» деган хавотирда эканлигини айтди. Соҳиб серсокол, қийик кўз киши: «Бундан худо сакласин, биродар!» деди. Барибир, Маматни хавотир тарк этмади, Амудан эсон-омон ўтиб олмагунча кўнгли

тинчимас, бир ишни битирмагунча ҳаловатни ўйламайди. Ҳатто кемага бирор кори ҳол бўлса, Ўлжай оқа билан нора-сида гўдагини қутқариб қолишни ўйлаб, икки навқарга бую-риб, бир эмас, иккита эмас, тўртта тулуп харид қилди. Кема ўрнидан кўзгалгач, тўрт навқарни чақириб, тулупларни ҳавога тўлдиришни, уларда тешиқ борми, йўкми, текшириб кўришни тайинлади. Навқарлардан бири: «Хўжам, вақтлироқ айтганин-гизда қирғоқда дам солувчиларга бериб, осонгина текшириб олардик», деди. Мамат жилмайди: «Дамлагач, сузишга тай-ёр ҳолда турсин!», – деди. Навқар «тушунмадим» дегандек елка қисди-да, иши билан машғул бўлди. Нариги қирғоққа қараган Маматнинг хуржунли навқарнинг ишшайиб қўл сил-китаётганини кўриб, аввалига бунинг маъносига тушунмади. Бу билан нима демоқчи у? Тиржайиб қўл силкиши – «Ишни бажар, кейин гаплашамиз» деганими?! Мамат хавотирга тушди, муздек шамол юзига урилиб турган бўлса-да, юраги қисилди. Навқар ҳамон ўшандай тиржайиб турарди, хуржу-нини елкасига олди, лекин унинг бир кўзи бўш эди. Мамат ростакамига доддиради. «Бетавфик экан-ку! Бу билан: «Ишни бошқага юкладим, сендан ишончлироқ одам топдим, уни ар-зон-гаровга кўндирдим, мана, ярим бойлик ўзимда қолди» демоқчими?! У чўғдек кизиётган қўлларини қаттиқ-қаттиқ силади ва ҳавога тўлдирилган тулупларга боқаркан: «Йигит-ларим жуда чапдаст, Ўлжай оқа ҳам балиқдек суза олади, ке-мага бир гап бўлса, албатта кутулиб чиқамиз. Она Амунинг ўзи бизга меҳрибончилик қилади. Фақат Султон Бахт бегимни шамоллатиб қўйишмаса, бас!» деган ўйни хаёлидан ўтказди.

Қоп-қора булутлар босиб келмоқда, атрофда қандайдир шубҳа оралайди, бургутлар тўлкин ураётган Амдураё узра безовта қанот қоқади, Маматнинг ҳам юраги така-пука. Икки канизакнинг Ўлжай оқани қўлтиқлаганча ташқари олиб чиққанини кўриб, эси чиқиб кетаёзди:

– Нима бўлди, бегойим?

– Кўнглим айнияти, кўнглим, – деди у «ҳечқиси йўк, ха-вотир олманг» деган алфозда. – Бир оз нафасимни ростлай, ўзимга келиб қоларман!

Кема соҳиби безътибор жилмайди:

– Аёлларда кузатиладиган ҳолат. Кеча ҳам биттасининг кўнгли озиб, еган-ичганини ағдарган эди. Эҳ, нозикда бу аёллар, нозик!!!

Мамат: «Бизнинг Ўлжай оқа унчалик нозик эмас», деб ўйлади ўзича.

Она бургут унинг бошини қаноти билан елиб ўтаркан, бўғиқ қичқирди. Маматнинг яна юраги така-пука бўлиб, кўз олдида тиржайиб қараб қолган йигит жонланди-ю, «бир балони бошламадими ишқилиб?!» деган хавотир билан яна Ўлжай оқага қаради, унинг ойдай юзи кўкараётган эди.

Ҳаким Термизий мақбарасининг ён-атрофи зиёратчилар билан тўла. Улар орасида дамашқликни, бағдодлигу ҳазарликларни ҳам, Самарқанду бухороликларни ҳам учратиш мумкин. Бозорда хитойлик, ҳиндистонлик, арабу фарангистонлик, усмонлилару олмонларнинг, булғорларнинг ҳам моллари, зебу зийнатлари қатор-қатор ёйиб қўйилган.

Мамат кирғоққа тушгач, бирор нарсага эътибор бермади: уни ҳозир на мол, на зебу зийнат – ҳеч нарса кизиқтирмас, ҳатто улуғ алломанинг хоки пойини зиёрат қилиш ҳам хаёлида йўқ эди. Липиллаб турган ёғоч зинадан оҳиста тушаётган Ўлжай оқанинг бўғрикқан юзига қараркан:

– Аҳволингиз тузукми, опачим? – деб сўради хавотир олиб.

– Шукур, Мамат иним, тузукмен! – деди у жилмайишга ҳаракат қилиб. – Кема тебранганда, кўнглим бироз бехузур бўлди. Узр! Сизниям хавотирга қўйдим шекилли.

«Хайрият! Хайрият, ҳаммаси яхши ўтди», Мамат енгил нафас олди. «Демак, удалашолмади. Ҳийлалари ўтмади. Энди орамизда сотқин ким ва қайси томондан хавф келиши мумкин? Кешга етгунча ана шу икки ҳолатдан эҳтиёт бўлиб борса, у ёғи – худо пошшо! Ҳозир биринчи галда, сотқинни топиш керак! Ким у? Ва қандай режаси бор? Нималарни кўзламокда у ғаддор?»

Мамат ҳамма дарёдан ўтиб бўлгач, қарвонни бир кўздан кечириб, дарҳол йўлга отланишга буйруқ берди. Тун ярмида

Саримас тизмасидаги тор дарага – Қаҳалкага етиб келиб, эр-талабгача нафас ростладилар.

Ҳар нарсага шубҳа билан қарашга ўрганиб қолган Мамат бу кеча ҳам мижжа қокмай икки навкар билан Ўлжай оқанинг хос чодирни атрофида соқчилик қилди.

Кенг осмон тўлишган ойнинг зар ёғдулари билан мунаввар, юлдузлар шунчалик ғуж-ғужки, нима бало, бу кеча ўн саккиз минг олам инжулари худо ёрлақаган Кеш зиёратига келганми, дейсиз беихтиёр.

Мамат кулумсиради ниҳоят! Ниҳоят-а! Ниҳоят, унинг ҳам кўнгли ёзилар экан-ку! То бу ерга етгунча она сути оғзидан келди-я! Амир Беккичикнинг ўки ҳам унга шунчалик азоб бермаган эди. Ё Худо, шу кунга етказганингга шукур. Соҳибқирон Темурбекнинг олдида юзим шувут бўлиб қолмаганига, ғанимларимизни ўзинг даф этганингга минг-минг шукурлар бўлсин!

Мамат отини жадал ҳайдади. Бир кадам қолди. Ўлжай оқа билан Султон Бахт бегимни хўжасига эсон-омон топширади-ю, Фотима, Зафаржонига томон ошиқади. Уларни жуда соғинди. У ён-атрофига қаради. Сотқинни ҳам топмади. Йўл келгунча гумондорларни кузатди, ўрганди, лекин улардан бирортаси ортикча ҳаракат қилмади. Бундан Темурбекни хабардор қилгани маъқул. Балки, у зот бу сирнинг тагига етар, ҳар ҳолда кимсан Соҳибқирон ҳазрат, ақли-заковати оламни титратишга етадиган амирлардан.

Қароргоҳга яқинлашган сайин пистирмада турган кенг келбатли навкарларга тез-тез дуч кела бошладилар. Улар Маматни кўриб, ортга чекинишар, бирпасда қаёққа, қай туйнукка ғойиб бўлишганини ҳеч ким сезмай қоларди. Ниҳоят, улар гулхан ёкиб, исиниб ўтирган навкарларни кўриб, енгил тин олишди. Етиб келишди, хайрият!

Кенг баҳайбат ёғоч дарвоза олдини, воишли йўлақларни тунги осма чироклар ойдин ёритиб турар, ҳар беш-олти кадамда иккитадан тик қотган соқчилар учрар, ковокларини осиб олишгани боис юзлари янада тунд кўринарди. Мамат сездики, Балх шаҳрида тайёрланаётган фитнанинг совуқ ша-

моллари аллақачон бу ерга ҳам етиб келган, хавфсизликни таъминлаш учун соқчилар кўпайтирилган эди.

Хос хонага етганда Мамат бир зум атрофга бокди: ёғоч устунли баланд айвонлар остидаги қатор кўйилган қозонлардан буғ кўтарилмоқда. Демак, қароргоҳда меҳмонлар бор.

Бошига яшил духоба кийган, ингичка мўйловли, ок-қирмизи юзлари силлиқ эшик оға унга пешвоз чикди. Ҳол-аҳвол сўрагач, ортидан юришни айтди. Даҳлиздаги олтин кандиллар, катта-кичик шамчиروқлар ичкарини чароғон ёритади, деворлардаги зарҳал нақшлар кўзни қамаштиради. Мамат йўлга отланганда қароргоҳнинг шу биносида бухоролик усталар жадал ишлаётган эдилар. Қўллари дард кўрмасин, бинойидек битказишибди. Ёғоч ўймакор эшикдан ўтиб, катта кенг хонага кирдилар. Тўрда бир текис тахталардан тирсак баландлигида кенг сахна қилинган, унга хоразмча қирмизи гиламлар тўшалган, икки томонда нақшинкор ёғоч ўриндиқлар қатор кўйилган. Баланд нақшинкор шифтнинг ўртасида олтин кандил осилган. Нариги эшикдан Темурбек ичкари кирди. Унинг нигоҳи ғамгин, кўзларига дард кўнган. У Мамат билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, ўтиришга таклиф этди. Елкасига сочик тутган йигитча офтобада сув кўтариб кирди. Мамат қўлини ювиб, сочикқа артинди-да, унга ташаккур билдирди. Бироздан сўнг хонтахта устига дастурхон ёзилиб, кўй ва мол гўштидан тайёрланган ковордоқлар, писта, бодом, нон келтирилди. Хизматкор узум шарбати қуйиб узатди. Темурбек кўпроқ Балх шаҳридаги ўзгаришлар, навкарларнинг юриш-туриши ҳақида сўраб-суриштирди. Мамат Ўлжай оқа билан боғлиқ воқеа тўғрисида гапираман, деб фурсат кутди, аммо Темурбек бу ҳақда оғиз очмади. Ўринларидан туриб кетаётган пайтларида фақат Темурбекнинг «Бошқа гаплардан хабардормен!» дейиши унга сирли жумбоқдай кизик туюлди. Мендан олдин ҳам етказадиганлари бор экан-да, деб ўйлади ичида.

Темурбек Ўлжай оқанинг ғамгин юзига боқаркан, не ходиса юз берганини ич-ичидан ҳис этди-ю, томоғига бир

нарса тикилгандек, ўзини беҳол сизди. «Унга оғир, айниқса ҳозир, – ўйлади ичида. – Демак, нобакор оғаси чаёндек чақиб жўнатган. Бу гал ёлворишига ҳам эътибор бермаган кўринади».

– Оғайимнинг жонига қасд қилманг, бегим! – ёлворган оҳангда сўради у. Темурбекнинг кўз ўнгида ожиз нотавон, гурбатга ботган аёл намоён эди. «Қани у дилбар юз, сулув кўзлар?! Қани, кечаги шижоатли Ўлжай оқа?! Унинг ўз ёстикдошига ич-ичидан раҳми келди. «Эй нобакор, уни шу аҳволга солиб жўнатдингми?! Уялмадингми? Виждонинг қийналмадими?!»

– Сизнинг озор чекишингиз мумкин эмас, бегойим. Сиз не десангиз шуни қилурмен. Юрагимни ўртаманг, Камолой!

Ўлжай оқа ялт этиб қаради. «Оғаси ҳам уни Камолой деб ўз номи билан чақирган эди. Бул зоти олийлари ҳам ўз номимни эслаб қолдилар. Эркакларга не бўлди?!»

– Камолой! – такрорлади Темурбек. Лекин бу оҳанг унинг кўнглига чағониён атиридай хушбўй ёқди. Акаси бу исмни тилга олганда, ғазаби қайнаган эди.

– Оғайим билан ўзингиз тил топишасиз, деган умиддамен!

– Ҳаракат қилурмен, маликам! Ва лекин, бизга маълум бўлишича, акангиз ғазаб отига минган. Бу мендан кўра, Сизга аёндур. Аммо мен Сизга ваъда бериб айтаманки, оғангизнинг бурнини ҳам қонатмаймен, ўртада Сиз бор, қариндошлик ҳурмати бор!

Ўлжай оқа тўшакка беҳол чўкди.

Темурбек хавотирланиб сўради:

– Соғлигингиз жойидами, маликам?

– Чарчаган кўринамен, бегим. Мендан хафа бўлманг. Сиз билан ёзилиб суҳбат қилишга ҳолим етмаяпти, юрагим куймоқда!

– Табибни чорлай, ҳолингизни кўриб қўйсин!

– Овора бўлманг, бегим, ҳожати йўқ!

Темурбек унинг юраги ёнаётганидан яна хавотирга тушди. Чарчок аломатими ёки... йўғ-э, бўлиши мумкин эмас. Султон Бахт бегим изиллаб йиғлади.

Эрталабки нонушта пайтида Ўлжай оқа ўзини анча тетик тутди, бир тишлам ширмой нон, ярим чинни коса сут ичди. Сўнг қароргоҳ дарвозаси олдиғача Темурбекни кузатиб борди. Тўшагига келиб чўзилғач, қайт килди. Мамат табибни олиб келганда, ранглари кўкариб, калта-калта нафас олар, ахволи дақиқа сайин ёмонлашмоқда эди. Табиб кўриб бўлиб, Соҳибқирон Темурбекка тезроқ хабар етказишни сўради.

Ташқари чикқан табиб, Маматни имлаб, унга бундан икки кун олдин аста-секин таъсир этувчи заҳар берилганини, **ҳозир** заҳри котил унинг юрагига етиб борганини, **бир-икки соатлик** умри қолганини айтди.

Ичкаридан Фотима Султон Бахт бегимни **кўзда ёши билан** кўтариб чикди.

Мамат ҳовликиб сўради:

– Ҳа, нима гап?

Фотима пиқиллади:

– Бекачим қон қусдилар.

Табиб оппоқ соқолини силади:

– Аллоҳнинг ўзи меҳрибон!

Маматнинг кўнгли ўксиб, лаблари титради. «Эҳ дунё! Дунё! Фариштадек покиза шу аёл, шу иродали, вафодор банданг сенга нима ёмонлик қилган эди? Нега унинг ғаддор акасини эмас, ўзини жазога тортаяпсан? Нега?!»

Кечга яқин кенг осмонни қоп-қора булут қоплаб, аввал довул турди, мўрт дарахтлар қарсиллаб синди, енгил-елпи тикланган ишқом, воишлар ерга кулаб тушди, зардоли дарахтларининг ости тошдек қотган довуччаларга тўлди, қирмиз очилган гуллар ҳазонбаргдек кўкка сочилди. Одамлар бунинг оддийгина йўсинда: «Ҳаво айнаиди» деб қўя қолдилар. Ожиз бандаси сирли табиатнинг Ўлжай оқа учун бағрини тирнаётганини қаёқдан ҳам сеза оларди. Бироздан сўнг шунақа шаррос ёмғир қуйдики, Мамат шу ёшга кириб, табиатнинг бунчалик ўқирганини тушида ҳам кўрмаган эди.

– Отаси?... Зафарбек?

Мамат Фотиманинг таҳликали овозини эшитиб, унга томон югурди.

– Ҳа, нима гап?

– Тезрок келинг! Сизни... Сизни опачим йўқлаяптилар.

Мамат ичкари кирганда, Ўлжай оқа зўрға нафас олмоқда эди.

– Опачим?

Ўлжай оқа беҳол деди:

– Мендан рози бўлинглар, Ма...мат иним!

– Бекачим, бардам бўлинг, соғайиб кетасиз. Ҳали...

Ўлжай оқа кўлини қимирлатди, кўтаришга мадори, қурби етмади.

– Мендан... мендан, айтинлар, бегим ҳам р...рози бўлсинлар! Қизимни... қизимни Сизларга... Мамат иним, Фотима... сизларга ишонамен... ишониб қолдирамен.

Кўзлари кип-қизарган Фотима ожиз пиқиллади.

Ўлжай оқа «уф» деди-ю, боши ўнг. томонга шилк тушди: бироз ўтиб, унинг ҳолати бир пайтлар гул-гул яшнаган тусга кирди, гўё у ҳозир бу фоний дунёдан дорулбакога эмас, балки фаришта мисоли уйқуга кетгандек эди.

Дастлаб уй ичида турганлар уввос тортдилар, сўнгра таналарни зир титратувчи бу йиғи бутун қароргоҳга ёйилди: хизматкорлар, ошпазлар, кир юувчи аёллардан тортиб, соқчилар-у эшик оғагача – барча йиғлади. Гўё улардан ҳар бирининг яқини бу дунёдан ўтгандек эди.

Темурбек кош қораймай етиб келди. Йиғлаб-йиғлаб ҳолдан тойганлар ҳам қайтадан уввос тортдилар. Фақат ҳар куни эртадан-кечгача хуриб турадиган итларгина бурчак-бурчакларда гоҳ-гоҳ ғингшиб кўярдилар. Қушлар ҳам сайрамади бу кеч. Лекин ёмғир борган сайин янада шиддатлироқ, янада авжлироқ ёғар, қароргоҳ йўллари дарёдек сувга тўлиб окмоқда эди.

Ўлжай оқа ётган тўшак бошига келган Темурбек тиз чўкиб пешонасини ушлади:

– Нечун ташлаб кетдинг, маликам? Нечун бу қисматни менга раво кўрдинг?

Атрофда турганларнинг уввоси узоқ-узоқларга эшитилди.

Ярим кечага бориб, ёмғир тўхтади. Пахтадек титилган олачалпоқ булутлар орасидан юз кўрсатган Ой нурида кўзга ташланаётган Тахти Қорача тоғлари ҳам бу кеча ҳар доимгидан кўра бир газ чўкиб, қорайиб, мунғайиб қолгандек эди.

* * *

Орадан қирк кун ўтди.

Темурбек шунча кундан бери аза тутиб, қароргоҳдан бир қадам нари чиқмади. Одам зоти энг ишонган кишисини йўкотса, кўнгил оламидаги дунёга бўлган ҳаваси ҳам сўнади. Бунн бошидан ўтганларгина англаб, ҳис этадилар, холос. Ана шу гапларни кўнглидан ўтказган Темурбек ғанимларининг «битта аёлни деб, уйига қамалиб олибдимми?!» дея гап қилаётганларини билади, майли не деса, десинлар, лекин унинг Камолойи дунёда битта эди, бошқа бундай аёл учраши мумкиндир, аммо қалбини забт этгани бошқа учрамайди. Камолойи учун юз йил аза тутса ҳам камлик қилади.

Кечаси туш кўрди. Ҳумо қуши уни қанотига олиб учди ва у Ернинг унга илҳақ қараб турганини кўрди-ю, ўзидан уялди. «Йигитча, уйда ётаверасизми, зиммангиздаги вазифани ҳам унутманг, дардим кундан-кун оғирлашиб бормокда!» – деди танбеҳ берган бўлиб. Сўнг у ўзини қароргоҳи остонасида кўрди, Ҳумо қуши унинг елкасига кўнди, Ўлжай оқа: «Муборақ бўлсин!» – деди жилмайиб.

– Маликам! Маликам!!!

У ўз овозидан чўчиб, енгил силкинганча кўзини очди. Тонг саломга ошиқаётган палла. Туши экан, туши! Ўлжай оқа – маликаси уни қутлади. Ҳумо қуши елкасига кўндими? Бу яхшилиқдан нишона! Аллоҳ марҳаматига олган бўлсин Сизни, маликам! Ҳали... ҳали яшасангиз бўларди. Ойдин кунлар олдинда эди ҳали!

*1989–1995 йиллар,
Тошкент.*

Адабий-бадний нашр

ТЎЛҚИН ҲАЙИТ

**ВАФО МАЛИКАСИ ЁХУД АМИР ТЕМУР ВА
ЎЛЖАЙ ОҚА ҚИСМАТИ**

Учинчи нашри

Мухаррир И. Сайитқулов

Рассом-дизайнер Ш. Қурбонов

Техник муҳаррир Б. Каримов

Кичик муҳаррир Г. Ералиева

Мусаххих Г. Арипова

Компьютерда саҳифаловчи Ф. Ботирова

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.2009.
Босишга 2018 йил 16 февралда рухсат этилди.
Бичими 84x108^{1/32}. «Газетная пухлая» қоғози.
«Times New Roman» гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 17,22. Нашр табағи 16,56.
Адади 3000. Буюртма № 17-522.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа
ижодий уйи. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz


Ҳайит, Тўлқин
X 19 Вафо маликаси ёхуд Амир Темур ва Ўлжай оқа қисмати
[Матн]/Т. Ҳайит. – Учинчи нашри. – Тошкент: «O‘zbekiston»
НМИУ, 2018. – 328 б.

ISBN 978-9943-28-907-9

УЎК 821.512.133-311.6
КБК 84(59)6

17 391

84(54)6
X, 19



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-907-9



9 789943 289079